

С. АНТОНОВ

ОДИСДАТИ ШУР



132
69

С. АНТОНОВ

ОЛИСДАГИ НУР

ҚИССА

014561

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1974

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ

таржимаси

Антонов С.

Олисдаги нур. Қисса. (О. Шарафиддинов таржима-
си.) Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
205 б.

Владимир Ильич Ленин ГОЭЛРО планининг ташаббускори бўлганини яхши биласиз. Атоқли рус совет ёзувчиси Сергей Антонов ўзининг ушбу китобини буюк доҳий фаолиятининг ана шу қиррасига бағишлаган. Муаллиф Совет Иттифоқининг ҳозирги кунда буюк индустриал мамлакатга айланишининг асоси бўлган ленинча электрлаштириш плани ва доҳийнинг бу соҳадаги жўш-қон фаолиятини юксак бадий формада акс эттириб берган.

Антонов С. Огонек вдалеке.

P2

1. РОССИЯ, ЙИГИРМАНЧИ ЙИЛ...

Аланга борган сари зўрайиб, бурала-бурала юлдуз-сиз осмонга ўрлайди. Ғувиллаб, пишқириб, атрофга учқун пуркайди. Йўл устига, дасторгуллар қоплаган кўкаламзор майдонга, кўл сатҳига, боғдаги дарахтларга куйиндилар учиб тушяпти.

Қишлоқдан овлоқроқ жойда ёлғиз қаққайиб турган икки қаватли катта иморат ёнмоқда. Иморатнинг икки ёнида қатор турган қари арғувонларнинг шохи бир зумда алангаланиб, бир неча дақиқа ичида куйиб тамом бўлмоқда.

Ёнғиннинг ғувиллаши олис-олисларга ҳам етиб боряпти.

Ёнғин тун яримдан оққанда — соат учларда бошланди. Қишлоқдагилар жом чалишиб, бир зумда «Фоминники» деган тўхтамга келишди. Эгалари чиқариб юборилгандан бери ҳувиллаб ётган Фоминнинг собиқ иморатидан бошқа бу теварак-атрофда бунчалик гуриллаб ёнадиган катта бино йўқ эди.

Ёнғинни кўриб, бировлар қўл силтаб қўя қолди, бировлар томоша қилгани югурди.

Кўлнинг юқорисидagi арғувонзор боғ ичига ўрнашган, ёнбошида хизматкорларга аталган бино билан, қазноқу-омборга ўхшаш сон-саноқсиз уйчалари бор бу иморатнинг қурилганига камида юз йил бўлган. Иморатнинг муҳташам хоналарида дворян Фоминларнинг бир неча авлоди соядай яшаб ўтди. Уларнинг баъ-

зиларидан яхши, баъзиларидан ёмон хотиротлару, қишлоқ черковининг ҳовлисида мармар қабрлар қолди.

Ёнғинни томоша қилгани югуриб келганларнинг кўпчилиги илгарилари бирон марта ҳам бу уйнинг остонасидан ҳатлаб ўтмаган. Айтишларича, уй ичида дубдан ясалган юмшоқ ўриндиқлар кўп бўлар экан. Деворларида Фоминнинг ота-боболарининг қорайиб кетган суратлари осиглиқ тураркан. Бу ерда истиқомат қиладиганлар каклик билан янги тутилган балиқни, қовурилган қўзиқоринни, ўрмонда ўсадиган ҳар хил мева-чеваларни яхши кўришар экан. Буларнинг ҳаммасини чит ё пойафзалга муҳтож бўлган аёллар келтириб туришар экан. Бу уйда арақ ичишмас экан, фақат коньяк билан вино истеъмол қилишар экан. Уйда рояль ҳам бор экан. Ёз пайтлари иморат ёнидан ўтган-кетганлар очиқ деразалар орқали роялнинг ёқимли куйини эшитишар экан.

Ҳозир ана шу иморат гуриллаб ёняпти. Иморат билан бирга ўтмиш ҳам мангу ёниб битаётгандай туюлди.

Ҳеч ким ёнғинни ўчиришга уринаётгани ҳам йўқ.

Ичкаридан ўт қўйилган иморат савлат тўкиб, анча ёнди. Аллақанча ёғоч харидан хариға сакраб ўтаётган очкўз алангага ем бўлди, бироқ ҳали уйнинг шифти ҳам, томи ҳам қулаб тушганича йўқ. Ёнғиннинг гуриллаши ичида алланиманинг қарсиллагани эшитилди.

— Ўққа ўхшайди!— деди устига апил-тапил эски почанўстин ташлаб олган деҳқон ғазаб билан.

— Ўхшайди эмас, айни ўзи!— унинг гапини маъқуллади шинель кийган чўтир деҳқон.— Бизга атаб яшириб қўйишган экану, ишлатишга улгуришмаптида, аблаҳлар...

— Тегиб-нетиб кетмасмикан?— хавотирланиб сўради чўтирнинг ёнида турган жувон.— Ким билсин... Бирон икки пудлик яшиқ варанглаб портласа, тамом. Томошани кўраверасан...

— Нарироқ туринглар, хотинлар! — деб қичқирди жувон. — Ўқ портлаяпти!

Аланганинг ўйинидан кўзини ололмай маҳлиё бўлиб тикилиб турган Фёдор Васильевич Покровский истар-истамас аёлга ўгирилди.

— У ерда ҳеч қанақа ўқ йўқ. Уй — ёғоч уй. Харилар қуруқ, шунинг учун қарсиллаяпти.

Чўтир энсаси қотиб, кузлик енгил пальто кийиб олган кўзойнакли Фёдор Васильевичга ўқрайди:

— Сен қаёқдан биласан?

— Биров билиши керак-ку, ахир?

Чўтир бир нималар деб минғирлади-да, қўшнисидан сўради:

— Ким ўзи бу?

Унга Фёдор Васильевичнинг ўзи жавоб берди:

— Агар билгилари келса, айта қолай, — у атайин тавозе билан таъзим қилди, — мен энергетика бўйича мутахассисман.

— Бу нима деганинг? Демак, нонимизни туя қилгани келганмисан?

— Ҳа, нон деб келганман, — унинг галини такрорлади Фёдор Васильевич оловга чулганган иморатга хо-муш тикиларкан.

Иморат эса ҳали ҳам қулагани йўқ, ҳатто шифти билан томи ҳам ўрнида эди. Шамол йўқ. Гуриллаган алашга аввалгидай осмонга ўрлайди.

Фёдор Васильевич таслим бўлишни истамаётган иморатга жонли махлуқдай таъзим қилди-да, орқасига қайтди. Аввалига у оловдан кўзи қаманиб, қоронғида ҳеч нарсани ажрата олмади. Тусмоллаб қадам ташлар экан, дарвозанинг шу томонда эканини, дарвозадан чиқса, йўлга тушиб олишини эслади. Покровский поменчикларнинг мулкларига бешинчи, ўн еттинчи, ўн саккизинчи йилда ҳам ўт қўйилганини яхши биларди; бу иморатлар ичида қанчадан-қанча маданий ва ба-

дий бойликлар ёниб кетди. Уларсиз Россия аввал-
ги Россия бўлолмади.

Буни қарангки, иморатларга йигирманчи йилда ҳам
ўт қўйишаётган экан. Бундан кейин ҳам қўйишса
ажаб эмас. То эскидан ному-нишон қолмагунча, ўт қў-
йиб, ёндираверишса керак.

Кўприкка етганда Фёдор Васильевич тўхтаб, орқа-
сига қаради. Арғувонлар устида осмон қип-қизил —
қонталаш бўлиб кетган, учқунлар сачраб баландда сўн-
моқда эди. Иморат эса ҳамон ўрнида.

«Билмас эканман,— ғамгин хаёлидан ўтказди
Фёдор Васильевич.— Дубдан ясалган уйларнинг учқу-
ни қарағай уйларникига қараганда баландроқ сачрар
экан... Шунин билмас эканман...» У йўлида давом этмоқ-
чи эди, жулдур чопонли деҳқонга кўзи тушди. Фёдор
Васильевич уни кутиб турди-да, етиб келгандан кейин
ёнма-ён кетди. Аввал индамай борди, кейин чидаёлмай
сўради:

— Нега ўт қўйдиларинг? Шу иморатда мактаб оч-
са бўларди-ку!

— Албатта, бўларди... Очганда ҳам, қулинг ўргил-
син мактаб бўларди... Лекин бўлмади-да.

— Нега бўлмади?

Калта пўстинли деҳқон «ҳолва деган билан оғиз чу-
чимайди» дегандай елка қисди.

— Ким ўт қўйди?

Деҳқон мийиғида кулди:

— Саволингиз қизиқ... Орзумандлар кўп...

Фёдор Васильевич ортиқча гаплашгиси келмади.
Иттифоқо, калта пўстинли деҳқон ҳам алланимага хўр-
синиб, индамай кетаверди.

Фёдор Васильевич Покровский Битюков деганнинг
пичанхонасида тунаган эди. У пичанхонага қайтиб ке-
либ, на ўн қадоқ уинини, на икки кўйлагини қўйиб кет-
ган жойидан топди. Кўйлаklarини эрталаб ғаллага
алиштирмоқчи эди-я. Атайин, шунинг учун тунаб қол-

ганди. Фёдор Васильевич индамаса ҳам, хўжайин «ҳеч гапдан хабарим йўқ» деб қасам ичди.

Эрталаб, каллаи-саҳарда Фёдор Васильевич темир йўл станциясига етиб борди.

Қоп орқалаган одамлар вагонларнинг зинасидан, томларидан бир-бирини тортқилаб туширмоқда. Одамлар буферлардан йиқилипти... Писта пўчоқ қоплаган ифлос перрондан тортиб тарс ёрилиб кетишга чоғланиб турган осмонга қадар ҳамма ёқда сўкиниш, бениҳоя ибосиз, шарм-ҳаёсиз сўкиниш ҳукмрон эди...

Бу ғала-ғовур ва қўпол ҳаракатлар қаршисида Фёдор Васильевич ўзини жуда ожиз сизди. У бутун вужуди билан ўзининг бу тала-тўполонлардан ташқарида эканини ҳис қилди... У уйдан йўлга отланиб чиқаётган вақтдаёқ, қўлидан келмайдиган ишга киришганини билган, бирон дурустроқ натижага эришолмаслигига кўзи етганди. Аммо на илож — касал ётган хотинига ёрдам беришга уринмаса бўлмайди. Энди ҳамма нарсани ўз кўзи билан кўргандан кейин, ўзига ўхшаганлар яшаёлмайдиган замонлар бошланганига тушунди.

Бошқалар қатори бўлиш учун «Омон қолиш керак! Нима бўлса ҳам тирик қолиш керак!» деган фикрдан бошқа ҳамма нарсани миядан чиқариб ташлаш лозим. Фёдор Васильевич бунга яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам бошқалар қилаётган ишни қилишга юраги бетламасди.

Фёдор Васильевич нима қилишини билмай, перрондаги тиқилинчда ҳаммадан туртки еб, дакки эшитиб юрар экан, ҳар лаҳзада сиполигини қўлдан бермасликка уринаётгани бемаъни туюлаётганини ҳис қиларди. У нафасини ростлаш учун бир чеккага ўтмоқчи бўлган эди, оломон ўзи билан судраб вагонга олиб кириб кетди. Бу ҳақиқий «пассажир» поезди экан. Фёдор Васильевичнинг билети бўлмагани учун, уни «буржуй» деб сўкишиб, Москва яқинидаги станцияда тушириб юборишди.

Фёдор Васильевич Москвага пиёда етиб олишни жазм қилди. Йўл-йўлакай бирон арава учраб қолиши мумкин. Илтимос қилса, чиқариб олади. Чиқармай ўлибдими, ахир рус халқининг қалбида эзгулик паққос йўқолиб кетмагандир.

Мутлақо нотаниш қишлоқларда одамлар, айниқса, аёллар ва болалар унга ҳурмат билан салом беришарди. Фёдор Васильевич алик олар экан, нотаниш одамни қутлаб, салом беришдек ажойиб одат ҳам вақти келиб йўқолиб кетажagini ўйлаб, хомушланди.

Афсус, минг афсус...

Бироқ революция унинг учун ва унга ўхшаганлар учун қилинган эмас. Покровскийнинг ўзи халқ ичидан чиққан ва ҳамиша буни ёдида тутарди. Ана шу халқ учун, афтидан, революция зарурга ўхшайди. Ер мужикнинг қўлига ўтди-ку! Ўзиники! Улар учун мактаблар, ҳатто университетларнинг эшиклари ланг очилди... Бу революцияда бир гап бор...

Фёдор Васильевич йўл-йўлакай одамларнинг яхшилигига дуч кела борди. Бировлар у билан нонини баҳам кўрди, бировлар сув бериб чанқоғини қондирди. Одамларнинг яхшилигини кўрган сари Фёдор Васильевичнинг дарди зўрая борди: «Булар ҳам йўқолиб кетади... Буларнинг ҳаммаси барҳам тонади...»

Яхшилик — халқ ҳаётининг устунларидан бири. Одамларнинг яхшилиги бўлмаганда, Федя Покровский ҳеч қачон ҳозирги даражасига етолмаган бўларди. Унинг ота-боболари деҳқон ўтган. У қишлоғидаги черков мактабида уч қиш ўқиди. Куз ва баҳор пайтларида ўқиёлмади — рўзғор тебратишда оилага қарашиши керак эди. Агар маҳаллий черковнинг отахони Александр бўлмаганда, у умрбод қишлоқда қолиб кетарди. Тийрак боланинг зеҳни ўткирлигини кўриб, Александр Федянинг ота-онасини ўғлини шаҳар мактабига юборишга кўндирди. Кейин ўзи ҳам уездга бориб, ҳар хил жой-

ларга ёзиб, уни гимназияга қабул қилишларига ёрдам берди...

Йўл-йўлакай дуч келган одамлар Фёдор Васильевич илтимос қилмаса ҳам, уни аравага чиқариб олишарди. Хайрлашаётганда, яхши тилаклар тилаб, маслаҳатлар беришарди.

Ана шундай меҳрибон одамлардан бири билан у адашиб, катта йўлдан четга бурилиб, анча ичкарига кириб қолди. Бу жойдан Подольск шаҳри кўриниб турарди.

Фёдор Васильевич тасодиф туфайли бу ерга келиб қолганидан заррача афсусланмади. Подольсккача камида йигирма чақирим келади, бироқ ҳаво қуруқ ва очиқ бўлганидан шаҳар аниқ кўриниб турибди.

Горкига яқин қолганда Фёдор Васильевич деҳқон билан хайрлашди, олисда кўриниб турган шаҳарни бир оз томоша қилиб турди-да, катта йўл томон юриб кетди.

Сира кутилмаганда Фёдор Васильевич торгина сўқмоқ йўлда соддагина қийинган Ленини ва майсазорда югуриб юрган бир болани кўриб қолди. Улар Покровскийдан анча олдинда эдилар. Покровский бугун якшанба эканини эслади. Афтидан, Ленин дам оладиган уй яқин ўртада бўлса керак.

Ҳар қанча кўнгли чопиб турса ҳам, у ҳозир Ленин билан учрашишга журъат қилолмади. Кўриниши ночор, кайфияти суст бўлса... Унинг тўғрисида Ленин нима хаёлларга бориши мумкин, «жуда эзилиб кетибди-ку, бечора» деган гап кўнглига келмайдими?

Владимир Ильич билан у бир вақтлар аллақайси мажлисда учрашган эди. У бу одам ҳақида анча нарса биларди: унинг қандай оиладан чиққанидан, қаерда ўқиганидан, қайси мамлакатларда бўлганидан, нимани ҳаётининг мақсади қилиб қўйганидан хабардор эди. Билгани учун ҳам унга қойил бўлмай иложи йўқ эди. «Қандай улкан ишга журъат қилди-я!» Албатта, бу ишдан охир-пировардида нима чиқиши ҳали ҳеч кимга

маълум эмас, бироқ мақсад улугвор... Фёдор Васильевич, Ленин ҳам ўзи ёлғиз қолган пайтларида кўнглида аллақандай ташвишлар пайдо бўлишига ишонарди. Ахир, у ҳам одам-ку! Қанчалик доҳий бўлмасин, барибир, юраги ва асаблари бор-ку!

Покровский хаёл оғушида кетиб борарди.

Покровскийлар истиқомат қиладиган уйнинг яқинида икки қаватли эски иморатда ҳарф терувчи Ладигин деган одам яшарди. Фёдор Васильевичнинг хотини врач бўлгани учун, баъзан Ладигиннинг хотини тоби қочиб қолганда, унга тиббий ёрдам кўрсатиб тургувчи эди. Ладигиннинг ўзи ҳам, опаси ҳам касалманд одамлар эди — ҳар иккови ҳам юрак ўйноғи дардига чалинганди.

Бир куни ана шу ҳарф терувчи Василий Семёнович Покровскийларникига келиб қолди.

Покровский босмахона ишчиларини машинистлар, механиклар қатори мияси бутун одамлар деб ҳисобларди. Улар анча гаплашиб қолишди.

Ладигин креслода омонат ўтириб, яқинда ўртоқлари билан бирга Кржижановскийнинг электрлаштириш ҳақидаги китобчасини босишганини гапириб берди. Россияда электр нури бўлади! Китобчани анчадан бери ишламаётган совуқ босмахонада босишибди. Китоб босадиган машинани қўлда айлантимишибди...

Ленин илтимос қилгани учун босишибди. У буюрмабди, фармойиш бермабди, атиги, илтимос қилибди...

«Одамларни, ҳатто уни ҳеч қачон кўрмаган ва ҳеч қачон кўрмайдиган одамларни ҳам унга жалб қиладиган куч нимада? Уни бошқалардан ажратиб турадиган куч нимада?» — Фёдор Васильевич ҳамон ўй суришда давом этарди.

2. ДАЛАЛАР ВА ЎРМОНЛАР ҚЎЙНИДА

Қуёш кўтарилиб қолди. Қуюқ соялар қисқариб, яшил ўрмонларнинг туси ўзгарди — қуёш нури қўйнида равшанроқ бўлиб қолди.

Эгнида охори тўкилган костюм, бошида шапка билан Ленин қўлларини шимининг чўнтагига тикқанча гилдираклар чуқур из қолдирган йўлдан кетиб бормоқда.

Унинг орқасидан яқинда «Горки» совхозига кўчиб ўтган ишчилардан бирининг тўққиз яшар ўғли Вася эрғашиб боряпти. Ленин боладан ота-онасини, мактабдаги севимли машғулотлари, яхши кўрган китобларини, аввалги турган жойларини суриштирарди. Бироқ суҳбат ҳеч кутилмаган жойда узилиб қоларди: Вася даладаги гуллардан гулларга кўчиб, учиб юрган капалаклар кетидан қувиб, тез-тез ҳар томонга югуриб кетарди.

Йўл узра тўрғайлар узлуксиз сайрарди. Владимир Ильич тўхтади, бошини орқага ташлаб, қўли билан кўзига тушаётган шуълани пана қилиб, улардан ақалли биронтасини кўришга уринди. Бироқ уни кўриш осон эмасди, тўрғай елпиғичга ўхшаган қанотларини тез-тез қоқиб, ҳавода муаллақ туриб қолгандагина уни кўриш мумкин. Ленин шу дақиқани кутиб, анчагача осмонга тикилиб қолди.

— Кўринмаяптими, Владимир Ильич? — сўради Вася.

— Кўринмаяпти, Вася...

— Мен ҳам ҳеч кўролмаяман... — деди бола хафа бўлиб. — Жуда тез учади-да...

— Тез учмай ҳам кўрсин-чи...

Владимир Ильич юриб кетди, Вася эса яна тевааратрофга аланг-жалаанг кўз тика бошлади — беданинг гулидами ёки бирор гулнинг шохидами қанотлари сапсариқ капалак қўниб турмаганмикин?

Ўрмон ортидан оппоқ булут сузиб чиқди — у думи узун балиққа ўхшарди. Булут аста-секин юқорига ўрмай бошлади. Турли шаклга кириб, тобора баландлашиб бораётган булутни кузатганча, Ленин аста одимлаб борарди.

Владимир Ильич булутлардан кўз узди. Қаршисида

бир тиланчи турарди. У ошиқмай Ленин томон юриб келди-да, бир неча қадам қолганда муте қиёфада тўхтаб, туриб қолди.

Чолга кўзи тушган Фёдор Васильевич ҳам қадами-ни секинлатди.

Тиланчилар ҳатто жазирама иссиқда ҳам кўйлакчан юрмайди. Бу чол ҳам ямалавериб қуроқ бўлиб кетган тўн кийиб, белини чилвир билан боғлаб олган, оёғида чорик, елкасида бўш халта шалвираб турарди. Унинг бори-буди шу, холос.

Владимир Ильич яқинлашганда тиланчи қўллари-ни кенг ёйиб, чўқинди-да, оқ сочли бошини ҳам қилиб, қўлини чўзди:

— Ўғлим, худо йўлига садақа қил...

Фёдор Васильевич нима бўларкин деб қараб турди.

Ленин костюмининг ички чўнтакларини кавлаштириб, чолга қоғоз пул узатди.

Чол қуйи эгилиб таъзим қилди:

— Раҳмат, ўғлим...

«Жуда яхши! — курсанд бўлди Фёдор Васильевич. — Ҳатто ўзинг ўйлаб топган энг яхши тузум ҳам одамларга меҳр-шафқатли бўлиш бурчидан, уларга шахсан ёрдам бериш бурчидан халос этмайди... Буни қонунга ишониб топшириб қўйиш, қонунни парда қилиб, ҳаётдан юз ўгириш осон гап... Жуда яхши!..»

Тиланчи қаддини ростлаб, қуёшда ялтираётган сип-силлиқ ҳассасига таяниб йўлида давом этди. Ленин ҳам ўз йўлида давом этди.

Ленин ўз ҳаётини, машҳур ёзувчи айтганидек, меҳнаткаш халққа чексиз муҳаббатга сарфлашини ҳамма биларди, бироқ унинг қалбида одамларга нисбатан пинҳона меҳр-шафқат туйғуси ҳам борлигидан фақат яқинларигина хабардор эди. Гадога берилган садақа ана шу туйғунинг ифодаси эди. Қашшоқликни бутун вужуди билан ёмон кўрадиган Ленин ҳозир туйғуси ошкор бўлганидан азобга тушганди.

— Владимир Ильич, — у Васянинг овозини эшитди, — мен яқинда тиланчи хотинни ҳайдаб юбордим...

Владимир Ильич тўхтади, қўлини боланинг бошига қўйиб, меҳрибонлик билан пешанасини силади.

— Нега уни ҳайдаб юбординг?

— Ўзим... — мужмал жавоб берди Вася. — Нега тиланчилик қилади бўлмаса?

— Очликдан бўлса керак-да, Вася.

Бола бурнини жийирди.

— Сиз унга садақа бермайсиз деб ўйлагандим, — деди Вася.

— Нега энди?

— Сиз ахир ҳамма учунсиз-да...

— Ҳм... Қани айт-чи, Вася «ҳамма» деганинг ким?..

— Одамлар-да...

— Ана кўрдингми, ҳамма гап шунда...

Бола ўйланиб қолди, лекин лаҳза ўтмай, капалакни кўрди-ю, унинг кетидан қувиб кетди. Отасининг тарбиясини кўриб, катталарнинг гап-сўзини эшитиб, мактабда ўқиб, катта бўлган Ленин билан ҳозир қаршисида турган Ленин гўёки бир-биридан фарқ қиладиган икки Лениндай туюлиши Васянинг хаёлига келармиди? Бу Лениннинг бири — жаҳон пролетариатининг доҳийси, буржуйларга қарши, иккинчиси эса у билан сайр қилиб юриб, тиланчига садақа беради.

Тиланчи қишлоққа йўл олди...

Қадимий кўҳна Россия йўллар узра чанг қўйнида ётипти. Бу ердан кўринмайдиган уйнинг мўрисидан чиқаётган тутунда ҳам, тепалик устида қаққайиб турган қудуқнинг лайлагида ҳам, дунёнинг ўзи каби мангу бўлмиш «Худо йўлига садақа қилинг!» деган илтижода ҳам кўҳна Россиянинг руҳи бор. Ҳа, Лениннинг тақдирини Ватан тақдири билан бир умрга бирлашиб кетган.

Бақувват, битмас-туганмас ғайратга, иродага тўла, қайноқ ҳаётий кучга эга бўлган Ленин баъзан ўзи ҳам бир куни ўлиб кетгани мумкинлигини ўйлаб кетарди.

Марк Тимофеевич¹ ўлди, Свєрдлов ўлди, ўзи ҳам ўлади. У ҳамма ниятига етиб улгурмаслигини, кўнглидаги ҳамма ишларни бажариб бўлмаслигини биларди. Ҳеч бўлмаса битта нияти рўёбга чиқса — ҳаётни садақа сўрашга ҳожат қолмайдиган даражага келтиришга улгурса, майли эди...

У ҳаётини бахш этган ишининг ғалаба қозонишини яхши билар, бунга астойдил ишонарди. Бир замонлар унинг ҳамфикрлари бир кичик гуруҳдангина иборат эди. Ҳозир эса уларнинг ғоялари Россияда ва революция уйғотган жаҳоннинг ҳамма бурчида ўнлаб, юзлаб меҳнаткашларнинг қалбида ҳоким! Партияда эса оқил ва ишга садоқатли раҳбарлар иш кўрмоқда. Дунёдаги биронта бошқа партияда уларга тенг келадиган раҳбарлар топилмаса керак.

Ишнинг ғалабаси муқаррар, лекин шундай бўлса-да, унинг асосий қисми рўёбга чиққанини кўриб кетса, дуруст бўларди...

Йўлдан бир неча қадам нарида ўрмон даҳанасида Ленин гуллар очилиб ётганини кўрди ва уларни тера бошлади: уйга гулдаста олиб боргани қандай яхши! Ленин боғда битадиган гулларни ёқтирмас эди: улар аллақандай сунъий, жонсиз кўринади. Йўқ, боғ гуллари унча эмас, дала гуллари — бошқа гап. Улар ўз-ўзи-ча ўсаверади, уларни ҳеч ким парвариш қилмайди, ёгин-сочинлар ҳам, табиий офатлар ҳам уларни бўйсундиროлмайди. Одамлардан ҳеч нарса талаб қилмай, уларнинг кўзини қувонтириб ўсаверишади, гуллайверишади.

Ўрмонга яқинлашган сари дасторгуллар ва қўнғироқ гуллар бўйдорроқ бўла борди. Бу ерга камроқ ёруғлик тушса керак, улар қуёшга интилиб, ўсиб кетган...

¹ Марк Тимофеевич Елизаров — Анна Ильинична Ульянованинг эри. Темир йўллар халқ комиссари бўлган, страхование ишлари Комиссарлигига раҳбарлик қилган.

Қўққисдан Ленин йўл устида Фёдор Васильевични кўриб қолди, кўрди-ю, лекин танимади.

Фёдор Васильевич тараддудланиб, салом берди-да, йўлида давом этди.

Ленин қаддини ростлади, бош ирғаб «алик» олди, Покровскийнинг орқасидан тикилиб туриб, эслади: «Ўша шекилли...»

— Владимир Ильич! Владимир Ильич! — Васянинг овози эшитилди. — Қаранг, қанақа капалак тутдим.

Вася кафтига бир нарсани қисиб олганича чайқала-чайқала югуриб келмоқда эди.

— Буни қаранг, Владимир Ильич!

Вася гўё қўлидаги хазинаси учиб кетадигандай эҳтиёткорлик билан кафтларини бир оз очди. Ленин энгашиб, уни томоша қила бошлади.

— Чиройлими? — сабрсизлик билан сўради Вася шаънига мақтовлар кутиб.

— Шошма, тўхтаб тур, — деди Владимир Ильич. У ҳар қанча интилганига қарамай, ҳеч нарса кўролмади. — Кафтингни сал оч...

— Учиб кетади-да... — деди хавотирлик билан Вася.

— Бир оз очсанг бўлади...

Вася тилини чиқариб, оҳистагина бармоқларини бўшатди. Владимир Ильич унинг кафтига зўрға сиғиб турган, сапсариқ қанотида қора холлари бор катта капалакни кўрди. Унинг ранглари жуда чиройли эди. Қора холлар туфайли сариқ ранг жуда ёрқин кўринар, қора ранг ҳам ўз навбатида қуюқ ва тўқ товланарди. Қанотининг қуюқ томони сидирғасига сариқ — унда қора нуқталар кам эди.

Ленин капалакка тикилган сари табиатнинг ана шу мўъжазгина махлуқидан кўпроқ завқ олди. У кўпдан бери капалакни яқиндан кўрмаган эди. Бунақасига эса умуман дуч келмаганди. Ё кўрганмикан?

— Бунинг номи нима? — қизиқиб сўради Ленин.

— Владимир Ильич, ўзингиз билмайсизми? — ажабланди Вася.

— Йўқ, Вася, билмайман...

— Билмайсиз?..

Лениндай катта одам билмаган нарсани билишидан бола жуда хурсанд бўлди. У яна такрор сўради:

— Ростдан билмайсизми?

— Рост.

— Бу — махаон-ку, Владимир Ильич!

— Махаон дегин, — такрорлади Ленин ва бир кўзини қисиб, яна Васянинг кафти орасидаги тирқишдан мўралади. — Йўқ, — деди у ниҳоят қатъият билан, — бунақасини аввал кўрмаганман.

Вася кафтида Лениннинг илиқ нафасини ҳис қилди, унинг бўйнидан баландроқда сал-пал жингала бўлиб турган сочини, бақувват елкаси ва бўйнини кўрди... Утган якшанбада ушлаган капалагини Гриша, Оля ва Циганок ҳам мана шундай томоша қилишган эди. Катталар бунақа томоша қилишни билмайди. Биронтаси ҳам...

— Ажойиб махаон экан, — деб Владимир Ильич яна бир мақтади ва Васянинг илиқ кафтидан қўлини олди.

Кейин Ленин Васяни етаклаб, йўлда давом этди. Узун думли балиққа ўхшаган булут чўзилиб, шаклини йўқотди. Унинг ёнида семиз — бақалоқ қўзиқоринга ўхшаган бошқа булут пайдо бўлди.

Ленин Васядан сўради:

— Чарчамадингми?

— Менми? Мен, Владимир Ильич, баҳорда ҳам, ёзда ҳам эртадан-кечгача чопиб, чарчамайман...

— Дарсни ким қилади?

— Қайси дарсни? Бизга кам вазифа беришади.

— Нега энди?

— Подшо замонларида болаларни эзишган, ҳозир эзишмайди...

— Шунақами? Қизиқ! «Эзишмайди» дегин,— Ленин кулиб юборди.

— Йўқ...

— Сизларга ашула ўргатишадими?

— Ҳа... «Қўзғол лаънат-ла тамғаланган...»

— «Интернационал»ними?

— Ҳа...

— Яна нимани ўргатишади?

— Янами?— Вася ўйланиб қолди.— Бошқа ўргатишгани йўқ. Уйда ўзимиз ҳар хил қўшиқларни айта-миз.

— Қайсиларини айтасизлар?

— Ермак тўғрисидагини...

— Яхши қўшиқ...

— Менга ҳам ёқади, Владимир Ильич.

— Яхши қўшиқ, Вася,— деб такрорлади Ленин ва бир замонлар ўзи ҳам бу қўшиқни куйлаганини эслади.

Ленин қуёшнинг чарақлаган нуридан ҳузур қилиб, зангори осмон гумбази остида сайр қилиб, тўрғайларнинг сайрашини эшитиб, Васянинг қуруқ ва дағал қўлини ушлаб, ўтлоқлар ва ўрмонларнинг илиқ ҳавосидан тўйиб-тўйиб шимириб истироҳат қиларди.

— Ажойиб кун... Ажойиб кун...— деб такрорлади Ленин ва эртаги кунни ўйлаб кетди. Эртага эрталабдан у яна иш столига ўтиради ва сон-саноқсиз ишларни ба-жаришга киришади. Айниқса, улардан биттасига у астойдил киришади. Ажойиб кун...

3. ВАЗИФА

Ҳамма нарса ўтиб кетади: сон-саноқсиз йиллар давом этган студентлар ва ишчилар тўғарақларига туну кун қатнашлар ҳам, яширин фаолият ҳам, махфий уйлардан уйларга кўчиб юришлар, қамоқ, сургун, муҳожирликдаги ҳаёт ҳам, уруш ҳам — ҳаммаси, ҳар қанча муҳим бўлмасин, ўтиб кетади. Буларнинг ҳаммаси май-

донни тозалаш, холос. Бу майдонда ҳали янги дунё қурилиши керак.

Партия улуг ишини муваффақият билан бажарди. Бироқ, бу улуг иш ҳар ҳолда тайёргарлик иши эди, холос. Энди унинг тарихий вазифаси бошқа — қуриш, яратиш. Ана шу мақсад туфайли эски дунё вайрон қилинди...

Ахир, энг муҳими — қурилиш майдонидан қанча тош, қанча ахлат чиқариб ташлаганингда эмас, қандай бино бунёд қилганингда!

Фақат энди — йигирманчи йилга келибгина, яратиш планини тузишга ва амалга оширишга киришиш мумкин бўлди.

Ленин якшанба куни ҳузур қилиб ўйлаётган нарсая Россияни электрлаштириш плани эди. Бу халқ хўжалигини тиклаш бўйича тузиладиган ягона умумий планининг асоси бўлиши керак.

Электрлаштириш планини амалга ошириш ҳақидаги фикр — Лениннинг энг ардоқли фикрларидан бири эди, у электрлаштириш ҳақидаги китоблар ва мақолаларни жуда қизиқиб ўқирди. Афсуски, бу китоблар немис ва инглиз муаллифлариники бўлиб, улар мамлакатда бақувват саноат ва яхши уюштирилган қишлоқ хўжалигининг мавжудлигига таяниб мулоҳаза юритишарди. Буларнинг ҳеч қайсисини Россия етти ухлаб тушида ҳам кўрган эмас. Шундай бўлса-да, бир нарсая равшан: электр қувватисиз олға силжиш мумкин эмас.

1917 йилнинг декабрь ойида Совет ҳокимияти эндигина оёққа тура бошлаган кунларда Ленин кечаси тиниб қолган Смольнийда машҳур энергетик Винтердан электр қуввати ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги янги муваффақиятларни суриштириб аниқлади. Бу суҳбатда Владимир Ильич Москва яқинида — Шатурадаги торф майдонида қудратли электростанция қуриш ниятини муҳокама қилди. Бир ярим ойча ўтгандан кейин немисларнинг Псковга ҳужуми авжи

қизиб турган кезларда, фронт Петроград остоналарига келиб қолган бир шароитда Ленин яна бир энергетикдан — Графтиодан Волхов гидростанцияси қурилишига смета тузишни илтимос қилди... Илк қадамлар...

Ниҳоят, 1920 йилнинг февралда Россияни электрлаштириш бўйича Давлат комиссияси тасдиқланди. Унга Лениннинг қадрдон дўсти ва сафдоши Глеб Максимилианович Кржижановский бошлиқ қилиб тайинланди. Ленин комиссиянинг ишини қизиқиш билан кузатиб борар, унга тез-тез ёрдам бериб турарди.

Лениннинг талаби билан Садовники кўчасида яшайдиган Глеб Максимилиановичнинг уйига телефон ўтказишди. Владимир Ильич почта ва телеграф Халқ Комиссарлигига юборган телефонограммасида шундай ёзган эди:

«Имкони борича тезроқ телефон ўтказиб беришингизни сўрайман... Ижроси ҳақида хабар қилинг. ХКС нинг раиси В. Ульянов (Ленин)».

Режани амалга ошириш ҳақида тинмай ўйлаган Ленин Кржижановскийга тез-тез телефон қилар, хатлар ёзарди.

Март ойида:

«Глеб Максимилианович!

ГОЭЛРО баёнотини кўриб чиқдим, кечаги суҳбатни ўйлаб кўриб, баёнот жуда қуруқ деган хулосага келдим.

Бу етарли эмас.

Сиз шундай бир мақолача ёзишингиз ёки уни ёзишни Кругга (ёки бошқа бирон кишига) топширишнинг иложи йўқмикин, унда:

а) электрлаштиришнинг жуда фойдалилиги,

б) бениҳоя зарурлиги

исбот қилиб берилса

ёки ҳеч бўлмаганда мисолларда тушунтирилса».

«Мақолача» жуда ибратли бўлиши керак, шунинг учун хат давомида Ленин электрлаштиришнинг фойда-

си ва зарурлигини аниқ мисолларда кўрсатишни илтимос қилади. Айтайлик, мана бундай... Масалан:

Транспорт. Уни эскича йўллар билан тиклаш учун фалон миллион сўм (урушдан аввалги баҳода) ёки фалонча ёнилғи иш куни керак. Электрлаштириш асосида қайта тиклаш учун эса фалонча зарур.

Бу мартда бўлган гаплар эди. Кейинроқ мана бундай мактуб ёзилди:

«Г. М. Миямга бир фикр келиб қолди.

Электрлаштиришни тарғиб қилиш керак. Қандай қилиб? Фақат сўз билан эмас, албатта, мисол билан ҳам.

Бунинг маъноси нима? Энг муҳими — уни оммалаштириш керак. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ РСФСРдаги ҳар бир хонадонни электр билан ёритиш плагини ишлаб чиқиш лозим...»

Шу хатнинг ўзида яна шундай дейилган: «...энг муҳими, омма ўртасида қизиқишни, мусобақани қўзғай билиш керак, токи халқ ҳозирнинг ўзида ишга киришиб кетсин».

Халқ ишга киришмаса — ҳеч нарса чиқмайди. Халқ эса, албатта, киришади. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу хулоса, бу ишонч тасодифий эмас эди. Кремлда ўтирган одам эллик ёшларда. У умрида ер ҳайдамаган, заводда ишламаган, лекин шундай бўлса-да, халқ тўғрисида ишчилар ва деҳқонлар ҳақида ўйлайди. Уларга нима керак, нима нокерак... Улар нимани истади-ю, нимани истамайди... Шуларни ўйлар экан, у камдан-кам адашади.

«Ишга киришиб кетсин...»

4. МЕҲНАТ ВА ТАШВИШЛАР ИЧИДА

Бугун эрталаб Ленин кабинетига келибоқ, Шатурани суриштирди. Шатура!.. Бу сўзнинг ўзи ҳозир алоҳида мазмун касб этиб қолди...

Келажак учун зарур бўлган, ҳозирча эса олис-олислардаги гўзал орзугина бўлиб кўринаётган юзлаб электростанциялар ичида Шатура биринчилардан бири эди. Ҳар гал Шатура электростанциясини эслаганда, Петровск-Кобелевск ва Шатура-Хлудовонинг бефойда ётган ботқоқларига келиб, уларга ҳаёт ато қилган ишчилар ва деҳқонларга чуқур миннатдорлик туйғуси туғилади...

Дастлаб дурадгорлар, ғишт терувчилар, ер қазувчилар шундоқ ботқоқнинг устгинасида, гулхан атрофида, совуқ нам ҳавода тунаб юриб ишлашди. Йиртиқ поча-пўстинлар, эски чопонлар, титилиб кетган шинеллар ёпиниб ётишди. Кечаси билан челақдаги сувнинг юзи яхлаб қоларди, эрталаб бет-қўл ювиш учун музни синдириш зарур эди...

Ана шу биринчиларнинг биринчилари нималарни ўйлашган экан? Уларга «социализм», «коммунизм» деган сўзларнинг маъноси дурустроқ маълум бўлмаган бўлса ҳам керак. Улар бир бурда нонни, «бошқарувчисиз» қолган оилаларни ўйлашган... Лекин шундоқ бўлса ҳам, юксак орзу, келажакка ишонч бўлмаса, яшаш ва чеки йўқ азоб-уқубатларга чидаш мумкин бўлмасди. Улар социализм қурмоқда эдилар! Дарахт кесишиб, тўнкаларни ағдаришиб, каналлар қазишди, бараклар қуришди, электростанция биносини барпо этишди... Қани энди, ана шу манзарани ҳамма ҳам яққол кўрса! Наркомлар, инженерлар, идораларнинг ходимлари кўра олса!..

Ленин қурилишга нима билан ва қандай ёрдам кўрсатиш ҳақида наркоматларга шошилишч топшириқлар бера бошлади. Унинг таклифи билан Совнарком февраль ойидаёқ ҳамма муҳим электростанциялар қурилишини ем-хашак, озиқ-овқат, қурилиш материалари, ишчи кучи, ёнилғи билан биринчи навбатда таъминлаш ҳақида қарор қабул қилди. Шатурага қурилиш материалларини етказиб бериш ҳам шошилишч вазифа

деб ҳисобланган эди. Қурувчилар ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишига эришиш керак, наркоматлар ва бошқа идоралар эса зиммаларидаги вазифани аниқ бажариши зарур.

«Покровский-чи?» — эслади Ленин. У ГОЭЛРО плани устида ишлашда қатнашишга таклиф этилган мутахассисларнинг рўйхатини сўради. Уларнинг орасида Покровский йўқ эди.

«Эҳтимол, ВСНХда бўлиши мумкин?»

Бироқ, ВСНХнинг рўйхатларида ҳам унинг фамилияси чиқмади.

Россияни электрлаштириш планини тузиш—олимлар ва мутахассисларнинг иши. Қандай қилиб, Покровскийдек олим четда қолиб кетди экан? Таажжуб... Наҳотки, хоҳламаган бўлса?

Ленин Кржижановскийга қўнғироқ қилди. «Ҳа! Глеб хаёлидан қочирмапти! Эсида бор экан... Йўл кўрсатади...»

У дам-бадам телефон қилар, ҳузурига келган одамлар билан суҳбатлашар экан, шу бугун Кржижановский билан учрашуви зарур эканини хаёлидан ўтказди.

У Кржижановский билан ўн иккида учрашди.

Кўринишдан жиккаккина, хушбичим, Глеб Максимиланович Петербургда «Ишчилар синфини озод қилиш союзи» замонидаги ҳолатидан заррача ўзгармагандай эди. У бежирим бошини адл тутиб, диққат билан гапга қулоқ солди.

Бу суҳбат, аниқроғи, ўйлар, баҳс, тортишув, революцион ва илмий тажриба орттириш, хуллас, Владимир Ильич билан бўладиган бахтли учрашувлар анча аввал бошланган ва ҳамон давом этарди. Питерда... Сибирда... Москвада... Дўстлар даврасида... Икковлари сайр қилганда... Мактубларда... Турманинг бир кишилик хонасида хаёлан Ульяновни ўйлаганда... Комиссия ташкил қилингандан кейинги учрашувларда... Улар

гаплашмаган гап қолмади деса бўлади. Улар бир-бирларига жуда яқин бўлиб қолишди...

— Бирон мамлакат ҳақида меҳнаткаш Россия ҳақида айтилгандек аччиқ ва адолатсиз гаплар айтилмаган бўлса керак. «Обломовлар»... «Ваҳшийлар ва ялқовлар мамлакати...» «Савдо муҳиблари», «Уларни дурустроқ саваламасанг, ишламайди»... Қаранг-а! Саваламасанг—ишламас эмиш! Ҳатто фалсафий кашфиёт ҳам яратишипти: уларни калтакламаслик шафқатсизлик белгиси эмиш.

Ҳа, қуллик ва меҳнатдаги шавқ-завқ бир-бирига қўшилмайдиган нарсалар. Россия эса асрлар давомида қуллик исканжасида эди.

Ленин стол устига назар ташлаб, аллақандай қоғозни бир тўпдан иккинчисига олиб қўйди.

— Қани, айтинг-чи, ана шу асрий қулликка кўниккан Россия коммунизм қуришга отланадими ёки отланмайдими? Отланади! Лекин қулликнинг асрий урф-одатларидан, мажбур қилишдан ҳоли тарзда коммунизм қуради!

Ленин бир чеккага суриб қўйган қоғозни яна олдига тортди-да, унга нималарнидир тез-тез ёзди.

Кржижановский ҳамон сукут сақларди.

— Ташқаридан келганлардан бўлса керак, кимдир: «Ерни ёғоч қозиқлар билан ишлаш усули...» деганди. Афтидан, ҳозир ҳам эсон-омон ишини қилаётган омочни айтган бўлса керак... Буни қаранг, область бошлиқларидан бири халқнинг меҳнатини енгиллатман, деб темир омочлар олиб келишни буюрипти. Шубҳасиз, бу техникавий тараққиёт! Шундай эмасми? Шубҳасиз! Бироқ, у «буюрган!» Илож қанча, Глеб Максимилианович, тараққиёт юз бермапти, техник революция содир бўлмапти. Халққа ҳар хил ғояларни сингдириш тарафдорлари ҳамини шуни эсда тутишлари зарур. Шу жумладан, электрлаштириш ғояларини тарқатувчилар ҳам. Лекин шуниси ҳам борки,—Ленин

бошқача оҳангда давом этди,— биз маъмурий чоралар ҳам қўллаймиз. Совет ҳокимиятининг қарорларини бажариши керак бўлган, лекин бажаришни истамайдиган ходимларга нисбатан шафқатсиз маъмурий чоралар кўрамиз. Айни шу масалада биз ҳамон дурустроқ маъмуриятчи бўлганимиз йўқ. Ҳозирча фақат ялиниб-ёлворувчи беозор амакилару, ходалар аҳволидамиз... Сермурувват Россия либералларимиз...

— Электростанциялар қурилишини таъминлаш баъзи жойларда ҳали ҳам биринчи навбатдаги вазифа деб қаралмайди,— дея қўшимча қилди Кржижановский.

— Ана, айтдим-ку...

— Бу жиҳатдан жонбозлик қилаётган раҳбарларни сизнинг ҳузурингизга чақиртирсакмикин, Владимир Ильич?— деди Кржижановский.

Ленин ўйланиб қолди.

— Йўқ, Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг мажлисига чақиртиринг,— деди Ильич.

— Майли...

— Яна нима гап бор, Глеб Максимилианович?

— Психология, аниқроғи — идеология масаласи бор,— деди Кржижановский.— ГОЭЛРО Комиссияси бўлмағур таънаи дашномлар тазйиқидан қутулолмапти. Нуқул «Буржуа зиёлилари... Утмиш сарқитлари...» деб дашном беришади. Ишончсизлик ва шубҳа билан қараш асабга тегади, фидокор одамларга халақит беради.

— Бу мураккаб гап. Халқнинг буржуазияга нафрати ўнлаб йиллар давомида йиғилиб қолган. Буржуа мутахассисларини ипидан-игнасигача текшириб, синаб кўриш истаги синфий нафратдан туғилган.

— Меҳнат қиладиган одам қанча-ю, текширадигани қанча? Масала шунда!

— Тўғри, сиёсатдан бошқа ҳеч нарса билан шуғullanмай, фақат сиёсатбозлик қилишни истайдиганлар ҳам кам эмас.

Ленин ана шундай партия аъзолари ҳақида аввал ҳам гапирганини эслади, бироқ бу гап унча қор қилмайдиганга ўхшайди. У дафтарчасига «Яна қайтиш лозим!» деб тезгина ёзиб қўйди.

— Бунақа сиёсатбозлик оддий чайқовчиликдан ўзга нарса эмас. Яна қандай гапларингиз бор, Глеб Максимилианович?

— ВСНХ...

— Бу тўғрида аввал ҳам гаплашган эдик-ку...

— Афтидан, Риков табиатига кўра бўлса керак, ҳали ҳам ГОЭЛРО планига тўлалигича ишолмаяпти.

Ленин индамай қолди. Кейин Глеб Максимилиановичнинг фаросати ўткир бўлгани учун оддий ҳақиқатларни такрорлаб ўтирмай, гапини тугатди:

— Деҳқонлар ҳақида роман ёзган муаллифлар ичида ҳақиқий қишлоқдан чиққанлари ҳам бор. Чориқ кийиб юришган, гўжа ичишган, қора чироқни ҳам, омоч-бўйинтуруқни ҳам яхши билишади... Лекин шундай бўлса-да, улар тасвирлаган деҳқон табиий эмас, негаки, уларга сиёсий жиҳатдан нотўғри баҳо берилади. Эсэрлик қилиб қолишади... Ҳақиқий мужикни эса, сиз айтгандек, дворянин Толстой тасвирлаган. Нега шундай? Афтидан, баъзи бир деҳқон ёзувчиларимизга уларнинг қонидаги мужиклик руҳи халақит берадиганга ўхшайди. Қишлоқдан ажралиб, унга олисдан, истиқбол нуқтаи назаридан қараша олмайди...

— Худди шундай...

Ленин соқолини тутамлади... Раҳбарлар ва ходимларга, айниқса, қобилиятлиларига жуда авайлаб муносабатда бўлиш керак. Уларнинг имкониятларидан қаерда қандай фойдаланишни билиш лозим, қаерда уларнинг қобилияти тезроқ иш беришидан хабардор бўлиш керак... ВСНХ раисини лавозимдан олсакми-кан? Бунинг учун асос йўқ—Алексей Иванович мамлакатнинг олий хўжалик органига дуруст раҳбарлик қилади. Умуман, ҳадеб лавозимдан олаверишнинг на-

фи йўқ — номига чора кўргандек, ўз-ўзингга таскин беришдан бошқа фойдаси йўқ. ГОЭЛРО комиссиясини ВСНХга тобеликдан чиқарсакмикин? Афтидан, шундай қилинса, комиссияга ҳам фойда бўлади... Аммо, аввал, албатта, гаплашиб кўриш керак.

— Ортиқча пертурбацияларнинг ҳожати ҳам йўқ, Владимир Ильич...

Ленин дўстига синчков назар билан тикилиб қолди. Кўнгли юмшоқ, беозор, маъмуриятчилик қўлидан келмайдиган Глеб, албатта, ҳозир ҳам ўз шахсий майллари ва ҳислатларини эмас, балки, биринчи навбатда, ишнинг фойдасини ўйлаяпти.

Ленин буни фаҳмлаб, бу гал ҳам фикрлари бир жойдан чиққанига хурсанд бўлди.

— Комиссияни тобеликдан чиқаришни айтяпсизми? — деди Владимир Ильич ва дафтарчасига ёзиб қўйди. — Муҳокама қиламиз. Яна қандай гапингиз бор, Глеб Максимилианович?

— Муддат масаласи, Владимир Ильич. Ҳеч бўлмаганда, икки, уч барабар кўпроқ вақт керак эди...

— «Вақт!» эмиш! Мен ўзим ҳам, Глеб Максимилианович, жон-жон дердим. Вақтни ўзига тобе қилолган, уни ўз хоҳишига кўра чўза оладиган, кўпайтира оладиган одам энг улуг одам бўларди. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Ёки бир уриниб кўрамизми? — Ленин кулди. — Герберт Уэллс романларида вақт устидан ҳокимлик қилади-ку, бизнинг нимамиз кам? — Кейин ўзининг саволига ўзи жавоб берди: — Бироқ биз зиммамизга олган иш ҳам чакана эмас...

Кржижановский Лениннинг жиддийлашиб қолганини, ҳатто қаҳри қаттиқ бўлиб қолганини пайқади. У бир неча дақиқа сукутга чўмди...

— Глеб Максимилианович, энди сизга илтимосим бор... — деди Ленин.

— Эшитаман, Владимир Ильич...

— Сиз, марҳамат қилиб, ГОЭЛРО планини профес-

сорлар нуқтаи назаридан мукаммал илмий асар деб қарамаңг. Ҳозирча бу фақат хом хаёл. Биз—қашшоқ-миз. Очмиз. Энг муҳимларини доналаб бўлса ҳам белгилаб олиш керак.

Кржижановский Владимир Ильичдан бундай баҳони кутмаган эди. Бу сўзлар кўнглига қаттиқ озор берди. Уларни Ленин эмас, зарурият ўз оғзи билан айтаётгандек эди. Улар тўғри мўлжалга тегди. Дарҳақиқат, унинг кўнглида ҳамма зарур материални тўплаб, анчадан бери соғиниб қолган сеvimли иш билан шуғулланиш истаги ҳам йўқ эмас эди. Салмоқли илмий асар яратса... Йўқ, ҳали бунга эрта экан!..

Дзержинский кирди.

— Халақит бермадимми?— сўради у кўришаётиб.

— Утиринг, Феликс Эдмундович!— таклиф қилди Ленин.

Дзержинский Лениннинг қатъияти ва метин иродасини ҳаммадан кўра яхшироқ биларди. Шу йиллар давомида у жуда кўп марта Владимир Ильичга мамлакат аҳволидан гапириб берган, у билан маслаҳат қилган, революция ва янги Россия душманларига нисбатан энг кескин чораларни қўллаш зарурлиги ҳақида унинг фармойишларини эшитишга тўғри келган эди. Лекин унинг хаёли алланималар билан банд эди. Ҳозир яна ички ишлар билан шуғулланиш лозим бўлади. У илгари ҳам мих масаласи, ғалла, халқаро сиёсат билан шуғулланган эди.

Кржижановский қўзғалди ва хаёлчан хайрлашиб чиқиб кетди.

— Бир минут,— деди Ленин Феликс Эдмундовичга ва телефон қила бошлади.

Дзержинский Владимир Ильичга бир назар ташлади-да, қўлини орқасига қилиб, деворга осиглиқ харита олдида юра бошлади. У озгин, лекин хушбичим ва енгил эди. Телефондаги суҳбат унинг қулоғига кир

маётгандай эди, лекин оғир гап бўлаётганини ҳис қилиб турарди.

Янги ҳокимият туғилиб келяпти. Ўтмиш маданияти, буржуа мутахассислари, лабга сурадиган бўёқ ва бўйинбоқ, оила ва никоҳ, саноатда якка бошлиқ каби масалаларда ҳар хил қарашлар мавжуд... Мана, электрлаштириш масаласида ҳам баъзиларнинг ўз мулоҳазалари, фикрлари бор.

Уларнинг фикрича, ҳозир ягона хўжалик планини тузиб чиқиш ва амалга оширишнинг фурсати эмас— ёнилғи йўқ, озиқ-овқат йўқ. Телефондаги одам электрлаштириш гоёсини қишлоқ жойларида майда электростанциялар қуришдан иборат қилиб қўймоқда. У машинасозликни тараққий эттиришни зарур деб ҳисобламайди. Машиналарни чет элдан галла, қанд, ёққа алмаштириб олиш мумкин деб ҳисоблайди. Владимир Ильич трубкани қўйиб, Дзержинскийга маънодор қилиб қаради.

— Хўш, бу ёғига нима дейсиз, Феликс Эдмундович?— сўради Ленин.

— ВЦИКнинг резолюцияси бор-ку, Владимир Ильич,— шундай деб Дзержинский «масала равшан-ку!» деган маънода индамай қолди.

Феликс Эдмундович Советлар Марказий Ижроия Комитетининг Бутунроссия сессиясини тилга олган эди. Бу сессия Ленин ва унинг тарафдорларини қўллаб, «бутун халқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат планини илмий ишлаб чиқиш ва изчиллик билан амалга оширишга» киришиш мумкинлиги ҳақида резолюция қабул қилган эди.

Дзержинский бу резолюцияни ва Лениннинг бошқа таклифларини қўллаб-қувватлаганлар ичида гўё ўзи иштирок этмагандай, эҳтироссиз гапирарди. Феликс Эдмундович шундай одамлар тоифасидан эдики, у бирон боланинг пешанасини силаганда ҳам чехрасида табассум бўлмаслиги мумкин эди. Бироқ, у шундай

бир хуфиёна муҳаббат ва нозиклик билан силаши мумкин эдики, бу назокатни унча-мунча кўнгилчан одамдан топиш амри маҳол эди.

— Риков билан яна бир марта гаплашиб, ВСНХ ва комиссия масаласини ҳал қилиш керак... — деди Ленин ва қоғозларининг ичидан бир нарса қидира бошлади.

Дзержинский жавоб бермади.

Дзержинский Лениннинг кучи нимада эканини аниқ биларди. Ленин бақувват заминга эга, ўз иштини ипидан-игнасигача билади ва шунинг учун ҳам чинакамига эркин. Шу туфайли у ўз фикрига қарши чиқувчи рақиблари билан қайта-қайта гаплашиши мумкин. Лекин бундан у ожиз ёхуд юмшоқ кўнгил бўлиб кўринмайди.

Мана, ҳозир ҳам Дзержинский Ленинга яна бир ортиқча ташвиш юклаётганига афсусланиб, фавқулодда ҳодисалар ҳақида сўзлай бошлади. Бундай воқеалар авваллари ҳам кўп бўлган эди, ҳозир ҳам оз эмас.

Май ойида Ходинкада — артиллерия омборларида катта ёнғин чиқиб, портлашга сабаб бўлган. Омборларнинг яқинида жойлашган шаҳар радиостанцияси ишдан чиққан. Контрреволюция курашнинг бошқа йўллари билан ҳам фойдаланяпти. Қисман, иқтисод соҳасида олтмиш саккиз кишидан иборат бир гуруҳ тиллафурушлар қамоққа олинган, қалбаки пул чиқарадиган «фабрика» топилган...

— Ҳозир жинойатларнинг олдини олишга кўпроқ эътибор қила олармикинмиз? — сўради Владимир Ильич.

— Албатта... — Дзержинский бир лаҳза ўйланиб қолди. — Аммо биз бир нарсани яхши фаҳмлаб олишимиз зарур: майда жинойатдан шишириб, фил ясаш, қанча хавфли бўлса, йиригига эътибор бермай хаспўшлаш ҳам шунча хавфли.

Дзержинский давом этди.

— Ёнгил жинойат учун қаттиқ жазолаш, Марат

айтганидек, ҳокимият обрўсини туширишгина эмас, балки жинойтларни кўпайтириш ҳам демакдир. Айтганча, Марат эски Россиянинг хато тажрибасини ҳам эслатиб ўтади. Ўғрилар билан қотилларга бир хил жазо қўллаган Москвада ўғрилар тўнаган одамларни тирик қолдирмай, ҳамиша ўлдириб юборишар экан: шундай қилинса гувоҳ қолмайди, деб ўйлашар экан. Негаки, ўғирлик учун ҳам, қотиллик учун ҳам жазо бир хил...

— Ҳа, ҳа, эсладим...— деди Владимир Ильич. У жуда эътибор билан тинглаётган эди.— Жинойт сонини камайтириш — биронта жинойтчини ҳам бежазо қолдирмаслик демакдир. Албатта, жазо жинойтнинг оғир-енгиллигига муносиб бўлиши керак. Бу ишдан ЧКда ҳеч ким бўйин товламаслиги керак.

— Албатта,— деб унинг гапини маъқуллади Дзержинский. Кейин гап оҳангини ўзгартириб қўшимча қилди,— яна бир гап бор, Владимир Ильич...

Ленин сергакланди.

— Ҳузурингизга бизнинг ўртоқлар келишади... Чекистлар,— гапига изоҳ берди Феликс Эдмундович,— қийинчиликлардан шикоят қилишмоқчи. Албатта, қамаш, сўроқ, қариндош-уруғларнинг кўз ёши... Осон эмас! Лекин, сиз, илтимос қиламан, мендан ҳам муруватлироқ бўлиб кетманг, Владимир Ильич...

— Шундай дейишингизга сабаб бўладиган иш қилиб қўйдимми, Феликс Эдмундович?

— Ҳа, Владимир Ильич... Муравьёв ҳузурингизга келгандими?

— Муравьёвми? Келган эди, шекилли...

Ленин эслади: ЧКдан икки киши унинг ҳузурига келган эди. Бири жуда қийналиб кетганини айтиб, бошқа ишга ўтказишни илтимос қилган эди. Иккинчиси оғиз жуфтлаб, бир нарсa демоқчи бўлди-ю, лекин бирон дурустроқ гап айтолмади. Афтидан, у ҳам бошқа ишга ўтказишни илтимос қилмоқчи эди, шекилли.

Биринчиси масаласида Ленин Дзержинскийга қўнғироқ қилган экан-да... Феликсга бу ўртоқнинг аҳволини бир оз енгиллатиш йўлини айтмоқчи бўлганмиди...

— Фавқулодда Комиссияда, Владимир Ильич, ўзингиз билгандек, ишнинг энг оғирини қиладиганлар, тишини тишига қўйиб ишлайдиганлар ишлаши керак. Бу ер ишнинг енгиллини кўзлайдиганларнинг жойи эмас. Бўлмаса, ЧК чириб кетади, охранкага айланиб қолади. Тасаввур қилинг-а... одамларни қамаш, отишдан лаззат оладиган чекист бўлиши мумкинми?

— Ҳа, тўғри...— деди Ленин наст овозда. У Дзержинскийга тикилиб туриб, унга қай даражада оғир эканлигини ўйлаб кетди. Лекин қанчалик оғир бўлмасин, у шу йиллар давомида бирон марта зиммасига тушган қийинчиликлардан зорлангани йўқ. Ленин буни билади...— Сиз ҳақсиз... Лекин ЧКда ўша қийинчиликларга бардош бера оладиганлар ишлаши керак...

— Албатта!

Дзержинский кетганидан кейин Ленин хат ва телеграммаларни кўздан кечира бошлади. Жанубий фронтдан келган телеграмма ҳаддан ташқари мақтанчоқлик билан ёзилгандай туюлди. Бунақа чираниб мақтанишлар жуда қимматга тушиши мумкин. «Попугини босиб қўйиш керак!» Ленин қўлига ручка олди: дарҳол жавоб ёзиш керак эди.

Владимир Ильич телеграммага имзо чекиши билан лампочка ёнди—Троцкий қўнғироқ қилган эди. Ҳамма билан менсимай, баъзан камситиб гаплашадиган калондимоғ Троцкий Ленин билан гаплашганда бағоят хушфеъл, баодоб бўлиб қоларди. Сергайрат, лекин қонида фирибгарликка майли бор бу сўхтаси совуқ одам Лениннинг меҳри ва ишончини қозонолмади. Бироқ ҳозир у бўладиган гапни гапирди. Бошқалар билан — ҳақиқий партиядош дўстлари билан суҳбатлашганда ўзини бемалол, эркин тутадиган Ленин Троцкий билан гаплашганида қийналиб кетарди.

Цюрупа кирди. Ленин унинг келганига хурсанд бўлди.

Цюрупадан кейин кенгаш бўлди, сўнг яна бир неча учрашув... Кечаси соат иккига борганда Ленин ишини тугатди. Ўрнидан туриб, кабинетда у ёқдан-бу ёққа юрди. Кейин бирдан тўхтаб қолди. Полда, диван ёнида эзиб ташланган папирос қолдиғи ётар эди. Лениннинг жаҳли чиқди, энтикиб нафас олди, эгилиб, папирос қолдиғини авайлаб олди-да, печкага ташлади. Печканинг оппоқ баданига осиб қўйилган ёзув яққол кўриниб турибди: «Чекиш мумкин эмас!» Ҳарфлар йирик. Ҳамма саводли. Юз марталаб ўқишган бўлса керак. Шунга қарамай, бу хитоб кашандаларга таъсир қилмабди!

Майда-чуйдалар, майда-чуйдалар... Қоидадан четга чиқишлар... Бошқаларга ҳурматсизлик. Нодонлик... Буларнинг барчаси ҳам анча хавфли ва тузатиш қийин бўлган душманлар!

Владимир Ильич уйга отланган жойида яна қайтиб стол ёнига ўтирди-да, қўллари билан бир неча марта юзини, бошининг орқа томонидаги сочини, чаккаларини ҳорғин силади. Ташқарида аллақачон қоронғи тушган — вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Уруш тугамоқда, ҳадемай республика узил-кесил ғалаба қозонади... Ошкора душманлар туғдирадиган хавфни ҳамма аниқ кўради, шунинг учун халқ ғайратини ўн баравар ошириб, ғалаба қилади. Бироқ, бошқа душман борки, уни ҳали ҳамма ҳам топиб олганича йўқ. Очлик ва вайроналик ҳақида гапирмай қўя қолса ҳам бўлади... Аммо ичимиздаги ошкора ва махфий рақиблар ҳақида, ўз камчиликларимиз тўғрисида, жаҳолат ва нодонлик ҳақида, албатта, гапириш керак! Бюрократизм хавфини, усти ялтироқ, ичи қалтироқ гаплар, жимжимадор сафсатанинг хавфини, албатта, гапириш зарур. Иш ўрнига ҳадеб иш ҳақида гап сотишнинг зарарини фош қилиш шарт!.. У янги типда-

ги давлатни яратиш иши билан машғул, шу ишга бошқош, бироқ қанчалик аччиқ бўлмасин, ўзига қанчалик қимматга тушмасин, Ленин унинг камчиликларини биринчи бўлиб, аёвсиз танқид қилади.

Ҳодисани тўғри идрок этиш, босиб келаётган хавф-хатарни оқилона баҳолаш, шундай қилинса, бировларнинг назарида қадрим тушиб қолади, деб чўчимаслик, бошқаларни шунга ишонтириш ва зарур тадбирлар кўрилишига эришиш — буларнинг ҳаммаси Лениннинг зиммасига юкланган вазифалардан эди... Оддий, кундалик иш... Кети-охири кўринмайдиган иш...

Лениннинг яхши бир одати бор эди, баъзан у бирор сабаб билан ўйлаётган нарсасини қўйиб, бошқа нарсага чалғиб кетарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Қўққисдан бир жумла унинг эсига тушди.

Яқинда у уйига овқатлангани кетаётган эди. Совнаркомнинг одатдагидек хира, нимқоронғи йўлагига бир гуруҳ одамларнинг алланималар тўғрисида баҳс қилишаётганини кўрди. Улардан икки киши Ленинга салом берди, қолганлари уни танимади шекилли, индамади.

Ленин уларнинг ёнидан ўтиб бораётганда «яқинда Марсга учмоқчи бўляпти...» деган сўзлар қулоғига чалинди.

«Нима? Нима?»

Владимир Ильич қадамини секинлатди. У қайтмоқчи ҳам бўлди-ю, қайтмади.

Ҳозир ўшани эслар экан, Владимир Ильич у гапни хато эшитган бўлиши мумкин эмаслигини, гап жиддий оҳангда айтилганини ўйлади. Ҳозир ҳам аниқ эсида: «Яқинда Марсга учмоқчи бўляпти! Марсга».

20-йилда Марс ҳақида лекциялар ўқилди. Политехника музейининг деворига ёпиштирилган афишаларда «Марс... Бошқа сайёраларга учиш» каби сўзлар тез-тез учраб турарди. Модомики, революция содир бўлган экан, нега энди у сирли сайёрага учиш мумкин

бўлмасин. Айтганча, ҳозир бу сайёра у қадар сирли бўлмай ҳам қолди. Жаҳон революцияси даврида сир деган гап қолдими?

Ҳар хил фавқулодда хабарлар Марсга қизиқишни кучайтириб юборди. Газеталарнинг ёзишича, йил бошида кўпгина радиостанциялар ғалати сигналлар қабул қилганмиш. Улар дунёда маълум бўлган биронта кодга ўхшамас экан. Кейинчалик газеталар бу сигналларни Марсдан келган биринчи радиограмма деб аташди. Марсликларга жавоб бериш лозим эди, бироқ бунинг учун радиограмманинг маъносини топиш керак. Иш жиддий тус олди: Француз Фанлар Академияси жавоб радиограммани юбориш усулини таклиф қилган одамга уч юз минг франк мукофот белгилади. Уч юз минг франк ҳам, вазифанинг ўзи ҳам одамлар кўнглига илҳом солмай йўқ эди: юзлаб лойиҳалар таклиф қилина бошланди...

Ленин, албатта, олди-қочди гаплардан узоқ эди, бироқ фикрнинг дадиллиги унга маъқул бўлди.

«Яқинда Марсга учмоқчи бўляпти!» Нақадар жиддий оҳангда гапирилганини айтмайсизми!

Ёки шунчаки Циолковскийни тилга олишганмиди ўшанда? Калугали мактаб ўқитувчиси кўпдан бери фазони бўйсундиришни, ракета асбоблари ёрдамида юлдузлар оламига учини орзу қилиб юргани кўпчиликка маълум-ку!

Аниқроғи қандай? Ленин эслай бошлади.

Циолковский дрижабль қурган эди шекилли. У юлдузларга учишда ракета-двигателдан фойдаланишни таклиф қилди. Принципили кашф қилди, асосий қонуниятларни ишлаб берди... Бироқ «яқинда» дегани нимаси? «Яқинда!» Йўқ, бу — бошқа, албатта, бошқа одам бўлиши керак...

Наҳотки, шу теварак-атрофда янги олим ёки ихтирочи мавжуд бўлса! Худди хаёлпараст Уэллс мавжуд бўлганидай, Павлов, Мичурин, Циолковский, Горький

ва кўпгина бошқалар мавжуд бўлганидай, Ленин бундай одамнинг ҳам мавжуд бўлишини жуда истарди. Кўп саз бўларди! Вайронлик ҳам, очлик ҳам, тиф ҳам мавжуд, чет эл матбуотида баъзан ГОЭЛРО планини таҳқирлаш учун ишлатиладиган ва мамлакат ичидаги электрлаштириш рақиблари ҳуш ёқиб тилга оладиган «электро-адашин» сўзи ҳам мавжуд, қизил аскар бевасининг аризасига лоқайд қарайдиган бефаросат бюрократ ҳам мавжуд. Аммо шуларга қарамай, инсон Марсга учини ўйламоқда!

Ёхуд ўшанда хато эшитганмикин? Ахир бир нарса-ни жуда қўмсасанг, ўша хаёлингга келаверади-ку! Бироқ, бу ўринда ёлгон йўқ эди — «яқинда Марсга учмоқчи бўляпти». Жуда саз!

Ленин печканинг ёнига бориб, «Чекиш мумкин эмас!» деган ёзувни олиб қўйди: амал қилинмайдиган буйруқлар ва фармойишлар кулгили кўринади.

5. МАЖЛИСДАН СЎНГ

Халқ комиссарлари Советининг мажлиси ҳар доимдагидек тартиб билан, ишчанлик руҳида ўтмоқда эди. Нима ҳам бўлди-ю, бирдан мажлисдан файз кетаётгандай туюлди.

Наркомлардан бирининг ўринбосари бир неча минутдан бери ҳадеб умумий гапларни такрорламоқда: «Биз кучларимизни аямаслигимиз керак, яна бир зўр бермоғимиз даркор... Пролетариат революцияси бошқа ҳар қандай революцияларга қараганда... Биз бу иш-ни шундай ўринлатишга уринайликки, бу иш...»

Лениннинг тоқати тоқ бўлди: на масала аниқ қўйилмаса, на бирон қизиқарли материал бўлмаса ва на бирон аниқ таклиф айтилмаса! Нима деяётганини ўзи билмай, сафсата сотяпти! Наҳотки шуни ўзи фаҳмлаб қолмаса! Владимир Ильич кўзи кўзимга тушиб қолар

деган умид билан гапираётган одамга анча тикилиб турди. Фаҳмлаб қолар... Хижолат бўлар...

Йўқ, умид рўёбга чиқмади. Бефаросат нотиқни тўхтатиб, бир оз танбеҳ беришга тўғри келди.

Кейинги масала бир зумда ҳал қилинди.

Мажлис тугаганда, алламаҳал бўлиб қолганди.

Одамлар тарқала бошлади. Хайрлашаётиб, оёқ устида майда-чуйда ишларини битириб ҳам олишди.

Залдаги ягона тўқима креслода ўтириб, Владимир Ильич ҳар хил қоғозларни — нутқ планларини, қораламаларини, ўртоқларнинг маърузаси вақтида қилинган қайдларини тартиб билан тахлаб қўярди. Мана буларини секретарга беради, буларини эса ўзи олиб кетади, уйда кўриб чиқиши лозим.

Совнарком секретариатининг ходими ўрта бўй, но-зиккина, оқ блузкали Мария Петровна узун кўк стол устидан қоғоз, қалам ва ёзишмаларни йиғиб ола бошлади. Столнинг усти шиддатли ва аёвсиз тўқнашув бўлиб ўтган жанг майдонига ўхшаб қолган. Баъзи қоғозларни майда-майда қилиб йиртиб ташлашипти, баъзилари ғижимлаб ташланган, кимдир қоғоздан қайнқча ҳам ясапти. Қаламлар, варақлар тўғри келган жойда сочилиб ётипти. Мария Петровна ҳамма қоғозни кўриб чиқарди. Лениннинг хатларини йўқотиб қўймаслик учун олиб қўярди. Тасодифан бутун қолган бу хатларни биров ташлаб юборармиди? Уларнинг ҳаммаси иш юзасидан ҳазил аралаш, лекин мазмунли ёзилган.

Хатто мана бу хат ҳам жуда қизиқ:

«Хат ёзинглар, гап сотманглар!»

Қисқа ва аниқ! Баъзи ўртоқлар, муҳокама қилинаётган масала ўзига тааллуқли бўлмаса, мажлисда ўзига керакли одам иштирок этаётганидан фойдаланиб, ишларини битириб олишга уринишар ва бир-бирлари билан ўзаро гаплашиб кетишарди. «Ишингизни битираверингу, бошқаларга ҳалал берманг!» — деб талаб қиларди ундай пайтларда Ленин.

Тўрт букланган қоғозни текислаб, Мария Петровна дафтар ичига яширди. Мана, яна бир лахтак қоғозга ёзилган хат:

«Ўғлинигиз қалай? Менга дуруст дейишди? Шу тўғрими?»

Мажлис вақтида Ленин Михаил Григорьевичнинг олдига шунинг учун келган экан-да! Владимир Ильич хатни қўлма-қўл узатиб юборсам, йўқолиб қолмасин, деб хавотирланган бўлса керак. Михаил Григорьевич суюниб, жилмайди. Мария Петровна ўша чоқда бу ўртоқ нега жилмаганини билмайди — ўғлининг дуруст бўлиб қолганига хурсанд бўлдимми ёки Лениннинг одамийлигига, кўнгил сўраганигами?

Хатнинг ёнидаги қоғозга қандайдир расмлар — жингалак белгилар, ғалати башаралар чизилган эди. Уни ҳам, албатта, дафтарга жойлаш керак.

Мария Петровна қайиқча ясалган қоғозни ҳам текислаб кўрди: хайрият, Лениннинг ёзуви йўқ экан. Бундан у ҳатто хурсанд бўлди. Бир қисм ёзувларни одамлар эъзозлаб, ёнларида олиб кетишади. Лекин баъзи бир бефарқлар Лениннинг мактубидан қайиқча ясагандан ҳам тоймайди! Бундайлар ҳам топилади, албатта. Одамлар ҳар хил-да. Уларнинг ҳаммаси ягона халқ комиссари Советини ташкил қилса ҳам, ҳар хил одамлар!

Мана, яна битта қайиқча қилиб ўралган қоғоз: «Ҳисобот қачон бўлади? Босиб қўймоқчимисизлар? Тузламоқчимисизлар? Охириги муддатни маълум қилинг!»

Мана, яна бир парча қоғоз — бир чети йиртиб олинган — перо тозалашга бўлса керак. Яхшиямки, қоғознинг ҳаммасига тозалашмапти! Мана, яна бири — уни мўйда-майда қилиб, йиртиб ташлашпти. Ленинникими, йўқми — ажратиб бўлмайди. Мана яна битта қоғоз...

Аҳён-аҳёнда ҳар хил муҳим масалалар ҳал қили-

наётган залда бирдан қаҳқаҳа янграрди. У жуда самимий бўларди. Бир дақиқа аввал давлат ишлари билан машғул бўлиб ўтирган одамларнинг бу қадар қаттиқ кулишлари ажойиб эди. Лекин баланд қаҳқаҳадан ҳеч ким хижолатга тушмасди. Гапнинг учи Ленинга бориб етса, у ҳазилнинг маъносини пайқаб қолса, ўзи ҳам жилмаяр ва ҳамма қатори қотиб куларди.

..Ниҳоят, Ленин қоғозларини ажратиб бўлди, бир қисмини секретарга берди ва бир қисмини папкасига жойлаб ўрнидан турди.

Шу пайт у бир одамни кўриб қолди.

У Совнарком мажлисида йўқ эди, шекилли. Ё бормиди? Унинг устида хушбичим гимнастёрка, юзи тўладан келган, папкаси ҳам, портфели ҳам йўқ... бу одам иккиланмай тўғри Ленинга қараб юрди.

— Ўртоқ Ленин!

Владимир Ильич ҳорғин ўгирилди, қадамини секинлатиб, тўхтади.

— Ўртоқ Ленин, сизга бир саволим бор.

— Марҳамат...

— Ўртоқ Ленин, менинг ижтимоий чиқишим — камбағал деҳқонлардан, кейин пристада ишлаганман... Ишчи қозонида қайнаб чиққанман. Ишчилар синфининг вакили бўлиб қолдим, десаммикан... Олабуқадаги октябрь тўнтаришида иштирок этганман. Укомнинг топшириғи билан помешчиклар ва буржуйларнинг мел-мулкини мусодара қилганман... Укомда ишлаганман, ҳозир — ВСНХдаман... Коммунистман... Фамилиям — Кавлетов...

— Хўш, хўш... дуруст... Кейин-чи?

— Ўртоқ Ленин... Мен ишчилар синфининг вакили ва революция қатнашчиси сифатида...

— Кечирасиз, мумкин бўлса, қисқароқ, ўртоқ Кавлетов.

— Ўртоқ Ленин, менинг таклифим бор...

— Марҳамат, қулоғим сизда, ўртоқ Кавлетов.

— Республика қурилиши соат сайин, кун сайин ўсиб борапти... Хўш, қурилишларга ким жойланяпти?

— «Жойланяпти?» Тушунмадим.

— Буржуа мутахассислари жойланяпти. Ҳамма жойда! Уларга ҳокимият бериб қўйилган, улар қўмоңдонлик қилишади. Пролетариат эса югурдак. Совет ҳокимиятининг оёғини осмондан келтириб қўяяпмиз-ку! Авра-астарини ағдариб қўйдик-ку!

— Кечирасиз, бу беҳуда ва асоссиз гаплар. Сиз нима таклиф қиласиз? Аниқ таклиф борми?

Кавлетов жим қолди, у бунақа жавобни кутмаган эди.

— Қани, Сиз нимани таклиф қилмоқчисиз, ўртоқ Кавлетов?

— Ҳар бир мутахассис ёнига синалган пролетар қизил комиссарларини қўйиш керак. Унинг ҳуқуқлари чекланмаган бўлиши керак. Ёнида сизнинг имзонгиз қўйилган мандати бўлсин!

Ленин, зўрға сабри чидаб эшитарди, сўзлар таниш, аммо бу одамнинг ўзи ким?

— Назорат қилиб туриш керак, албатта,— деди у.— Лекин комиссар синалган бўлса ҳам, ўта қизил бўлса ҳам, техникадан саводсиз бўлса-чи? У мутахассиснинг ишини қандай назорат қилади? Айниқса йирик мутахассиснинг? Ҳатто Европага ёки жаҳонга донғи кетган мутахассиснинг? Агар борди-ю, у техникага ақли етса, ундан амалий ишда фойдаланиб қўя қолган яхши эмасми? Фақат талаб қилишу назорат қилиш эмас, қурсин, қурилиш учун жавоб берсин. Сиз нима деб ўйлайсиз?

Кавлетовнинг хаёли бутунлай бошқа томонда эди: Ленин уни қўллаб-қувватламади-я. Жаҳон пролетариатининг доҳийси пролетариатни қўллаб-қувватламади! Кавлетов мовий кўзларини лўқ қилиб стулга тикди. Энди нима қилиш керак? Бунга жавоб тополмагач, унинг кўнглини бўғиқ бир алам ўртай бошлади.

— Уртоқ Кавлетов,— ҳамдардлик билан мурожаат қилди Ленин сукутда турган суҳбатдошига.— Сиз афтидан, маълумот ололмай қолган кўринасиз!

— Йўқ, ололмаганман...

— Демак, сизнинг ўқишингиз керак. Шу бугундан бошлабоқ!

Ленин бурилиб, хаёлчан бошини эгиб, уйига йўл олди.

Кавлетов гимнастёркасини тортиб тўғрилади-да, хўмрайиб, атрофига қаради. Секретариатда ишлайдиган мана бу жинқарча хотин, албатта, унинг Ленин билан гаплашган гапини эшитди. Ғалати қилиб қарагини кўринг! Тузукроқ суриштира, бу ҳам буржуйлардан бўлса ажаб эмас...

Ленин чироқлари хира нур сочаётган йўлакдан кетиб борар экан, таажжуб билан ўйларди: «Қаердан пайдо бўлиб қолди бу Кавлетов?» У бошқаларга — ўзини ўйламай, амалини ўйламай, фидокорлик билан иш юргизадиган одамларга ўхшамас эди. Кўпчилик уни ҳам ана шу минглаб ҳақиқий фидокорлардан бири деб ўйлаши мумкин. Бироқ, бу одам ўз ишини тушунмай, қолаверса, тушунини истамай, бу ишда раҳбарлик ролини даъво қилмоқда.

Ҳаётнинг янги шакллари тубдан бундайларни ҳам қалқитиб юзага чиқарди... Совет ҳокимиятининг янги ҳаёт қуриш ҳақидаги қудратли чақириғига бундайлар ҳам чиқиб келди...

6. ХАРИТА

Яна Кржижановскийга мактуб («Оммани жалб қилиш лозим!»).

Электрлаштириш ҳақидаги мақолалар, очерклар, эҳтимолки, ҳикоялар ҳам кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бўлиши керак. Ҳозирча бор материаллар жуда ҳам мураккаб. Бунинг устига кам, жуда кам.

Электрлаштириш ҳақида бир қатор мақлолалар керак, улар ҳаммага тушунарли ва фойдали бўлиши шарт. Ленин шуни ўйлаб, аввалроқ Глеб Максимилиановичга ёзган эди:

1) «Изоҳларни ҳозирча олиб ташлаш ёки қисқартиш керак. Улар газетага ортиқчалик қилади (редактор билан эртага гаплашаман)».

Электрлаштириш нималигини ҳаммага кўргазмали тарзда намойиш қилиш керак. Шунинг учун:

2) «Техник планни эмас (бу, албатта, кўпчиликнинг иши ва шовша шовшарлик билан бўлмайди), балки сиёсий ёки давлат планини, яъни пролетариатга топшириқни илова қилиб бўлмайдимиз?»

Бундай план унда бор. Жуда ажойиб план.

«Тахминан: 10(5?) йил ичида 20—30 (30—50?) станция қурамиз. Улар бутун мамлакатни қамраб олади. Ҳар қайсисининг ҳаракат доираси 400 (ёхуд ортиғига кучимиз етмаса, 200) чақирим бўлади. Улар торфда, сувда, сланцда, кўмирда, нефтда ишлайди (бутун Россияни қайта текшириб, тахминан бўлса-да, яна нисмалар борлигини аниқлаш керак)».

Муддатми? Муддат бундай бўлади:

«Зарур машиналар ва моделларни ҳозироқ сотиб ола бошлаймиз. 10 (20?) йилдан кейин Россияни «электр» мамлакатига айлантирамиз.

Ўйлайманки, Сиз бундай «планни», — такрор айтаман — техник планни эмас, давлат планини, план лойиҳасини беришингиз мумкин.

Уни ҳозир бериш керак, токи омма аниқ ва ёрқин (айни чоқда, асос эътибори билан илмий) истиқболни кўрсин, тушунсин. «Енг шимариб ишга киришсак, 10—20 йил ичида бутун Россияни — унинг саноатини ҳам, қишлоқ хўжалигини ҳам электрлаштирамиз» деган маънода. Фалонча (минг ёки миллион от кучига ёхуд киловаттга??) эга бўлган машина қулларига эга бўламиз.

Агар шунинг ёнида марказлари ва доиралари билан Россиянинг намунавий харитаси ҳам бўлса соз бўларди-да! Ёки ҳали эртами?

Такрор айтаман, ўн-йигирма йилга мўлжалланган улуг программа билан ишчилар ва онгли деҳқонлар оммасини жалб қилиш керак».

Агар вақти бўлганида мана шу «марказлари ва доираси билан Россиянинг харитасини» кўнгилдагидай қилиб ўзи ясар эди. Бу харитани у жуда ҳам кўргиси келар, энг муҳими бошқаларга кўрсатишни истарди. Ахир, бу унинг орзусини ҳаммага етказадиган тарғибот шаклларида бири-ку!

Харитани бундай қилса бўлади: Россиянинг география харитаси олинади (чоризм давридаги эски харита бўлса ҳам, майли) ярайверади. Гидростанциялар қуриладиган жойларга, масалан, Волховга, кўк доиралар ёпиштирилади. Торфда ишлайдиган станциялар қуриладиган жойларга, масалан, Каширага, жигар ранг доиралар, тошкўмирда ишлайдиган жойларга қора доира ёпиштирилади... Доиралар, албатта, электр станцияларнинг қувватига қараб катта-кичик бўлади... («Остига бир чеккада масштаб, шартли белгилар териш мумкин...»)

Бир куни Владимир Ильич Манеждаги уйда—Анна Ильиничнаникида эски география харитасини кўриб қолганди. Лениннинг хаёлидан шу харитани сўраб олиб, бирон куни, бўшроқ қолганида кечқурун елим, қайчи ва ранг-баранг қоғозлардан фойдаланиб, «Россияни электрлаштиришнинг кўргазмали харитаси»ни яратиш билан шуғуллансаммикан деган болаларча истак кечди. Лекин «бўшроқ кун»нинг ўзи йўқ эди. Бунақа куннинг бўлишидан бўлмаси аниқроқ! У харитани опасидан сўрамай қўя қолди... Афсус!..

— Владимир Ильич, Покровский келди...

Ленин секретарь аёлнинг кирганини ҳам пайқамай қолибди.

— Жуда соз... Кирсин...

Электрлаштириш планини ишлаб чиқишда ёрдам бериши мумкин бўлган одамлардан бири шу одам.

Покровскийни, албатта, Глеб Максимилианович жалб қилган. Одатда у олимлар билан суҳбатлашиб, уларни бирин-кетин ўз томонига оғдириб оларди.

Буларнинг ичида «ҳақиқий» большевиклар билан гаплашишдан ор қиладиганлари ҳам бор эди, негаки, уларнинг назарида большевикнинг асосий белгиси ёнида тўппонча-ю, болохонадор сўкиш... Глеб Максимилианович эса уларнинг ўз тоифасидан, уларга яқин одам, инженер, олим...

Бирон инженер билан Лениннинг ҳузурига келганда Глеб Максимилианович кабинетда қолар ва суҳбатда иштирок этарди. Бу гал у, Фёдор Васильевич Ленин билан ёлғиз яккама-якка, гувоҳларсиз суҳбат қилгани маъқул деб ўйлаганга ўхшайди. Бу чол анча ўжар, сиркаси сув кўтармайди. Ҳамма масалада унинг ўз қараши бор. Совет ҳокимияти ҳақида ҳам, Ленин тўғрисида ҳам... Кржижановский ҳамкорлик тўғрисида эҳтиётлик билан гап бошлаганда Фёдор Васильевич биринчи жавобидаёқ шундай деган эди:

— Эҳ, Глеб Максимилианович! Мен билан, азизим, гўё ўзингиздан кўра камроқ кўйлак йиртган киши билан гаплашгандек гаплашяпсиз-а! Яхши эмас...

Покровскийни кутиб ўтириб, Ленин суҳбатнинг оғир бўлишини жуда яхши тасаввур этарди: лекин шундай бўлса ҳам унинг кўнглидаги умид сўнмаган эди: техника соҳасидаги рус зиёлиларининг энг илғор қисми «Расея» капитализми шароитида амалга ошириш мумкин бўлмаган имкониятларни рўёбга чиқариш учун эртами-кечми, барибир, ишга киришади...

— Салом, Владимир Ильич,— секин сўрашди Покровский.

У чиройли костюм-шим, унинг ичидан нимча кийиб

олган эди, қотириб крахмалланган олпоқ кўйлагининг энги ва ёқаси қўлига ва бўйнига бежирим ёпишиб турарди. У ўзини дадил тутарди.

Ленин унинг қўлини сиқиб, ўтиришга таклиф этди. Покровский шошмай креслога чўкди-да, орқасига суянди. Ҳамма нарса тўғрисида яширмай, ошкора гаплашиб олишни истаган одами рўпарасида ўтирипти. Таърих ҳаракатини кескин буриб юборишга журъат қилган бу одам ҳозир майда ёзувлар билан тўлдирилган қоғозларни дасталаб тахлаш билан банд. Ниҳоят, у қоғозларни дасталаб бўлди, четларини столга уриб текислади, темир қистиргични топиб қисди-да, бир чеккага олиб қўйди...

Владимир Ильич Покровскийга диққат билан тикилиб турди-да, савол берди:

— Фёдор Васильевич, нега ишламаяпсиз? Умид қиламанки, сиз бошқаларга ўхшаб, Совет ҳокимияти бошлаётган ишлардан бўйин товламассиз?

Ленин гўё Покровский билан ҳар куни кўришиб турадиган одамдай бамайлихотир гапирарди. Бу Фёдор Васильевичга маъқул тушди. Давлат бошлиғи жуда кўп зарур ишларини йиғиштириб қўйиб, ҳузурига таклиф қилиб, самимий ва аниқ савол берапти. Мана, жавоб кутиб, қараб турипти.

Покровский ҳам, ортиқча такаллуфларни йиғиштириб қўйиб, тўғри жавоб бермоқчи бўлди.

— Владимир Ильич, нима учун совет тузумини албатта қўллаб-қувватлаш керак? Масалан, сиз бу тузум фақат яхшилик келтиради деб ишонасиз. Мен эса бунга амин эмасман. Қаршингизда ўтирган кимса ҳам ахир, фикрлайдиган одам. Рост, менинг қўлимда ҳокимият йўқ ва баъзиларнинг назарида расмана буржуйман. Лекин, ўйлайманки, бир оз ҳаққи-ҳуқуқим ҳам бўлса керак... Хусусан, ўз фикрларимни айтиш ҳуқуқи... Нега сизни ошкора қўллаб-қувватламайдиганларнинг ҳаммаси саботажчи бўлиши керак?

Покровский хотиржамлик билан, иззатталаб оҳангда гапирарди. Қора костюм-шим, силлиқ қирилган юз, институт аудиторияларини тўлдириб юрган босиқ овоз...

Ленин тирсаги билан столга таяниб қўлларини қаттиқ қисди.

— Ўз фикрларим... Ҳаққи-ҳуқуқим.— Ўйчан такрорлади у ва лўнда савол берди: — Сиз биз тарафдами ёки бизга қаршимисиз?

— Учинчи йўл йўқми?

— Қани, бўлса марҳамат қилиб айтинг?

— Сизга, шахсан сизга тарафдорман. Владимир Ильич. Лекин ҳозирги ишларнинг охири нима бўлишига ҳеч кўзим етмаяпти. Шу пайтгача мен фақат бузиш, вайрон қилиш руҳини кўрдим. Эшитганим «Йўқолсин! Буз! Ур!» бўлди. Бу жуда жўн ва қулай. Ҳамманинг қўлидан келади. Аммо вақти соати келиб бу ишлар тавом бўлади-ку, ахир.

— Биз фақат бузганимиз йўқ, яратдик ҳам. Ҳозир эса қуриш, қуриш ва қуриш вақти келди.

— Ҳа, балли! Албатта, ҳазилакам иш қилингани йўқ: деҳқонга ер берилди... сулҳ тузилди... Ёвларнинг ҳамма ҳужуми барбод қилинди... Хўш, энди бу ёғи нима бўлади? Бу ёғи-чи? Бизни Деникин эмас, ўзимизнинг ёввойилигимиз, хонаки ваҳшийлигимиз бўғизлайди!

— Ваҳшийлик етиб ортади,— маъқуллади Ленин.— Хўш, янги ҳаётга интилиш-чи? Минг-минглаб одамларнинг интилиши-чи?

— Бу ҳам бор, албатта... Бироқ унинг ҳам хавфи йўқ эмас. Улуғ халқ мактаб очса бўладиган уйларга ўт қўймоқда, зиёлиларни ёппасига хорламоқда, бири-бирини поезд филдираклари остига улоқтирмоқда...

— Қишлоққа бордингизми? Нон учунми?

— Ҳа...

Ленин олдинга итилди.

— Ҳозиргача ўт қўйишяпти, денг? Қани, айтиб беринг-чи?

— Ўзим кўрдим... Икки қаватли катта иморат...

— Икки қаватли катта иморат? Қишлоқда мактаб бор эканми?

— Йўқ-да. Ҳамма гап шунда...

— Хўш... Касалхона-чи? Почта-чи?

— Йўқ, Владимир Ильич!.. Йўқ!..

Ленин Покровскийдан кўрганларини ҳамма тафсилотлари билан икир-чикиригача сўраб, суриштирди. У қишлоқ ҳаёти манзарасини, қишлоқдаги аҳволни аниқ тасаввур қилишни истарди. Бу ҳаётнинг ҳар бир жил-васи, ҳар бир нуқтаси Ленин учун қанчалик муҳим экани Покровскийнинг ҳаёлига ҳам келмаган, билганлари эса денгиздан томчи эди, холос.

— Ўт қўйишди, денг... Маҳаллий ҳокимият нима қилди?

Покровский мужмаллик билан елка қисди.

— Билмайсизми? Қизиқмадингизми? Ўт қўйишганини ҳамма деҳқон маъқулладими?

— Ҳар қолда, Владимир Ильич, кўпчилик...

— Ҳм... Қишлоқда коммунистлар бор эканми?

— Улар қаерда йўқ...

— Неча киши экан, билмадингизми?

— Билмадим...

— Хўш, хўш..

Кейин қўққисдан сўради:

— Сиз Шатура ҳақида эшитганмисиз, Фёдор Васильевич?

— Оз-моз...

— Афеус! Шатуранинг биринчи қурувчилари бараклар барпо этишгунча, ботқоқда, ертўлаларда яшашди. Болта ва арра билан минглаб дарахт кесиб, юзлаб ўн икки метрли таянч мачталари ўрнатишди... Овқатлари — баъзан чириган нўхат билан қуртлаган қоқ ба-

лиқ бўлди. Одамлар душманларнинг таҳдидинигина эмас, улар отган ўқ овозларини ҳам эшитишди... Шуларга қарамай, яқин орада электр станциясини таянган билан ишга туширамиз!

— Владимир Ильич,— босиқ оҳангда сўзлай бошлади Покровский,— Совет ҳокимияти ўрнатилмасдан анча аввал ҳам, сиз яхши кўрган Карл Маркс билан Фридрих Энгельс ижтимоий тараққиёт қонунлари деб аталмиш қонунларни кашф қилмасдан бурун ҳам рус мужиклари жаҳон маданиятининг дурдоналари бўлмиш ажойиб маъбудалар, қасрлар ва саройлар яратган. Улар ўшанда ҳам чириган нўхату, қуртлаган қоқ балиқ еган бўлсалар ажаб эмас! Фақат қул бўла туриб, бунақа дурдоналарни яратиш мумкин эмас. Қанча-қанча мужиклар дарра зарбидан қулаган бўлса ҳам, дурдоналарни сиз айтган ишонч, руҳ яратган. Кишанбанд қуллар гўзал келажакка ишонишган. Аммо, фидокорлик қилиб, оламнинг ҳуснига ҳусн қўшган бу одамлар ҳаётни тубдан ўзгартира олмаганлар. Ҳаёт аввалгидай аянчли ва қабиҳлигича қолаверган.

— Шунинг учун ҳам революция қилинди-да, азизим Фёдор Васильевич, миллионлаб одамларнинг руҳи ва ишончи, ниҳоят, сиз айтгандек, ҳаётни тубдан ўзгартириш учун!

— Менинг тушунишимча, революциянинг вазифаси тафаккур ва адолат, илм ва тараққиёт таянчасини барқарор қилишда...

— Қани, қани,— Ленин луқма ташлади,— лекин барқарор қилмади, таъминламади! Ҳозир сиз далиллар ҳам келтирарсиз. Қани, давом этаверинг-чи!

— Революция кўп нарса барпо этмаганини ёки ҳозирча барпо этмаганини сиз мендан кўра дурустроқ биласиз. Аммо у барпо этмайди ҳам. Гап шунда! Кўриб турибсизки, мен баайни контрреволюционернинг ўзиман...

— Йўқ... Сиз ўзингизнинг янашингизга ўзингиз

халақит бериб юрибсиз. Сизни қийнаётган нарса нима, Фёдор Васильевич? — ғамхўрлик билан сўради Ленин. — Эртаги куннинг ўйими?

— Келажак. — Покровский тўғрига тикилиб индамай қолди. Кейин қўшимча қилди: — Шахсан ўзининг келажакимни айтаётганим йўқ, албатта...

— Тушунаман, — қувватлади Ленин.

— Владимир Ильич, сўраганнынг айби йўқ, баъзан кечалари ташвишдан уйғониб кетадиган пайтларингиз бўладими?

— Бўлади...

Ленин бундай пайтлар бўлгангина эмас, ҳозир ҳам тез-тез уйғониб кетишини айтмоқчи эди... Мамлакат фронтларнинг оловли занжирида бўлган пайтларда у уйғониб, навбатчиларга, ҳарбийларга телефон қилар, баъзан бевосита гаплашарди. Масалан, Вологдага телефон қилиб, қаерда аксилинқилобий ғалаён қўзғолиши мумкинлигини, ишларнинг боришини аниқларди... Ёки топширилган иш қандай бажарилаётганини суриштирар, маслаҳатлар берар, кўмаклашарди. Ҳарбий жиҳатдан жуда хатарли йиллар ўтиб кетди, бироқ у ҳозир ҳам тез-тез уйғониб кетиб, ўйлаган ўйларини охирига етказди, эрталаб қилиши керак бўлган зарур ишларини чамалаб қўяди...

Ленин буларнинг ҳаммасини хаёлидан ўтказди, лекин Покровскийга бошқа гапни айтди:

— Орамизда шундай кишилар борки, улар бирон ишни йўлга қўйиш ёки яхшилаш нега мумкин эмаслигини исбот қилишни жуда яхши, айтиш мумкинки, аъло даражада ўрганиб олишган. Нега энди ана шу куч ишни яхшилаш учун сарфланмайди. Агар шундай қилинганда биз аллақачон жуда катта муваффақиятларга эришган бўлар эдик. Афсуски, ҳали бунга узоқ...

Гўё ҳузурида ҳеч ким йўқдай, Ленин ўрнидан туриб, кабинетда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Покровскийга Ленин уни батамом унутиб юборгандай туюлди. Бироқ Владимир Ильич унинг ёнига келиб, деди:

— Эҳтимол, Фёдор Васильевич, бу ҳаракатлардан ҳеч нарса чиқмас. Агар биз ҳозир саноат билан қишлоқ хўжалигини йўлга қўя олмасак — ҳалок бўламиз. Совет ҳокимиятининг ҳалокатига розимисиз?

— Шахсан, мен Владимир Ильич, Совет ҳокимиятидан ҳеч қандай наф кўрганим йўқ. Агар бу ҳокимият чиндан ҳам кишилар ҳаётини ўзгартиришга қобил бўлса, унинг ҳалокатини исташ хато бўлур эди. Мен ўсиб, улғайган муҳит ундан жуда кўп нарса кутмоқда.

— Қандай муҳит?

— Менинг бобом билан отам Брянск яқинидан чиққан крепостнойлар. Сиз билган Мальцев Песочнеда чўян эритадиган завод қурганида, улар замбилгалтакда қум ва тупроқ ташишган. Шу аҳволда завод қуришган. Ўша завод ҳозир ҳам бор.

— Завод дейсиз-а! Биз янги жамият қурамиз, қурганда ҳам назоратчининг даррасисиз қурамиз.

Телефон жиришглаб турар, баъзан секретарь кирар, Ленин эса ҳамон Покровский билан суҳбатини давом эттиради. Бир лаҳза ҳам унутиш мумкин бўлмаган ҳарита Россиянинг бепоён кеңгликларида — Питердан Владивостоккача, Оқ денгиздан Қора денгизгача жонланиб, рўёбга чиқиши учун Фёдор Васильевич қўлидан келадиган ҳамма ишни қилади деб узил-кесил ишонмагунча, Ленин бу одамни жўнатиб юборолмас эди. Ленинни ҳаммадан кўпроқ ташвишга солаётган нарса — Фёдор Васильевичнинг келажак ҳақида гапирганда нигоҳида пайдо бўлувчи ғамгинлик эди. Владимир Ильич мунозара қилар, ишонтирмоқчи бўларди... Ленин вақтини ҳам, кучини ҳам аямай ишонтиришга тайёр эди, аммо ҳал қилиш эмас... Одамнинг ўзи ҳал қилиши керак... Ниҳоят, Покровский яқин кунларда қўнғироқ

қиладиган ёки ўзи Кремлга келиб кетадиган бўлди. Шунга келишишди.

Бу воқеа шанба куни бўлди. Владимир Ильич ишини одатдагидан эртaroқ тугатиб, Горкига жўнаб кетди.

Владимир Ильич алоҳида солинган кичкина уйда ухлашга ҳозирланаётганда, кечаси алламаҳал бўлиб қолган эди, ташқарида бирдан ёмғир қуйиб юборди. Гарчи бу ёмғир кейинги кунларда ёққан биринчи ёмғир бўлмаса ҳам, бугунгиси Ленинга алланечук бошқача кўриниб кетди. Ёмғир вазмин тортган новдаларни, эзилган кўкатларни шиддат билан саваларди. Кекса дарахтлар шамолда қисирларди. Ёмғир томчилари томни такиллатар, деразага урилиб золдирдай пастга юмалаб тушарди. Стол устидаги чироқнинг абажуридан бу золдирлар зангори тусда кўринарди.

Владимир Ильич оҳиста ошхонага чиқиб, чой қўйди. У бошқаларни безовта қилишдан ҳам кўпроқ ўзининг ухламаганини уйдагилар билиб қолишмасин, деган хавотирда эди.

«Уруш ва тинчлик» китобини суриб қўйиб, Владимир Ильич стол ёнига ўтирди-да, стаканни чангаллаб китобга кўз ташлади...

Ёмғир ҳамон бир маромда томни такиллатмоқда. Аллақайларда ҳозир ўрмонлар, яланғоч далалар, уйқудаги шаҳарлар ва қишлоқлар шалаббо бўляпти. Мана шундай тунда иссиқ стаканни ушлаб, ортидан зулмат кўриниб турган ҳўл деразага қараб ўтириш қанчалик ҳузур.

Жуда яхши!

Ленин чойдан бир хўплади. Чой қуюқ ва ҳали ҳам қайноқ эди. Жуда ажойиб чой! Владимир Ильич бир неча саҳифа ўқиб чиқиб, китобни ёпди... Қоронғи дераза ўзига чорлади. У яна ёмғирнинг баргларга урилаётганига, дарахтларнинг вазмин новдалари шовиллаётганига қулоқ солди.

«Вақти-соати келади, албатта, келади!..

Харитадаги ранг-баранг доиралар ўрнига қудратли электростанциялар пайдо бўлади, дарёларда тўғонлар қад кўтаради... Нур... Нур...»

Москвада ҳам Староконоюшенское кўчасида ёмғир ёғмоқда, дераза ортида зулмат...

Фёдор Васильевич эртанги кун ташвишида кумуш қошиқларни саралаб ўтирибди: уларни бирор бозорга бориб озиқ-овқатга алмаштириш мумкин.

Ленин билан бўлиб ўтган суҳбат бениҳоя самимийлиги туфайли Покровскийни танг қолдирган эди: «Ишдан бўйин товламассиз?» «Қилмасак — ҳалок бўламиз!..» «Ҳозиргача ўт қўйишяптими?» У мураккаб нарсалар ҳақида фавқулодда одамларга хос зўр эътиқод билан содда ва аниқ гапиради. Бироқ улуг одамлар кўп ўтган... Уларнинг номлари афсоналарда қолган. Ҳозир бу ривоятларнинг қаери чин, қаери тўқилган уйдирма эканини аниқлаш ҳам амри маҳол. Лоқайд тарихнинг кўрсатишича, идеологиялар кутгандан аввал, одамлар бохабар бўлмасдан аввал чириб, ўлик догмага айланиб қолади. Унинг даҳшати шундаки, ортиқ ишонадиган нарса ва сиғинадиган кимса қолмаган бўлса-да, догма миллионлаб одамларни ишонч кишанларида тутиб туради... Улуғларнинг ҳам ўз заифлиги бўлади. Покровский буни билади. Энг муҳими, кейин нима бўлади? Ленинга ўхшаганлар галаба қилармикин ёки уларнинг рақибларими?

Фёдор Васильевич қошиқ-вилкаларни бир чеккага суриб қўйди. Шкаф ёнига келиб, Кржижановскийнинг «Россияни электрлаштиришнинг асосий вазифалари» деган китобчасини олди.

«Жуда яхши нашр этилган! Наҳотки, музлаб ётган типографияда шунчалик нашр этишган?»

У китобчани қўлида айлантириб кўрди, беш рангда босилган харитани, аниқ ҳарфларни томоша қилди. Ажабланмай илож йўқ, жуда соз босилган! Фёдор

Васильевич китоб жинниси эди, матбаа ишларидан ҳам тузуккина хабари бор. Шунинг учун ҳам ҳозир «Ленин илтимос қилгани учун босдик!» деган сўзларни эслаб ажабланмоқда эди.

Фёдор Васильевич шу тўғрида ҳарф терувчи билан батафсил гаплашмаганига афсусланди. Бир одамнинг чақирғи шунчалик акс-садо беради деб кимнинг хаёлига келибди? Бу аллақандай мислсиз ҳодиса—масъулият ҳиссини бошқаларга юқтириш... Қилиш мумкин бўлмагандай туюлган ишни рўёбга чиқариш зарурлигига ишонтириш...

Покровский креслога ўрнашиб ўтириб олиб, жинчи-роқни олдиға тортди-да, китобчани варақлай бошлади. Унинг саҳифаларидан босмаҳона бўёқларининг ҳиди анқиб турарди...

Деразанинг ортида ёмғир шовилламоқда.

Тўсатдан эшик тақиллади — қўнғироқ анчадан бери ишламас эди. Фёдор Васильевич қулоқ солди... Кимдир эшикни қўл билан эмас, аллақандай қаттиқ буюм билан урарди. Покровский соатига қаради — бирдан ошипти! Ким бўлди экан ярим кечада келган бу қўноқ? Эшик яна тақиллади, бу гал зарда билан таҳдид аралаш тақиллади.

— Федя, эшик тақиллаяпти, — деди хотини ётоқхонадан, хавотирлигини билинтирмасликка уриниб. Фёдор Васильевич ваҳимани ёмон кўрар, қўрқоқлик қилинса, ёки чўчиганини ошкора қилса тутатиб кетарди... Бу инсон учун ор-номус деб биларди у.

— Ҳозир очаман, — деди у баланд овоз билан эшик ортида турганларга.

Фёдор Васильевич ўрнидан туриб, эшикни очди.

«Тинтув...»

Уч киши кириб келди. Бирининг қўлида тўп-понча.

— Марҳамат... — уларни ичкарига таклиф қилди Фёдор Васильевич.

Ҳаяжонли ҳодисалар куни етиб келди.

Эрталаб Қозон вокзалидан Шатурага 101-чақирим-гача махсус поезд жўнамоқда. У муваққат Шатура электростанциясининг очилишига меҳмонлар олиб кетяпти. Меҳмонлар жуда вақтли, ҳали эрталабки саккиз бўлмасданоқ тўплана бошлашди, ахир, электростанциянинг очилиши ҳазилакам гап эмас-да! Бу ақл бовар қилмайдиган байрам эди!

Перронлардан бирида гуж бўлиб турган ишчилар, наркоматларнинг вакиллари, партия ходимлари орасида Фёдор Васильевич Покровский ҳам бор эди. У ҳар қалай энергетик... Лениннинг гаплари нақадар содда ва ишонарли! Унутмапти, чолни ҳам таклиф қилин-лар, деб эслатган шекилли!

Ҳеч нарсани кўрмай, ҳеч нарса эшитмай, уйга биқиниб ўтириш ақлли одамга муносиб эмас. Ҳамма нарсани ўзи кўриб, ўзи хулоса чиқариши керак!

Қора костюм кийиб, брезент плашини билагига ташлаб олган Фёдор Васильевич перронда мағрур одимлаб юрибди. Фёдор Васильевич Москва атрофидаги танишларининг дачаларига борса ҳам, ёки бирон иш билан заводларга борса ҳам, бу қўпол плаш сира қўлидан тушмасди. Покровский уни ёгин-сочинлардагина эмас, балки олис сафарларда ҳам асқотиб қолар, деб олиб юарди.

Деразаси тор бир неча вагондан ташкил топган поезд ниҳоят перронга келиб тўхтадۇ. Перрондаги одамлар бир зумда вагонларга жойлашишди.

— Калинин... — деган овозни эшитиб, Фёдор Васильевич ҳам бошқалар қатори деразага қаради.

Атрофини бир неча одам қуршаб олган Михаил Иванович вагон ёнидан ўтиб борарди. Устида нимдош одми костюм, итёқа кўк кўйлак, бошида усти баланд фу-

ражка — темирйўлчи ёки шаҳарлик ҳунарманднинг баайни ўзи.

Паровоз сон-саноқсиз омборлар, устахоналар, бири-бирига тутшиб-ажралиб кетган темир йўллардан ўзига йўл очмоқчи бўлгандай, чўзиб тантанавор гудок чалди.

Баъзи бир йўловчилар бир-бирларини танирдилар. Шу сабабли ўзаро қуюқ суҳбат бошланиб кетди. Аммо Покровский вагондаги қўшниларида ҳеч қайсисини билмас эди. У костюм кийган, кўйлагини шимининг устидан осилтириб олган, эски гимнастёркали, байрам шарофатига этик ва ботинкаларини ярқиратиб мойлаган одамларни қизиқиш билан кўздан кечира бошлади. Мана шу хизматчилар, ишчилар, партия ходимларининг бир хислати Фёдор Васильевични хижолат қиларди: унинг сезишича, булар шахсан ўзи бирор нарсага узил-кесил амин бўлмасдан туриб, дуч келган нарсани рад этишга ёки маъқуллашга тайёр эдилар. Майли, бошқалар буни сезишни истамаса, ёки сеза олмаса, сатқан-сар! У бўлар-бўлмасга «ура!» деб ҳайқиравермайди. Аввал ўз кўзинг билан кўриб, ҳақиқатан яхши иш қилинганига амин бўлиш керак...

Меҳмонларнинг кўпчилигининг қўлида газета. Фёдор Васильевич қаршисида ўтирган одам ўқиётган «Правда» газетасидан Шатуранинг очилиши Қизил Армиянинг энг машҳур ғалабалари билан бир қаторга қўйилаётганини билиб олди. Газета қурувчиларни ғалаба билан қизғин табриклаган эди.

Атрофда эса ғала-ғовур:

— Мен бу Винтерни революциядан аввалги вақтлардан бери биламан. У билан кўп учрашганмиз...

— Бош инженерними?

— Эртага бизнинг Шатурани бутун мамлакат эшилтади...

— Шатурадан кейин-чи? Қандай станциялар қурилишини бир тасаввур қилиб кўр...

— Тўғри госпиталдан қурилишгами?

— Энг муҳими, ҳар бир деҳқон бу нурни кўриб, унга интилса саз бўларди. Россия — деҳқончилик мамлакати.

— Ишчи-чи? Нега ишчилар ҳақида гапирмайсан?

— Ишчи ўз йўлига. У ҳаммага маълум аниқ гап. Деҳқонга эса эсэрлар ёпишади. Совет ҳокимияти кимники томоғидан ғиппа олган бўлса, ҳаммаси деҳқонга ёпишади...

— «Октябрь — пролетар революциясининг дигатели!» — бу шior энди моддий асосга эга бўладиган бўлди... Тушуняпсанми?..

— Бу қайси Гончаров? Орёл яқинида иш кўрсатган Гончаровми? Юденичга қарши юришда иштирок этмаганмиди?

Бутун йўл давомида шу...

Кўпгина одамлар болалиги ўтган жойлар билан учрашишдан ҳадиксирлагани каби, Фёдор Васильевич ҳам Шатура ботқоқликларида қилинган иш билан учрашишдан чўчир эди... Ахир у ерда шундай нарсани кўриш мумкинки, у юрагингни сиқимлаб, бир тутам қилади-ю, ҳамма нарсани ост-уст қилиб юборади...

Фақат пасха ва рождество байрамларидагина сандиқдан олинадиган кийимларни кийиб, ясаниб олган юзлаб одамлар баланд темир мўрилик станция биноси олдида тўпланишган эди. Атрофдаги қишлоқлардан юзлаб деҳқонлар келишипти... Байрам!..

Аммо тантаналар ҳадеганда бошлана қолмади. Михаил Иванович қурилишни айланиб чиқди, мактабни, амбулаторияни кўрди, ғишт терувчилар, дурадгорлар, электриклар билан гаплашди, ишчиларни ғалаба билан табриклаб, қўлларини қаттиқ қисди.

Фёдор Васильевич электростанциянинг мўъжазгина биносини, одамларни кўздан кечирар ва очилиш маросимини бепарвогина кузатар эди. Олисдан, аллақадан жарангдор қарсак овозлари эшитилди... Кейин тан-

таналар бошланди — Моссовет байроғи топширилди, ВЦИК ёрлиғи ўқилди...

Кун исиб кетди. Қуёш аёвсиз қиздирмоқда.

Юзлаб одамларнинг кўзи Калининда... Уларнинг чеҳрасида кўтаринки руҳ ва ишонч... Ленин билан гаплашган ишонч ва руҳ ҳам мавжуд... Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Станция ҳам мавжуд...

Фёдор Васильевичнинг ёнида шу замонда ўсиб улғайган мужиклар, ишчилар турарди. Оқ кўйлакли чол... Костюм кийиб олган бақалоқ юзли йигит... Кўк кўз жувон... Россиянинг туб халқи. Уларнинг ота-боболари, авлод-аждодлари ҳам Покровскийники сингари крепостной бўлган.

Фёдор Васильевич қишлоқда ўтказган болалик чоғларини эслади. Бу хотиротлар жуда эски бўлса ҳамки, ҳали охори тўкилмагандек, ёрқинлигини йўқотмаган эди. Тандирдан янги узилиб, карам баргига ўралган ноннинг иси, янги соғилган сутнинг ҳовури димоғига урилгандек бўлди, қуёш тафтида илиган кенг сарой, унинг чанг ҳавоси, унда сақланадиган пичанинг ҳушбўй ҳидини ҳис қилди... Фёдор Васильевичнинг хотирасидан вилоятда таниқли гапдонларнинг, философларнинг, ақлли, тадбиркор дурадгорларнинг, беозор тентакларнинг басавлат қадди-қоматлари липиллаб ўтди... Дарё бўйидаги тепалик мазорни ҳам кўргандай бўлди... Кимларнингдир қабрлари устида қорайиб кетган бутлар қийшайиб турипти. Бу қабрларда қанчадан-қанча истеъдодли одамлар ётипти. Бугун улар унутилиб кетган. Улар ҳаётлигида турмушни тузатишга, ночор аҳволдан қутулишга кўп уринган, лекин бунинг уддасидан чиқолмаган...

Уша ажойиб дурадгорлар, донишмандлар, философларнинг авлод-аждодлари бугун иш бериши мумкин...

Покровский бу ердагиларнинг ҳаммасига хос бўлган шодиёна кайфиятга берилиб кетиб, Калининнинг

гапларига эътибор билан қулоқ солаётганини ўзи ҳам сезмай қолди. У Бутунроссия оқсоқоли ўқиб бераётган ВЦИК Ёрлиғининг сўзлари ҳозир одамларнинг қалбига янада кучлироқ ифтихор туйғусини солишини, ўз кучига ишончини мустаҳкамлашини, тафаккур ва эзгу ниятга хилоф бўлган ҳамма нарса устидан афзаллик ҳисларини ҳосил қилишини истарди.

— Совет республикасининг ишчилари ва деҳқонлари номидан, — дея давом этарди Калинин, — ВЦИК фидокорона садоқати, ғайрати ва фавқулодда зўр бериб қилган меҳнати Республика учун шу қадар қимматли самара берган меҳнаткашларнинг ҳаммасига ташаккур ва миннатдорлик эълон қилади. Республика қарши-сида ВЦИК шуни алоҳида қайд этишни адолатли деб ҳисоблайдики, Шатура электростанциясини барпо этиш ишларида иштирок этганларнинг ҳаммаси — раҳбарлардан тортиб, техник ходимлар ва оддий ишчиларга қадар аҳил меҳнаткаш оила бўлиб чиқди. Бу аҳил оилага ишларни тез суръатда ва муваффақият билан охирига етказиш ҳамда мамлакатдаги вайроналик устидан ғалаба қозониш истаги илҳом берди...

Михаил Иванович Калинин Шатурани барпо этишда қатнашган ходимларнинг ҳаммасини ВЦИК, Республиканинг ҳамма меҳнаткашлари учун ўрناق намунаси сифатида «Қизил Тахта»га ёзса арзийди деб ҳисоблайди, деганда, Фёдор Васильевич баъзиларнинг хижолат тортганини кўрди.

«Наҳотки, шу одамлар бутун республикага ўрناق бўлса? Нон ва кийим-кечак ташвишида юрган, ҳар қайсиси камчиликлари ва нуқсонларига эга бўлган жонли одамлар...»

Оркестр «Интернационал»ни чалиб мис карнайларнинг қудратли овози кўз илғамас ботқоқлар ҳавосини тўлдириб юборгандай туюлганда, одамларнинг кўзида ёш милтиради. Покровскийнинг ҳам қовоқлари қичишди. У мана шундай катта ва қийин ишга дахлдорлик

туйғусини кўпдан бери кечирмаган эди. Гўё ҳамма билан бирга зафарга эришиб, у мана шу мужиклар ва ишчиларга қарар ва уларни таниёлмас эди: улар унинг кўзига худди ўзгариб кетгандай — мардонаворроқ, гўзалроқ бўлиб қолгандай кўринди...

Митингдан кейин, кўпчилик меҳмонлар тарқай бошлаганда Фёдор Васильевич шошмай, синчиклаб қурилишни кўриб чиқди. Тўғри, станция кичкина, атиги беш минг киловатт қудратга эга... Лекин, барибир, шу туришида ҳам мўъжиза! Қўл келадиган нарсаларнинг ҳаммасидан фойдаланишпти: Петрограддаги Болтиқ заводидан топиб келинган Эрликон турбогенератори ҳам, «Наварин» зирҳли кемасидан олинган Ярроу системасидаги қозон ҳам қолмапти. Фойдаланиб, тўғри қилишпти!

Фёдор Васильевич станция атрофига, янгигина қурилган турар жой бинолари орасига, амбулатория, Халқ уйи, ҳаммом ёнига кўплаб дарахт кўчатлари ўтқазилганини кўриб, ҳайрон қолди. Капиталистлар завод қуришганда, бунақа кўп кўчат ўтқазилмас эди — негаки, кўчат фойда бермайди. Дарахтни худди корхонанинг ўзи каби ҳаёт учун зарур нарса деб ҳисоблайдиган одам ҳақиқий инсон бўлади... Бундай одам бошқаларнинг манфаатини кўзлайди. Атрофингда ана шундай ҳақиқий одамлар мавжудлигини ҳис қилиш нақадар яхши!..

Ҳамма билан бирга бўлишдан, ҳаммани хурсанд қилаётган нарсани кўриб, қувонишдан ҳам ортиқроқ бахт борми?

Лекин шундай бўлса-да, Фёдор Васильевичга содир бўлаётган ҳодисаларнинг ҳаммасини сўзсиз тан олиши учун алланарса халақит бериб турарди.

Бир неча соатдан кейин Шатурага ўт тушди.

Торфли ботқоқликнинг уч томонидан кўтарилган аланга берган сари теварақ-атрофни қамраб ола бошлади. Машиналар, бараклар, телефон сим ёғочлари,

таянч мачталар, уюб қўйилган торфлар, ўтинлар ёнди... Турбина залининг биноси ҳам ёнишига сал қолди.

Фёдор Васильевичга буларнинг ҳаммасини илгари кўргандай туюлди: аччиқ дуд, ҳамма нарсани қатора-сига ямлаб ютаётган аланга унга танишдай эди. Буларнинг ҳаммасида у аллақандай адолатсизликни туйди ва иложсизлигини ҳис қилиб, юраги эзилди. Дарвоқе, буни у Фоминода кўрган эди. Ўзимизникилар ўзимизнинг иморатга ўт қўйганди... Ҳа, бегоналар эмас, ўзимизникилар. Лениннинг ҳамма мардона ҳаракатини йўққа чиқаради!

Шамол бўлмаса ҳам, ёнғиннинг дуди кучайиб, томоқларни ачиштира бошлади...

Ёнаётган ботқоқ икки чақирим нарида бўлса-да, Фёдор Васильевич аланганинг тафтини ҳис қилаётгандай бўлди.

Фёдор Васильевич нима қилаётганини англамай, плашини ёйиб, елкасига илди. «Асқотиб қолди-ку!»

Покровскийнинг аъзойи-бадани қақшарди. Ич-ичидан чиқаётган титроқ бутун вужудини қоплади... Атиги бир соат бурун ҳамма нарса жойида эди-я!

Гудок ўқирмоқда, бошларни зирқиратиб жом чалинмоқда...

Фёдор Васильевич юрсам исиб кетарман, титроқ ҳам ўтиб кетар деган ниятда станцияга йўл олди.

Баъзилар станцияга қулоқлар ва армиядан қочганлар ўт қўйди дейишди, баъзилар қурувчилардан биронтаси папиросини ўчирмай ташлаган бўлса, шундан ёнғин чиққан дейишди. Бундан ташқари, торф ўз-ўзидан ҳам ёниб кетиши мумкин эди...

Минглаб одамларнинг меҳнати зое кетди. Бироқ, бу зарба энди ҳеч нарсани ўзгартира олмас эди. Станцияни ёнғиндан сақлаб қолишди. Ёнг муҳими эса — одамлар ўзларининг катта куч эканига ишониб қолишди. Ҳар қанча қийин бўлмасин, ер устида нурии барпо этиш мумкин экан! Шатураликлар саросимага туш-

май, ортиқча шикоятларсиз, сокин ўжарлик билан ён-гин маҳв этган нарсаларни қайтадан тиклашга киришишди.

8. ТАНИШИШНИНГ ДАВОМИ

Ёши қайтиб қолган, ўрта бўй, бўйнига қараганда қўл-оёғи калта кўринадиган, гавдасига нисбатан бошини муносиб тарзда кичик, соқоли тоза қирилган, бардам мистер Герберт Джордж Уэллс дарё бўйидаги София кўчасида жойлашган 17- уйнинг дарвозасидан чиқди. Шляпа кийган кекса таржимон аёл ва матрос унга ҳамроҳ эди. Матрос революцион Россия флотининг мухтор вакили эди. У Совет ҳукуматининг донгдор меҳмонини контрреволюция хуружидан ва собиқ империянинг ҳар хил ярамас қолдиқларининг суиқасидан ҳимоя қилар экан, ўзини шундай ҳис қиларди. Яғриндор, гавдали матрос гўё Уэллсга заррача парво қилмаётгандай, одамларнинг бошлари оша аллақайларга назар ташлаб юрар, лекин бу орада ўз ҳимоясидаги меҳмоннигина эмас, атрофида бўлаётган нарсаларнинг ҳаммасини ҳам кўриб турарди.

Герберт Уэллс Петроградда бўлиб, уни ўрганиб чиққан, энди Москва ҳаёти билан танишиши керак эди.

Кўчаларда одам гавжум. Дарёнинг нариги соҳилида, дўнглик устида неча асрлардан бери Россиянинг рамзи бўлиб келган Кремль. У ҳозир ҳам қаровсизлигига, замбарак ўқларидан шикаст еганига қарамай, ҳамон юракларни ларзага соларди. Бу гумбазлару салблар ҳамда минораларнинг ҳаммаси: Осиё, славянчилик, албатта, лекин Осиё, славянчилик бўлганида ҳам ўзининг алоҳида гўзаллиги ва қудрати билан ром қилувчи улуғворликка эга.

— Хўш? — деди Уэллс таржимон аёлга мурожаат қилиб.

— Ленин билан учрашишингизга эллик икки минут вақт қолди, мистер Уэллс.

— Жуда соз.

Меҳмон ва унинг ҳамроҳлари пойтахт кўчаларида сайр қилишга жўнашди. Уэллс вайронликнинг бутун ҳалокатли даҳшатини кўрган эди. Бу кўпдан-кўп омиллар таъсирининг натижаси эди. Бу омилларни ёзувчи жуда яхши биларди. Ҳеч ким поездлар отам замонидаги каби тошбақадай судралиб юрсин деб, темир йўлларни атайин ҳозирги аҳволга солиб қўймаган. Ҳеч ким атайин кўчаларни бузиб, машиналар ўнқир-чўнқирларда сакраб, йўловчиларнинг боши машинанинг шифтига тарақлаб урилсин деб ният қилмаган ахир. Ўзи шундай бўлди...

Аммо вивескалар-чи! Буниси ажабланарли эди!

Уларнинг кўпчилиги букилган, қайрилган, синган.

Баъзилари куз шамолида аста тиқирлаб, битта ё иккита миҳда омонат осилиб ётибди. Бу онгли равишда бўлмаса ҳам, атайин қилинган иш эди. Бунинг учун қанча куч, қаҳр-ғазаб керак. Вивескаларни абжақ қилиш учун нарвон, болта ёки болға топиб, пачақлаш керак.

— Нима гап?— сўради Уэллс таржимондан аптеканинг пачақ вивескасини кўрсатиб.

— Расвогарчилик, мистер Уэллс,— деди таржимон юртдошлари учун хижолат чекиб.— Афсуски, мистер Уэллс, чоризм мероси...

— Шундай деб ўйлайсизми?— деди Уэллс киноя билан.— Унчалик эмасдир. Бу — чоризмга нафрат ифодаси. Ўътибор беринг-а: фақат подшо герби тасвирланган вивескаларни пачақ қилишган.

Уэллс кичкина бутхона қаршисида тўхтади. Бутхона эшиги олдида одамлар тўпланиб турар, ҳар хил шубҳали шахслар, шаддод, эпчил болалар, чакана савдогарлар юришарди.

Таржимон аёл билан матрос ҳам тўхташди.

Уэллс шошмай чўнтагидан сигара олди, унинг учини синдириб олиб, ташлагани ахлатдон қидирди. Ахлатдон йўқ эди, у сигаранинг учини кўчага ташлашга мажбур бўлди.

Уэллс одати бўйича сигарани бежирим лабларига қистириб, гугурт олиш учун чўнтагига қўл солди. Бироқ гугурт йўқ эди. У бошқа чўнтаklarини пайпаслаб кўрди ва сигарани бетоқатлик билан оғзининг бир томонидан иккинчи томонига ўтқазди.

— Сизда гугурт йўқми, ўртоқ Чекулин? — сўради матросдан таржимон аёл безовталаниб.

— Хаёлимга келманти, ўртоқ таржимон, — деб жавоб берди у атайин Уэллс учун, гўё у тушунадигандай, овозини кўтариб. Кейин паст овозда қўшимча қилди. — Гугурт оламан десам, маошим етмайди.

Таржимон аёл хавотир билан қошини чимириб, кўзларини катта очди. У бу билан Чекулиндан мистер Герберт Джордж Уэллс ҳузурида гапирадиган гапларингни аввал ўйлаб ол, демоқчидай эди.

— Секин гапиряпман-ку. У русчани билмайди, — деди Чекулин.

Бу орада Уэллс бутхона эшиги олдида турган галатти кийимдаги боланинг олдига келиб, бармоғи билан гугурт қутисини туртиб кўрсатди.

— Нима? — аввалига бола тушунмади, бироқ шу ондаёқ гапнинг нимадалигини фаҳмлаб, бош иргатди: — сотаман... сотаман...

Уэллс ҳамёнини олиб, ундан қоғоз пул чиқарди ва ҳамёнини яна чўнтагига солиб қўйди.

— Бўлмайди, ошна, — деди бола ва ҳафсаласи пир бўлиб бу чакана харидордан юзини ўгирди.

Мистер Уэллс ҳамёнини олиб, ундан яна битта қоғоз пул чиқарди. Бироқ бола истехзо билан жилмайиб қўя қолди. Шунда таниқли ёзувчи бир даста қоғоз пулни олиб, қора пальтосининг чўнтагига бепарво тикдида, битта-биттадан чиқариб, охири, боладан гугуртни

баҳосига етказиб сотиб олди. Гугурт кир ва ёрилиб кетган қўллардан тоза ва юмшоқ қўлга ўтди.

Уэллс қутини қизиқиш билан томоша қилиб, гугурт чизди. Гугурт ёнмади. Уэллс иккинчисини олди — у ҳам ёнмади...

Чинакамига ташвишга тушиб қолган Чекулин ўтган-кетганларни тўхтатиб, гугурт сўрай бошлади. аммо ҳеч кимда гугурт топилмади, меҳмон одамга бирортанинг сасиб турган махоркасидан тутатиб олишни таклиф қилиш унча ўринли бўлмас, бунинг устига, аксига олгандай, чекаётганлар ҳам кўринмас эди.

Герберт Уэллс ўжарлик билан гугурт чақишда давом этди. Аммо учинчиси ҳам, тўртинчиси ҳам, бешинчиси ҳам ёнмади.

Таржимон аёлнинг икки кўзи гугурт қутида эди.

Ниҳоят, Уэллс ҳамма гапга тушунди. Хўрсиниб, у ҳозиргина бола турган томонга қаради, аммо бола ғойиб бўлган эди.

Уэллс жилмайиб, ўзича алланарсалар деб мингирлади. Ялтироқ ботинкасининг учиди туриб, бутхонанинг ичига қаради-да, эшикка қараб юрди.

Таржимон аёл Уэллснинг чўнтагидан кўз узмай, қўлларини қаттиқ қисди. Оломон ичида бир лаҳзада унинг пулини ўғирлаб қўйишлари турган гап эди.

Чекулин Уэллсга юзланди ва:

— Сизга ақл ўргата олмайману, лекин марҳамат қилиб, пулингизни яшириб қўйинг, деди хавотирланиб. Кейин ажнабий меҳмоннинг тушунмаслиги эсига тушиб ишора билан чўнтагидаги пулларни ишончлироқ жойга яшириб қўйиш кераклигини тушунтирди.

Ёзувчи матросга миннатдорлик билан жилмайди, унинг кўзлари ғамгин тус олди. Бу таржимон аёлга таъсир қилди: бу одам чет элдагиларнинг кўпчилигига ўхшаб, масхара қилиб кулаётгани йўқ, балки ичидан эзиляпти...

Уэллс диққат билан одамларни кўздан кечирди.

Бутхона олдидаги оломон орасида ҳар хил ўғри ва қаллоблар борлигини пайқаш унча қийин эмас эди.

Уэллс қандай хавф таҳдид солиб турганини тушунганидан Чекулин мамнун бўлиб гапирди:

— Бунақа жойда мен ҳам пулингизни эҳтиёт қилолмайман!

Уэллс тушунаман, дегандай бош ирғади...

9. УЧРАШУВ

Ленин Уэллсни чап томонидаги қора креслога ўтқазди. Бу креслода боягина Кржижановский ўтирган эди.

Вазмин гавдали ёзувчи қулайроқ ўрнашиб ўтирди-да, вақтни бекор кеткизмаслик учун, кабинетдаги жиҳоз-анжомларни ва Лениннинг ўзини ҳам дурустроқ кўрмай туриб, баланд овозда гап бошлади:

— Мистер Ленин, сиз Россиянинг келажагини қандай тасаввур қиласиз!

Уэллснинг бароқ қоши теран фикрли кўк кўзлари устидан осилиб турарди. Ёзувчи суҳбатдошига бепарвогина қараб ўтирибди. Унга ҳамма нарса аллақачон маълум: қаршисидаги одам марксист, қироатхон. У Маркс ақидаларини қулаган Россия харобалари устида янги дунё яратиш учун, серсоқол устозининг хаёлини рўёбга чиқариш учун татбиқ қилишга уринмоқда. Уэллснинг кўнглида Марксга нисбатан заррача ҳурмат йўқ эди, аксинча, у Марксни унча хуш кўрмас эди. Шундоқ бўлгандан кейин, унинг осийлик издошига қандай муносабатда бўлиши керак? Бундан ташқари Уэллс ўзини Лениннинг баъзи бир шахсий сифатларидан ҳам хабардор деб билади. Ёзувчини, Ленин одамларга ақл ўргатишни яхши кўради, унинг тилларида дoston бўлган табассуми ҳам аввал ёқимли кўринадую, кейинчалик ғашга тегади, деб ишонтиришган эди.

Ленин Уэллсга бир қараб олиб, меҳмонни ажаблантириб соф инглиз тилида жавоб берди:

— Мен саволингизга жавоб бераман, мистер Уэллс. Аммо аввал сизнинг Россия ҳақидаги фикрингизни билишни истардим. Мамлакатимизга келганингизга ўн беш кун бўлди. Сиз ҳозирги Россияни кўрдингиз.

Уэллс суҳбатдошининг овозида самимий қизиқиш оҳангини сизди. Ленин хотиржам ўтирар ва меҳмонга диққат билан тикилиб, унинг мамлакат ҳақидаги фикрини билишга интиларди.

Уэллс бароқ қошини чимириб, аллақачон кўнглида тугилиб қолган гапни айтди:

— Ҳозирги Россия дейсизми? Тарих ҳали бунақа ҳалокатни кўрмаган-ку.

Ленин кўзларини қисди, соқолини чўччайтириб, бошини орқага ташлади. У суҳбатдошини бу қадар кескин ҳукм чиқаришдан аввал ҳамма нарсани ўлчаб, ўйлаб кўришга ундаётгандай эди. «Шундайми?! Шунанамми?!»

— Ҳалокат денг,— деб такрорлади у ва шошмай санай бошлади: — очлик, тиф, вайроналик, ваҳшийлик, ишлаб чиқаришнинг паст даражаси... Булар ҳаммаси тўғри. Лекин ҳалокат эмас.

— Ундай бўлса, сизнинг фикрингизча, ҳалокат нима, мистер Ленин?

— Чор Россиясининг бошига тушган нарса — ҳалокат. Четдан ёрдам беришганига қарамай, тузум ортиқ яшаёлмас эди. Бизнинг аҳволимиз оғир, жуда оғир,— таъкидлади Ленин,— ҳатто бениҳоя мушкул деса ҳам бўлади, бироқ мамлакат яшайпти. Россияда янги давлат тузуми сақланиб қолди. Унинг бақувватлашиб, оёққа туриб олиши учун куч, ғайрат керак.

Герберт Уэллс Ленинга ишонгиси келаётганини ҳис қилди. Унга Ленин одамларни маҳлиё қилиб қўйиш қобилиятига эга дейишган эди. Ҳозир у Лениннинг сеҳр-жодусига тушиб, унга ром бўлиб қоляптими ёки

мамлакат бошига тушган оғир кулфатларни Россиянинг раҳбари дадил тан олаётгани учун шундай бўл-
яптими — бунн ёзувчи билолмай қолди. Бироқ Уэллс-
да ҳар қалай қизиқиш пайдо бўлди: бу одам ҳақиқат
ҳар қанча аччиқ бўлмасин унга тик қараяпти. Демак,
Ленин мамлакатдаги вайроналикни кўриб турибди,
уни инкор қилиш эмас, ҳатто қийинчиликларнинг да-
ражасини ўзи таъкидлаб кўрсатапти. Хулосалари бош-
қача, холос, бироқ бу энди фалсафий масала. Хавф-
хатарни хаспўшламай туриб, уни бартараф қилиш
чорасини кўрадиган одам чинакам ҳурматга сазовор
эмасми?

— Ҳа, Россияни тубдан қайта қуриш, батамом ян-
гидан яратиш керак, — деди Уэллс.

— Биз шунга киришдик, мистер Уэллс, — деди
Ленин гўё оддий бир нарса ҳақида гапираётгандай. —
Биз ҳозир қашшоқ ва очмиз, аҳволимиз жуда оғир.
Аммо бизда шундай кучлар борки, улар ҳозирнинг ўзи-
да Россияни қайта қуриш ишини бошлаб юборишимиз-
га имкон беради. Билишимча, сизнинг Россияга меҳ-
рингиз баланд, мистер Уэллс.

Ленин борган сари қизишиб кетди. Орзу қилиб юр-
ган нарсаларини хаёлан тасаввур қилиш унинг учун
ҳам ёқимли эди.

— Бузилган темир йўллар ўрнига янгилари, элек-
трлашганлари пайдо бўлади. Ҳозир аравакашларнинг
сўкиниши-ю, қамчиларининг қарсиллаши янграётган
бузуқ йўллар ўрнига мамлакатни равон, кенг йўллар
қоплайди. Биз фабрика ва заводлар қурамыз, мамла-
катни саннатлаштирамыз. Бизнинг ўз машиналаримиз,
ўз автомобиль ва тракторларимиз бўлади.

Уэллс ўзининг бу одамнинг гапларини эътибор би-
лан тинглаётганидан ташқари, унга ишонаётганини
ҳам ҳис қилди. Ҳа, у худди шу алпозда гапга қулоқ
солиб ўтирарди.

Ленин Россияни қайта қуриш режалари ҳақида га-

пирмоқда. У режалар Уэллсга адолатли, ҳалол ният билан қилинган ва жуда содда туюлди. Айниқса, Уэллсга уларнинг соддалиги ва ҳалоллиги маъқул бўлди. Бироқ Ленин электрлаштириш ҳақида гапира бошлаганда, ёзувчи савол берди:

— Келажақдаги электрлаштириш назарда тутилаётган бўлса керак?

— Ҳозирги даврдаги.

— Ҳозир-а? Мамлакатда савдо ва саноат деярли ўлай деб турган маҳалда-я?

— Ҳа, ҳозир.

Уэллс индамай қолди. У ўз суҳбатдошининг гапларига мутлақо ишонмаётганини ошкора намоён қилиб, унга реал дунёга қайтиш имконини бермоқда эди.

— Электрлаштириш лойиҳалари,— деб бошлади Уэллс,— ҳозир Голландияда амалга оширилмоқда, Англияда муҳокама қилинмоқда. Албатта, осон тасаввур қилиш мумкинки, юксак тараққий этган саноатга эга бўлган, аҳолиси зич бу мамлакатларда электрлаштириш муваффақиятли, даромадли ва умуман, фойдали бўлади.

Уэллс гапираётганида, Ленин билинар-билинемас бош ирғаб ўтирди: афсуски, бу гапларни бир эмас, кўп марталаб эшитган... На илож, майли, давом этаверинг...

— Аммо Россияни электрлаштириш...— Уэллс гапини давом эттирмади, «бу тўғрида гапириб бўлади-ми?» деган маънода билинар-билинемас елкасини қисди.

— Биз Россияни ҳозир электрлаштирамиз,— деди Ленин.

Уэллс бошини кўтарди.

— Россияда йирик электростанциялар барпо этилади. Улар бутун бошли губерналарни ёритиш учун, транспорт ва саноатнинг иши учун қувват беради.

Жуда соз! Бироқ даставвал объективлик ва реал-

лик зарур! Герберт Уэллс мана шу паст бўйли одамнинг жозибасидан, унинг ниятларининг мафтункор олижаноблигидан халос бўлмоқ учун ўтирган жойида қаддини ростлади.

— Жуда довюрак лойиҳа,— деди Уэллс.— Мен бундан довюракроқ лойиҳани эшитмаганман. Аммо жуда бепоён, теп-текис, ўрмонлар билан қопланган, аҳолиси саводсиз деҳқонлардан иборат бўлган, техника соҳасида зиёлиларга эга бўлмаган мамлакатда бу— хомхаёл. Бошқа хомхаёллардан фарқ қилароқ — буни си электрик хомхаёл.

— Ҳа, баъзиларга шундай кўриниши мумкин,— деди Ленин хотиржамлик билан.— Мен буни тушунаман. Ростини айтганда, бизнинг раҳбарлардан ҳам баъзи бирларига шундай туюляпти. Аммо ҳозир тажрибамиз бор. Биз иккита районни электрлаштирдик...

Герберт Уэллсга бу тўғрида гапириш Ленин учун ёқимли эди. Буюк орзу рўёбга чиқяпти. Суҳбатдоши буни тушуниши керак... У йирик ёзувчи, кичик одам эмас. Россияни электрлашган ҳолда тасаввур қилиш бошқа сайёралардаги, Марсдаги ҳаётни тасаввур қилишдан қийин эмас-ку, ахир... Ленин яқин ўртада қанақа электростанциялар қурилишини гапиришда давом этарди.

Уэллс йўталиб, савол берди:

— Сиз бу ишларнинг ҳаммасини ер деб жонини фидо қиладиган мужикларингиз билан қилмоқчимисиз?

— Мужиклар бошқача бўлиб қолишади. Фақат шаҳарларгина қайта қурилмай, қишлоқлар ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади.

Уэллс янада ажабланди. Одоб сақлаб, ўзини тутиб ўтирганига қарамай, қўлини «ол-а!» деган маънода силкитишдан ўзини тиёлмади.

— Ҳозирнинг ўзида,— давом этарди Ленин,— бизда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари-

нинг ҳаммасини деҳқонлар бераётгани йўқ. Баъзи жойларда йирик қишлоқ хўжалик корхоналари мавжуд. Шароити тўғри келган жойларда ҳукумат йирик мулкларни ўз қўлига олди, бундай жойларда деҳқонлар эмас, ишчилар ишламоқда...

10. БУТХОНА ОЛДИДА

Бу орада Чекулин кичик бутхона олдида юриб болаларки кузатар ва зўр бериб таниқли меҳмонни алдаб кетган болани қидирав эди. Тажрибали чайқовчилар тўппончалик яғриндор матросни кўриб, унинг кўзига кўринмасликка уриниб қолишди.

Чекулин пастаккина болани кўриб, «Шу эмасмикин?» деган ўй билан тўхтади. Унинг устида йиртиқ пальто, бошида катта картуз, оёғидаги ботинкаси эса чилвир билан боғлаб олинган... Аммо орқасидан таниб олиш қийин эди.

Чекулин боланинг озгин елкасига қўлини қўйиб, уни ўзига қаратар экан, жаҳл билан гапирди:

— Советлар Республикасини шарманда қиялсан, тирмизак...

Аммо бу бола бошқа экан. Чекулин қовоғини солиб, индамай уни туртиб юборди-да, йўлида давом этди.

«Эҳтимол, мана будир?» — у бошқа болага тирилди.

Картузи пешанасига тушиб қолибди, синиқ гардини эса кўзини тўсиб турибди. Чекулин қўполлик билан унинг картузини кўтарди.

— Нима қиялсан?

Умрида кўпни кўрган Чекулин бир замонлар оқ бўлган ҳозирда рангсиз ва бир пулга яроқсиз бўлиб қолган ёзги қўлқоп сотиб юрган оч гўдакнинг нигоҳини кўриб, юраги уюшиб кетди.

Чекулин хўрсиниб у ердан узоқлашди. Бутхонадан унча олисламай тўхтаб, муҳтожлик ва очлик қувиб

келган оломонга тикилди. У қидираётган бола ер ютгандай йўқ эди.

Туриб-туриб, матрос яна оломонни оралаб кетди.

Бўйинини кир дока билан боғлаб олган бир бола ҳар хил откриткалар сотиб юрибди... Қорасоч, жулдирвоқи бу бола елкасида хуржун кўтарган, қўлида ҳасса тутган семиз художўй қишлоқи хотинга алланималарни уқтирмоқда. Белига камар боғлаган, чўпдай озғин муштдаккина бир бола қалин китоб кўтариб турипти.

Ниҳоят, Чекулин қидириб юрган одамини кўрди. У ўн ёшлар чамасидаги юзи сўлғин бола эди. Бу сафар қўлида сарғайиб кетган қоғозга ўралган аллақандай порошокларни ушлаб турарди.

Чекулин унга қараб юрди.

Бола матросни кўрибоқ безовталанди-да, одамларни туртиб-итариб, қоча бошлади. Чекулин ибодатга келган одамлар ва савдогарларни оралаб, болани қувиб етди-да, елкасидан ушлади.

— Нега менга ёпишяпсан?— деб йиғлай бошлади бола.— Нима керак сенга?

— Совет республикасини шарманда қияпсан, тирмизак,— деди Чекулин. Аммо унинг овозида аввалги руҳ йўқ эди.— Ажнабийларни алдайсанми! Пулни чиқар!

Бола қўлтиғига қўл тиқиб латтага ўралган бир бурда қора нон чиқарди.

— Мана унинг пули... Ола қол.

Чекулин индамай қўлини шимининг киссасига солиб, болага бир бўлак қанд узатди.

...Чекулин меҳмоннинг Ленин билан суҳбати тамом бўлиб қолмадимикан деган хавотирда Совнаркомга йўл олди.

— Хўш, қалай?— сўради таржимон аёл.— Ушладингизми?

— Йўқ...— Чекулин бир оз жим қолди, кейин «э-э» деб қўлини силтади-да, сўради:— Кечикмадимми?

— Ҳали суҳбат давом этапти,— деди тантанавор оҳангда таржимон аёл.

— Бунӣ қаранг-а...— деди Чекулин маънодор қилиб ва соатига қараб олиб, ўтирди. Соқчи ҳамма вақт ўз ўрнида бўлиши керак.

11. УЧРАШУВНИНГ ДАВОМИ

Октябрь куни қисқа. Кабинетга қоронғилик чўкди. Ленин таниқли меҳмон ҳурматига ҳар бири ўн олти шам қувватига эга бўлган беш лампочкали чинни қандилни ёқди. Бу қандилни у камдан-кам ёқарди...

Уэллс ҳамон диққат билан тинглаб, креслода ўтирар, лекин хонанинг жиҳоз-ағжомларини дурустроқ кўриб олиш учун қизиқиш билан тез-тез атрофига алаңглаб қўярди. Ленин баланд руҳ билан ишонтириб гапирар, Уэллс ҳам унга жуда-жуда ишонгиси келарди!

У ҳаёти давомида бу дунёнинг жуда кўп буюк одамлари билан: ёзувчилар, сиёсатчилар, давлат арбоблари, ихтирочилар, олимлар билан суҳбатлашган. Суҳбат вақтида уларнинг ҳаммаси ҳам унга буюк кўринавермаган (дарҳақиқат, уларнинг баъзиларини ҳаёт итқитиб ташлади, баъзиларини кўтарди). Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам озми-кўпми даражада ўзи тўғрисида керакли, маъқул таассурот қолдиришга уринарди. Ленинга эса бунақа қилиқ тамом бегона эди.

Ленин самимий ва табиий бўлишдан қўрқмас эди: кулгиси қистаганда кулар ёки жилмаярди, хафа бўладиган иш бўлса қовоғи осилиб кетарди, суҳбатдошининг гапи ёқмаса — хўмрайар, унинг гапига ишонмаса, ишонмаётганини рўйи рост айтиб қўя қоларди. Уэллс, чинакамига буюк одамларгина ўз аслини кўрсатишдан, табиий ва самимий бўлишдан қўрқмаслигини яхши биларди. Буюк мақсад ва буюк амал одамигина шундай бўлади. Аммо Уэллс ҳам ўзини чакана одам

деб ҳисобламас эди. Уэллснинг фикрича, унинг ўзини буюк қилган муҳим хислатлар муҳокаманинг соғломлиги ва реаллик туйғуси эди. Ленин унга ошкора хом-хаёл бўлиб кўринган нарсалар ҳақида гапира бошлаганда, у ўз-ўзини соғлом муҳокама юритишга ундаб ўтирди.

— Ёнида ишлайдиган электростанциялар, сув қувватидан фойдаланиб ишлайдиган электростанциялар қуриш тажрибаси,— деб давом этди Ленин,— аввал бир губернада, кейин бошқаларида жорий қилиниши, кенгайтирилиши мумкин ва шундай қилинади ҳам. Кўриб турибсизки, мен бемалол амалга оширса бўладиган нарсаларни айтяпман.

«Дарҳақиқат, бунинг нимасини рўёбга чиқариб бўлмайди,— деб ўйлади Уэллс,— мавжуд бўлган кам тажрибани бутун мамлакат бўйлаб тарқатиш мумкин эмасми?»

Уэллс қўлини чўнтагига солиб, гугурт қутичани ушлаб кўрди-ю, аввалги ҳолатига қайтди. У қутини олди ва уни беихтиёр қўлида ўйнаб ўтириб, Лениннинг гапларини тинглай бошлади. Лекин энди унинг чехрасига ишончсизлик ва енгил киноя соя ташлаб турарди.

— Мен ўйлайманки, мистер Уэллс,— давом этди Ленин,— агар мамлакатимизга ўн йилдан кейин келсангиз, бизнинг ҳозирги режаларимиз ҳаётийлигига амин бўласиз.

Тўсатдан қандил ўчиб қолди, кейин лампочкалар лип этиб ёнди ва уларнинг ичида сўник қизил ип пайдо бўлди. Уларнинг ёриғида суҳбатдошининг юзини кўриб бўлмай қолди. Ленин лампочкаларга эътибор бермади, афтидан, чироқнинг ўчиб қолиши биринчи марта эмас эди.

Уэллс гаши келиб қандилга қараб қўйди, аммо майда-чуйда ноқулайликларга ва ҳар қанча ғалати туюлмасин, ташқи вазиятга эътибор бермасликка аҳд қилди.

Лампочкалар яна милтиллаб ўчди. Кейин яна қизарди.

— Шам ёқмасак бўлмайдиганга ўхшайди, мистер Уэллс,— деди Ленин соддагина қилиб.

Уэллс беихтиёр қўлидаги гугурт қутини узатди, лекин гугуртнинг сифати эсига тушиб, дарров тортиб олди. Ленин эса гугуртни кўриб:

— Рухсат этгайсиз?— деди.

— Бу гугурт билан шам ёқолмайсиз,— деди Уэллс ғамгин оҳангда ва қутини стол устига қўйди.

— Нега?— Ленин қутини олиб, кўздан кечирди, устидаги ёзувини ўқиди, кейин гугуртни чақди. Сўнг иккинчисини чақди.

Худди Уэллснинг қўлларида бўлгани каби гугурт чўпи чирсиллаб тутарди-ю, ёнмасди. Шундай бўлса ҳам Ленин гугурт чақишда давом этаверди.

Уэллс гугуртнинг ёнмаслигини билганидан хижолатга тушди. У ўз эътирозларининг асослилигини мутлақо бу йўл билан исбот қилмоқчи эмас эди.

— Ҳа,— Ленин ниҳоят эътироф этишга мажбур бўлди.— Ёнмаяпти. Бозордан олганмидингиз?

— Бозордан.

Ленин гугуртни меҳмонга қайтариб бериб:

— Мистер Уэллс, бизда гугурт бор, бўлганда ҳам, унчалик ёмон эмас,— деди.

Владимир Ильич столнинг тортмасидан гугурт олиб, шамни ёқди.

— Сиз шаҳарларгина эмас, қишлоқлар ҳам ўзгаради, дедингиз,— Уэллс суҳбатни давом эттирди.

— Ҳа.

— Ундай бўлса, жамиятнинг моддий тузуминигина эмас, бутун бир халқнинг фикрлаш тарзини қайта қуриш керак бўлади. Анъаналар ва одатларга кўра руслар шахсиятпараст ва савдога мойил халқ.

«Албатта-да!» деб ўйлади Ленин ва жилмайди.

Кейин гап қандайдир аниқ ва ҳал қилинган масала ҳақида кетаётгандай, жиддий гапирди:

— Шубҳасиз, сиз айтган, шахсиятпараст ва савдога мойил одамларнинг фикрлаш тарзи ҳам ўзгаради.

— Вақти-соати биланми?

— Ҳа.

— Мистер Ленин, янги дунё қуриш учун энг аввал одамларнинг психологиясини ўзгартириш керак. Ҳа, энг аввал.

— Кошки эди. Шундай бўлса соз бўлар эди-я! Аммо биз бу йўл билан ҳеч нарса қура олмаймиз. Менимча, — Ленин бир оз сукут қилди, — фақат биз эмас, бизнинг ўрнимизда ҳеч ким ҳам қуролмайди. Сехрли ҳалқа... Янги одамларни қаердан оламиз? Битта эмас, ўнта эмас, минг-минглаб одамларни? Улар бирдан пайдо бўлиб қолади деб ишониш — ўз-ўзини алдаш демакдир.

Уэллс қўли билан кескин ҳаракат қилди — у мутлақо қарши эди.

— Мен ишонаманки, астойдил ва катта тарбиявий иш натижасида ҳозирги капиталистик тузум цивилизацияли тузум бўлиб қолиши ва жаҳон миқёсида коллективчилик тузумига айланиши мумкин.

— Капиталистик тузум коллективчилик тузумига айланади, денг. — Владимир Ильич қовоғини солди. Бу дақиқаларда гап унга маъқул келмай қолаётган эди. — Ҳм.. Ҳм... — Ленин борган сари сабрсизланиб, тез-тез томоқ қира бошлади. «Капиталистик тузум — коллективчилик тузумига айланармиш...»

— Ҳа, ҳа, — гапни маъқуллади Уэллс.

— Сиз менинг фикримни биларсиз, — деди Ленин хушфезллик билан. «Сиёсий мешчанлик! Бориб турган бемаъни гап! Капиталист капиталист бўлмай қолармиш! Нимага ишониб юрибсиз? Ўзингизга нима деб таскин беряпсиз?!» демоқчи бўлди у, аммо Уэллснинг бу гапларга тушуниши амри маҳол эди.

— Ҳа, мен сизнинг фикрингизни биламан,— деди Уэллс.— Синфий кураш, капиталистик тузумни зўрлик билан ағдариб ташлаш, пролетариат диктатураси. Қон... Қурбон...

— Булар муқаррар...— Ленин унинг гапини тасдиқлади.— Қурбонлар кўп бўлади. Бироқ нима мақсадда берилади бу қурбонлар? Уларни оқлайдиган нарса борми, йўқми?

Улар индамай қолишди. Асосий масалада уларнинг фикри бир-бирига тўғри келмаган эди.

— Мистер Уэллс,— деди Ленин ниҳоят,— мен ёшроқ вақтимда ҳузур қилиб романларингизни ўқиган эдим, ҳозир ҳам ҳузур қилиб қайта ўқиб тураман.

Уэллс миннатдорлик билан бош эгди.

— Ташаккур.

— «Вақт машинаси» деган романингизни ўқиётиб, инсоний тасаввурлар бизнинг сайёрамиз миқёсида яратилганини тушундим. Улар техникавий куч-қудрат ҳар қанча тараққий этмасин, ҳеч қачон ер чегарасидан ташқарига чиқмайди, деган тахминга асосланган. Ҳолбуки, ер чегарасидан чиқади-ку?!

— Бунга шак-шубҳа йўқ.

— Мен ҳам сизга ўхшаб, бунга астойдил ишонаман.— Ленин хурсанд бўлди. Улкан ёзувчи ва мутафаккир одам унинг фан ва техниканинг истиқболига бўлган ишончини баҳам кўраётгани маъқул бўлди. Владимир Ильич жонланди, кўзлари чақнади ва сўзида давом этди:— Техникавий куч-қудрат ер чегарасини ҳатлаб ўтади ва биз сайёралар ўртасида алоқа ўрнатамиз. Ана ўшанда,— Ленин дўстона жилмайди,— мистер Уэллс, Марсни ва марсианларни тўғри тасвирлаганмисиз-йўқми, текшириб кўрамиз.

— Бундай имтиҳонга дош беролмайманми деб қўрқаман,— жиддий жавоб берди Уэллс.— Сиз сайёралар орасида алоқа ўрнатамиз дедингиз. Кимни назарда тутаясиз?

— Илғор мамлакатни. Илғор олимлар ва техниклар мамлакатинигина эмас, илғор ижтимоий тузумга эга бўлган мамлакатни ҳам.

Уэллс бароқ қошларини қуйи тушириб, енгил нафас олди.

— Сайёралар аро алоқа ўрнатгач,— Ленин давом этди,— бизга олам ҳақидаги тасаввурларимизни қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

— Бу бениҳоя қизиқарли иш бўларди,— деди Уэллс.

— Эҳтимол,— давом этди Ленин,— инсоннинг қиммати ҳам қайта кўрилар. Ҳозир инсон — жаъмики мавжуд нарсанинг ягона меъёри, бизни ҳеч ким билан таққослаб бўлмайди. «Инсон—ҳамма нарсанинг ўлчови» деган ўз даври учун революцион бўлган қараш мелоднинг бешинчи асридаёқ майдонга ташланган эди.

Ленин бир оз жим қолди.

— Аммо «ҳамма нарса» деган тушунчага коинот, бошқа сайёралардаги ҳаёт, уларнинг аҳолиси каби нарсалар қўшиладиган бўлса, инсон бир вақтлар революцион қимматга эга бўлган ана шу буюк қарашни ҳам қайта кўриб чиқишга мажбур бўлади... Дарҳақиқат, лилипутлар мамлакатада Гулливер ўзини паҳлавон деб, паҳлавонлар мамлакатада лилипут деб ҳис қилган. Биз ҳали ҳеч қаерда бўлиб кўрганимиз йўқ, ўзимизни ҳеч ким билан таққослай олмаймиз. Эҳтимол, биз оқсил модданинг энг тараққий этган, энг мураккаб уюшмасидирмиз, балки бундай эмасдир, мистер Уэллс? Буюк Свифт бизга ана шуни эслатиб турмайдими?

— Бунинг жавоби қийин, лекин бизга ўхшашлар, албатта, мавжуд бўлса керак.

— Мавжуд?..

Уэллс билан суҳбатлашини Ленин учун борган сари қизиқроқ бўлиб борарди. Владимир Ильич бошини ўнг

қўлининг кафтига қўйди, юзларида ажинлар ҳосил қилиб, кўрсаткич бармоғини чаккасига тиради.

— Бир тасаввур қилиб кўринг: биздан миллиард-миллиард километрлар олида иккинчи мистер Уэллс, иккинчи ўртоқ Горький бўлса-я? — Ленин жилмайди.

— Бунга ишонгим келмайди. Ўхшашлар бўлиши мумкину, лекин иккинчилар бўлмайди. Инсон, тўғрироғи, шахс такрорланмайди.

— Бу гапингиз тўғри, мистер Уэллс. Сиз ҳақсиз... Хўш, мистерлар ва ўртоқлар масаласига нима дейсиз?

— У ерда, жамиятда бирлик ҳукмрон деб ишонгим келади.

— Бирлик дейсизми? Фақат ҳамфикр дўстлар ўртасидагина бирлик бўлиши мумкин. Демак, жамият жуда гуллаган бўлади...

— Энг қадимий цивилизация бизники деб ўйлаш мақтанчоқлик бўларди.

— Шубҳасиз, мистер Уэллс... Демак, жамият тараққий этган бўлади?

— Эҳтимол. Бундай жамият бизга кўп нарсани айтиб бериши мумкин бўларди.

— Ҳа-а... — Ленин хаёлга чўмди. — Хулласи калом, инсон Ер чегарасидан ташқарига чиққандагина, ўзининг ким эканини чинакамига билиб олади.

— Бу жуда ҳам қизиқ. Лекин бунинг бўлишига ҳали анча бор.

— Шундайми? — Ленин хафа бўлгандай бўлди.

— Аввал уруш, кейин қайта қуриш, — деди Уэллс. — Аввал бузамиз, кейин қурамиз, қанча-қанча куч беҳуда сарф бўляпти! Сиз айтган гапга ҳали жуда кўп вақт бор, деб ўйлайман.

— Афсус.

— Тез бўлмаса ҳам, рўёбга чиқиши мумкин. Келажакда, албатта амалга ошади. Лекин сизнинг режангиз — электрик хаёл. Рост, келажакдаги дунёнинг

биринчи куртакларини, дадилликни, ҳатто русларнинг мардлигини кўриб, қойил бўлдим.

Ёзувчининг самимий гапларини маъқул кўриб, Ленин бош ирғади.

— Ун йилдан кейин яна бир келинг ва шу давр ичида Россияда нималар қилинганини кўринг, — деб такрорлади Ленин.

— Раҳмат, мистер Ленин.

Уэллс ўрнидан қўзғалди.

Владимир Ильич ҳам стол ортидан чиқиб, меҳмоннинг олдига келди ва унга қўл узатди.

Герберт Уэллс бу қўлни сиқмасдан аввал Лениннинг кўзига қаради. Уэллс баъзи бир муҳим масалаларда, уларнинг фикрлари бир-бирига тўғри келмаганидан афсусда эди. Таассуфки, Ленин бош масалада жиддий хато қилаётир ва бу хато унга жуда қимматга тушиши мумкин. Бироқ шундай бўлса-да... Худди хаёлларига чек қўяётгандай Уэллс бошини силкидида, Лениннинг қўлини олиб, дўстона қаттиқ қисди.

12. ҚОРА КРЕСЛО

Владимир Ильич бир даста қоғоз устига қайчини қўйди — бу секретарларга «бу қоғозларга тегилмасин» деган ишора эди, кейин уйига кетиш олдидан ҳорғинлик билан пешанасини ишқади.

Унинг кўзи чап томонда турган қора креслога тушди. Кеча бу креслода Риков ўтирган эди, бугун эса Уэллс ўтирди.

Бу юмшоқ креслода Троцкий ҳам ўтирган. У ҳам Лениннинг фикрларига қўшилмади.

Жиддий рақиб... У ўз ғояларига астойдил ёпишиб олган ва баъзан ҳатто бошқалар бу ғояларга ишонмаслигига таажжуб ҳам билдирар эди. «Ажаб!» Бу Троцкийнинг ҳақлигига ишонишидан туғиладиган таассуротни кучайтирар, унга аниқ кўриниб турган ҳақиқат

тусини берарди, бироқ негадир бошқалар бу ҳақиқатни тан олгиси келмас эди. Лев Давидович маъқул бўлмаган фикрни чинакам ҳақиқат ёлғиз ўзигагина маълум бўлган одамнинг истеҳзоли илжайиши билан қабул қиларди.

Ленинга қарши сўзлаганда Троцкий ҳамма вақт одоб сақлаб, лекин атайин кескин қилиб гапирарди. У бу кескинликни Лениннинг улуғлигига, партиядаги таъсирига бўлган ҳурматидан нишона деб ишонтирмоқчи бўларди. Лениндай буюк одамга муносиб рақиб керак, Троцкий эса ўзини Ленинга муносиб рақиб деб ҳисоблар эди. Бундан ташқари, Троцкийнинг кескинлиги ва ҳужумкорлиги унинг қарашларининг мустақиллигини таъкидлаши лозим эди...

Ленин чуқур ўйга толди.

Бу креслода демократик централизм арбоблари ҳам ўтиришган.

Бу гуруҳнинг раҳбарлари — Осинский, Смирнов, Сапронов, Максимовский ва бошқалар эски мутахассисларнинг жалб қилинишига қарши, саноатда якка-бошчиликка қарши чиқишиб, қанча куч, қанча ғайратларини исроф қилишмади! Уларнинг бемаънилиги бир чақирим наридан «мана мен» деб кўриниб турган зарарли қарашларини, одатдаги сўл сафсатабозлик билан сугорилган нуқтаи назарларини тор-мор қилиш учун озмунча куч ва ғайрат сарфлаш лозим бўлдимиз?! Бошқа мутахассис бўлмаганидан кейин эскиларидан воз кечиш бемаънилик экани аниқ кўриниб турибди-ку!

Мана шу қора креслода бугун Герберт Уэллс ҳам ўтирди... Ленин бу машҳур ёзувчининг бир неча кундан сўнг Петрограддан Москвага келишини эшитиб, у билан учрашишни орзиқиб кутган ва бу учрашув ҳақида кўп ўйлаган эди.

Владимир Ильич бу ёзувчининг асарларини ёқтирарди. Унга хаёли учқир, инсонпарвар, олижаноб ва дадил, тараққиёт ҳамда маданият учун курашувчи

Уэллснинг ўзи ҳам ёқарди. Аммо, маълум бўлдики, у ҳам тушунмас ва ишонмас экан!

Фақат эндигина у Герберт Уэллсдан қандайдир бошқа нарса — мукаммал бўлмаса ҳамки, жиндай хайрихоҳлик кутганини аниқ ҳис этди... У мадад кутганди. Ленин ҳозир унга муҳтож эди...

Покровский-чи! Ҳурмат қилади, қадрлайди, лекин кейинчалик ҳамма нарса асфалософилинга кетади деб ишонади!..

Бировларни ишонтириш керак, бировларга қарши шафқатсиз курашмоқ даркор...

Советларнинг бўлажак съезди кун тартибига электрлаштириш ҳақида масала киритиш лозим...

ГОЭЛРО планини тезлаштириш керак...

Электрлаштириш ҳақида қизиқарли роман яратилса саз бўларди-да... Яратса, бўлармикин?..

Кржижановский билан учрашиш керак...

Бу қора креслода у ҳам, Калинин ҳам, Дзержинский ҳам, планга ишонган ва уни амалга ошираётганлар ҳам ўтирган.

Тилсиз-забонсиз қора кресло...

13. ДАРЁ БЎЙИДАГИ КЎЧАДА

Кечқурун шаҳарда ҳаёт тўхтаб қолгандай туюларди. Деразаларда хира нур милтирайди. Аҳён-аҳёнда ўткинчилар кўриниб қолади. На извош ва на трамвай бор. Трамвай кундузигина кўзга чалинади — унда ўтин, картошка, ун ташишади...

Дарё бўйидаги София кўчасидан қоп-қора қўланса тутун бурқситиб, ўнқир-чўнқирларда силкиниб автомобиль кетиб боради. Аллақандай ақл бовар қилмайдиган ёнилғида ишлаётган моторнинг овози қулоқни қоматга келтирувчи отишмага ўхшайди.

Йўл ноқулайликларига аста-секин кўника бошлаган Уэллс шу отишма туфайли ўзини жуда ўнғайсиз

ҳис қилмоқда. Унга бу отишма аҳолини бесаранжом қиладигандек, уни эшитиб ҳамма кўчага югуриб чиқадигандай туюлади. Бироқ ҳеч ким югуриб чиқаётгани йўқ. Аксинча, уйлардан бирида: «Кўчада бўлаётган ишлардан олисроқ турайлик» дегандай, деразаларнинг пардасини тушириб қўйишди.

Ана, тугун кўтарган хотин ўтиб боряпти... Уэллс орқасига ўгирилиб, уни анчагача кузатди. Тугуни чоғроқ, лекин оғирга ўхшайди: аёл тез-тез уни у қўлидан-бу қўлига олади... Ёзувчи Петроград ва Москвада одамларнинг қўли бўш қолмаслигини сизди: биров арзимас емиш, биров нонга алиштиргани буюм кўтариб олган... Инсониятнинг олис-болалик давридаги каби алиштириш. Бироқ бу алиштириш унча анойи ва оддий эмас. Шафқатсиз ва адолатсиз бўлиши керак... Нони борнинг ҳукми вожиб. Қорнинг оч бўлганидан кейин бир бурда нонга Рембрандтнинг суратини ҳам алиштирасан...

Олдинда шошилмай аравача судраб кетаётган чолнинг қораси кўринди. Чолни кўргандан кейин Уэллс ундан кўзини узмай қўйди: 1920 йил кузидаги Москванинг бу майший манзараси унинг Совет Россияси ҳақидаги таассуротларини тўлдирарди.

Автомобиль чолдан ўзиб кетди. Ёзувчи эса ўтирган жойида орқасига ўгирилиб, аравачали одамни кўздан қочирмасликка уринди.

— Илтимос, тўхтатинг,— деди у масофа катталаша бошлагач.

Чекулин билан таржимон аёл бир-бирларига қарашди: яна бир оз юришса, меҳмонхонага етиб олишарди! Энди нима бўлишини ким билади, дейсиз? Бу чолнинг ўзи ким, азиз меҳмонга нималар деб валдираркин ҳали?

Уэллс эшикни очиб, автомобилдан чиқди. Унинг орқасидан Чекулин ва бир оз тараддудланиб тургандан сўнг таржимон аёл ҳам чиқди. Ёзувчи бўйнини чў-

зиб аравача судраб келаётган чолга тикилди. У арава-
часида майда ёрилган тараша олиб кетмоқда эди.

— Бу жаноб билан гаплашсам, ноқулай бўлмасми-
кин?— деб сўради Уэллс таржимон аёлдан.

— Ноқулай бўлмаса керак, мистер Уэллс,— бўша-
шиб жавоб берди аёл.

— Илтимос, кечирим сўраб билинг-чи, гаплашсам
бўлармикин.

Таржимон аёл чолга мурожаат қилмоқчи бўлган
эди, чол ундан олдинроқ ўзи гапирди:

— Овора бўлмай қўя қолинг... Мен инглизчани ту-
шунаман, бир вақтлар Джордж Герберт Уэллс асарла-
рини инглиз тилида ўқигандим... Сизнинг талаффу-
зингиз чатоқроқ экан, хоним!

Ўз номини эшитган ёзувчи:

— Нима деяпти? Нима деяпти?— деди ҳаяжон би-
лан.

— Оқшомингиз хайрли бўлсин, мистер Уэллс,— де-
ди таъзим билан чол соф инглиз тилида.— Сизни нима
қизиқтиради? Сўранг, жавоб беришга уриниб кўраман.

Уэллс кўчада кетиб бораётган йўловчини гапга ту-
тиш ноқулай эканини яхши тушунишини айтди. Аммо
бошқа илож йўқ: у ёзувчи, янги Россиянинг ҳаёти би-
лан танишгани келган.

— Бундан ҳижолат чекманг,— деди Покровский.—
Бизда гаплашишга хоҳишимиз борми-йўқми, барибир,
суриштириб ўтирмай, ярим кечада ҳам уйимизга бос-
тириб келаверишади.

Кун бўйи ҳолдан тойган таржимон аёл қадини
ростлади, унинг гапига ҳайрон бўлиб, жаҳли чиқиб,
кўзи олайди: нималар деб валақлаяпти бу чол?

— Мен ҳеч нарсани тўқиб чиқараётганим йўқ,
гражданка.— Фёдор Васильевич таржимон аёлга ўги-
рилди.— Ҳақиқатан ҳам кечаси уйимда тинтув ўтка-
зишди. Нима учун? Нимага асосланиб?—Сўнг Уэллс-
га қаради:— Бу бемаъниликдан Ленин хабар топса,

айбдорларни шафқатсиз жазолашни буюради. Улар фиқат тинтув қилибгина қолмай, кумуш буюмларни ҳам олиб кетишди.

Йузвчи яхши тарбия кўрган баодоб одам бўлганидан гап бу одамларга оғир ботадиган масала устида кетаётганини тушуниб, бу нозик темани кавлаштирмай қўя қолди.

Уэллс суҳбатдошидан кимлигини, жамиятда қандай мавқе тутишини сўради.

— Мен инженер-энергетикман, — деди Покровский, — жамиятдаги мавқеим эса ҳали унча аниқ эмас деса бўлади. Ҳар ҳолда, сўнгги вақтларга қадар мен ишсиз одамнинг аҳволида эдим.

Уэллс Фёдор Васильевичнинг қадди-қоматига назар ташлади, аравачадаги ўтинни кўздан кечирди.

— Шу ўтичингиз неча кунга етади?

— Икки кунга...

— Қанча туради?

— Беш юз сўм. Ҳали буни арзон дейишяпти.

Покровскийга гапни келиб, ошкора шубҳа билан қараб турган Чекулин таржимон аёлни имлаб бир чеккага чақирди.

— Нималар деяпти бу одам? — деб сўради у. Чекулин таржимасиз ҳам аёлнинг чехрасидан иш чатоқлигини пайқаб турарди.

Таржимон аёл нима қилишини билмай қолди — Чекулинга жавоб берсинми ёки Покровскийнинг гапига қулоқ солсинми?

— Беш юз сўм денг... — такрорлади Уэллс. — Хўш, сиз революцияга қандай муносабатдасиз?

— Нима деяпти? — деб сўрашини қўймас эди Чекулин.

Таржимон аёл «халақит берманг!» деган маънода қўл силтади. Кейин сабрсизлик билан жавобни кута бошлади.

— Бу инсоният тарихидаги энг буюк тажриба, —

деди Покровский.— Бу тажрибани энг буюк ва энг олижаноб одам бошлади.

Таржимон енгил тортиб, Чекулинга шоша-пиша шивирлади:

— Тўғри гапиряпти, тўғри...

Уэллсга, айниқса, «энг олижаноб» деган сўз ёқди ва маъқуллаб бош ирғади:

— Бу гапингиз жуда тўғри.— Кейин у энг муҳим гапни сўради: — Сиз нима деб ўйлайсиз, мистер Ленин адашмаётганмикин?

— Ленин фақат ўзи ишонган нарсасини қилади. Чинлиги ёки ҳаққониятлигига ишончи комил бўлмаса, бирон сўзни айтмайди ҳам, ёзмайди ҳам. У йирик олим. Ўз ишини ипидан-игнасиғача билади. Шунинг учун ҳам у раҳбар бўлиш ҳуқуқига эга. У ҳамма нарсаси ва ҳамма одам учун масъулият юкини зиммасига олган, суткасига ўн олти соат ишлайди, энг камсуқум заҳматкашнинг қайғу-азобини ҳам ўзиникидай қабул қилади. Шунинг учун ҳам у раҳбар бўлиш ҳуқуқига эга. Давлатда ҳаммадан юқори мансабда турган биринчи одам бўлишига қарамай, у оддий одам каби азобланиш, ташвишланиш қобилиятини йўқотиб қўйгани йўқ. Шунинг учун ҳам у раҳбар бўлиш ҳуқуқига эга.

Уэллс Покровскийнинг гапларини таажжуб билан тинглади. У беш юз сўмга бир қучоқ тараша сотиб олган чолдан бунақа маънодор гапларни кутмаган эди.

— Мен сизни учратганимдан мамнунман,— деди Уэллс.— Ажнабий одам бегона мамлакатда ҳамма нарсани тушуна олмайди. Мен ҳам сизларда содир бўлаётган нарсаларни тушуна олмаяпман, лекин мен сизларга ишонаман. Сизнинг гапларингизни эшитганимдан мамнунман.

Ёзувчи Покровскийга қўлини узатди. Улар хайрлашишди.

Чол аравачасини судраб йўлида давом этди. Уэллс, Чекулин ва таржимон аёл машинага чиқишди.

— Чол чакана эмас экан-а?— деб секин сўради Чекулин.

Таржимон аёл кекса одамнинг аравачани қандай судраб кетаётганини кузатар экан:

— У жуда яхши жавоб берди. У ўз мамлакати ва Ленин билан фахрланар экан,— деди.

— Чол — бало,— деб хулоса қилди Чекулин.

Ун еттинчи номерли уй олдида автомобиль тўхтади. Меҳмон қароргоҳига етиб келган эди. Чекулин билан таржимон аёл уни эшик олдигача кузатиб қўйишди.

Эшикка юзланишдан аввал, ёзувчи уларга миннатдорлик билан бош эгиб таъзим қилди.

Уэллс ичкарига кириб кетгандан кейин, Чекулин иш кунини тугади деб ҳисоблаб атрофига бемалол назар ташлади ва кўчанинг нариги бошида кетаётган чолни кўриб, таржимон аёлга:

— Ёрдамлашиб юборамизми?— деди.

— Ёрдамлашайлик!— Бу гап таржимон аёлга ҳам маъқул келди.— Яхши иш қилган бўламиз! Унинг ёшида арава судраб юриш осон эмас!

— Ёрдамлашамиз!

Автомобиль бир зумда Покровскийга етиб олди. У дарё бўйидаги кўчадан катта Тош кўприкка бурилиши, Ленивка ва Волхонка кўчаларидан ўтиб Пречистенок дарвозасига чиқиши, кейин эса Арбатдаги тор кўчалар орқали Староконюшенскийга етиб бориши лозим эди...

— Машинага чиқинг, ўртоқ,— деб таклиф қилди Чекулин Покровскийга.

Фёдор Васильевич ҳаво совуқ бўлса ҳам, дастрўмол билан пешанасини артиб, нафасини ростлади: йўл тепаликка, кўприкка кўтариларди.

— Раҳмат, етиб оламан...

— Чиқаверинг, чиқинг,— қистади Чекулин.

У автомобилдан тушиб, унга аравагани жойлади ва Покровскийни шофернинг ёнига ўтказди. Ун минутлардан кейин улар Староконюшенскийга етиб боришди. Чекулин ўтинларни учинчи қаватга олиб чиқишда Покровскийга ёрдам берди.

14. ХАВФЛИ РАҚИБ

Шундай қилиб, Кржижановский билан учрашув... Ленин Глеб Максимилианович билан суҳбатлари ҳақида ҳар доим мамнуният билан ўйларди: ГОЭЛРО плани. Ўйлардаги электр лампочкаси. Хўжаликни кўтаришнинг асоси...

Бироқ ҳар галгидек бу учрашувга юзлаб бўлмаса ҳам, ўнлаб ҳарбий, халқаро, ички, ташкилий, партиявий ишларни бартараф қилгандан кейингина етишиш мумкин эди. Мана, бугун ҳам Глеб Максимилианович билан учрашувни бошқа кунга кўчиришга тўғри келяпти: америкалик Вандерлипни қабул қилиш лозим. Ким ўзи у? Ўзига қолса «машҳур миллиардернинг қариндоши бўлса ҳам оддий одамман» дейди. Ҳолбуки, чет элларда оддий одам тўғрисида шунча ёзиб ўтиришмас эди... Корчалон. Бундайларнинг суратини плакат ва карикатураларда ишлашади. Ҳақиқий, ҳамма тан олган душман. Бу учрашув Ленинга ғалати туюлди.

Аммо Ташқи ишлар халқ комиссари Чичерин Вандерлипни қабул қилишни маслаҳат берди. Майли... Георгий Васильевичнинг айтганини қилиш керак — ақлли одам!.. У зарурий дипломатик одатларга риоя қилиб, ошкора душманлар билан ҳам учрашган, энди Вандерлип билан ҳам учрашади.

Тўғри, баъзи бир ажнабий дипломатларга Ленин гапнинг пўсткалласини лўнда ва аниқ гапириб, қабул қилинган расм-русмларни баъзан бузгандай бўларди. Бироқ душман билан гаплашганингда тўғри ва лўнда

гапириш ҳамма вақт ҳам ёмон бўлаверадими? Бу ҳам дипломатия воситаси...

Вандерлип бўлса, Вандерлип-да...

Вандерлип Россияга келиши билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советига расмий мактуб топширди. Унда ошкора ва дағал тарзда, Америка ҳозир, яъни 1920 йилда ҳам бақувват, 1923 йилда эса унинг флоти янада кучаяди дейилган эди. Фақат бизга,— дейилганди мактубда,— нефть керак. Агар Камчаткани бизга сотсангиз, биз кафилмизки, америка халқи жуда хурсанд бўлади ва биз сизни тан оламиз.

Ўнда ва аниқ!

Ниҳоят, Ленин америкаликни қабул қилди. Бу унинг қайтиши арафасида бўлди.

Вандерлип кексайиб қолганига қарамай, бардам ва чаққон эди. У Лениннинг рўпарасига — ўша қора креслога ўтирди. Кабинетда таржимондан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ленин инглиз тилида яхши гапирарди. У Вандерлипга америкаликлар тоифасига мансуб одам билан суҳбатлашаётгандай туюлди. Бу одам Россиядай бепоён ва тартибсиз корхонанинг эгаси. Ленин ишларнинг бориши ва аҳволини жуда яхши биладиган ҳақиқий хўжайиндай қисқа, аниқ ва тез гапирарди.

Лениннинг эски костюмда экани ҳам меҳмонга маъқул бўлди. Вандерлипнинг ўзи ҳам унча янги бўлмаган қора нимча ва костюм-шим кийиб олган эди. У одам хурофотдан холи бўлиши керак, хурофотга берилиши анъаналарга амал қилишга ўхшаб, эски дунёнинг икки улуғ давлатини — Англия билан Францияни ҳалок қиляпти деб ҳисобларди. Аммо жиддий иш одами ни ҳар ҳолда бирор кўзга яқин буюми бошқалардан ажратиб туриши керак; — узукнинг қимматбаҳо кўзими ёки галстукдаги олтин тўғнағичми, барибир.

— Демак, Камчатка...— деди Ленин ўйланиб.

— Камчатканинг ҳаммаси,— деб аниқлик киритди Вандерлип гўё бу ярим орол ҳозир унинг қарши-

сида стол устида ястаниб ётгандай, қўли билан ҳавода доира чизиб.

— Соти-и-б оламан, денг? — Ленин бу сўзни чўзиб айтди. — Камчаткани сотиб оласизми?

Владимир Ильич худди ўзини ростлаб олаётгандай, индамай қолди, кейин кўз олдида жуда аниқ намоён бўлган, ақл бовар қилмайдиган манзарадан хахолаб кулиб юборди: Мана, икки киши турибди — уларнинг бири Совет ҳукуматининг бошлиғи Владимир Ульянов Ленин, иккинчиси миллионер Вандерлип. Улар одат бўйича, пальтоларининг этагини қайириб олиб, тап-тап чўнтакларига уриб, бир-бирига ҳамёни пеш қилишяпти. Кейин, ниҳоят баҳони узил-кесил келишиб олгандан сўнг бир-бирларига ўнта сўмдан сийлов бериб бўлишгач, иш шу билан тўғайдики, Ленин ўз қўли билан Камчаткани миллионернинг қўлтиғига қистириб қўяди. Савдо битди! Энди қовоқхонага бориб, олди-сотдини ювса ҳам бўлаверади.

Ленин анча вақтгача жавоб бермади.

Вандерлип ўзининг шу ердалигини Ленинга эслатиб қўймоқчи бўлгандай, ўрнидан турди.

— Кечирасиз, мистер Вандерлип...

Вандерлип ҳайрон қоладиган даражада соддадил ва ўта сурбет эди. Аммо бу корчалон ватанига қайтгач, большевиклар билан савдо муносабатлари ўрнатишга қақириши керак. Ҳозирча большевиклар билан савдо қилишни хоҳлайдиганлар жуда кам. Советлар билан муносабатда бўлишга қаршилиқ қилаётганлар шундоқ ҳам тўлиб ётибди... Ленин Вандерлипга у билан Совет Россияси ўртасида қандай шартлар асосида битим бўлиши, Совет ҳукумати қандай концессияларга йўл қўйиши мумкинлигини тушунтира бошлади. Шартлар ва таклифлар қулай эди, Вандерлип буни дарров илғаб олди. Аммо назорат большевиклар ихтиёрида бўлиши керак, концессия корхоналарида совет тартиблари мавжуд бўлиши лозим.

Мубоҳаса охирлаб қолганда, Ленин ҳазил билан гапирди:

— Кўриб турибсизки, биз умуман, иш одамларимиз ва ҳар қайсимиз фақат ўз фойдамизни кўзламаймиз. Бу сизни, айниқса, қизиқтириши керак, мистер Вандерлип.

— Америкаликлар, мистер Ленин, фавқулодда амалиётчи бўладилар, улар ҳар бир нарсани кўриб, ўзлари амин бўлмагунча, ҳеч кимга ишонишмайди.

— Мутлақо тўғри,—тасдиқлади Ленин ва кутилмаганда киноя билан таклиф қилди:— Сиз Совет Россиясида содир бўлаётган ҳодисаларни синчиклаброқ кўриб олинг-да, Американгизда шунга ўхшаш нарсани жорий қилинг.

— Эҳтимол,— деди тўсатдан Вандерлип рус тилида.

— Сиз русчани биласизми?— таажжуб билан сўради Ленин.

— Мен бундан анча йиллар аввал Сибирь бўйлаб беш минг чақирим йўл босган эдим. Ушанда Сибирь мени жуда ҳам қизиқтириб қолган эди.

— Демак, сиз унга кўпдан бери кўз тикиб юрибсиз?

— Ҳа, кўпдан бери.

Орадан кўп ўтмай, Вандерлип кетмоқчи бўлиб, ўрнидан қўзғалди.

— Эътироф этишим керакки, мистер Лениннинг шохи йўқ экан.

Ленин унинг гапига диққат билан қулоқ солди-ю, лекин бу жумланинг маъносига тушунмади.

— Нима дедингиз? Яна бир қайтаринг.

Вандерлип кўрсаткич бармоқларини икки чаккасига қўйиб, гапини такрорлади:

— Мистер Лениннинг шохи йўқ деяпман. Бу ҳақда Америкадаги танишларимга айтишга тўғри келади.

Ленин фақат бир сўзни англаёлмади — нимани йўқ деяпти:

— Шох дейсизми?

— Ҳа, шундай деярти,— таржимон ёрдамга келди. Албатта буни тусмоллаб билиб олса бўларди... Ахир бефаҳм буржуйлар, ҳар хил тоифадаги мешчанларнинг ҳаммаси ҳам уни алвасти тамга босган одам деб билади.

— Мистер Ленин,— деди Вандерлип жиддий қиёфага кириб,— менга суратингизни совға қилолмайсизми?

— Афсус, мистер Вандерлип...— Ленин қўллариини ёйди.— Одатда сурат совға қилсанг, «Ўртоқ фалончига!» деб ёзасан. Лекин «Ўртоқ Вандерлипка!» деб ёзмайсан ку!

— Ҳа, ҳа...— Вандерлип ўртада муайян чегара борлигини тушунди.

Ҳадемай америкалик кетди. «Камчаткани сотинг эмиш! Кечикдингиз, афандим! Ун саккизинчи йил бўлганда ҳам сотмас эдик! Энди сотамизми?! Энди-я!»

Владимир Ильич уйга бориб, бугунги учрашувни, Камчатканинг «савдоси»ни гапириб берса, роса кулги бўлишини ўйлади.

Ленин тушлик овқатга кетди. Унинг чехрасида сезилар-сезилмас соядай шодлик табассуми кезиб юрарди. «Совет ҳокимияти энди уч ёшга кирди, мистер, аммо энди бизни қулатолмайсизлар. Йўқ, энди бизни қулатишга ожизлик қиласизлар. Бу рўёбга чиқмайдиган бемаъни иш...»

Деникин, Колчак тор-мор келтирилди. Врангель охирги кунларини кечирапти. Тезда Совет Россияси келгинди душманлардан ҳам халос бўлади. Келгиндилар...

Ярим йўлга борганда Ленин ним қоронғи йўлакда пўстин қийган новча одамга дуч келди. У одам кексалигиданми ёки очлигиданми гандираклаб борарди. Новча бўлганлиги учун ҳам худди шамолда чайқалаётган

дарахтдай гандираклаши аниқ билинарди. У Ленинга танишдай кўринди...

— Фёдор Васильевич!— деб чақирди Владимир Ильич унга тикилиб.— Сизмисиз?

Бояги одам Ленин томонга чайқалиб, тўхтаб қолди.

— Фёдор Васильевич!

Покровский бу ерга батамом бошқа ниятда — ҳозирги пайтда Кремлда ишлаётган дўстини кўриш ниятида келган эди. Ленин билан учрашиш эса хаёлига ҳам келмаган, ҳозир унга айтадиган муайян бир аниқ жавоби ҳам йўқ эди.

— Мен, Владимир Ильич, мен,— деб жавоб берди Покровский.— Салом алайкум...

— Салом алайкум. Сизга нима бўлди, Фёдор Васильевич? Мазангиз йўқми?

— Йўқ...

— Очлик қийнаяптими?

— Йўқ, Владимир Ильич.

— Ростини айтяпсизми?

— Кўряпсиз-ку, устимда пўстин... Буржуйники...

— Кўряпман. Шундай бўлса ҳам...— Ленин стул қидириб атрофига қаради. Яқин ўртада стул йўқ эди. Владимир Ильич Покровский билан бирга кабинетга қайтди.

— Ечиниб, ўтиринг.— Ленин Фёдор Васильевичга оғир пўстинини ечишга ёрдам бериб, илиб қўймоқчи бўлган эди, Покровский унинг қўлидан пўстинни олиб, ўзи илмоқчи бўлди. Бироқ бир-икки уриниб, қозиққа илолмади.

Қандайдир бетоблик ёки ҳаддан ташқари ҳорғинлик Покровскийни букиб қўйгани сезилиб турарди. У шошмай креслонинг олдига ўтиб, тирсагини суянчиққа вазмин босиб ўтирди.

Шатура қурилиши чинакам оммавий характери билан Покровскийни танг қолдирган эди. «Бундай бўлса, иш юришиб кетиши турган гап...» У ҳам ишлашни ис-

таб қолди. Ишлаш зарур эди... Шундан кейин Фёдор Васильевич ВСНХга келди. Аммо у ерда унга шундай муомала қилишдики, у ўзини душман ҳис қилиб чиқиб кетди...

Покровскийга алам қилгани — ярим ҳарбийча кийиниб олган аллақандай одамларнинг ўзига дағал муомалада бўлгани эмас, балки Лениннинг ана шундай амалдорлар билан адолат ва тафаккур тантанасини барпо этмоқчи экани эди! Фёдор Васильевич ВСНХда унга қилинган муомалани кўпиртириб гапирмоқчи эмас эди. У умуман вазиятни ётиғи билан баҳолайди. Турган гапки, уйдаги тинтув ҳақида зинҳор оғиз очмайди. Шубҳасиз, Ленин бошқалар йўл қўйган хатони тузатишни, айбдорларга қаттиқ жазо беришни буюради. Бироқ ҳамма нарсага Ленинни балогардон қилавериш яхши эмас-да. Покровский шунга аҳд қилган бўлса-да, ҳозир ўзини тийиб қололмади.

— Менга ишонинмайди, — деди у. — Пролетариат менга ўхшаган жанобларни хизматга олаверса, республика учун назоратчи етказиб бўлмай қолармиш. Бунинг устига манави пўстин!

Фёдор Васильевич пўстинга ёвқур қараш қилиб, жилмайди.

— Буларнинг ҳаммаси бемаъни гап, албатта, — деди Владимир Ильич креслога ўтираётиб. — Аммо, ўзингиздан қолар гап йўқ, бу пўстин кимгадир крепостнойни олиб-сотган ёки итига талатган помешчикни, кимгадир суткасига ўн олти соатдан ишлатган фабрикантни эслатади. Ҳамма нарса жунбушда: интиқом туйғуси ҳам, золимларга нафрат ҳам, баъзиларнинг пасткаш ҳислари ҳам. Бироқ, Фёдор Васильевич, муҳими бошқа-ку! Муҳими — яхши ҳаётга, ўзингга, одамларга бўлган ишончда! Келинг, бу гапни қўяйлик... Сиз гаплашган маҳмадоналар қаерда экан?

— ВСНХда, Владимир Ильич...

— ВСНХда... Уларнинг исми-шарифлари борми? — Ленин қўлига қалам олди.

— Бор бўлса керак, албатта. Кўринишдан дуруст одамларга ўхшайди. Лекин, ҳаммасини эсда сақлаб бўлармиди. Эсда сақлаш фойдасиз, уларнинг сон-саногига йўқ!

— Бор, Фёдор Васильевич! Бор! Эслашга уриниб кўринг!

Фёдор Васильевич эслашга уриниб, санай бошлади.

— Огурцов... Таранкин... Похлебкин... Йўқ, у эмас эди! Говядкин... Котлетов!

— Котлетов... Котлетов... Танишга ўхшайди, — деб такрорлади Ленин. — Эҳтимол, Кавлетовдир?

— Бўлса бордир...

— Шунинг ўзими?

— Кошки эди ўзи бўлса...

— Нега менга ҳеч нарса айтмадингиз? — жиддий сўради Ленин ва ўрнидан турди.

— Ҳаммасини айтиб, улгуриб бўладими, Владимир Ильич? Ҳамма арз қилиб келаверса, бир йилда ҳам эшитиб улгуролмайсиз!

Ленин қўлини шимининг чўнтагига солиб, Фёдор Васильевичнинг рўпарасида тўхтади.

— Шундаймикан? Наҳотки аҳвол шу даражада ёмон?.. Наҳотки, мен ҳамма нарсани кўрмаётган бўлсам, Фёдор Васильевич?

— Албатта. Сиз табиатингизга кўра банди мўминларда бўладиган ҳасадгўйлик, маккорлик, ёмон ниятлилик, ифвогарлик каби гуноҳлардан беҳабарсиз.

Ленин қўлларини ёйди:

— Мени мақтаб туриб ўлдирдингиз!

— Владимир Ильич, мен сизни ҳурмат қиламан, қадрлайман...

— Фақат ишга қараб ҳурмат қилинг, Фёдор Васильевич.

— Партия якка ўзингиз эмас, Владимир Ильич...

Текшириб кўринг, Кавлетовга ўхшаганлар юзлаб топилади. Улар Ленинлар, Чичеринлар, Луначарскийлар, Красинлар, Дзержинскийлардан кўп. Бир куни келиб, улар сизларни енгади. Эртами, кечми — енгади!

— Фёдор Васильевич! Нималар деяпсиз?

— Бўлди, Владимир Ильич... Бас қилдим! — Покровский бошини қуйи солди. У бошқа гапирмоқчи эмас эди.

Владимир Ильич секретардан ВСНХдаги Кавлетовга қўнғироқ қилиб, телефонга чақиришларини илтимос қилди.

— Ўртоқ Кавлетовми? Сиз билан бир учрашган эдим, шекилли-а? Ўшанда мен сизга ўқий бошлашни маслаҳат бергандим, шекилли. Ўқияпсизми? Жуда яхши...

Покровский Владимир Ильичнинг эски мутахассислардан фойдаланишнинг бутун аҳамиятини қандай тушунтираётганига, ҳақиқий олимлар ва инженерлар нечоғлик ноёб ва қимматли эканини, майда ҳисларга эрк бериш қанчалик хавфли эканини гапирётганига қулоқ солиб ўтирди-да, ишончсизлик билан бош чайқади: наҳотки, аҳволни ўзгартириш мумкин бўлса?!

Кейин Ленин Кржижановскийга телефон қилди, бироқ у жойида йўқ экан.

— Лекин, Фёдор Васильевич, — деди Владимир Ильич, — сиз аллақачон ошхонага кириб чиқишингиз керак эди.

Ленин узр айтиб, секретарлар ўтирадиган хонага чиқди ва ҳузуридаги одамни овқатлантиришнинг йўли бўлмасмикин («Одоб билан! Кўнглига келмайдиган қилиб!») деб сўради.

Ленин қайтиб кирганда, Фёдор Васильевич пўстинини кийиб олган эди.

— Албатта, ишлаш керак... — деди Покровский. — Аммо билмай қолдим... Владимир Ильич... Билолмадим.

Ленин сукут сақлади: чунки у бу саволга жавоб бермоқчи эмасди. Бир оз сукутдан сўнг эса:

— Кржижановский комиссиясида ҳам, ВСНХда ҳам энди сизни жон деб қабул қилишади. Ўйлаб кўринг. Ҳозир, эса, илтимос, секретариатга кириб кетинг, Фёдор Васильевич. Хайр,— деди.

Йўлакда, уйга кетаётиб Ленин қўққисдан унутилиб кетаётган бир воқеани эслади ва кутилмаганда жонга ором берувчи илиқликни, улкан ёз қуёшининг чарақлашини, офтобда илиган япроқларнинг ҳидини ҳис қилди.

Революция учун мушкул ҳисобланган ўн саккизинчи йилнинг шанба оқшомларидан бирида Ленин бир амаллаб вақт топиб, дам олгани чорбоққа борган эди. У пайтда ҳали Горки муқим дам оладиган жойга айланмаган ва у баъзи-баъзида дўстларининг чорбоғига бориб турарди. Бу гал Владимир Ильич билан бирга Надежда Константиновна ва унинг бир таниши бор эди. Улар сайр қилиб юришар экан, кучукча етаклаган бир тўда қишлоқ болаларининг ўзларига қачон эргашишганини ҳам сезмай қолишди. Кучукча бесўнақай, сержун эди. Бечора жуда ювош, ҳимоясиз кўринарди. Владимир Ильич болалар билан ўйнар экан, бу кучук бола эмас, баҳайбат қопонғич ит деб ишонтирмоқчи бўларди...

Ҳазил-ҳузул билан ўрмонга етиб қолишганини сезишмапти. Ўрмон четида баланд эман дарахти бор эди. Яшин бу қудратли дарахт танасини парчалаб, қорайтириб юборибди. Ногаҳоний зарбга дучор бўлган эман қуриб қолган эди.

Владимир Ильич эманга тикилиб, ҳамроҳларига қарата:

— Биз бундай бўлмаймиз,— деди.

У революцияни назарда тутган эди. Ўшандан бери мамлакат бошига қанчадан-қанча қора булутлар соя ташлаб ўтди, момақалдироқлар бўлди, бир-биридан

кучли яшинлар чақнади, аммо революция ҳаммасига дош берди. «Борди-ю, яшин эмас, революцияни ич-ичидан қурт кемирса-чи?..»

Уйга бориб, Владимир Ильич ўйчан ва индамас бўлиб қолди. Корчалон Вандерлип билан учрашганини ҳам гапирмай қўя қолди...

Ҳа, қуролли кучлар ва контрреволюция Совет республикасини тор-мор этишга муваффақ бўлмади. Фёдор Васильевич сира-сира ҳақ эмас: эплаймиз! Бироқ ҳамма нарсани олдиндан кўриб бўлмайди, албатта... Бунақа одам оламда йўқ... Бюрократлар, ашаддий нодонлар ва сафсатабозлар ичкаридан зарба бериши мумкин. Бу ўрида Покровский ҳақ эди. Совет ҳокимияти ҳалок бўлса, фақат бюрократизмдан, чиришдан ҳалок бўлиши мумкин. Бу хавфга етарли баҳо бермаяпманми? Эҳтимол...

15. ТАЙНИЦК ХИЁБОНИ

Сласск минорасининг соати занг урди. Бу сокин кузги тунда соатнинг баҳайбат рақамлари кўринмасида, Ленин билан Крупская соат ўн иккидан чорак ошганини билишарди. Кремлда ҳам, унинг ташқарисида ҳам сукунат. Аммо Надежда Константиновнага сукунат баъзан хатарли кўринади: яқиндагина Совнарком биносининг ёнгинасида куппа-кундузи бирдан ўқ отилди. Ким отган, нимага отган — аниқлаб бўлмади. Ким билади, дейсиз!..

Надежда Константиновна Владимир Ильичнинг истироҳатига ҳалақит бермаслик учун индамай ўтирарди. Кўпинча мутлақо беозор кўринган бирон сўз, бирон жумла ҳам Ленинга ишни эслатиб, биринчи қарашда ҳеч қутилмаган фикрлар туғдириб қўярди.

Шу дақиқалар давомида Надежда Константиновна бир неча марта гап бошлагани оғиз жуфтлади. Лекин ҳар гал айтадиган гапида қанақа масалалар ва фами-

лияларни тилга олиш мумкинлигини ўйлаб, ўзини тўхтатди. Владимир Ильичнинг истироҳати яна шиддатли меҳнатга айланиб кетиши мумкин... Йўқ! Йўқ! Биронта ишга дахлсизроқ гапдан гапириш керак... Унча муҳим бўлмасин... Аммо шунча муҳим гап турганда, қандай қилиб номуҳимини гапирасан!..

Владимир Ильич жуда сипо одам бўлганидан одатдагидек ўзи тўғрисида бирон оғиз ҳам гап айтмади. Лекин Надежда Константиновна тушуниб турибдики, у фақат чарчаган эмас... Шушенскоеда баъзан шундай бўларди: у китобдан бошини кўтармай ўтириб-ўтириб, кейин чиқиб қор кураб ёки сайр қилиб келар, қайтганида яна соатлаб ишлашга тайёр бардам ва тетик бўларди. Меҳнат ҳар қанча муттасил ва давомли бўлмасин, ташвиш ва хавотирчалик эзмайди кишини. Уни нима ташвишлантиряпти?

Троцкийми? Децистлар гуруҳими? Зўр бериб курашилаётганига қарамай, ўсиб бораётган бюрократизмми? Эҳтимол, чиндан ҳам Осинский ва унинг гуруҳидир? Ё саломатлигими? Владимир Ильич кўринишдан ҳамон бақувват кўринса-да, лекин Капланнинг ўқлари бетаъсир қолмади. Баъзан бош оғриғидан, уйқусизликдан шикоят қилади... Баъзида эса авваллардагидай суткалаб дам олмай, вақтни писанд қилмай ишлолмаётганидан афсусланади... Аммо шундай бўлса ҳам, уни ташвишга солаётган нарса — саломатлиги эмас... Ахир, у бу тўғрида бирон марта ҳам ўйлаган эмас-ку! Бўлмаса, нима? Эҳтимол, бюрократизмдир. Эҳтимол, Троцкийдир.

Раҳбарликдаги одамлар ҳар хил эди. Албатта, уларнинг ҳаммаси бир хил ўйлаёлмайди, масаланинг моҳиятини бараварига тез ва тўғри илғаб ололмайди, ҳозирги даврни бир хил яхши тушунолмайди. Қошки эди шундай бўлса, аммо бунақа бўлмайди-да. Энг муҳими — улар бир мақсад учун курашиши, муайян чегарадан чиқиб кетмаслиги керак, қолганини тузатиш

мумкин. Узил-кесил ажралишдан аввал, улар нима масалада ноҳақ эканини, хатолари нимадалигини кўрсатиш мумкин ва зарур, уларни ишонтиришга, ўз вақтида керакли томонга йўналтиришга, зарур хулосалар чиқариб олишга ёрдам беришга уриниб кўриш мумкин ва зарур. Раҳбарликка тасодифан ўтиб қолган қобилиятли одамлар билан чиқишиш қийинроқ. Улар умумий ишни қилар эканлар, уларга чидаш мумкин ва керак. Аммо ҳамиша уларни тергаб-тежаб туриш зарурияти, доимий кураш партиядан ва Лениндан жуда кўп куч-қувват талаб қилади — буни Надежда Константиновна ахши билади...

Ленин тўсатдан, эсига бир нарса тушиб, секин кулиб юборди.

— Надя... Менга қара... Яқинда менинг устимга бир чойнак сувни ағдариб юборишларига сал қолди...

— Нима? Бир чойнак сув?

— Ҳа, рост... Негадир менинг ҳайкалимни ясашни зарур деб ҳисоблашади... Ҳайкалтарош ишини тугатиб, ҳайкалнинг устига аялақандай қопни ёпди-да, менга жиддий топшириқ бериб кетди: бир неча соатдан кейин мен шу тасқара ҳайкалимнинг устига сув қуйишим керак экан. Топшириқни ёзиб олдим, вақти-соати бўлганда, секретариат ходимасидан бир чойнак сув олиб келишни илтимос қилдим. Олиб келганда, «илтимос, чойнакдаги сувни бошимга қуйинг», дедим. Ўзим ёзишда давом этавердим. Бирдан қарасам, ходима ёнимга келиб, така-пука бўлиб, чойнакни кўтаряпти... «Ҳой, нима қиялпсиз? — дедим мен қичқириб юборишимга сал қолиб. — Ҳайкалимга! Қоп остидаги ҳайкалимга! Менга эмас!»

Надежда Константиновна кулиб юборди.

— Ростдан қуйиб юборганда нима бўларди! Тасаввур қиламан ҳолингни...

Улар бузилиб кетган йўлка бўйлаб, казармалар ёнидан Троицк минорасигача боришди-да, Совнарком-

нинг олдига қайтишди. Энди қадимий Чудов монастирининг деворини айланиб ўтиш керак эди. Ленин сайр қилиб, монастир олдига келганида беихтиёр юришини секинлатар эди.

Хукумат Москвага кўчиб ўтганидан кейин Владимир Ильич Кремль тарихини синчиклаб ўрганиб чиқди, Кремлнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди, минораларига чиқиб тушди, бир неча марта Кремль деворлари устидан юриб, уларнинг энлилигига ҳайрон қолди. Ҳозир Совнарком жойлашган Суд қонунлари иморатининг ёнидаги Чудов монастири тез-тез унинг кўзига ташланиб турар ва ўзининг афсонавий ўтмиши билан диққатни жалб қилиб, сира кўнглига урмас эди.

Ҳозир ҳам Ленин қадамларини секинлатди. Ана шу деворлар ортида, Пушкиннинг тасдиқлашича, Пимен қора чироғ ёруғида ўтириб: «Яна битта сўнгги афсона ва йилномам битади менинг...» деб ёзган экан. Шу деворлар ортида, ўзини шахзода деб эълон қилган Григорий яшаган...

Монастирнинг иморатлари мўъжазгина эди. Кремлдаги бошқа иморатлар қаршисида улар янада кичикроқ кўринар ва ана шу пастаклиги, шаклининг соддалиги билан қадимийлиги ва афсонавийлигини кўз-кўз қилаётгандай бўларди.

Чудов монастирининг деворини айланиб ўтиб, Владимир Ильич ва Надежда Константиновна кичик қаср ёнидан чиқишди; кейин Кремль адирини—тупроқ тўкиб ҳосил қилинган кўтарма дўнгни кесиб ўтиб, қияликдан Тайницк хиёбонига тушишди. Надежда Константиновнани қўлтиқлаб олган Ленин уни авайлаб, пастга тушишига ёрдамлашди.

Қияликдан тушишгандан кейин, оёқ остида хазонлар шилдирай бошлади. Хазон шилдираши ҳамма вақт йил фасллариининг муқаррар алмашиб туришини, вақтнинг тез ўтишини, бошдан кечирилган қайтмас онларни эсга туширади.

Владимир Ильич энгашиб ердан бир баргни олди.
— Заранг, — деди у.

Улар Тайницк хиёбонидаги торгина йўлдан яна бир неча марта бориб келишди, кейин юқорига кўтарила бошлашди. Ленин омма жалб қилинмаса, ГОЭЛРО бўйича амалга оширилган ишларнинг ҳаммаси беҳуда кетишини ўйлади. Ишнинг муваффақиятини ҳар қанча доно бўлмасин ўн киши, юз киши ҳал қилмайди... Бундан ташқари совет аппарати бюрократизмга қарши курашни қандай қилиб ўрганиб олсайкин? Бўлмаса, ботиб қоламиз...

Улар Кремль дўнглигига кўтарилишди. Бу ерда ҳам сукунат ҳоким эди — атрофда на бир чироқ, на бир одамнинг қораси кўринади...

16. НОМАЪЛУМ КУЧ

Покровский учун ҳаёт яхшилик билан ёмонликнинг қоришмасидан иборат бўлиб қолди. Улуғ маънавият кишиси Лениннинг диққат-эътибори-ю, ҳозир даври даврони келиб қолганига амин бўлган аллақандай амалдорнинг қаршилиги; халқ учун буюк неъматлар — тинчлик, ер, эрку, шу халқнинг ўз мулки бўлиб қолган иморатнинг ёниши; ваҳимадор матрос Чекулиннинг илтифоти-ю, кумуш вилка-қошиқларни қонунсиз мусодара қилган тинтув; Шатурани бунёд қилиш учун зарур бўлган умумхалқ шижоати-ю, Шатурадаги ёнғин...

Аллақандай ёқимсиз заифлик Фёдор Васильевичнинг тинкасини қуритмоқда эди. Первопрестольная бўйлаб ўтин учун қилинган сафардан ва ВСНХга бориб келгандан кейин эса Покровский ётиб қолди. Лекин шунда ҳам у ишнинг жиддий тус олиши мумкинлигини тан олгиси келмас эди.

Шу пайт Покровскийнинг ёнига ҳарф терувчи Василий Семёнович Ладигин кириб қолди. Фёдор Василь-

евич анчадан бери у билан гаплашмоқчи бўлиб юрар, лекин ҳеч хонаси келмаган эди. Ҳозир айти фурсат.

— Василий Семёнович, мен анави китобчани кўриб чиқдим: жуда бошлабсизлар!

— Қайси китобчани?

— Кржижановскийникини...

— Ҳа... Раҳмат!— ҳарф терувчининг ҳорғинликдан ва очликдан заҳил тортган юзи ёришиб кетди.— Айтгандай, ўртоқ Ленин ҳам мамнун бўлди, кейин ташаккурнома юборди.

— Табриклайман. Аммо музлаб қолган босмахонада қандай босдингиз?

— Босдик-да...

Василий Семёнович креслога ўтириб олиб, озғин тиззасини силади. Китобчани қандай босганларини эслаш унинг ўзига ҳам ҳузур бағишлаётгани сезилиб турарди. Фёдор Васильевич баъзи бир гаплардан, масалан, китобни чиқаришда Бонч-Бруевич иштирок этганидан хабардор эди, баъзи бир гапларни эса биринчи марта эшитди.

Китобчанинг тарихи бундай эди.

Соат бешларда, қоронғи тушиб, ҳамма ёқ зим-зиё бўлиб қолган пайтда ҳарф терувчи Василий Семёнович Ладигиннинг уйига қайнағаси Артём Петраков кириб келди.

— Ассалому алайкум, қариндошлар!

У синглиси Катяни қучоқлаб ўпди, Василий билан қўл бериб кўришди.

Катя совуқ қотган акасининг пальтосини олиб, самоварга уринди.

— Ҳозир, Артём, бир зумда қайнайди...

Бесўнақай, кенг, ҳаммаша нимқоронғи, совуқ ва зах, поллари шалоғи чиққан, бурчак-бурчакларида сичқонлар изғиб юрган ошхонага кирган Катя меҳмоннинг олдида бир-икки бурда нон билан уч-тўрт дона картош-

кадан бўлак қўядиган нарсаси йўқлигини ўйлади. Сомоварга сув қўйиб, кўмир ташлаб, уни пайраха билан ўт олдираб экан, Катя саросимада эди.

— Хўш, синглим, қалайсизлар?

Артём ошхонага кириб келди.

Оёғида этик, эғнида эски костюм, кўйлагини шимининг устидан чиқариб, белига попуклик ипак белбоғ боғлаб олган Артём ошхонада савлат тўкиб одимлай бошлади.

— Тузук, Артём, тирикчилик ўтапти...

— Ҳали ҳам фарзанд йўқ ва бу яқин ўртада бўлмайди ҳам дегин?..

— Шу аҳволда фарзандни ким қўйишти...

— Ҳа-а...— деди чўзиб Артём.

У чиқиб кетиб, бир неча дақиқадан сўнг тугун кўтариб қайтиб келди. Аллақандай оғир нарсани қопга ўраб, чилвир билан чорбурчак қилиб боғлаб қўйилган эди. Артём артилавериб оқариб кетган стол устига тугунни тарақлатиб қўйди.

— Ол, кунингга ярат...

Катя оғир тин олиб, бу нажоткор туҳфага қарадида, акасини ўпди.

— Аввал очиб кўр, очгин,— деди Артём.

Катя титилиб кетган юмшоқ чилвирни ечиб, қопни ёйди. Унда олти қадоқ келадиган чўчқа ёғи, бир думалоқ колбаса, бир буханка бўлка нон бор эди.

— Артём!— деди миннатдор оҳангда Катя ва акасини қучди. Артём ҳам бир қўли билан синглисини қучиб, бағрига босди.

— Аҳволларинг ночор бўлиб қолипти, синглим...

У оғир ўйларга берилиб, сукутга толди.

— Қани, чиқайлик...

Артём синглисини қўйиб юборди.

— Василийнинг аҳволи қалай?— сўради у ташвишланиб.— Ишлаяптими?

Артёмнинг сўрагани беҳуда эмас эди. Василий Се-

мёнович қишлоқдаги қариндош-уруғларини суриштирди, меҳмоннинг ишларини сўради, ўзига берилган саволларга эса айтишга арзийдиган гап йўқдек, жуда қисқа жавоб берди.

— Қанақа ишни айтасан, Артём? Иш қаёқда?.. Типография тўхтаб ётипти. Қачон ишга тушишини ҳеч ким билмайди.

— Ҳа, ҳозир биладиганлар қолмади.

Улар стол тева-рагида анча ўтиришди. Катя билан Василий тўйимли ёғ ва иштаҳани карнай қилувчи ўткир саримсоқ ҳиди анқиб турган қолбаса еяётганларига ҳамон ишонмас эди.

Бу воқеа ҳам худди шу куни рўй берди.

Владимир Ильич ярим кечага бориб, Кржижановскийнинг «Россияни электрлаштиришнинг асосий вазифалари» деган қўлёзмасини ўқиб тугатди. «Жуда яхши! Жуда соз! Уни ВЦИК сессиясининг иштирокчиларига берилса яхши бўларди, яхши бўларди эмас, албатта, тарқатиш керак. Аммо сессия ишининг бошланишига саноқли кунлар қолган... Улгуриб бўларми-кан?»

Ленин Бонч-Бруевичга қўнғироқ қилди. Бироқ Владимир Дмитриевич Совнаркомдан кетиб қолибди.

Ленин соатига қаради. «Ўн иккидан чорак ўтибди!» У иккиланиб ўтирмай, Бонч-Бруевичнинг Совнарком биносига яқин Кавалерия корпусидаги уйига қўнғироқ қилди.

— Владимир Дмитриевич, дарров етиб келишингизни ўтиниб илтимос қиламан. Кела оласизми?

— Албатта, Владимир Ильич...

Бонч-Бруевич бир неча минутдан кейин унинг кабинетида ҳозир бўлди.

— Владимир Дмитриевич, шунчалик кеч безовта қилганим учун мени кечирасиз... Ухлаб қолганингиз йўқмиди?

— Йўқ, йўқ, Владимир Ильич!

— Жуда шошилинч, бениҳоя муҳим иш бор... Яқинда ВЦИК сессияси бўлади. Бизда саноат масалалари қанчалик кескин аҳволда эканидан хабардорсиз-а?

— Ҳа, Владимир Ильич.

— Глеб Максимилианович электрлаштириш ҳақида доклад қилади. Бунинг устига у жуда ажойиб китобча ҳам ёзишга улгурибди. Мен ҳозиргина ўқиб тугатдим.

Владимир Ильич Бонч-Бруевичга юпқа картон папкага солинган қўлёзмани узатди. Владимир Дмитриевич бир кўз ташлаб, китобчанинг номини ўқиди: «Россияни электрлаштиришнинг асосий вазифалари», кейин чаққонлик билан уни варақлаб чиқиб, ҳажмини аниқлади: «Икки листдан ортиқроқ... Харита-чи? Харита ҳам босилармикин?»

— Кўряпсизми, — деб давом этди Ленин, — бунда текст билан бирга харита ҳам бор. Харита бениҳоя муҳим.

Бу харита Лениннинг ўзи «бўш қолган оқшомлардан бири бир амаллаб» ясашни орзу қилган харитага ўхшаб кетарди. Китобчада эса Ленин Россияни электрлаштиришни ўйлаб, неча марталаб ишчилар ва деҳқонларга қарата хаёлан айтган гапларининг ҳаммаси мужассам эди.

— Делегатларга тарқатиш учун бунинг ҳаммасини босиб чиқариш керак. Буни қандай қилиш мумкин? Атиги олти-етти кун вақт... Давлат нашриёти эпломас дейман... Бу китобча бизга ҳаддан ташқари зарур-да!

Владимир Дмитриевич дарҳол чамалаб кўрди, Вацлав Вацлавович Воровский ҳамма гапни тез фаҳмлаб оладиган яхши ўртоқ ва содиқ дўст, бироқ Ленин ҳақ: унинг ходимлари ҳафсаласизлик билан ишлашяпти; баъзан эса ошкора ёки махфий саботаж йўлига ҳам

ўтишмоқда. Воровский улар билан курашиб, қийналиб юрибди.

Бонч-Бруевич собиқ Кушнеревга қарашли, ҳозир 17- давлат босмахонасига мурожаат қилишга аҳд қилди.

1919 йилнинг октябрида Деникин Москвага талпинётган пайтда бу босмахонанинг ишчилари қатъият, сабот ва садоқат кўрсатишди. Оғир синов кунларида улар Ленинга мактуб билан мурожаат қилиб, асарларини уларнинг босмахонасида чиқаришга рози бўлишини сўраб, илтимос қилишди. Мактуб шундай сўзлар билан тугарди: «Сизнинг розилигингиз келгуси курашда, келгуси меҳнатимизда бизнинг кучимизга куч қўшади ва ҳамиша бизнинг ифтихоримиз бўлиб қолади».

Ҳозир Бонч-Бруевич шуни эслаб сўради:

— Қўлэзмани олиб кетсам майлими?

— Нега?

— Теришга бергани,—деб қатъий жавоб берди Владимир Дмитриевич.

Ленин унга синовчан назар ташлади: «Жиддий айт-япсизми?»

— Беш кундан кейин минг нусха тайёр бўлади,—деб ишонтирди Бонч-Бруевич.

— Аниқ гапми?—Ленин Бонч-Бруевичга яқинроқ борди.

— Ҳа, Владимир Ильич, аниқ гап.

— Жуда саз бўларди-да!

Ленин хурсанд бўлиб жилмайди. Дилга тугиб юрган фикрларини баён қилувчи китобча ҳамма делегатнинг қўлига етиб боради!

Владимир Дмитриевич қўлэзма ва харитани олиб, чиқиб кетди.

Эртасига ҳар доимдагидек Василий Семёнович жуда эрта турди. Ишчи одамнинг табиатига сингиб кета-

диган одат бўйича у ҳозир мутлақо шошадиган жойи бўлмаса ҳам эрталаб олтидан туриб оларди.

Унинг кетидан Катя ва Артём ҳам туришди.

Чой ичиб ўтиришганда Артём сўради:

— Қалай, Василий, устачилигинг эсингдан чиқиб кетгани йўқми? Дастгоҳинг ғалатироқ кўринади... Қийшайиб қолганми, дейман...

— Эсимдан чиқмаган бўлса керак, — жавоб берди Василий Семёнович. Нима ясаш керак ўзи?

— Нима деганинг нимаси? — Артём ҳайрон бўлди. — Ҳеч бўлмаса зажигалка яса!

— Зажигалкани уйда ясаб бўлмайди. Ёмон бўлса ҳамки, устахона бўлиши керак.

— Сизларнинг босмахонангиз қошида, — деб эсладди Артём, — устахона бор-ку... Устахона бўлганда ҳам, чакана эмас...

Босмахона устахонасидан фойдаланиш Василий Семёновичнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Устахонанинг асбоб-ускунаси унча кўп бўлмаса-да, ақл-идрок билан, яхшилаб жиҳозланган эди. Уни қурганлар ишнинг кўзини биладиган одамлар экан! Бу устахонада зажигалка эмас, граммафон ясаса ҳам бўлади!

— Ҳозир зажигалканинг бозори чаққон, — давом этди Артём. — Мен кеча вокзалдан келаётиб, бозорга кириб чиқдим. Зажигалканинг баҳосини эшитиб, қангманг бўлиб қолдим. Лекин қиммат бўлса ҳам, зажигалка тузук: гугурт олсанг, чув тушасан!

Василий Семёнович бармоғи билан столни чертди. Балки ҳақиқатан ҳам бу ҳақда ўйлаб кўриш керакдир? Йўғ-э... Нимасини ўйлайди?

— Мен яқинда кетиб бораётган эдим, — деди у. — Ишонасанми, Артём, кўриб, юрагим шувиллаб кетди. Яқингинада биз шу босмахонада қандай китоблар босмагандик! Ҳозир бўлса, ҳувиллаб ётибди. На машиналарнинг сурони, на одамларнинг овози бор... Баайни қабристон! Йўқ, Артём, йўқ... Иш пачава бў-

либ бўлган. У ерда бирон нарсани чегалаш ҳам амри маҳол...

— Хўп замонлар бўлди-да! — хўрсинди Артём.

— Сенга зажигалка керак бўлса, бирон жойдан тўғрилаб берарман, — деб ваъда қилди Василий Семёнович.

— Гап менинг тўғримда эмас-ку, Василий... Турмушни айтаман, қиёс қилиб бўлмайди.

Нонуштадан сўнг Артём билан Василий ўтин олиб келмоқчи бўлишди. Яқин ўртада икки қаватли эски иморатни ўтинга бузишмоқда эди. Ўша иморатдан уч-тўртта хода тегиб қолса, арралаб, ченага ортиб, олиб келиш мумкин.

Энди жўнаймиз дейишганда, эшик тақиллаб қолди.

Куздан бошқа вақтда кийиншга ярамайдиган юпқагина қора пальто кийиб олган нотаниш одам Катядан сўради: «Василий Семёнович Ладигин шу ерда турадими?» Катя бир фалокат бўлдим деб қўрқиб кетди, шундай бўлса ҳам «шу ерда туради» деб жавоб бериб, уни одатда меҳмон келса ўтқазиладиган катта хонага бошлаб кирди.

Василий Семёнович келган одам босмахонанинг партия комитетидаги Михаил Михайлович Гусев эканини дарров пайқаёлмайди. Охирги марта учрашганларидан бери Гусев озиб, қорайиб кетибди.

— Сенга келдим, Василий Семёнович... — деди Гусев беихтиёр совуқдан жунжикиб. — Жин урсин, музлаб қолдим! Хўш, бора оласанми?

Катянинг кўнгли тинчиб, меҳмонни столга таклиф қилди, лекин Гусев қўл силкиб қўя қолди:

— Чой ичадиган вақт эмас. Раҳмат! Хўш?

— Нима гап ўзи, Михаил Михайлович?

Гусев шапкасини олиб, қулоқларини, юзини ишқаб, жавоб берди:

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Зудлик билан бир китобчани босиш ҳақида илтимос бўлди.

— Бизнинг босмахонадами?

— Ҳа.

— Бизникида-я?

Василий Семёнович, бу одам бекордан-бекорга келмаслигини жуда яхши тушуниб, қараб турарди. («Беш чақиримча пиёда юриш керак! Шу кийим билан қирчиллама совуқда!») Бироқ, ҳозир Гусев айтаётган нарсани — китобча босиб чиқаришни тасаввур қилиш қийин, деярли мумкин эмас эди. Василий Семёнович ҳайрон бўлди, елкасини қисиб, бир Катяга, бир Артёмга қаради-да, Гусевдан сўради:

— Қанақа китобча экан?

— Россияни электрлаштириш тўғрисида. Уртоқ Ленин илтимос қилди...

— Шундайми, — деди Василий Семёнович. — Нега дарров айта қолмадинг?.. Хўш, машина-чи? Машина қалай?

— Ўзинг биласан. Бармоқлар машинага чиппа ёпишиб қолади...

— Қачон босиш керак экан? — сўради Василий Семёнович.

— Ҳозир.

— Тушунарли, — Василий Семёнович кийингани қўзгалди, йўл-йўлакай Артёмга гап қотди. — Утинни кейин бир амаллармиз...

— Бор, боравер... — деди Артём. — Ўзим ҳам эплайман.

Гусев билан Василий Семёнович олдинма-кейин чиқиб кетишди. Ёрилиб кетган эски клеёнка қопланган эшик тарақлаб ёпилди. Катя билан Артём турган жойларида лол бўлиб қолишди.

«Кушнерев босмахонасини ишга тушириб юборишган эмиш» деб эшитган ҳарф терувчилар, китоб босувчилар бирин-сирин кириб кела бошлашди. Босмахона ишчиларига уйингизга бораверинг, деб жавоб бериб юборилган эди. Босмахона тўхтаб қолган: чунки бино-

ни иситмасдан ишлаб бўлмасди, ёққани эса ўтин йўқ эди.

Ишчилар эшик олдида бир-бирларига дуч келиб, умид билан сўрашардилар:

— Босмахомамиз ишга тушяптими?

— Наҳотки, иситишаётган бўлса?

Аммо босмахона ишга тушгани йўқ, иситилгани ҳам йўқ эди. Босмахонада на бирон қадоқ кўмир, на бирон боғлам тараша бор эди. Машиналар, деразалар, деворларни қиров босиб ётибди. Цехларнинг ичи кўчадан баттар совуқ. Босиш цехида кимдир сув тўкиб юборган экан, музлаб қолибди — тойиб кетмаслик учун эҳтиёт бўлиш керак. Босмахонада сукунат ҳукмрон. Жимжитлик. Бироқ териш цехида, ҳарф кассалари атрофида пальто кийган одамлар туришарди. Қўллар совуқ қотиб, икки-уч соат ишлагандан кейин бармоқлар муздек қўрғошин ҳарфларга тегса, зирқираб оғрирди. Аммо қўлни куйдирувчи шу муздек ҳарфлар тизилиб, қандай сўзларни ҳосил қиляпти! «Б-у-ғ а-с-р-и — б-у-р-ж-у-а-з-и-я а-с-р-и...» Бир-икки дақиқадан кейин қўлни ишқалаб, қўлтиққа тиқиб иситиш керак. Шундан кейингина ишни давом эттириш мумкин: Э-л-е-к-т-р а-с-р-и — с-о-ц-и-а-л-и-з-м а-с-р-и...»

Босмахонанинг коммунистик ячейкаси ва завод комитети Бонч-Бруевич ҳузурида тўпланиб, китобча билан харитани жуда қисқа вақт ичида босиб бермоқчи бўлишди.

Одамлар ҳамма нарсга чидаши мумкин, лекин машинани совуқда ишлашга мажбур қилиб бўлмайди. Китоб босиш цехининг ҳаммасини иситиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ишчилар унинг бир қисmini ажратиб олишди, печка билан труба топиб келиб, босмахонадан топиш мумкин бўлган нарсанинг ҳаммасини — яшиклардан бошлаб машина артадиган кир латталаргача ёқа бошлашди.

Кечгача китобчанинг ҳаммасини териб бўлиб, яр-

мидан нусха олишга улгуришди — машинани қўл билан айлантиришди.

Владимир Ильич кўнглини хуш этувчи босмахона бўёғининг ҳидлари ҳали кетмаган янги оттискларни кўриб, ҳайрон бўлганидан лол қолди.

— Дарров китобнинг ярми бўлди-ми? — деди ниҳоят Ленин. — Ақл бовар қилмайди-я!

У ҳеч ишонгиси келмагандай, китобчани қўлида ушлаб турарди: ахир, у қўлёзмани Владимир Дмитриевичга кеча кечаси, тўғрироғи, бугун топширган эди-да!

Василий Семёнович тушлик овқатга қайтиб келмади. У кечқурун ҳам келмагандан кейин Катя билан Артём хавотирланиб, Василийнинг овқатини босмахонага олиб бориш керак деган қарорга келишди.

Артём Кушнеревскийга тезроқ ва қулайроқ етиб бориш йўлини синглисидан сўраб олиб, йўлга чиқди.

Москва зим-зиё, кимсасиз эди. У гўё мангуликка қор остига кўмилгандай туюларди. Одамлар кўп юрган тор сўқмоқдангина бориш мумкин эди. Уйларда керосин чироқларининг, қора чироқларнинг сарғиш шуъласи кўринади. Аҳён-аҳёнда зўрға милтираб турган электр чироқларининг қизғиш нури кўзга чалинади. Улар шу даражада заиф эдики, бир лаҳзадан сўнг қайта ёнмайдиган бўлиб ўчиб қоладиганга ўхшарди...

Артём йўлнинг ярмига етганда Василийнинг таниш гавдасини кўрди — у деразанинг ёруғида лип этиб кўринди-ю, яна қоронғига шўнғиди.

— Василий, сенмисан? — деб чақирди Артём.

— Мен...

— Ишлар нима бўлди?

— Босишяпти... — деб секин жавоб берди Василий Семёнович.

— Дарров-а?

— Тезроқ юра қолайлик...

Василий Семёнович бошини ёқаси ичига тортиб,

қўллари чўнтагига тиққанча бир оз чайқалиб, тез-тез юриб кетди У зум ўтмай йиқилиб тушадиганга ўхшарди. Артём тугунчакни кўтариб, унинг ортидан бормоқда. Икковлари ҳам индашмасди.

— Печка ёқдиларингми?— деб сўради бир оздан кейин Василий Семёнович.

— Ёқдик, Василий.

— Хайрият, исиниб оладиган бўлибман!..

«Зажигалкалар! — деб хаёлидан ўтказди Артём. Зажигалкалар-а!

Ҳарф терувчи кетди, Фёдор Васильевич эса ётган жойида ҳамон шу воқеани ўйларди.

Россия...

Ўнлаб, юзлаб бениҳоя олижаноб одамлар сенинг қулфи-дилингни очиш учун калит қидириб, сени эркин, бахтиёр, қудратли қилиш йўлида жон фидо қилди. Улар шуҳратингга шуҳрат қўшди, ривожингга ёрдам берди, тошлардан, ёғоч ва сўзлардан ажиб асарлар яратиб, донингни чиқарди... Лекин улар калитни тополганлари йўқ. Мана энди, Симбирскдан чиққан бир одам ўзидан аввал қилинган ҳамма ишни миридан-сиригача ўрганиб чиқиб, шу калитни топди. Олим Винтер ва ҳарф терувчи Ладигин, Шатура қурувчилари, босмахона ишчилари, Фёдор Васильевич беҳабар бўлган яна қанча-қанча одамлар ҳамжиҳатлик билан умумий ишга киришишди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқарса, шубҳасиз, оламни ўзгартириб юборишади. Фақат уларнинг ғайрати, шижоати тўғри йўлга йўлланса бас...

17. МОСКВА КУЧАЛАРИ БЎИЛАБ

Шанба куни оқшом чўкишидан аввал, бошида қулоқчин, устида бугун Надежда Константинованинг қийин-қистови билан биринчи марта кийилган қорақўл

ёқали пальтода Ленин Совнарком эшигидан чиқиб келди.

Кутиб турган автомобилга ўтиришдан олдин Владимир Ильич бир лаҳза тик туриб, атрофга қулоқ soldi.

Тиниб-тинчимаётган шиддатли шамол Москва черковлари қўнғироқларининг овозини ёқимсиз кучайтирмоқда эди.

— Байрамми? — деб сўради Ленин шофер Гилдан.

— Билмадим, Владимир Ильич. Одатдаги шанба ибодати бўлса керак.

— Ҳа, ҳа, — деди Ленин.

Автомобиль юрганича йўқ. Степан Казимирович Ленинга қаради. Ленин эса:

— Марҳамат, Кржижановскийникига, — деди.

Шундай деди-ю, ҳорғинлик билан кўзини юмди. Сонсиз ташвиш...

Ҳар ҳолда, иш олға силжиётганига ишонч бўлмаганда, зиммасига тушган меҳнатнинг ўндан бирига ҳам кучи етмаган бўларди унинг. Сон-саноқсиз катта-кичик ташвишлар ичида алоҳида биттаси бор: бу ҳам бўлса Россияни чарогон қилиш, уни нурга кўмиш ташвиши.

Узоқ эмас, атиги уч йил аввал Смольнийда кенгашлар ва мажлислар тугаб, одамларнинг оёғи узилиб, вақт алламаҳал бўлиб қолганда Александр Васильевич Винтер кириб келган эди. У зарур иш билан келган ҳарбий эмас, хўжалик ходими эмас — олим эди. Бу ўн еттинчи йилнинг декабрида бўлган эди. «Шатура» деган сўз биринчи марта худди ўша кечада тилга олинганди.

Мана, ҳозир юзлаб одамлар қора кўл қирғоғида битта-битта тош териб, синч йўниб, муваққат Шатурани барпо этиб, энди эса катта Шатурани бунёд қилишяпти. У Владимиркадан унча узоқ эмас. Владимирка эса рус революционерларининг қанчадан-қанча авлод-

лари Сибирга сургунга ва каторгага ўтган йўл. Кошки эди, Россиянинг келажаги учун кишанларини шилдиратиб ўтган, тарихга шу қадар юксак ниятлар, шу қадар олижаноблик ва шу қадар фидокорликни мерос қолдирган революционерлар бу ерда ҳозир рус мужиклари ва ишчилари нима қураётганини, электрлаштириш Россияга нималар беришини кўра олсалар. Улар маълум ва номаълум қабрларда, шаҳар қабристонлари ва қадимий қалъаларнинг ташқарисидаги чоҳларда тинч ухлашлари мумкин... Уларнинг ҳаммаси — Радищев, декабристлар, Герцен, Степан Халтурин ва Софья Перовская, Лениннинг отаси ва севимли акаси, юзлаб революционерлар Россияни батамом ўзгарган, яшарган ҳолда кўришни истаган эдилар.

Мана энди Россия қайта туғилиши, қудратли бўлиб олиши мумкин, фақат ҳар куни қурувчилар учун ноннинг гамини ейиш керак, негадир торф унча гуриллаб ёнмайдиган Шатура қозонлари ҳақида, ишчилар учун бараклар ҳақида, ГОЭЛРО ғояларини тарғиб қилиш тўғрисида ўйлаш керак.

Ленин кўзини очди.

Пойтахтнинг қоронғи ва сўхтаси совуқ кўчаларида юпун кийинган одамлар шошиб боришарди. Ғира-ширада Ленин йўловчиларнинг оёқларида гоҳ серямоқ пиймаларни, гоҳ кийилавериб адо бўлган этикларни, гоҳ чипта ковушларни кўрди. Бу чипта ковушлар ҳам, ҳар қалай, аввалги замонлардаги каби канопо ара-лаштирмай тўқилган бўлса керак.

Магазинларнинг кўпчилиги ёпиқ: баъзиларининг витринасига тахта қоқиб ташланган, баъзилариники синиб ётибди.

Уйларнинг деразаларида қора чироқ йилтирайди. Бу ҳам ҳамма уйда эмас...

Автомобиль одамларнинг диққатини жалб қиларди, чунки ҳали у камёб эди. Одамлар унга қараб қолишар ёки орқаларига ўтирилиб, томоша қилишарди.

Йўловчилардан жуда кам одам Ленинни танирди: баъзилар уни сира кўрган эмас, бошқалар эса ғира-ширада уни таний олмасди.

Деворларда ола байроқ шиорлар ва плакатлар. Қуёшда ўнгиб кетган, ёмғирда ранглари оқиб тушган лахтак-лахтак қоғозлар осилиб ётибди. Маркснинг суратлари кўзга ташланади.

Кўпгина йўловчилар бўғча ва тугун кўтариб олишган. Баъзилар тугунини кўтариб, музлаган, очлик ҳукм сураётган шаҳардан қочиб кетяпти, баъзилар энг зарур нарсасини энг зарур нарсага, яъни кийим-кечак ва пойафзалини овқатга алмаштириш умидида кетяпти. Буларнинг айримлари тилла ва кумуш буюмларни ёки ноёб санъат асарини олиб кетаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳар қанча пайиға тушганига қарамай, чайқовчилик ҳали авжида. Баъзилар тугунларида жиндаккина емишини олчиб кетмоқда.

Ленин кўз узмай қараб кетяпти.

Баъзи бир ёғоч уйларни ўтинга бузишяпти. Йўлда чаёла бузилган уй дуч келди... Бир чеккада одамлар уймалашиб юрибди, арра овози эшитилади, кимдир ту누кага болта уриб, қарсиллатди... Яна бир уйга дуч келишди — ёнғинда куйгандай, ундан ёлғиз печка қолибди.

Кўча ҳам бузилиб кетган эди. Гиль ўнқир-чўнқир жойлардан иложи борича четлаб ўтар, аммо бундай жойлар кўнлаб дуч келганда, ноилож қолар ва автомобиль ўтирганларни беаёв кўтариб ташларди.

Гипеданми, лойданми ясалган, шунинг учун ярами бузилган ҳайкал лип этиб ўтиб кетди. Ердан бир ярим-икки аршин юқоридаги ўққа шар ўрнатилган, шарнинг устида оёғини кериб турган одамними ёки ўткир бурчаги юқорига қараган учбурчақними эслатувчи алланима бало турарди.

Гиль машинани бурмоқчи бўлган эди, Ленин илтимос қилди:

— Илтимос, тўғрига...

Степан Казимирович, Ленин йўлни нега ўзгартирганини ва ҳозир қаёққа боришларини англашга уриниб, рулни тўғрилади.

Йўлнинг икки четида беҳисоб завод бинолари кўзга ташланади. Ун саккизинчи йилда баъзан завод дарвозаларига ишдан бош тортганликнинг белгиси сифатида оқ байроқ илиб қўйиларди. Ҳозир улар кўринмайди. Аммо баъзи бир мўрилардан ҳамон тутун кўринмас, шунинг учун улар ортиқчадай, кераксиздай туюларди. Аллақандай кичкина заводнинг ёки депонингми дарвозаси олдида трамвай вагонлари турар, баъзилари ағанаб ётарди.

— Тўғригами, Владимир Ильич, — деб сўради Гиль.

— Тўғрига...

Кўримсиз, аллақачон ўнгиб ва йиртилиб ётган байроқчаларидан бошқа кўзга кўринадиган жойи йўқ бино ёнидан ўтаётганларида Ленин илтимос қилди:

— Секинроқ юринг, ўртоқ Гиль, илтимос...

Автомобиль секинлади ва Ленин ғира-шира «Яшасин жаҳон революцияси!» деган шиорни ҳамда вивескадан «Р. С. Ф. С. Р. Москва шаҳри. Марказий Маданият Саройининг филиали» деган сўзларни ўқиди.

— Филиали бору, — деди Ленин ғамгинлик билан, — лекин марказий саройнинг ўзи, албатта бўлма-са керак. Буни қаранг... Сиз нима дейсиз, ўртоқ Гиль?

— Билмадим, Владимир Ильич. Тўғригами?

— Тўғрига...

Шаҳар четига чиқиб қолишди... Икки қаватли уйлар... Биринчи қавати, одатдагича, гиштдан, иккинчиси — ёғочдан... Ҳаммасининг олдида кичкина гулзори ва катта полизи бор... Баъзи бир уйларда чироқ кўринадди. Темир йўл кўприги ва кўтарманинг нариги ёғида — ташландиқ ерлар... Уларнинг ортида — қишлоқ: қудуқнинг шамолда сал-пал қимирлаб турган лайлаги,

сўнг черков кўринди... Биронта жойда йилт этган чироқ йўқ!

— Марҳамат, тўхтатинг!

Автомобиль тўхтаганда, Ленин ундан тушиб, қўлларини пальтосининг чўнтагига тикди-да, атрофга қаради. Бу ердан ним ранг дуд ичида Москванинг улкан қиёфаси ва қоронғи, бамисоли ўлат теккандай совуқ ва жимжит қишлоқ элас-элас кўзга чалиниб турарди.

Шамол қудуқ лайлагини гижирлатар, теваарак-атрофда ундан бошқа тик этган овоз эшитилмас эди. Бир неча дақиқа Ленин индамай қолди. Унинг назарида Герберт Джордж Уэллснинг овози ҳамон унинг қулоғи тагида эшитилаётгандай эди:

«Россиянинг аҳволидан олган асосий таассуротимиз шуки, ҳамма жойда жуда улкан, тузатиб бўлмайдиган ҳалокат манзарасини кўрдик... Ҳалокат — бугунги Россиянинг энг муҳим белгиси... Тарих Россия бошидан кечираётганга ўхшаш ҳалокатни ҳеч қачон кўрган эмас. Бу жараён яна бир йил давом этса, ҳалокат узил-кесил тус олади. Шаҳарлар ҳувиллаб, вайроналарга айланади, темир йўлларни ўт-ўлан босиб кетади. Россиянинг емирилиши фақат шу мамлакат билангина чекланиб қолмайди. Россиянинг шарқ ва ғарб томонидаги бошқа давлатлар ҳам Россия ҳалокати туфайли пайдо бўладиган бўшлиққа ағдарилиб тушади. Эҳтимолки, ҳозирги замон цивилизациясининг тақдири ҳам шундай бўлар... — Европанинг шарқий деворига битилган хатларнинг маънисини мен шундай деб чақдим».

Ҳали Карл Штейнмецнинг мактуби келганича йўқ эди ва шунинг учун ҳам Ленин қашшоқ, вайрон бўлган мамлакатни электрлаштириш планига Европа ва Америкадаги йирик олимлар, электротехниклар қандай муносабатда эканидан беҳабар эди.

1922 йилнинг баҳорига борибгина, Америкадан қайтган рус инженери Б. В. Лосев профессор Карл Штейнмецнинг Ленинга мактубини олиб келди:

«Қимматли мистер Ленин!

Жаноб Лосевнинг Россияга қайтаётганидан фойдаланиб, ижтимоий ва иқтисодий тикланиш йўлида қилган ажойиб ишингиздан, ҳозирги оғир шароитда Россия амалга ошираётган ишдан қойил эканлигимни Сизга маълум қилмоқчиман.

Мен Сизга мукаммал муваффақият тилайман ва чин юракдан ишонаманки, Сиз бу муваффақиятга эришасиз. Сиз шак-шубҳасиз муваффақият қозонишингиз керак, чунки Россия бошлаган буюк ишни чала қолдириш мумкин эмас.

Техника соҳасида, айниқса, электротехника соҳасида кўрсатмалар ва маслаҳатлар бериб, Россияга бақадри имкон ёрдам беролсам, бениҳоя хурсанд бўлардим.

Сизга содиқ Карл Штейнмец».

Ленин мана шу илиқ сўзлари учун Штейнмецга мактуб йўллаб, унга миннатдорчилик билдиради. Ҳа, бу мадад бўлади, танланган йўлнинг тўғрилигини кўрсатувчи кўмак бўлади... Бироқ, бу ҳозир эмас, кейинчалик, 1922 йилда бўлади. Ҳозирча эса Герберт Джордж Уэллснинг гани бор, холос: «Россия ҳалокати фақат шу мамлакат билангина чекланиб қолмайди...»

Яна ўзига бино қўйган совет амалдорларининг овози ҳам қулоққа чалиняпти:

«Бекорчи нарсалар билан машғул бўлишга вақт йўқ».

Сукунат... Шамолда қудуқ лайлаги аянчли гижирлайди...

— Кетдик, ўртоқ Гиль, — деди Ленин.

18. КРЖИЖАНОВСКИЙ ҲУЗУРИДА

Ленин даҳлизда ечинаётиб, таниш музикани эшитди. Вир лаҳза қулоқ солиб, қимир этмай турди: Бетховен!

— Владимир Ильич, эшитгингиз келаётган бўлса, айтинг,— деди Кржижановский.— Ижрочини жўнатмаймиз... Ўзимизники...

— Йўқ, йўқ!— деб шошиб жавоб берди Ленин.

Ленин аҳён-аҳёнда, дам олаётганда музика эшитишга муваффақ бўлса, хурсанд бўлар эди. Ўртоқлари ва дўстлари унинг музикани жуда яхши кўришини, музикадан чинакамига лаззатланишини билишар эди. Ҳозир эса негадир қатъий оҳангда «йўқ» деди.

У қўлларини орқасига қилиб, даҳлизда юра бошлади.

— Эшитишга кучим етмайди... Инсоний ожизлик... деди Ленин ва дарҳол инсон имкониятларини камситмаслик учун қўшиб қўйди:— Бироқ музикани ҳам одамлар яратади-ку... Ажойиб шаҳарлар, ажойиб китобларни ҳам... Шундай эмасми?— у умид ва ишонч билан Глеб Максимилиановичга қаради.— Ҳа, одамлар яратади...— Сўнг бир оз сукутга чўмди.— Ҳадемай мамлакат харитасида империализмнинг қора доғлари қолмайди. Ювиб ташлаймиз. Аммо оғир кураш қолади. Вайронлик... Қапшоқлик... Чайковский ва Бетховенлар социализм йўқ даврларда эришган маънавиятнинг чўққилари ва бизнинг маънавий қашшоқлигимиз! Бунга чидаб бўлмайди. Бироқ бир-икки йилда буни ўзгартириб ҳам бўлмайди. Аввал ҳаммага нон, этик, алифбе ва электр лампочкаси бериш керак, Глеб Максимилианович. Электр лампочкаси! Кўряпсизми менинг эзмалигимни! Яна ўша гапни гапиряпман!— Владимир Ильич жилмайди.

Ленин яна даҳлизда юра бошлади. Кейин қўлларини орқасидан олиб, костюмининг ёқасини ушлаганича Кржижановский қаршисида тўхтади.

— Минглаб, ўн минглаб қишлоқлар ҳозир зулмат ичида қақшаб ётибди. Шамолда қудуқларнинг лайлаги гижирляпти. Сукунат... Глеб Максимилианович, электрлаштириш планини тугатиш керак! — Сўнгги сўзлар-

ни у бўғинма-бўғин айтгандай бўлди. Кейин илтимосини оқлаш мақсадида электрлаштириш масаласини съезд кун тартибига киритиш зарурлиги ҳақида гап-ра бошлади. Ҳолбуки, Совнарком ва ЦКдагиларнинг ҳаммаси ҳам бу таклифни ёқлаб, овоз беради, деб ай-тиб бўлмайди...

Кржижановский Ленинни ўз хонасига бошлади: бунақа ишларни кабинетда ўтириб гаплашган маъқул: — Айтганча, Глеб Максимилианович, шу кунларда Покровский сизга мурожаат қилмадими?

— Йўқ, Владимир Ильич.

— Эҳтимол, ВСНХдадир?

— Билмадим... Марҳамат, ўтиринг...

Ленин ўтирмади. У ҳаяжонланар эди.

— Съездгача план тайёр бўладими? Улгурасизми?

— Ишни жадаллатаман, Владимир Ильич. Планни съездгача тайёрлаймиз.

— Ҳа, ҳа! — миннатдор оҳангда деди Ленин. — Жу-да-жуда зарур! Ҳар бир делегатга — биттадан китоб бериш керак.

У кабинетга кўз югуртириб, индамай қолди. Бу ер-даги ҳамма нарса — устида китоблар ва қоғозлар тур-ган стол, узун ходачаларга ўрнатилган эски ёзув маши-наси, камин, шифтга тегиб турган китоб жавонлари, катта хоналарга мўлжалланган эски замоннинг сало-батли мебелли унга таниш эди. Лекин ҳар гал бу ерда китоблар, қўлёзмалар кўпайиб бораётгандай туюларди.

— Сизга ёрдамчи бериш керак, — деди Владимир Ильич — Покровский ҳар ҳолда ҳузурингизга келади...

Глеб Максимилианович ўйланиб жавоб берди:

— Дуруст бўларди... Аммо... — Кржижановский елкасини қисди — у ўшанда «Славян бозори»га келган-ни йўқ, сиз билан учрашувдан олдин эса, Владимир Ильич, бизнинг гапимиз жуда қисқа ва ғалати бўлган эди...

Шу йилнинг апрелида Глеб Максимилианович инже-

нерларни ГОЭЛРО плани бўйича ишга жалб қилмоқчи бўлиб, уларни тўплаб суҳбатлашган эди. Суҳбат «Славян бозори» деб аталган собиқ меҳмонхонада бўлиб ўтди. У ерда ҳозир қурувчилар иттифоқининг Марказий Комитети жойлашган эди: марказдаги ҳамма меҳмонхоналарда ҳам муассасалар жойлашган эди. Инженерлар оч эди, уларнинг вақти нон топиш учун қилинган сафарларда ўтар, баъзилари ишдан бош тортишган эди. Ушанда бир неча мутахассис иш бошлаб юборди, уларга бошқалар ҳам эргашди. Покровский ишдан бош тортгани йўғу, лекин жуда руҳи тушиб кетган, умидсизликка берилган эди...

— Фожиа,— деб давом этди Глеб Максимилианович.— Бундай одамларга қарасанг, юрагинг эзилади.

Ленин қобилиятли, идрокли эски зиёлиларнинг бир қисми революцияни қабул қилмаслигини, баъзилар эса революция қуюнида бекорга ҳалок бўлиб кетишини ўйлаб, кўпларга ёрдам беришга уриниб кўрди, аммо ҳамма вақт ҳам иш ўнгидан келавермасди...

— Шундай қилиб,— деб давом этди Ленин,— ҳар бир делегатга биттадан китоб бериш керак. Токи ҳар бир делегат жойларда бошқаларни ГОЭЛРО плани билан таништирсин.

Ленин ўтирди ва Глеб Максимилианович билан бирга кунларни, ҳафталарни ҳисоблай бошлади... Ҳисоб-китобга кўра, жадваллари, хариталари бор катта китобни уч ҳафтада босиб улгуриш керак эди.

— Биз қўлёзмани тезроқ топширишга ҳаракат қиламиз,— деди Глеб Максимилианович,— матбаачиларга ҳам жиндек осон бўлсин...

— Яхши,— деди Ленин. Кейин у Глеб Максимилиановичга яқин келиб сўради:— Жуда қийинми?— сўнг ўз-ўзига жавоб берди:— Жуда... Сиз билан биз кўраётган бахтни ҳеч қачон бошидан кечирмайдиган одамларгагина енгил бўлиши мумкин. Ўз қисматимизни ўзимиз танлаганмиз, Глебушка...

Юракдан чиқариб айтилган «Глебушка» Кржижановскийга таъсир қилди. У бир зум кўзларини юмди. Ҳозир ҳеч қайси сўз билан унинг юрагини ифодалаб бўлмасди. Тўғриси айтганда, бу сўзларда улар бирга ўтган йўл ва бирга кечирган курашнинг «халқ бахти билан бахтиёр бўлиш» деган яқуни бор эди. Бунда Петербургда танишган дастлабки кунлар ҳам, «Кураш иттифоқи» ҳам, Красноярскдан Минусинска «Авлиё Николай» пароходида сузиб кетаётганда Скит пристанида тўхтаб, қирғоқда гулхан ёқиб, «Дадил қўзғолинг, ўртоқлар»ни айтиб, Енисей соҳилида ўтказилган тун ҳам, Шушенское ҳам, ГОЭЛРО плани ҳам мавжуд эди. Хуллас, бу одам билан йигирма беш йиллик дўстлигининг ўзи Кржижановский учун энг катта бахт эди.

Ленин ўрнидан турди ва қўлини орқасига қовуштириб, гавдасини олдинга эгиб, хона бўйлаб одимлай бошлади.

— Қани, Глеб Максимилианович, нимангиз бор, кўрсатинг-чи?!

— Владимир Ильич,— деб таклиф қилди Кржижановский,— аввал чой ичиб олмаимизми? Қанд чой... Қора нондан бошлаб қотирилган сухари ҳам бор. Ҳатто ёғ ҳам бор, шекилли. Уйдан чиққанингизга ҳам анча бўлди-ку!

— Жуда иштаҳани очиб юбордингиз-ку! Майли, йўқ демайман... Лекин аввал ҳеч бўлмаса бир кўрсатинг...

Глеб Максимилианович Ленинга қалин қўлёзмани узатди. Владимир Ильич уни авайлаб олиб, шошмай сарлавҳасини ўқиди:

— «Россияни электрлаштириш плани».

19. КАШИНО ҚИШЛОҒИ

Владимир Ильич Надежда Константиновна билан бирга Кашино қишлоғига электростанциянинг тантанали очилиш маросимига кетяпти.

Эрталабдан енгил момиқ қор ёғиб юборди. У ҳали музлаб ётган қоп-қора ерни, уйларнинг томини оқартириб улгургани йўқ. Совуқ унча кучли бўлмаса ҳамки, баданларни жунжиктирарди. Ҳаво аллақандай дағал, қуруқ туюларди.

Автомобиль кимсасиз шоссе бўйлаб тез кетиб борарди. Унинг гилдирақларидан кўзга яхши чалинадиган бир текис из қоляпти. Фақат қишлоқларда ва чорраҳаларда — одам кўп юрадиган жойлардагина из кўринмай кетади. Оппоқ қорда гоҳ қорайиб, гоҳ оқариб кўринаётган иккита тасма сераҳоли Москвадан узоқлашган сари камроқ узилади.

Москва борган сари орқада қолиб кетяпти.

Туну кун Лениннинг фикрини банд қилган, Уэллс-ни шунчалик даҳшатга солган, электрлаштириш душманларини қўрқитган, ҳаёт йўлини революцион курашда бошлаган кўпгина истеъдодли ва виждонли одамларнинг юрагига ваҳима солган Россия ҳозир уларнинг қаршисида намоён бўлади. Бу Россия олис-олисларда эмас, балки пойтахтдан атиги бир неча ўн чақирим нарида, холос.

Тўғриси-ни айтганда, Россия ҳамма жойда, Кашинода эса, эҳтимол, яққолроқ кўринар. Шунинг учун Ленин ҳамма жойдаги одамларни ҳам ўзига ўхшаган одам деб биларди.

Ўзига ўхшаган ва ҳамма нарсада тенг одамлар... Ленин шундай деб ҳисоблар ва шунинг учун бирон чаласавод деҳқон билан ярим соат ёки бир соат гаплашиб, унга муҳим гапларни тушунтиришдан эринмас, шу аснода ўзи ҳам аллақанча нарсани аниқлаб олишга интиларди.

Ленин олис-яқиндан ҳузурига келадиган сон-саноқсиз таниш ва нотаниш одамлар ҳақида ўйлаганда, улар олдидаги маъсулиятини қалбининг энг теран жойида чуқур ҳис қиларди. Бироқ худди ана шу юксак маъсулият туйғуси уни Пётр Иванович Совет ҳокимияти

учун виждонан хизмат қилаётганига, Кузьма Сидорович эса унинг шарафига ҳатто жасорат кўрсатганига ийиб кетмасликка ундар, балки буларга бениҳоя хурсанд бўлган ҳолда, улар билан иш тўғрисида шундай гаплашишга мажбур қилардики, натижада умумий мақсадга эришиш йўлида ўз-ўзига талабчанлик бош масала бўлиб қоларди. Аммо талабчанлик ҳам одамларнинг имкониятига мос келиши керак. Пётр Ивановичдан камроқ талаб қилса ҳам бўлади. Кузьма Сидоровичдан кўпроқ талаб қилиш керак, лекин ўзидан эса ҳар жиҳатдан унга тенг бўлган минг-минглаб одамларга қараганда юз ҳисса кўпроқ талаб қилиш лозим...

Яропольскдан етти чақирим масофада жойлашган Кашино қишлоғида деҳқонларнинг қишлоқ хўжалик ширкати электростанция қурди.

Ленинни қишлоққа таклиф қилиш учун, деҳқонлар Москвага делегация жўнатишди. Делегация Владимир Ильичнинг қўлига хат топширди. Хира қоғозга эски, шалоғи чиққан ёзув машинкасида қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан шундай деб ёзилган эди:

« Кашино

Қ — Х ширкати

Яропольск волости

Волок. уезди Москва губ.

Гр-н Ленинга

ҲУРМАТЛИ УРТОҚ

Ш-т правлениеси ушбу билан маълум қиладики, мазкур **НОЯБРЬ** ойининг 14 инчисида **КАШИНО** қишлоғида **ЭЛЕКТР ЧИРОҒИНИНГ** очилиши бўлади. Сизни шу маросимга келишингизни, **ДЕХҚОН ЧОЛДЕВОРИДАГИ ЭЛЕКТР ЧИРОҚЛАРИНИ**, подшолар ҳокимияти даврида деҳқонлар хаёлига ҳам келтиролмаган **ЧИРОҚЛАРНИ** кўрганда биз ҳис қилаётган шу хурсандчилигимизни баҳам кўришингизни ўтиниб илтимос қилиб қоламиз. Сизнинг келишингизни жуда ҳам истаймиз!

1) Эрталаб соат 7 дан ака-ука З. ва К. Кашкинлар уйида меҳмонларни кутиб олиш.

2) Соат 4 да музикантлар оркестри ва «Интернационал»ни куйлаш билан бирга митинг.

3) Кечки соат 6 да тушлик овқат.

4) Кечқурун соат 8 да торли оркестр иштирокида қишлоқ ёшларининг балети».

Бунинг пастроғида правление раиси ва байрамни ўтказиш комиссияси аъзоларининг имзоси бор эди.

Хат Ленинга таъсир қилди. Владимир Ильич кечиктириб бўлмайдиган бирор зарур иш чиқиб қолмаса, албатта, боришга ваъда берди.

У бориши муқаррарлигини биларди. Бу учрашувнинг аҳамияти жуда катта. Ахир, кашинолик деҳқонларни электростанция қуришга ҳеч ким мажбур қилгани йўқ... Демак... Демак, электрлаштириш зарурияти ва имкониятлари унчалик етиб бормайдиган тушунчалар эмас, демак, шунчалар ўйлагани омманинг ташаббуси реалъ омил...

Ленин Кашинога бормаган эди, шу туфайли Гилнинг ишини енгиллатиш учун вакиллардан Кашинога қандай боришни батафсил сўраб олди ва дарҳол таклиф хатининг орқасига бориш йўлини ёзиб қўйди: «Волоколамскдан шоссе бўйлаб Шчёкино-Путятиногача борилади, кейин шосседан ўнгга бурилиб, 1,5 чақиримча юрилса — Кашино».

Хатни чўнтагига солиб қўйди: бугун ўн иккинчи, ўн тўртинчида очилиш маросими.

...Путятинодан ўтиб, шосседан ўнгга бурилишди, ҳадемай Кашино кўриниб қолиши керак эди...

Ҳа, мана шу қишлоқ бўлса керак... Деҳқон, оёғига каттакон пийма кийиб олган бола, тўриқ минган отлиқ — хуллас, кейинги ўн-ўн беш минут орасида улар-

га учраган одамларнинг ҳаммаси шу томонга кетмоқда эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам худди байрамдагидек хушчақчақ кўринарди...

Кашино!

Яна бир неча дақиқалардан сўнг Ленин Кашино аҳолисига рўбарў бўлади. Улар ҳозир янги ҳаётнинг муваффақиятини таъминлайдиган энг муҳим нарсани тушунибгина қолмай, унинг учун, кўлами унча катта бўлмаса ҳамки, муайян иш қилишди, амалий жиҳатдан жуда зарур бўлган, принципиал аҳамиятга эга бўлган иш қилишди...

Олдинда қўлида қўлқоп, устида яқинда ошланган теридан почапўстин кийган бир чол камоли ишонч билан кетиб бормоқда.

Владимир Ильич машинанинг эшигини очди. Машина юришини секинлатиб, йўловчига етиб, тўхтади.

— Уртоқ...

Йўловчи уларга қараб, тўхтади.

— Марҳамат қилиб, айтиб берсангиз, тантанали митингга деҳқонлар қаерда тўпланяпти? Станциянинг ўзи қаерда?

Йўловчи машинанинг кенг эшигидан бўй чўзиб турган шапкалик одамга бепарвогина қаради-да, қўли билан олд томонга ишора қилди:

— Ўзим ҳам байрамга кетяпман...

— Ундай бўлса, марҳамат, машинага чиқинг! Олиб бориб қўямиз...

Чол сиполик билан чамалаб кўрди — чиқишга арзийдими, йўқми? Чиқиш... Тушиш... Бунинг устига бегона одам... Ўезд ёки губернадан келаётган бошлиқлардан бўлса керак... Қанақа одамлигини ким билсин... Нотинч қилиб қўядими? Йўловчи умрида машинада юрмаган эди. Унинг машинага жуда-жуда чиққиси келиб турса-да, лекин юраги дов бермасди: чиқсинми, чиқмасинми? Бундай бахтли тасодиф яна қачон келади...

— Қани, чиқинг, ўртоқ. Тортинманг! — деб Ленин яна таклиф қилди.

Унинг овозида ҳурмат ва самимият сезилиб турарди.

Чол қатъий ҳаракат билан шапкасини бостириброк оиди-да, машинанинг ёнига келди.

— Бунингизга қандоқ чиқилади? Аввал бошимни суқайми? — деб сўради у хижолат ичида.

— Бошингизни, бошингизни, — деди Ленин ва чолнинг машинага чиқишига кўмаклашди.

Машина ичини қўй терининг ўткир нордон ҳиди тугиб кетди.

Чол жойлашиб олгач, ўтирган жойида чайқалиб, ўриндиқнинг юмшоқлигини текшириб кўрди, кейин жиддий қиёфага кириб, суяниб ўтириб олди.

Чол машинанинг юришидан роҳатланиб, деразадан билинар-билинемас қор босган қатқалоқларга қараб, индамай борарди. Кейин у эшикнинг дастасига, приборларга, ҳамроҳларига қаради... Даста ялтироқ, силлиқ эди. Чол уни силаб кўрди.

Деҳқон бир оз нафасини ростлаганидан кейин, Владимир Ильич унга қўлини узатди:

— Келинг, танишиб қўяйлик: Совнарком раиси Ульянов — Ленин. Бу киши хотиним — Надежда Константиновна Крупская.

Чол ўзини танитмоқчи бўлди-ю, бирон оғиз сўз айтолмади — сўзлари томоғида тиқилиб қолаётгандай эди. У Ленин билан Крупскаянинг қўлларини апил-тапил сиқиб кўришар экан, миясини чақмоқдай бир фикр қамраб олди. «Ленин! Тўғри эшитдимми?.. Ё қулоғимга хато чалиндими?.. Балки, булар мени чол деб мазах қилаётгандир. Ақл бовар қилмайди: Ленин-а!»

Владимир Ильич эса унга савол бера бошлади:

— Кечирасиз, ўртоқ, сизнинг исмингиз нима?

— Меними?.. Мен Курковман... Андрей...

— Отангизнинг исми-чи?

Чол «буни айтишнинг ҳожати йўқ» дегандай қўл силтади.

Ленин чолдан турмушини суриштира бошлади, лекин суҳбат чала қолди.

Унча баланд бўлмаган дўнглик ортидан бир тўда болалар югуриб чиқишди-да, машинани кўриб, чуввос солишди:

— Келишяпти! Келишяпти!

— Ленин!

— Амаки, машинангизга туширинг!

— Ленин!

— Амаки, тушира қолинг!

«Роллс-ройс» тўхтади. Владимир Ильич эшикни очиб, болаларга мурожаат қилди:

— Салом, болалар!

Машинанинг ёнидаги қий-чув ичида баъзи сўзаларни зўр-базўр ажратиб олиш мумкин эди:

— Салом!

— Ленин! Ленин!

— Машинага туширинг, амаки!

— Туширамыз... Чиқинглар!— деб таклиф қилди Владимир Ильич.

Ленин, Надежда Константиновна ва Гиль эшикларни очишди. «Роллс-ройс» пишиқ, бақувват машина, аммо уч эшикдан болалар ёпишиб кирганда, у ҳам чайқалиб кетди.

Совуқда лойлари қатқалоқ бўлиб ётган потекис йўлдан машина оғир силкиниб юриб кетди.

Теварак-атрофдан унга қараб болалар югуриб келишмоқда.

Саройга ўхшаб кетадиган узун, деразалари катта-катта, гиштин мўрили уйнинг яқинида машина тўхтади.

Уч-тўрт деҳқон билан қўллари ёгга беланган механик шоша-пиша Ленинга пешвоз чиқди. Механик йигит, афтидан, қўли гул, уддабурон ёш мужиклардан

кўринади. Рус қишлоқларида бунақалар ҳамиша кўп бўлган...

Егочдан қурилган кичкина иморатдан ҳамон қатрон ҳиди келиб турарди. Аммо бу ҳидга аллақачон бошқа ҳамма ҳидларни босиб кетай деб, ўткир нефть ҳиди аралашипти. «Кашинода нефть!»

Шу пайт бошқа деҳқонлар ҳам югургилаб етиб келишди.

— Салом, ўртоқлар! — деди Ленин ҳар томондан ўзига чўзилган дағал ва мойли, илиқ ва муздек қўлларни бирин-бирин сиқар экан. Ленин ҳамма билан «Владимир Ильич Ульянов — Ленин» деб номини айтиб кўришарди.

— Мана шуми? — деб сўради у, ниҳоят, электростанция биносига кириб борар экан. — Кўрсатинглар!

Тахта-суна устига унча катта бўлмаган динамо-машина ўрнатилган эди. Ленинга тушунтиришларича, у ўзгармас ток ишлаб беради. Динамо-машинани нефть билан ишлайдиган ўн-ўн икки от кучига эга бўлган двигатель ҳаракатга келтиради. Деворда бир неча рубльниги бор тахта. Электростанциянинг турган-битгани шу.

Электростанцияни кўриб бўлишгач, меҳмонларни уйга таклиф қилишди.

Икки бўлакдан иборат, пештоқлари ва ромлари ўймакор нақшлар билан ишланган кўп деразали катта уй одамлар билан гавжум. Уй олдидаги майдонда — деҳқонлар говур-гувур қилиб туришибди, узоқ-яқиндан келган отлиқлар одан тушяпти, болалар чопиб юришибди...

Меҳмонлар ичкарига кирар-кирмас «Интернационал» садолари янгради. Торли оркестр ижросида у одатдагидан бошқачароқ эшитиларди.

Ленин қўлларини туширганча қимир этмай қолди. Эшик олдида гирди-капалак бўлаётган мезбон Мария Никитична Кашкина ҳам қаддини ростлаганича турган

жойида туриб қолди. У худди черковда ибодат вақтида тургандай қимир этмай, гоз турарди. У бир маромда сокин ўтган ҳаётида черков тантаналаридан бошқа тантана кўрмаган, шунинг учун ҳам ҳозирги ҳаяжонли дақиқаларда ўзини қандай тутишни билмас эди. Оркестр куйни чалиб бўлгунча, деҳқонлар ҳаяжонли, шодиёна чехра билан тик туришди. Шароитга мослашиб олган Владимир Ильич пальтосини ечиб, шапкасини енгига тикди-да, қозиққа илиб қўйди.

Меҳмонлар ечиниб улгурмай, уларни столга бошлашди. Владимир Ильич теваарак-атрофга синчиклаб назар ташлади. Уй ичида, рамкаларда ҳар хил ранг-баранг суратлар осилган, бурчакда эса — авлиёларнинг сурати солинган иконалар. Суратлардан бирида Шипкадаги жанг тасвирланган, бошқа бирида эса анча тузук қилиб чўли биёбон тасвирланган, Ленин ғалати қилиб иконаларга қараб қўйди: уни тўрға ўтказишди. Меҳмонлар ўтириши билан, уларга хўроз шакли тикилган сочиқлар беришди — сочиқни тиззага солиб олиш керак эди. Кейин деҳқонлар ўтира бошлашди. Улар томоқ қиришиб, соқол-мўйловларини силашиб, Ленинга ва Крупскаяга зимдан разм солишарди... «Олинг, олинг!» қилиб гаплашиб ўтириш лозимлигини билсалар-да, ўзларини ноқулай ҳис қилишарди... Нима деб гаплашасан? Нима деб меҳмон қиласан?

Мария Никитичнагина ўзини ҳаммадан эркинроқ тутарди — тортиниб ўтиришга вақти йўқ эди. Худо кўрсатмасин, бирор нарса эсидан чиқиб қолса ё бирор нарсани аралаштириб юборса борми? Мана, бўзани ҳам азиз меҳмонларга вақтида бериш керак...

Ленин ўзига ва Надежда Константиновнага узатилган кружкадаги бўзани кўриб, хавотирга тушди.

— Кайф қилмайдими? — деб сўради у мезбон аёлдан. — Бошни айлантирмайдими? — Кейин кайф берадиган ичимликларни ичмаслигини айтиб, бунинг учун ундан хафа бўлмасликларини сўради.

— Владимир Ильич, бўзага кайф қиладиган нарсa солган эмасмиз,— деб жавоб берди унга Мария Никитична. — Бемалол ичаверинг...

Одамлар Ленинга ва Крупскаяга стакан ва кружкаларини узата бошлашди, у бош ирғаб, жилмайди. Ҳамма кутиб турарди. Владимир Ильич кружкадан бир ҳўплaм ичиб, рўмол билан оғзини артди.

Ўвигa олиб келинган студенни у иккигa бўлди:

— Ҳозир битта одам шунча овқат емайди, — деди у ва ярмини Надежда Константиновнагa берди. Нонни ҳам шундай қилди. Бир-икки дақиқадан кейин ўртадаги ўнғайсизлик йўқолиб, ҳамма ўзини бемалол ҳис қила бошлади.

— Владимир Ильич, — ёлбориш оҳангида гапирди Мария Никитична,— арзимас зиёфатимизгa хафа бўлмайсиз-да...

— «Арзимас» деганингиз шундай бўлса, дуруст экан-ку! — деди Ленин қувноқлик билан. — Ҳўжалигингиз чакки эмасгa ўхшайди. ...Сизларнинг асосий маҳсулотингиз нима?

Саволларгa қишлоқ хўжалик ширкатининг раиси Родионов жавоб бериши керак эди. Соқол-мўйловини тоза қирдирган, костюм кийиб, галстук тақиб олган Родионов баайни шаҳар одамининг ўзи эди. Бироқ у гап бошлашгa улғурмай, Ленин билан ёнма-ён ўтирган Андрей Курков гапни илиб кетди.

— Бизнинг асосий маҳсулотимиз, Владимир Ильич, каноп. Каноп — бизнинг асосий ишимиз.

— Илгари ҳам шундай эдимиз?

— Қадимдан каноп экамиз, Владимир Ильич.

— Эккани ерни қаердан олардингиз? Помешчикларданми? Қулоқларданми?

— Помешчиклардан...

— Қанча тўлардингиз?

— Бедадан бўшаган бўлса, десятинасигa юз сўм, сулидан бўшаганигa эллик сўм...

Столнинг нариги чеккасидан бўғиқ овоз эшитилди:

— Ер учун раҳмат... Бўлмаса, қирилиб кетардик, Владимир Ильич! Аммо қачон узил-кесил енгиллик кўрамиз? Чит-пит, пойафзал деганлар бўладими?

Ленин бошини кўтариб, ўгирилиб қаради: гапирган одамнинг кўкрагида солдатча Георгий крести, пешанасида — тиртиқ... Гражданлар урушида ҳам қатнашган бўлса керак, бироқ бунинг учун медаль берилмайди.

— Узил-кесилига ҳали вақт бор... Ҳамма врангеллар устидан галаба қозонмагунимизча, ҳамма завод ва фабрикаларни тикламагунимизча, бўлмайди. Сабр қилишга тўғри келади...

— Сабр-ку қиламиз. Чидаймиз... Бироқ номаълумликка қандоқ чидаш керак? Бунга чидаса бўлади-ми? — деб сўради басавлат деҳқон ўтирган жойидан туриб. — Биз — мужиклар учун номаълум иш шунақа нарсаким, ундан ёмони йўқ... — Унинг гапини ҳамма нигоҳи билан маъқуллаб турар, ширкатнинг раиси Родионовгина бундан мустасно эди.

«Озиқ-овқат развёрсткаси ҳақида гапиряпти, шекилли...» деб ўйлади Ленин ва аниқлаш учун савол берди.

— Нимани айтяпсиз?

— Развёрстка ҳақида гапиряпман. Деҳқон ерни ҳайдайди-ю, кузда қўлига нима тегишини билмайди. Кўп ҳайдаса, кўп олишади. Кам ҳайдашдан мамлакатга наф йўқ. — Ленин иягини кафтига қўйиб, кўзларини қисганича қулоқ соларди. Озиқ-овқат развёрсткаси ҳақида унга кўп савол беришган, ҳар ким ўз билганича сўраган эди. Лекин уларнинг моҳияти бир хил — развёрстка деҳқонга халақит беряпти... Нима қилиш керак? Развёрсткани бекор қилиш — шаҳарни қирилиб кетишга маҳкум қилиш демакдир. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Уни камайтириш мумкин, бироқ бундан ни-

ма фойда? Қишлоқдагиларнинг аҳволи енгиллашадиги — шаҳарда эса очлик зўраяди. Нима чора бор?

— Агар развёрсткани солиқ билан алмаштирсак, маъқул бўлармиди? — деб сўради Владимир Ильич.

— Бирваракай бир неча одамнинг овози эшитилди:

— Солиқнинг миқдорига боғлиқ...

— Маъқул бўларди!

Баъзи бирлар ташвишда эди: бу солиқ ёмғирдан қутулиб, қорга тутилиш қабилидан бўлмасмикин? Лекин, кўриниб туриптики, кўпчилик развёрсткани йўқ қилиш тарафдори.

Ҳали Лениннинг ўзига кўп нарса аниқ эмас эди, шунинг учун у бу масалани тўғри ҳал қилишга маълум муддат керак деб жавоб берди...

Уруш, газмол, туз ҳақидаги саволларга жавоб берар экан, Ленин одамларнинг кундалик турмуш билан боғлиқ бўлган саволлари замирида давлат аҳамиятига эга бўлган умум сиёсий характердаги масалалар туришини ҳис қилди. Уларга жавоб бериш керак эди.

Шаҳарликка ўхшаган одам қулай фурсат келди дегунча, гоҳ артель раиси Родионовга, гоҳ уком вакилига, гоҳ мезбон аёлга яқинлашиб, улардан ниманидир илтимос қиларди. Кўринишидан нимадандир ташвишланаётганга ўхшарди.

Ленин нима гаплигини сўраб, «менинг ёрдамим тегмасмикин?» деди.

— Суратга тушишни таклиф қиляпти... — деди Родионов. — Қоронғи тушиб қолади.

— Лозим бўлса, нима ҳам деймиз... — Ленин ўрнидан турди. Ҳали қоронғи тушишига бор эди. Бироқ кўчаларга аллақачон оқшомги сукунат чўккан.

Кўчада Ленинни ҳаммадан аввал болалар ўраб олди. У жилмайиб, болалар билан кўриша кетди.

Эпчилроқ болалар бошқаларга навбат бермай, унинг қўлини сиқишарди.

— Хўш? — сўради у. — Мактабингиз борми?

— Бор! Бор!— деб чувиллашди болалар.
— Китобларингиз-чи? Дафтар-чи?
— Китобимиз ҳам бор! Дафтар ҳам бор!
— Мактабингиз иссиқми? Дарсда совуқ қотиб қол-
маяпсизларми?

— Иссиқ! Иссиқ!

— Дин дарсини ҳам ўқитишадими?— аввалги
оҳангда сўради Ленин.

— Ўқитишади! Ўқитишади!— деб жавоб берди
баъзи болалар.

— Йўқ! Йўқ!— деб қичқирди бошқалар.— Ўқи-
тишмайди!

— Муаллимларингиз яхшими?

— Яхши!

— Балки сизлардан унча қаттиқ талаб қилмагани
учун «яхши» деяётгандирсизлар?

— Қаттиқ талаб қилишади!

— «Баҳор» сўзидаги иккинчи ҳарф «а» ми ёки
«о»ми? — қўққисдан сўраб қолди Владимир Ильич.

Бу масалада фикрлар иккига бўлинди: баъзилар
«о» деб қичқирса, баъзилар «а» деб чувиллашди.
Владимир Ильич хандон отиб кулиб юборди.

Бу орада Андрей Курков ҳадеб Лениннинг ёнига
интилаверди. Ниҳоят, у Владимир Ильичнинг орқасига
ўтиб олди, бироқ гапга аралашадиган хонаси келавер-
мади. Чол сабр қилиб кутиб турди. Ниҳоят, Ленин ку-
либ юборганини кўриб, Андрей Курков гап бошлади:

— Владимир Ильич, биз — мужикларнинг сизга
жиндак ишимиз бор эди, — деди у ва Родионовга ҳам-
да Волоколамск укомининг секретари Кругловга да-
дил қаради.

— Марҳамат, — иштиёқ билан жавоб берди Ленин.

Афтидан, бошқа деҳқонлар билан гапни бир жойга
қўйиб олган чол мойжувозни бекитиб қўйган маҳал-
лий ҳокимиятдан шикоят қила бошлади. Чол камоли
ишонч билан гапирар, албатта, нажот топишига умид-

вор оҳангда сўрарди. Курковнинг дадиллигини кўриб, бошқа бообрў кексалар ҳам гапга қўшилишди. Ленин уларнинг гапини эътибор билан тинглади, буни англашилмовчилик деб атаб, ёрдам беришга ваъда қилди.

Скамейкаларни олиб чиқиб, жойлашиб олишгунча, қишки оқшом қоронғилиги майдон устидаги хира осмонни секин-аста қоплаб ола бошлади. Ленин билан Крупскаяни скамейканинг ўртасига ўтқазишди, уларнинг орқасига ва ёнларига деҳқонлар ўтиришди. Олдиндаги бўш жойни болалар эгаллади.

Суратга тушиб бўлишгандан кейин Ленин Крупская, Родионов ва Круглов билан бирга минбар вазифасини бажарувчи стол ёнига борди.

Митингни Дмитрий Родионов очди. Шу доно деҳқоннинг сўзларини Владимир Ильич умрбод эслаб қолди ва ҳамма билан бирга қўшилиб, қизгин қарсак чалди:

— Тўпланганлар номидан, қишлоқ ҳаётидаги янги ҳодисани қутлайман. Биз, Россия деҳқонлари нодон, оми эдик. Мана энди бизда нотабий нур пайдо бўлди, у бизнинг деҳқонча зулматимизни ёритади...

Ленин деҳқонлар оммаси учун электр нури, албатта, «нотабий» нур эканини, аммо коммунистлар учун, партия учун юзлаб йиллар давомида деҳқонларнинг помещиклар ва капиталистлар зулми остида қашшоқликда яшагани бундан кўра баттарроқ нотабий эканини ўйлаб кетди.

Ленинга сўз беришганда деҳқонлар гулдурос қарсак чалиб, «ура» деб қичқиришди. Бош кийимлар осмонга учди. Владимир Ильич стол ёнига келди.

— Сизнинг қишлоғингизда электр станцияси қурилди. Ҳозирча фақат бир қишлоқда. Аммо биз учун бутун мамлакатнинг нурга чулғаниши муҳим...

Владимир Ильич овозини кўтарди. У гапини тўпланганларнинг ҳаммаси эшитишини истарди. Ахир, уларнинг баъзи бирлари қўшни қишлоқлардан пиёда-

ми-уловдами келишган, анчадан бери совуқда кутиб туришибди... Ленин олдинга энгашиб, майдонга тўпланган одамларга мурожаат қиларди. У шапкасини қандай қилиб гижимлаб олганини, деҳқонларнинг диққат-эътиборини алоҳида жалб қилмоқчи бўлиб, баъзи сўзларни таъкидлаётгандай, шапкали қўлини силкитаётганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Совет ҳокимияти ҳозир электрлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқяпти. Электр ёрдамида биз ер ҳайдаймиз, поездлар юргизамиз!..

Олди очиқ пальтода қўлбола минбардан туриб, ҳозир Ленин Мария Никитичнага, Андрей Курковга, Василиса Малюфеевага, серсоқол салобатли деҳқонга, стол атрофида ўтирганларнинг ҳаммасига жавоб бермоқда, бу ердан юз ва минг чақиримлаб олисдаги миллионларча одамлар билан гаплашмоқда эди. У бутун жаҳоннинг нигоҳи қаршисида ана шу деҳқонлар юзлаб йиллар давом этган тарихнинг бир даврини узилкесил улоқтириб ташлаб, янги даврни ярата бошлаганини билиб туриб, гапирарди. Бу давр ҳозирча кунлар, ойлар билан ўлчанса-да, аллақачон ўзини ёрқин намоиш қила билди.

Кичкинагина Кашино, соддагина электростанцияга, ташаббускор қурувчиларга эга бўлган шу қишлоқча ҳозир минбарга айланган ва бу минбардан туриб, Ленин Россия граждaнларига мурожаат қилмоқда эди. Бу кичкина қишлоқ шундай бир майдонга айланган эдики, бу майдондан туриб, ҳужум бошлаш мумкин эди.

Ленин нутқини тугатиши билан, оркестр «Интернационал»ни чалиб юборди, столнинг яқинига ўрнатилган устунда эса электр лампочкаси чарақлаб ёнди.

Аммо кўчаларни чароғон қилган нур фақат устундаги лампочканики эмас эди: ўнлаб уйларнинг дарвозасидан қорга, йўлларга, қайинларга чарақлаган нур ёғилди.

Деҳқонлар ўз уйларига аланглаб қараб, қишлоқни

танаймай қолишди. Улар ҳеч қачон қишлоқни шундай қиёфада кўришмаган эди. Қари қайинлар, қор, осмон, хуллас, авваллари минг бор кўриб юрилган нарсаларнинг ҳаммаси электр нурида бошқача бўлиб қолгандай туюларди. Деразалардаги дарпардалардан, майдондаги қайиндан тушаётган соялар ғалати. Одамларнинг қор устида бирдан пайдо бўлиб қолган сояларини айтмасизми! Бунақа ажойиботни илгари ким кўрган дейсиз...

Бироқ «ура!» деган нидоларда, умумий шодиёнада дастлаб қандайдир ҳавотирлик ҳам сезилиб турди: қора чироқлар липиллаб ўчиб қолаверганидай, бу лампочкалар ҳам бирдан ўчиб қолса-я!

Аммо устундаги ва уйлардаги кичкина пуфакчалардан таралаётган кўзни қамаштирувчи чароғон нур порлашда давом этарди.

Энди қайтиш ҳам мумкин эди. Москвада ишлар кутиб турибди. Бироқ Лениннинг келганини эшитиб, Кашинога Ярополск қишлоғидан вакил келди. Бу қишлоқда район электростанцияси қурилиши вакилларининг кенгаши бўлмоқда эди. Келган одам Ленинни қишлоққа таклиф қилди. Ленин иккиланиб қолди — вақт кеч бўлиб қолган эди. Лекин шундоқ бўлса ҳам кенгашга жунаб кетди.

Ярополскка кетаётганда йўлда Андрей Курков билан бўлган суҳбати эсига тушиб, Ленин сўради:

— Ўртоқ Круглов, мойжувоз воқеаси нима бўлган эди? Беркитиб қўйганинлар ростми? Нега?

Круглов изоҳ бера бошлади: аниқ ҳисоботни уюштириш қийин... кустарчилик... аввал давлат заводини иш билан таъминлаш зарур...

Ленин жилмайди.

— Бу майда иш, ўртоқ Круглов. Деҳқонларга мойжувоз очишга рухсат бериш керак. Кустар хўжаликни қўллаб-қувватлаш лозим.

Москвага жуда кеч қайтишди.

Автомобиль секин юрди: қоронғи, йўл ёмон...

Владимир Ильич ўриндиққа суяниб олганича, деразадан липиллаб ўтаётган қишлоқлардаги чироқларга тикилиб ўтирарди. Йўлнинг икки четида зулмат чўзилиб кетган эди. Фақат аҳён-аҳёнда бу зулмат орасидан ожизгина чироқ милтираб кўринарди.

Владимир Ильич автомобилга чиққанидагина нечоғлик чарчаганини ҳис қилди. Аммо бир неча дақиқа давомида машинада бир меъёрда чайқалиб боргандан кейин, ҳорғинликдан бошқа яна қандайдир ўзгача ҳиссиёт туғила бошлади.

У аввалига бу ҳиссиётнинг нима эканини аниқ билмади, лекин шундоқ бўлса-да, кайфи чоғ бўлди!

Унинг кўнглида кураш стратегияси тўғри белгиланганига ва, албатта, ғалабага олиб келишига ишонч туйғуси тобора аниқроқ бўлиб бормоқда эди.

Бунинг уч босқичи бор эди.

Авваламбор, тафаккур ва иродани бўғиб ётган оғир воқеликдан ажралиб олиш, унинг кишанларидан халос бўлиш керак эди, нажот йўлини топиш учун кундалик ҳаёт таъсиридан бир қадар бўлса-да, юқорига кўтарилиш зарур эди. Бироқ айна чоқда самарасиз хаёлотларга тушмаслик, саробларнинг маккорона товланиши билан алдаб, маҳлиё қиладиган утопияларга берилиб кетмаслик ҳам лозим.

Ленин биринчи бўлиб бунинг уддасидан чиқди. Ҳали янги ҳаётнинг ўзи эскисининг ҳужумига бардош бериши гумон бўлган шароитда бир бурда нону, бир қучоқ ўтин ғамида ниҳоясиз ташвишлар билан ўтаётган машаққатли турмуш кўпгина иқтидорли одамларнинг тафаккурини чалғитиб, уларни довдиратиб қўйган эди.

Бундан кейин, воқеликдан ажралиб, бошқаларга қараганда кўпроқ нарса кўрилганидан сўнг, дастлабки таянчни топиб олиш керак эди. Ким бундай таянч бўла олади? Орзулари унинг орзуларига ўхшаган бир гуруҳ юқори маълумотли рус зиёлилари. Кржижановский, Винтер, Графтио, Радченко ва бошқалар..

Ленин олисни кўзлаб, муваффақиятга ишониб туриб, уларни жалб қилган эди. Бу одамлар ёшлик чоғларидан бери дадил инженерлик лойиҳаларини бевосита ўзлари амалга оширишни энг олий бахт деб ҳисоблар эдилар. Бу лойиҳалар халқ бахтини кўзлаб, Ватан равнақини кўзлаб яратилган эди. Аммо ҳаёт шуни кўрсатдики, аввалги Россия шароитида уларнинг орзулари орзулигича қолиб кетиши муқаррар эди. Бу орзулар фақат янги ижтимоий шароитдагина рўёбга чиқиши мумкин «Мана ўша шароит! — деб таклиф қилди Ленин. — Мана сизга ёрдам ва эътибор!» У адашмаган эди — бу олижаноб одамлар Лениннинг чақириғига бажону дил «лаббай!» деб жавоб беришди.

Электрлаштириш масаласидаги энг муҳим нарсани аниқлангандан кейин, орзу ҳаммага тушунарли таклифларга айланиб, муайян шаклга тушгандан сўнг, уларни омма ўртасида тарқатиш, уларга оммани жалб қилиш лозим эди. Мана шу кичик Кашинога қараб ҳукм қилинса, унинг ғояси ишчи ва деҳқонлар қалбига етиб бориб, уларнинг ўз ғояси бўлиб қолипти. Энди иш юришмаслиги мумкин эмас...

Улар тун ярмидан оққанда Москвага етиб келишди.

20. УСПЕНСК ЧЕРКОВИ

Эрталаб ишхонасига киришдан аввал Владимир Ильич Успенск черковига йўл олди. Москвада Лениннинг талаби билан Василий Блаженный ибодатхонаси, Шереметьев касалхонаси, Кремль миноралари ва унинг ичидаги черковлар қайта тикланмоқда эди.

Оғир темир эшик ғижирлаб очилди. Ленин шапкасини ечиб, черков ичидаги нимқоронғилик қўйнига кирди. Вақт ўтиши билан чой қуюлиб қолганидек, бу улугвор ибодатхонанинг баланд жарангдор гумбазлари остидаги нимқоронғилик асрлар давомида йиғилиб, қуюқлашиб қолгандай туюларди. Асрлар зулмати...

Деярли шифтнинг остида ва ундан қуйироқда икки қатор жойлашган торгина дераза — туйнуклардан тушаётган совуқ хира қуёшнинг ёғдуси устунлар, деворларга тушиб турипти. Шундан деворга ишланган нақшлар ва расмларнинг деталлари, авлиёларнинг қомати, чехраси ялтираб кўринади.

Ибодатхонанинг деворларига ердан шифтгача бешолти қатор бир-биридан ажралиб турадиган тўртбурчак саҳнларга суратлар ишланган эди. Улар православ динининг тарихидан олинган лавҳалар эди.

Қисқа, босиқ, дадил қадам товушлари юқорига — гумбаз остига кўтарилди, у ердан жарангдор акс садо билан қайтиб, қалин деворларга урилди. Кўҳна ибодатхонага жон кирди.

Меҳробнинг яқинига борганда Ленин қора пальто кийган новча одамнинг қорасини кўрди.

— Пётр Фёдоровичмисиз? — деб сўради Ленин ва рассомни таниб, кўришгани қўл узатди.

— Салом, Владимир Ильич.

— Мен келмассиз деб ўйлаган эдим, — деди Ленин. — Кун жуда совуқ.

— Ҳм... маъқул қилмагандай жилмайди рассом. — «Келмассиз» деганингиз қандоқ бўлди, Владимир Ильич?

«Совуқнинг нима алоқаси бор? Россиянинг кўз илғамас кенгликларида кун сайин, соат сайин ҳалок бўлаётган бебаҳо бойликларни, улуғ ҳалқнинг улуғ маданиятига мансуб дурдоналарни сақлаб қолиш лозим бўлса, бунга совуқнинг нима дахли бор? Совуқ эмиш!»

У ўз ҳаётига ҳурмат билан қарар, санъаткорнинг бурчи, санъатнинг вазифаси ҳақида жуда юқори фикрда эди. Шунинг учун эҳтиётсизлик билан айтилган ҳар қандай сўзни у санъатнинг улуғворлиги ва муқаддаслигини камситиш, деб қабул қиларди.

— Кўришни истайсизми? — сўради Пётр Фёдорович қўли билан ҳавозаларга ишора қилиб.

Ленин индамай рассомга қаради-да, унинг орқасидан шимол томондаги деворга қараб юрди. Ленинни олдинга ўтказиб юбориб, Пётр Фёдорович гижирлаб турган ҳавозадан юқорига кўтарилар экан, ҳансираб қолди.

— Юрагингиз хастами, Пётр Фёдорович? — деб сўради Ленин орқасига ўгирилиб ва нафасини ростлаб олиш учун тўхтади.

— Ҳозир соғлом юрак бор дейсизми, — деб жавоб берди рассом энтикиб. — Сиз... тўхтаманг. Оз қолди...

Ленин билан рассом яна юқорига кўтарила бошлашди. Улар ишлаётган икки рассом билан кўришиб, улардан нарироқ ўтиб тўхташди.

— Мана... — деди рассом. — Тозаладик... Кирини ювдик... — У ўн бешинчи асрда ишланган суратни кўрсатди.

Ленин тикилиб қолди. Сурат ажойиб эди. Ленин унга тикилиб қараган сари қадимги рассом санъатидаги онқора соддалик кучайиб бораётгандек кўринарди. Йигитнинг сурати... Катта-катта кўзлари хотиржам тикилади... Унинг нигоҳида ҳеч ким, ҳеч нарса енга олмайдиган қатъий ишонч бор... Нимага ишонади? Ўз даврининг улуғ ғояларига. Бироқ мана шу содда ишланган расмдаги эътиқодли йигит беш юз йилдан кейин ҳам жонлидай кўриниши учун, у ишонган ғоялар мангу барҳаёт ғоялар бўлиши керак. Ушандан бери ўнлаб авлодлар дунёга келиб кетди, қанчадан-қанча қишлоқлар ўт-ўланлар остида йўқ бўлиб кетди, уларнинг ўрнига қанчалари пайдо бўлди, сон-саноксиз чопқинлар, низолар, урушлар бўлиб ўтди... Бу одам уларга нисбатан холис, бетараф қолган эмас, йўқ. Бироқ унинг эътиқоди ўткинчи нарсалардан юқори, ҳаётнинг моҳиятини ташкил қиладигандай кўринган инсон ташвишларидан юқори. Унинг ғоялари ўз даврининг энг яхши ғоялари эди, шунинг учун бугун ҳам унинг нигоҳидан инсонга ишонч, яхшиликнинг ёвузлик устидан

ғалабасига ишонч, гўзалликка ишонч барқ уриб туришти.

— Бағоят гўзал!— деди Ленин.— Инсондаги илоҳиёт! Худди шу инсон улуғ худоларни яратган.

— Бошқа кимнинг қўлидан келарди бу,— деди рассом кўпдан бери маълум бўлган ҳақиқатни айтаётгандай. Кейин қўшиб қўйди:— Шунақа ноёб нарсани очсанг, совуқ билинадими?

— Бунақа нарсани очсанг, билинмайди, тўғри,— деб маъқуллади Ленин.— Қани, айтинг-чи, Пётр Фёдорович, ҳар қалай юрагингизга нима қилган? Даволаниш керакка ўхшайди.

Рассом қўл силкиди.

— Тугатайлик, кўрармиз...

— «Тугатайлик, кўрармиз» денг...— деб такрорлади Ленин.— Кейин кеч бўлмайдами, Пётр Фёдорович?

— Кеч бўлмас, дейман... Агар давлат сири бўлмаса, айтинг-чи, Владимир Ильич, буларнинг ҳаммасини йиғиштириб қўйишмайдами?— рассом қўли билан суратларга, уларни қайта тиклаётганларга ишора қилди.

— Яъни? Маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклашни айтяпсизми?

— Ҳа.

— Бундай фикр қаёқдан келди, Пётр Фёдорович? Биз, ахир, ваҳший эмасмиз-ку! Ўтмиш маданиятсиз коммунизм қуриб бўладими?

— Сиз, афтидан, санъатни тушунасиз, шекилли. Бошқалар ҳеч нарсa тушунмайди,— деб дағал жавоб берди рассом.

Ленин бадиий ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларини чуқур тушунар ва аниқ таҳлил қиларди. Буни у неча марталаб ажойиб мақолаларида ва нутқларида исбот қилган эди. Ҳозир Пётр Фёдорович Лениннинг қобилиятини камситиб гапирди, лекин шундоқ бўлса ҳам Ленин Пётр Фёдоровичнинг муносабатини жоиздек

қабул қилди, ундан заррача ҳам хафа бўлмади. Ҳа, Ленин санъатни севади, бироқ афсуски, санъатдаги сиёсий йўналиш ва тенденциялардан ташиқари, ҳамма томонини ҳам билавермайди. На илож! Истеъдодли ва буюк одамларнинг заҳматли ва серилҳом меҳнатлари самарасидаги нозик нуқталарни билиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-ку. Санъат — мураккаб нарса!

— Санъат—буюк куч,—деб давом этди Пётр Фёдорович,— бироқ у мутлақо ҳимоясиз. Маданият ёдгорликларини татарлар замонасида, подшоҳлар даврида, Александр Фёдорович Керенский даврида йўқ қилишган. Ҳозир ҳам йўқ қилишяпти. Ҳамма вақт баҳона топса бўлади. Революция, муҳтожлик, очлик — булар баҳона эмасми? Жуда яхши баҳона!

Ленин билан рассом ҳавозалар ичидаги тахта йўлдан боришарди. Доно дурадгорларга ўхшаш авлиёлар, аскарлар ва шоҳидларнинг нигоҳи уларни кузатиб тургандай туюларди.

— Руҳингиз жуда тушқин-ку, Пётр Фёдорович. Ҳатто ҳозирги бениҳоя оғир шароитда ҳам маданий ёдгорликларни сақлаб қолиш учун Совет ҳокимияти ҳамма зарур тадбирларни кўради. Революция эса, шубҳасиз, ваҳшийликни оқлайдиган баҳона бўлмайди.

Рассом тўхтаб, ўйланиб қолгандек, гапирди:

— «Совет ҳокимияти зарур тадбирларни кўради...» Сиз катта одамсиз, Совнарком Раисисиз, лекин шундоқ бўлса ҳам Совет ҳокимияти ёлғиз Сиздан иборат эмас. Совет ҳокимияти катта ҳокимият, яна турфа хил ҳокимият, десаммикан. Сиз ўзингизга қараб ҳукм қиляпсиз, Владимир Ильич!

Рассом өхтиётлик билан пастга йўл олди. Ленин унинг кетидан юрди.

— Ўзига қараб ҳукм қилиш хавфли! Жуда хавфли.

Улар девордаги ҳавозалардан узоқлашиб, ибодатхонанинг ўртасига яқинлашганлари сари баланд гум-

баз остида овозлари ҳам, қадамлари ҳам баландроқ янграй бошлади.

— Нега хавфли бўлсин?—овозини пасайтириб сўради Ленин.

— Ҳамма ҳам сизга ўхшаган эмас, Владимир Ильич!

Ленин бошини қуйи солди.

Ҳозир унинг кўнглини аллақандай ғалати туйғу чулғаб олганди. Гўёки унинг кўнглида илгарилар пайдо бўлган шубҳаларнинг ҳаммаси ана шу биргина жумлада жам бўлгандай эди. «Гап мана бу ёқда эканда!» Йўқ, буларнинг ҳаммаси, албатта, шак-шубҳасиз, тўғри эмас. Бироқ шу жумла кўрсатган таъсирдан дарҳол қутулиб олишнинг ҳам иложи йўқ эди. Унинг жавоб бергиси келмади. Успенск черковининг гумбазлари унинг сўзларини азиз-авлиёларнинг мақбаралари турган нимқоронғи бурчакларгача етказиши мумкин эди. Бу сўзлар эса унинг ўйлари ва ишончи бўлиб, фақат ёлғиз ўзига аталган эди.

— Хайр, Пётр Фёдорович,— деди Ленин, қўл узатиб.— Албатта, врачга учрашинг. Албатта!

— Учрашаман,— деди рассом ва қўшиб қўйди:— Кейинроқ.

— Ҳозир даволанинг... Хавотир олманг. Бу ишлар йиғиб қўйилмайди,— Ленин бетакрор расмларни қайта тиклаш устида меҳнат қилаётган рассомларга ишора қилди.

Рассом жимгина Лениннинг қўлини сиқиб хайрлашди ва ҳавозаларга йўналди. Ленин бир неча муддат унинг ёғоч зиналардан ҳансираб кўтарилаётганини эшитиб турди. Унинг қадам товушида, ҳансирашида, тахталарнинг гижирлашида рассом айтмай кўнглида олиб қолган гап эшитилаётгандай туюларди: «Йўқ, қўяверинг... Шундай қилганим яхши. Ишни ҳозироқ бажариб қўйиш керак. Шундай қилганим маъқулроқ...»

Бир неча дақиқа аввал Ленинни чулғаб олган ғалати туйғу ҳали ҳам ўтиб кетгани йўқ. Эҳтимол, бунинг айбдори дағал, лекин соғлом фикрлайдиган, Ленин серғайрат ва қаҳрамон деб ҳисоблаган рассом бўлгани учундир.

Совет ҳокимияти ҳамон «турфа-хил ҳокимият» («Пётр Фёдорович жуда топиб айтди-да») экани унга кўндан бери маълум. Ҳамма раҳбарлар ўзидай эмаслигини ҳам у яхши билади.

Марказда аҳвол шундай.

Жойларда-чи!.. Баъзан Совет ҳокимиятини гиппа бўғиб ташлаб, жойларда унинг ўлик шаклинигина Совет ҳокимияти деб аташади... Ҳақиқатан ҳам, мамлакатнинг аҳволи оғир... Бу ҳаммаси тўғри.

Қўйқисдан Пётр Фёдорович айтган гаплар Покровскийнинг жумласига бориб уланди: «Энг муҳими, кейин нима бўлади, кейин!»

Наҳотки, у ўзига қараб ҳукм юритиб, яъни ишчи ва деҳқонлар, катта ва кичик раҳбарлар бир-бирларидан фарқ қилишларига қарамай, ҳозир ҳам, кейин ҳам ҳамма ишни худди ўзи қилганидай ўринлатишади деб ҳисоблаб, адашаётган бўлса? Наҳотки, халқ қалбида янги ҳаёт қуриш иштиёқи, шунга муносиб кучи, раҳбарларда зарур сифатларнинг мавжудлиги унинг кўзига кўриниб қўя қолган бўлса? Совет ҳокимияти йўқми-кан? Бирлик йўқ гапми? Бюрократизм устидан, майда буржуа стихияси устидан, ваҳшиёна қўполлик устидан ғалаба йўқ гапми?! Хуллас калом, мана шу «турфа-хиллилик» ғалаба қозонадими? Негаки, ўзига қараб ҳукм қилгани учун бу «турфа-хиллилик» унинг тасаввуридагига қараганда кучлироқ. «Йўқ, албатта!»

Шундай бўлса-да, бир неча дақиқадан сўнг Ленин яна ўз-ўзига такрорлай бошлади: «Совет ҳокимияти катта ҳокимият, яна турфа-хил ҳокимият, десамми-кан? Жуда турфа-хил!»

У Кремль курсантлари машқ қилаётган майдондан

ўтар экан, курсантлар билан, Сорнавком эшиги олдидаги соқчилар билан саломлашиб, ўз хонасига кўтарилиди.

21. ИНСОН ТАШВИШЛАРИ

Одатдаги иш куни бошланди... Газеталарни ўқиб чиқиш керак... Кейин қоғозларга кўз югуртириш навбати келади... Одамлар билан учрашувлар... Мажлислар... Қўнғироқлар...

Ленин бирин-кетин тез-тез ўқиб чиқадиган «Известия», «Правда», «Иқтисодий ҳаёт» газеталари кундан-кунга ўзгариб борарди.

«Правда»да сарлавҳадан кейин йирик ҳарфлар билан энг муҳим янгиликлар бериларди.

Йил бошида:

«Россия контрреволюциясининг ҳалокати бошланди.

Красноярск ишғол қилинганда олтмиш минг кишини асир олди. Иркутск, қизил Седан ўрт. Калашниковнинг қўзғолончи отрядлари томонидан ишғол қилинди, Колчак Иркутскда ўз солдатлари томонидан қамоққа олинди.

Иккига ажратиб ташланган Деникин армияси Қора денгизга ва Шимолий Кавказга судралиб кетяпти. Новочеркасск олинди, бизнинг қўшинларимиз Сал дарёсига чиқди.

Тўла ғалаба сари олға!— деб жавоб беради Советлар Россияси қотил Клемансога унинг ўз сўзлари билан!»

Баҳорда ифлослик ҳамма ёққа хавф солганида, тиф эса шаҳарларни ёппасига босиб олай деганда, «Правда» эълон қилди:

«30 мартда, сешанба куни

«ҳаммом ҳафталиги»

бошланади.

Москва фавқуллодда Санитария Комиссияси (МФСК) Москва-
нинг барча аҳолисига
ҳаммомда бепул ювинишни

таклиф қилади.

Ҳар бир одамга бир бўлакдан совун берилади.

Юқумли касалликлар ва ҳашаротлар тарқатишга қарши чоралар кўрилган».

Июлда газеталар шиор ташлади:

«Врангель узил-кесил тор-мор этилсин!»

Кузда, ноябрда қўйидаги маълумотлар диққатни жалб қилди:

«Босқунчоқ кўлидаги туз чиқарувчи кампания...»

«Целлулоид заводларининг ремонти».

«Хўжаликни тиклаш учун кураш. Грознийнинг суяқ ёнилғиси».

Большой театрда «Руслан ва Людмила» қўйилмоқда, Ленин баъзан бориб турадиган Бадий театрда— «Анго қизи», МХТ нинг биринчи студиясида «Надежда»нинг ҳалокати» қўйилмоқда.

Йигирманчи йилнинг охирида газета ўқиш одамга завқ бағишлар эди.

Бурилиш содир бўлмоқда. Халқ қуриш ҳуқуқига, кўнглидаги ниятларини рўёбга чиқариш ҳуқуқига эришди...

Советларнинг саккизинчи Бутунроссия съезди яқинлашиб келмоқда эди.

Съезд Россияни электрлаштириш планини муҳокама қилиши керак. Масалани Совет ҳокимиятининг олий органи — съезд ҳал қилади. Шубҳа йўқки, съезд бу планни маъқуллайди. Партия органлари, коммунистлар меҳнаткашларга бу планининг зарурлигини, электрлаштиришнинг афзалликларини исбот қилиб берадилар. Аммо вақт оз қолди, чинакамга тарғибот ишлари билан шуғулланиш эса ҳамма коммунистларнинг ҳам қўлидан келавермасди... Ҳали қилинадиган иш

кўп. Шунинг учун асосий оғирлик (бу шубҳасиз, албатта) Кржижановскийнинг докладыга, Лениннинг съездаги докладыга ва «ГОЭЛРО плани» деб аталган «китобга» тушади.

Бир неча кун аввал Глеб Максимилианович ВСНХ НТО¹ наприёт бўлимининг бошлиғи Владимир Ильич Александровни ўз ҳузурига таклиф қилиб, унга съездагача ГОЭЛРО планини нашр этиш кераклигини айтди.

Александров унга топширмоқчи бўлган иш одатдигидан бошқачароқ бўлишини аввалдан сезган ва шунинг учун тайёргарлигини кўриб келган эди.

— ГОЭЛРО плани...— деб такрорлади у.— Албатта... Албатта... Хўш, бу планнинг ҳажми қанча? Беш листча келадими?

— Эллик лист,— деб жавоб берди Глеб Максимилианович гўё ўз-ўзидан маълум нарсга ҳақида гапираётгандай.

— Қанча?—негадир шивирлаб қайта сўради Александров.

— Эллик лист,— деб аниқ жавоб берди Кржижановский.

Александров ҳайрон бўлиб, Глеб Максимилиановичга қаради; кейин кўзларини аллақаяёққа тикди, сўнг яна суҳбатдошига қаради.

— Уч ҳафтада эллик лист?!

— Афтидан, ундан ҳам камроқ — ўн тўққиз кунда...

Александровнинг тепа сочи тик бўлиб кетди: жин урсин, ахир, Глеб Максимилианович нима деяётганини бияптимиз ўзи?! Утириб олиб, бунақа топшириқ бериш осон, албатта! Ҳозирги шароитда—одамлар оч, трамвайлар тўхтаб ётган, босмахоналар кўчадан баттар совуқ бўлса-ю, ўн тўққиз кунда эллик лист эмиш-а!

¹ НТО — илмий-техник бўлим.

Бироқ, ҳамма гап шунда эдики, Глеб Максимилианович буларнинг ҳаммасидан яхши хабардор эди...

— Шароитни аниқланг, — деб таклиф қилди Кржижановский. — Топшириқни бажариш учун нима кераклигини чамалаб кўринг. Сўнг иккимиз Ленин ҳузурига кирамиз.

«Ленин ҳузурига...»

Александров босмахоналарда бўлди, одамлар билан маслаҳатлашди, кейин яна Глеб Максимилиановичнинг ёнига келди. Лениннинг ёрдами керак эди.

Владимир Ильич уларни дарҳол қабул қилди.

— ГОЭЛРО плани ҳақидаги китобни съездга босиб чиқариш керак, — деб эслатди у. — Сизга ҳамма гап маълум: қоғоз деярли йўқ, босмахоналар совуқ, ишчилар нон ташвишида... Уч ҳафта ёки ундан ҳам камроқ вақт жуда қисқа муддат. Рекорд дейиш мумкин. Бажарса бўладими? Нима ёрдам керак?

— Бўлади. Китобни бир йўла бешта босмахонада босамиз, — деди Александров костюмининг чўнтагидаги зарур озиқ-овқатлар рўйхати ёзилган тўрт буклоғлиқ қоғозга қўлини текизиб. — Аммо ишчиларга озиқ-овқат бермаса бўлмайди, ишлангга кучлари етмайди.

— Нимадан қанча керак?

— Мана, Владимир Ильич... — Александров чўнтагидан қоғозни олди.

Ленин рўйхатни ўқиб чиқди.

— Кўп эмас.

Рўйхатга қўл қўйиб, у яна нималар кераклигини, китобнинг қандай босилиши-ю, қай тарзда безалишини батафсил суриштира кетди. У босмахона ишларини унча-мунча мутахассисдан дурустроқ биларди. «Искра» ни нашр қилаётганда, муҳаррирлик қилишдан ташқари, газетанинг чиқиши билан ҳам шуғулланиб, метранпаж, ҳарф терувчилар, ишчилар меҳнатини кўп кузатган эди.

— Хўш, — деди Ленин ва Александров билан Кржи-

жановскийга мурожаат қилди:— Ҳамма нарсани ҳисобга олдикми?

— Ҳаммасини,— деди Александров.— У матбаачиларга ваъда қилган озиқ-овқат шу бугуноқ уларнинг қўлига етиб боришидан хурсанд эди.

— Ҳаммаси бўлди, шекилли,— маъқуллади Кржижановский.

Александров Ленинни хотиржам қилмоқчи, гапни тезроқ тугатмоқчи эди («Бошқа ишлари ҳам бошидан ошиб ётибди!») Шунинг учун Ленинни ишонтира бошлади:

— Владимир Ильич, матбаачиларда революцион онглилик, ғайрат-шижоат етарли. Бажарамиз...

— Бу яхши...

Ҳамма нарсани келишиб олишди — энди кетаверса ҳам бўладигандай... Аммо Александров Совнарком Раисининг вақтини қизғаниб, ҳар қанча ошиқмасин, туриб кетиш ноқулай эди: Владимир Ильич ниманидир ўйлаб ўтирарди.

— «Онглилик, ғайрат-шижоат...» — деб такрорлади у ва Александровга мурожаат қилди:— Сиз план бир йўла бир неча босмаҳонада босилади дедингизми?

— Ҳа, Владимир Ильич,— деб маъқуллади Александров.— Бешта босмаҳонада.

— Автомобилингиз борми?— деб сўраб қолди. Ленин қўққисдан.— Ҳеч бўлмаса, битта?

— Йўқ...

— Унда материални босмаҳонага қандай етказиб турасиз? Пиедами? Извошдами?

Александров хижолат чекиб, индамай қолди: бу ёғини ўйламаган экан...

— Автомобиль берамиз,— деди Ленин.— Марҳамат қилиб, ишчиларга ГОЭЛРО планининг аҳамиятини тушунтиринг.— Кейин шу бу йил февраль ойида собиқ Кушнеров босмаҳонасининг ишчилари Глеб Максимилиановичнинг «Россияни электрлаштиришнинг асосий

вазифалари» деган китобчасини қандай босишганини эслаб, гапини тугатди: — Мен аминманки, бу топшириқни бажариш учун улар имкони борича ҳаракат қилишади... — Шундан кейингина Ленин Александровга қўлини узатди.

Александров мажлислар залидан, йўлакдан ўтиб борар экан, қулоқлари тагида «Автомобилингиз борми? Автомобиль борми?» деган сўзлар бир хилда такрорланарди.

Владимир Ильич эса бу пайтда янги келган хат-хабарларни кўздан кечира бошлаган эди. Бирдан у қалин пакетни кўриб қолди.

«Покровскийдан!»

Пакет ичидан эллик бетча қўлёзма ва ҳозир унутиб кетилган, ажойиб силлиқ оппоқ қоғозга ёзилган бир варақ буклоғлиқ хат чиқди. Ленин қизиқиш билан хатни очди:

«Қимматли Владимир Ильич!

Булар менинг Россияни электрлаштиришга тегишли қисқа мулоҳазаларим. Шу қўлёзма Сизга менинг бақадри имкон ёрдамим бўлсин. Брянск губернасидаги Бежецк уездини — менинг ватанимни унутмаслигингни ўтириб илтимос қиламан.

Муваффақият тилаб—

Фёдор Покровский».

Ленин креслонинг суянчигига суяниб, ҳамон қўлида хатни ушлаганча унга тикилиб қолди.

«Ҳақиқий инсон!..»

Кейин «Ҳаммаси қилиндимикин?» деб ўйлади-да, Ишлар бошқармасига қўнғироқ қилмоқчи бўлди.

Покровский ҳузурига келган куни у профессорга ёрдам беришни Горбуновга топширган эди. Албатта, ҳаммага кўнгилдагидек ёрдам бериш қийин, лекин очдан ўлишига йўл қўймаслик, мадад бериш, шубҳасиз, мумкин-ку! Владимир Ильич Ишлар бошқармасига қўнғироқ қилди.

Горбунов йўқ экан, унинг ўрнига Мария Петровна келди.

— Владимир Ильич, Фёдор Васильевичга ёрдам бериш масаласи билан мен шуғулланган эдим,— деди Мария Петровна эшик ёнида тик туриб. Бу аёл осойишта, хотиржам гапирарди.

Мария Петровна кабинетда ёки Совнаркоом мажлисида пайдо бўлиб қолганида, Ленин уни кўриши билан бошқача бўлиб кетарди. Баъзан Мария Петровна пайдо бўлганида у онасини эсларди. Уларнинг бир-бирига ўхшаб кетадиган томонлари кўп эди: мана шу хотиржамлик, ўзига ишонч, бировга ёрдам беришга интилиш, ҳеч қандай сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган яна алланарсалар... Мария Петровна қўл урган ишини, албатта, охирига етказмай қўймаслигини Владимир Ильич яхши билар эди.

— Сиз шуғулландингизми, Мария Петровна?.. Жуда яхши,— деди Ленин.

— Комендатурадан бир ўртоқ дарҳол Фёдор Васильевичга тўрт қадоқ қанд, сўк олиб бориб берганди. Ижрони ўзим текшириб кўрдим.

— Яхши. Бу қачон бўлувди?

— Ўнинчида, Владимир Ильич.

— Дуруст...

— Ўтини йўқ экан. Ўтин ҳам етказиб берилди. Бу ҳам ўнинчида. Яна шуни текшириб кўрдимки, Владимир Ильич менимча, у касал бўлса керак. Бугун албатта, ҳақиқатни биламан.

— Ҳақиқатни биламан?— деб сўради Ленин ва Мария Петровнага кўз қирини ташлади.

— Уйдагилар бир нарсани яширишаётганга ўхшайди. Менга айтгилари келмаяпти...

— Марҳамат, шу бугуноқ билинг!

— Албатта, Владимир Ильич.

— Раҳмат, Мария Петровна.— Ленин қўлёзмани қўлига олди-ю, яна бир нарса эсига тушиб, сўради: —

у яқин-орада ВСНХга ёки Кржижановский комиссия-сига мурожаат қилгани йўқми?

— Владимир Ильич, менга бу тўғрида ҳеч нарса деганингиз йўқ.

— Ҳа-я... У, албатта, уларга мурожаат қилиши керак эди.

Владимир Ильич ўрнидан туриб, стол ортидан чиқди. Мария Петровна Лениннинг нимадандир ташвишда эканини кўрди. Бундай пайтларда у ҳамisha унинг ташвишларидан бир қисмини бўлса ҳам ўз зиммасига олгиси келарди. Бироқ фақат майда-чуйда нарсалардагина кўмаклашиши мумкин эди. Майли, жилла бўлмаса, шундай бўлсин...

— Марҳамат қилиб, айтинг, ўртоқ Кавлетов келсин... — Ленин стол устидаги аллақандай қоғозга қараб олди, — соат учда... Кенгашдан кейин...

— Учдами? Яхши, Владимир Ильич; — Мария Петровна Ленин айтган рақамларни, вақтни, фамилияларни савол оҳангида такрор айтишга ўрганиб қолган эди. У бу билан бирон нарсани тушунмай қолса ёки аниқ эшита олмаса, Владимир Ильичга топшириқни такрорлаш имконини берарди. Ахир, бир марта Лениннинг ҳузурига Наркомзем коллегиясининг ҳамма аъзоларини чақирган эди-да! Ҳолбуки, Ленинга коллегия аъзоларининг рўйхатигина керак бўлган экан.

Ленин Кавлетовни хўжалик масалаларига бағишланган кенгашдан ва саноат марказларини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш масаласида Цюрупа билан суҳбатлашгандан кейин роппа-роса соат учда қабул қилди.

Унинг башараси Ленинга янада мағрурроқ кўринди.

— Покровскийнинг иши қалай, ўртоқ Кавлетов?

— Покровский келгани йўқ, ўртоқ Ленин, — ҳурмат билан жавоб берди Кавлетов. — Мен уни кутдим, лекин у келмади.

— Бизга хос р-революцион дадиллик билан таъзини берганингиздан кейин, кутдингизми?— деди Ленин ўзига ўзи гапираётгандай. Кейин яна савол берди:— Нега келмай кетганига ўзингиз қизиқмадингизми?

Кавлетов дудмолланиб қолди: очиқ гапираверсамикан ёки айтмасамикан?

— Нима қилай? Унга бош эгиб таъзим қилайми, ўртоқ Ленин?— деди у ниҳоят.

— Шундай денг!— Владимир Ильич бир лаҳза индамай қолди.— Демак: «Буржуй! Душман! Тан олмайман!» Демак, эски мутахассислар керак эмас?

Кавлетов индаёлмади.

— Ўртоқ Кавлетов, ўзингиз лоақал кичикроқ бир электростанциянинг лойиҳасини ишлаб бероласизми?

— Мен, ўртоқ Ленин, билсангиз...

— Биладан, биладан... Марҳамат қилиб, саволимга жавоб беринг!

— Ишлаб беролмайман!

— Хўп. Иш лойиҳаларини чиза оласизми?

— Аммо, ўртоқ Ленин...

— Марҳамат қилиб, саволимга жавоб беринг!

— Йўқ. Чизолмайман.

— Чизолмайсиз. Сиз инженермисиз?

— Йўқ.

— Лоақал техникмисиз?

— Йўқ.

— Бундан чиқдики, техника соҳасида ҳеч нарса билмайсиз. Қани, хўш, айтинг-чи, сизнинг фикрингизча, электростанцияларни ким қуради? Сафсата сотиш билан эмас, қуриш билан ким шуғулланади? Бизнинг ўз мутахассисларимиз йўқ! Қани, ким қуради, ўртоқ Кавлетов?

Кавлетов безрайиб, хонанинг бурчагига тикилиб ўтирарди.

Қўлтиғида папка билан, тугмаси қадалмаган костюми остидан қийшиқ ёқа қора сатин кўйлаги кўришиб турган Калинин кириб келди. Ленин у билан саломлашиб, ўтиришга таклиф қилди.

— Келинг, Михаил Иванович, ўтиринг.

Калинин Ленин билан Кавлетовдан олисроқ жойга ўтирди. Кавлетов Калининга қийғоч назар ташлаб, унинг диққатини жалб қилиш ниятида ўтирган жойида қаддини ростлади. Бутунроссия оқсоқолининг келиб қолгани унга мадад берди.

— Мен партия аъзосиман, ўртоқ Ленин!— деди кибр билан Кавлетов ва мағрур қиёфада Калининга қараб қўйди.— Ҳукмрон партиянинг аъзосиман,— деб илова қилди у гапга янада салмоқ бериш учун.

— Инчунун, ўртоқ Кавлетов! Бунинг катта масъулияти бор... Сизга ўхшаган коммунистлар бизда кўп. Мен уларнинг бир дюжинасини ўз иштини сидқидилдан ўрганувчи виждонли буржуа мутахассисининг биттасига бажону дил алишар эдим.

Бу кутилмаган гапдан Кавлетов дудуқланиб қолди ва ўрнидан туриб кетди. У турган жойида ўзи ҳам сезмаган ҳолда стол устидаги газетани у ёқдан-бу ёққа сура бошлади.

— Бир дюжинасини,— деб такрорлади Ленин.

— Тушунолмадим...— деди Кавлетов.— Революция ва пролетариат диктатураси зарурият салтанатидан эркинлик салтанатига ўтиш вазифасини қўйди. Мен жаҳон революцияси олдидаги ўз бурчимни онгли бажаришни истайман. Ҳозир тушунолмай қолдим, нега энди, бутун мамлакатни газлаштириш эмасу, электрлаштириш керак?— У ҳамон синолик билан Калининга қараб қўяр, лекин аллақандай қўрқинчли нарса содир бўлганини тушуна бошлаган эди. У жаҳаннамга қулаяпти. Энди ҳеч нарса қутқариб қололмайди.

— Бу — сафсата!.. Ўн марталаб тушунтирилди. Ниҳоят, масала ҳал бўлди, қарор қабул қилинди, тас-

диқланди-ю, ҳамон гап сотамиз! Сиз партия қарорига бўйсунини истамайпсиз...

— Мен — партияга? — унинг гапини бўлди Кавлетов.

— Ҳа, сиз. Ишнинг моҳиятини қўпол тарзда тушунмаслик бу, ўртоқ Кавлетов!

Михайл Иванович ўрнидан турди ва бу гаплардан хит бўлиб, Лениндан хавотир олиб, харита олдида туриб қолди.

Ленин ўткир киноя билан Михайл Ивановичга мушоаат қилди:

— Сапронов, Максимовский, Осинский ва уларнинг шериклари роса хурсанд бўладиган бўлди. Поёни-ниҳояси йўқ умумий демократия. Ҳолбуки ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқада хўжалик қурилишининг катта-кичик масалаларини оператив ҳал қилиш ва топширилган ишга жавоб бериш керак. Ҳал қилиш ва жавоб бериш! Бўлмаса, бизни мажақлаб ташлашади.

Ленин ўрнидан турди.

— Бас, ўртоқ Кавлетов! Партия аъзосига ярашмайдиган қилиғингиз учун профессордан кечирим сўранг. Партия қарорларига ҳам, марҳамат қилиб, бўйсунинг. Мана шу энг тоза ва асил маънодаги пролетар диқтатураси бўлади.

Ленин коммутатордан Покровскийнинг квартирасини улаб беришни илтимос қилди. Анча вақтгача телефонга ҳеч ким келмади. Кейин аллақандай аёл синиқ товушда бир нарсалар деди.

Владимир Ильич қайтариб сўради:

— Кечроқ дейсизми?.. Кечирасиз... Кечирасиз... Кечроқ қўнғироқ қиламан, — Владимир Ильич трубкани энди қўймоқчи эди ҳамки, нотўғри эшитдимми деган оҳангда гумонсираб, қайта сўради: — Бетоб денг? Оғирми?

— Ана, кўрдингизми... — Кавлетов ўзини тиёлма-

ди: шунча тортишиб, бош қотириб ўтиришга ҳам арзимасди демоқчидай эди у.

Лениннинг ранги оқариб кетди.

Унинг ғазаби ниҳоясига етганди. Бироқ ғазабланганда унинг ажойиб идроки, фикри янада кескин ишлай бошлар, янада сезиларли бўлиб қоларди. Лекин шуниси ҳам маълум эдики, унинг ғазаби қайси даражага етмасин, камдан-кам ҳолларда зоҳиран намоён бўларди. У Кавлетовга қарамай, креслога қайтиб борди.

Шу дақиқада хонага Мария Петровна кирди. У Покровскийнинг уйига бир неча марта қўнғироқ қилди, анча вақтгача ҳеч ким трубкани олмади. Ниҳоят, кейинроқ қўнғироқ қилишни илтимос қилишди... Шунга айтгани кирганди у...

Мария Петровна вазиятни кўриб, ҳамма гапга тушунди ва индамай чиқиб кетди.

Владимир Ильичнинг кўнглидан «ҳамма нарсани кўраётганим йўқ... ҳамма гапдан хабардор эмасман» деган фикр ўтди. Кейин яна ўйлади: «урушдан аввалги халқ бойлигининг ўндан биригагина эга бўла туриб, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш — урушиш ва ғалаба қозонишга қараганда мушкулроқ. Бу равшан нарса. Бунда ғалаба қизиққонлик, ҳужум, фидойилик билан эмас, ҳар кунги оддий зерикарли иш туфайли қўлга киради. Буни ҳамма ҳам тушунавермайди, бунга ҳамма ҳам чидай бермайди. Юзлаб,— Ленин Кавлетовга қаради,— йўқ, минглаб мана шунақа одамлар партия ичидаги муҳитга таянади. Бу муҳитнинг фаолияти зарарли, ғалабаси эса ҳалокатли».

Лениннинг кўз олдида Фёдор Васильевич тирикдай гавдаланиб турарди. Унинг ўжар ва ўтли нигоҳи ётсирагандек Лениндан оша аллақаяёққа тикилган... Бу нигоҳлар янги ҳокимиятнинг муваффақиятлари, мўтабар одамларнинг гаплари, зафарларига учмайди, бутун

вужуди билан келажакка талпинади: Келажак қандай бўларкин? Қандай шаклга кираркин?

— Сиз кетаверишингиз мумкин,— деди Ленин Кавлетовга ва хайрлашиш учун қўл ҳам узатмай, ўрнига ўтирди.

Шундан кейингина Мария Петровнанинг кириб чиққанини, унга топшириқ бериши кераклигини хаёлидан ўтказди. Энди у топширигини телефонда айтди: нима ёрдам кераклигини аниқланг. Лозим бўлса, дори топиб бериш керак. Кейин ВСНХдаги ўртоқларга қўнғироқ қилиб: Кавлетовга эътибор беришларини сўради. Бунақа одамларни талтайтириб қўйишга мутлақо ҳаққимиз йўқ...

Сўнг бир лаҳза қўли билан кўзини беркитиб хўрсинди.

— Михаил Иванович, марҳамат,— деди Ленин.

Бироқ Михаил Иванович гап бошлашга ошиқмади, Лениннинг бўлиб ўтган воқеани кўнглидан чиқариб юборишга уринаётгани ва бунга дарров эришолмай, қийналаётгани сезилиб турарди. Калинин нафасини ростлаб олиш учун зарур бўлган сукунатни йўқотмоқчидек йўталиб олди, кейин соатига қаради, сўнг яна йўталди. Унинг Ленинга айтадиган гапи икки хил эди. Бирини ҳозир айтади, иккинчисини ҳозирча айтмай қўя қолса ҳам бўлади.

— Владимир Ильич,— деб гап бошлади Калинин,— мен Украинадан дуруст хабарлар олдим...

Август ва сентябрь ичи Михаил Иванович ташвиқот поездиди Украинанинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларини айланиб чиқди. Бу сафарлардан кўзда тутилган асосий мақсад жойларда, айниқса, қишлоқларда оммавий-сиёсий ишларни ташкил қилиш эди. Михаил Ивановичнинг фикрича, сафар яхши натижалар берди.

— Камбағал деҳқонлар комитети ҳамма жойда мустаҳкамланяпти, Владимир Ильич. Уларнинг ёрда-

мида тузилаётган отрядлар контрреволюцияга қарши муваффақиятли кураш олиб борапти...

— Эсерлар, меньшевиклар-чи? — деб сўради Ленин.

— Етарли. Лекин, менимча, улар кун сайин қувватдан кетяпти. «Камбағал деҳқон! Қулоқ отини миhib, Врангелга қарши юр!» деган шиор ўзини оқлади ва кўпчиликни курашга қўзғади.

— «Қулоқ отларида Врангелга қарши», денг... — Ленин сезилар-сезилмас жилмайди. — Яна нима гаплар бор, Михаил Иванович?

Калинин Украинадаги аҳвол ҳақида батафсил гапириб берди ва бир оз бўлса-да, Ленинни хурсанд қилганидан жуда мамнун бўлди. Ахир, Малороссия ҳам унинг иши эди... У камбағал деҳқонлар комитети тузилганини қўллаб-қувватлаган, кейинроқ уларга махсус мурожаатнома ҳам ёзган эди...

Калинин чиқиб кетгандан кейин, Владимир Ильич папкадаги қоғозларни кўриб чиқа бошлади.

Бу эски папкадаги ишларнинг характери ўзгариб бормоқда... Ишлар ёмон эмас. Бироқ мана бу нима? Наҳотки икки ҳафта? Ҳа! Кўриниб турган, аслида шунчайин майда бир ишни икки ҳафта чўзишипти-я! Тасаввур қилиб бўлмайдиган бюрократизм!

У бундан бир йилдан кўпроқ аввал ҳозиргидай ишларни кўриб ўтириб, бир қоғозга қўйилган резолюцияни эслади. Ушанда у кўзларига ишонмай, қайта ўқиб кўрганди. Нима бало бу?! Оқ қоғозга қора қалам билан қийшиқ қилиб ёзиб қўйилибди: «Шундоқ ҳам иш бошдан ошиб ётибди, майда-чуйдалар билан шуғулланишга вақт йўқ!» Буни бир совет ходими, отлари нотўғри сафарбар қилинган икки деҳқоннинг аризаси устига ёзган эди.

«Иши кўп эмиш! У нимани иш деб билади? У кимга хизмат қиляпти? Қандай мақсад йўлида ишляпти?» Ушанда Ленин фармойиш ёзган эди: «Аванесовга,

давлат назоратига, шундай деб жавоб берган амалдор-ни қамоққа олиш учун».

Ҳозир ҳам Владимир Ильич қоғозга қаҳрли резолюция ёзди. Ручкани қўйгандан кейин анча вақтгача хотиржам бўлолмади. Буни қарангки, энг муҳим нарсани арзимас деб ҳисоблашади. Арзимас нарсадан катта муаммо чиқаришади. Қўлингда ҳокимият бўлса-ю, ҳар гал уни пеш қилиб, масаланинг ҳал қилинишини кутишга ва бу тўғрида қайта-қайта ялинишга мажбур қилсанг! Бу қандай гап! Ақл бовар қилмайди! Маъшум Антон Иванович Деникиннинг кичкина нусхаси ана шу бўлади-да! Бироқ бу нусхага қараб отиб бўлмайди, аксинча, уни ҳамма ўртоқ деб аташи керак. Совет ҳокимияти эса уни очидан ўлиб қолмаслиги учун қўллаб-қувватлаб, унга маош тўлаши ва нормадан ортиқроқ озуқа бериб туриши лозим. Ҳолбуки, Маркснинг сурати тагидаги столга ўтириб олган бир нечта ана шундай тентаклар Совет ҳокимиятининг обрўсини тўкиб, шармандасини чиқаради. Ана унда большевиклар ҳақиқатан ҳам вайроналикнинг уддасидан чиқолмасликларини ўз кўзи билан кўрган Вандерлин қайтиб келади ва унга Сибирь билан Камчаткани арзон-гаровга сотишга тўғри келади. Бутун Сибирь ва бутун Камчаткани! Шунчалик ҳам бемаъни гап бўлиши мумкинми? Бу қандай қабоҳат!

Владимир Ильич фармойиш ёзган қоғозни тезроқ ишга солиб юборишлари учун, бошқа нарсаларнинг юқорисига қўйди.

Сўнгра у Донецк ҳавзасининг иши ҳақидаги ҳисоботни ўқишга киришди-ю, бироқ масаланинг моҳиятини илғаб олишга ожизлик қилаётганини ҳис этди. «Қандай каллаварамлик!— у ҳамон хотиржам бўлолмас эди,— қандай бемаънилик! Арзимас бир ишни ярим ой ҳал қилишса-я!»

Владимир Ильич ўрнидан туриб, кабинет бўйлаб юра бошлади. Буржуа газеталарида Совет ҳокимияти ва

ГОЭЛРО плани ҳақида босилган мақолаларнинг ҳақоратомуз, заҳарга тўла сарлавҳалари ёдига тушди: — «Россиянинг ҳалокати», «Шафқатсиз фанатикларнинг алжираши». Большевиизмни куртаклик чоғидаёқ мажжақлаб ташлаш учун Совет ҳокимиятига қарши юриш эълон қилишмоқчи! «Овора бўласизлар! Қўлларингдан ҳеч нарса келмайди!» Ленин икки чаккасини ишқалади.

Ленин ҳар кун и эрталаб устида қоғоз, газета, китоб тўла ана шу стол ортидаги тўқима креслога ўтирар экан, бугунги кун билан ҳам, эртаги кун билан ҳам юзма-юз тўқнаш келгандай бўларди. Уларнинг поёни йўқдай кўринар, улар кўпқиррали ва хатарли туюларди. Неча-неча марта унинг боши узра тўфонли тўлқинлар қўзғалди. Улар муқаррар тарзда уни ағдариб, жаҳаннам қаърига улоқтириб юборадигандай туюларди... Бироқ энди тўфонли тўлқинлар ортда қолди, шекилли: «Қизил Армия Қримга бостириб кирди, қонли граждандлар уруши, энг шафқатсиз урушлардан бири Врангель устидан ғалаба билан тугайди.

Бу улуг ғалаба бўлади. Унинг аҳамияти бениҳоя катта! Лекин шундай бўлса ҳам биз эндигина ярим ғалабага эришдик. Бундан ортиқ эмас!» Ленин бу тўғрида бир неча марта гапирган.

Ғалабанинг улугворлиги шунда эдики, партия бошлаган иш ҳеч қандай ғовларга қарамай енгиб чиқди. Уч йиллик уришдан кейин маълум бўлдики, партия, халқ аввалгига қараганда қиёс қилиб бўлмас даражада кучли экан. Бироқ жаҳон буржуазияси ҳам ҳамон жуда кучли. Советларни ағдариб ташлашга уриниш яна такрорланиши мумкин. Улуг ғалабага ораларидан юзлаб, минглаб қаҳрамонлар етишиб чиққан рус ишчилари ва деҳқонларининг фидокорлиги ва ғайрат-шижоати туфайли эришилди. Ғалабанинг асосий манбаи — қаҳрамонлик, фидокорлик, курашдаги мислсиз саботдир.

Бироқ фақат қаҳрамонлик ва шавқ-завқнинг ўзи билан революция ишининг узил-кесил галабасини таъминлаш мумкин эмас. Булар камлик қилади, чунки вазифанинг иккинчи қисми — қийинроқ қисми — кураш, яратиш билан боғлиқ қисми ҳали олдинда. Ишчилар ва деҳқонларнинг ҳаётларини тиклашга тайёр эканликларининг ўзи кифоя эмас. Бундан буён олиб боришимиз керак бўлган курашда майда нарсалардан ўзга гап йўқ. Атрофимизни майда хўжалик ишлари қуршаб олган, улар бирлашиб, битта буюк вазифага айланди.

Ана шу кундалик оддий амалий иш жараёнида кўп нарса мамлакат қаршисида пайдо бўлувчи хавф-хатарларни қанчалик тўғри тушунишга боғлиқ.

Ҳозирча ҳар бир майда хўжайиннинг қалбида ҳам, ишларида ҳам капитализмнинг асосини ташкил қилувчи хусусий мулкчилик тенденциялари мавжуд.

Ҳали ҳам совет ва партия аппаратида жиддий бюрократизм, порахўрлик мавжуд, партиянинг ичида оппозиция ва носоғлом тенденциялар бор. Улар мавжуд экан, биз Совет ҳокимиятини ҳалок қилиб қўйишимиз мумкин.

Ленин буларга ҳар куни дуч келарди. Бугунги кун, тўғрироғи — иш кунининг ярми янги фактлар келтирди. Бироқ улар ҳар қанча ёқимсиз, баъзан эса хавфли бўлмасин, Ленин авваллари ҳам, ҳозир Успенск черковидаги суҳбатдан кейин ҳам, уларга аллақандай янги куч билан, матонат билан хотиржам қарарди. У нима қилиш кераклигини яхши биларди ва шуни амалга оширарди. Агар у ўйлаган Совет ҳокимияти барпо этилса, бу ҳокимият енгилмас бўлади!

Ўз ҳаётидаги ва революцион жараёнлардаги энг оғир, энг хавфли дақиқаларда у бутун вужудига аллақандай ажойиб кучлар қўйилиб келганини ҳис қиларди. Унинг бутун вужуди зарбага зарба билан жавоб бергандай бўларди.

Шу куни Ленин ўнларча одамлар билан учрашди. Улар партиядош қадрдон дўстлари ва ўз шахсий ишлари билан келган оддий одамлар эди. Уларнинг ҳар қайсиси ўз йўлига Лениндаги ана шу қуйилиб келган ғайратни сезмаслиги мумкин эмас эди. Унга қанчалик мушкул бўлса, таҳдид солаётган хавф қанчалик улкан бўлса, унинг кучлари шунчалик кўпайиб борарди.

У бундан бохабар эди, ўзининг бу хусусиятини ҳисобга оларди, лекин бу кучлар ғойибдан келмаётганини ҳам яхши биларди...

Ишлар кетмоқда...

Россия, бугунги Россия, хаёлдан тўқиб чиқарилган эмас, бежаб, пардозланган эмас, балки ўтмишдан мерос қолган яхши-ёмон нарсаларга эга бўлган ана шу бугунги ноҳаёлий Россия ўрнини бутун қашшоқлиги, ночорлиги, нодонлиги ва жаҳолати билан, шиддатли кураш йиллари давомида унинг энг яхши одамлари томонидан барпо этилган азиз ва эзгу сифатлари билан коммунизм қуриш учун оёққа турди. У борган сари қоматини ростлаяпти ва Ленин буни ҳар куни ўнлаб, юзлаб фактларда кўриб турипти.

Россияга бошқа мамлакатлар эргашади. Бу муқаррар. Бу мамлакатларнинг йўли анча енгил бўлади, улар руслар эга бўлмаган тажрибага, намунага эга бўлади. У мамлакатлар янги йўлларни кашф этадиганларнинг зиммасига тушадиган хатолардан холи бўлади. Йиллар ўтиб, жаҳон бутунлай ўзгариб кетади.

Эксплуататорларсиз давлат! Кейин эксплуататорларсиз жаҳон! Бинобарин, урушлар йўқолади... Урушлар йўқолса, демак, армия зарур бўлмайди. Армия сақлаш учун зарур бўлган солиқлар ва тўловлардан халқ халос бўлади... Инсониятнинг ҳамма бойлиги яратишга сарфланади. Ҳукуматлар одамзод ҳаётини узайтириш, касалликларга қарши кураш масалалари билан, фан ва маданият масалалари билан шуғулланади. Қандай ажойиб замонлар бўлади!

Бироқ Ленин келажак одамларига ҳавас қилмас эди.

...Қўққисдан телефон жиринглади.

— Владимир Ильич, эртага овга бормайсизми?

— Овга? Бажонудил!

Ҳар қалай ҳаётда ҳали ҳам ажойиб нарсалар кўп! Баракалла, Ян Эрнестович эсига солди!

22. «МИННАТДОРЛИК БИЛАН...»

Эртасига Владимир Ильич Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг мажлисини ўтказаетганида Староконюшенское кўчасидаги уч қаватли уй олдида автомобиль тўхтади. Ундан устига пальто, бошига қулоқчин кийган кекса одам тушди. У авайлаб қоғозга ўралган аллақандай думалоқ нарсани машинадан олиб, эшикдан ичкарига, йўлакка кирди. Кейин у чўяндан қуйилган кунгираддор панжарали кенг зинадан шошмай кўтарила бошлади. Ҳар қаватдаги кенггина майдончада тўхтаб, эшикларга қоқилган номерларга назар солди. «Йигирма беш... Йигирма етти... Йигирма саккиз... Ана шу! Тахтачаси ҳам ўхшайди!»

Яқинда бўр билан артиб тозаланган мис тахтачага чиройли қилиб «Фёдор Васильевич Покровский» деб ёзиб қўйилган эди.

Пальтоли одам эшикка яқин келиб, теварак-атрофига қаради ва қўлидаги юкнинг канопини ечиб, қоғозни ола бошлади... Қоғоз ичида арча новдаларидан ясалган, қизил алвон ўралган мўъжазгина гулчамбар бор эди.

Пальтоли одам каноп билан қоғозни қаерга ташлашни билмай, бежиримгина тахлади-да, чўнтагига тиқди. Кейин қаддини ростлаб, тантановор тус олди ва қўнғироқ тугмачасини босди. Бироқ қўнғироқ, афтидан, ишламас эди. У бунга ишонч ҳосил қилиш учун яна тугмачани босди, кейин баланд эшикни қоқди.

Худди унинг келишини кутиб туришгандай, эшикни дарров очишди. Юзлари дўмбоққина ёш қиз пальтоли одамга синчков тикилди, лекин уни таниёлмади. Сўнг қалин қошларини савол маъносида чимириб, қизарди.

Пальтоли одам тавозе билан таъзим қилиб гапирди:

— Марҳамат қилгайсиз... Шунинг олинг... — У қизга гулчамбарни узатди.

Қиз гулчамбарни қўлга олиши билан, келган одам орқага тисарилди, эҳтиром билан таъзим қилди-да, эшикни ёпди.

У зинадан тушиб борар экан, қизнинг:

— Буви... Буви... — деб чақирганини эшитди.

Орадан кўп ўтмай яна эшик очилди, ичкаридан қора кийган кекса аёл чиқиб, уни чақирди:

— Гражданин!.. Ўртоқ!..

Зинадаги қадам товуши тўхтади, кейин яна эшитила бошлади. Пальтоли одам қайтиб кўтарилди. Майдончага етгач, тўхтаб, аёлга эҳтиром билан таъзим қилди.

— Кечирасиз, — оҳиста сўради аёл, — гулчамбарда ёзилганки... — у гапини тугатмай, жим қолди.

— Гулчамбарни Владимир Ильич юборди, — деб оддийгина жавоб берди пальтоли одам.

— Ленин? — ҳамон ишонқирамай, қайтариб сўради аёл.

— Ҳа...

Бир неча соатдан сўнг ҳар хил кийинган бир тўп одам чала-чулпа бўялган баҳайбат тобут ортидан кетиб борарди. Қариндошлар... Ҳамкасабалар... Ҳамкасабалар атиги уч киши эди. Уларнинг иккитаси Фёдор Васильевичнинг ишидан — большевикларга ёрдам берганидан ичида ранжиган, лекин, шундай бўлса ҳам, охирги бурчларини ўташ учун келишган эди. Ўнлаб ҳамкасабалари келмади... Учинчиси эса Глеб Максимович собиқ «Славян бозорлари» ресторанида

ташвиқ қилиб, ишлашга кўндирган одамлардан эди. Агар Фёдор Васильевич сўнгги пайтларда нима устида ва ким учун ишлаганини билишса, бундайлардан кўпроқ одам келарди. Танишлардан баъзи бирлари эса Покровскийнинг вафотидан бутунлай беҳабар эдилар — газеталарда некролог босилгани йўқ.

Староконюшенское кўчаси бўйлаб, қор босган кўчадан хиёбон томон бир тўп одам аста силжиб борарди... Гулчамбарлар... Ченада тобут...

Хаво совуқ эмас, осмон хира, қовоғини уйган булутлар остида Фёдор Васильевич Покровский охириги йўлини ўтамоқда.

Маросимдагилар Гоголнинг ёдгорлиги ёнидан ўтишарди... Ғамгин хаёлларга ғарқ бўлган классик олимнинг тақдиридан хабардордай, маросим ёнидан ўтаётганда қимир этмади.

Маросимдагилар Арбат майдонидан ҳам ўтишди, сўнг Никитская хиёбони орқали юришди, ундан Катта Никитский кўчаси орқали Кудринкага чиқишди, энди Ваганьковага яқин қолган эди. У ерда кўзга кўринган одамларнинг ўнлаб қабрлари топиб бўлмайдиган даражада йўқолиб кетган. Ватаннинг тақдирини ўйлаб, куйиб-пишган, ярим оч ҳаёт кечирган, тифдан нобуд бўлган Фёдор Васильевичнинг тобути устидаги гумбаз ҳам бора-бора йўқолиб кетади...

Кўҳна Ваганькованинг қор аралаш тупроғи устига учта гулчамбар қўйишди. Улардан бирида «Фёдор Васильевич Покровскийга — миннатдорлик билан. Ленин» деган ёзувли лента бор.

23. ҚИШ КУНИ

Горкида ўтказилган якшанбадан сўнг Ленин ўзини яхши ҳис қиларди. Ҳорғинлик, бош оғриғи, уйқусизликдан қутуларди.

Ленин съездда қиладиган докладининг планини тузар экан деразага тез-тез қараб қўярди. Аллақачон анча-мунча саҳифаларни қоралаб ташлади-ю, лекин, назарида, энг муҳим масалага энди яқинлашгандай эди:

«25. Электрлаштириш: «сиёсатбозлар камроқ, инженерлар ва агрономлар кўпроқ бўлсин. («Албатта, Кавлетовга ўхшаганлар ўнлаб, юзлаб топилади. Уларнинг ҳаммаси ҳам назорат қилишу, қўмондонлик қилишни истайди».)

Коммунизм=совет тузуми+электрификация. Шунанамми? Бу ҳаммага тушунарли, электрлаштириш ҳақида бирон мақола, бирон китобча ўқимайдиган одамнинг ҳам эсида қолади. Шундай!

Ягона хўжалик плани. Буюк план. («Бу ҳолда дабдабали сўздан чўчимаслик керак».)

План ҳаётий. Ленин Кашинога борганини эслаб, қўшимча қилди:

«Деҳқонларнинг ғайрати: «нотабий нур».

Деразадан кўриниб турган Арсеналнинг оқ қорли томи, қуёшли кўм-кўк осмон Ленинни ўзига чорлар эди.

«Қурамиз... Ҳамма кучни яратишга... Аммо хавф-хатарлар-чи?»

Бир оз ўйланиб, қўшимча қилди:

«Россия капитализмга қайтиши мумкинми?» («Қалблардаги Сухаревканинг умри Сухаревка бозорининг умридан узоқ. Мумкин...»)

Давом этиб, ёзди: «Партиянинг иккинчи программаси...» — сўнг яна ҳаёлини банд қилган фикрга қайтди.

«Сиёсатбозларга қараганда, инженерлар ва агрономлар кўпроқ бўлсин» («Сафсата эмас, иш»).

Бир неча дақиқадан сўнг, яна хавф-хатар ҳақидаги фикрга қайтди:

«Капитализм қайтиши мумкинми? Сухаревка?»

Жавоб:

«Ҳа, мумкин, ҳозирча».

Яна бир тезис:

«Электрлаштириш демократия базаси сифатида».

Ленин яна Кашинони эслади ва Дмитрий Родионовнинг ўзига манзур бўлган сўзларини ёзди:

«Нотабийй нур...»

Ленин бир дақиқа ишдан тўхтаб, дераза ёнига борди. Ташқарида қиш. Рост, кеча Горкида кўрганидай эмасу, лекин, бари бир қиш. Кечаси ёққан қор Арсенал томини, ўймакор нақшларни, кичкина, энсиз деразаларнинг қалин ромларини қоплаб олганди. Саришта қилинган майдон чиройли кўринади. Рост, ёлғиз оёқ йўллар ватман қоғозидаги эгри-бугри қора чизиқлардай, майдонда учбурчаклар ва трапециялар ҳосил қилибди.

Ҳар ҳолда буларнинг ҳаммаси кеча ўзининг қудрати ва гўзаллиги билан Ленинни мафтун қилган қишнинг бир парчаси эди. «Ҳаёт заб гўзал нарса-да!»

Ленин Калинин кирганини сезмай қолди. Унинг овозини эшитиб ўғирилди.

— Салом, Владимир Ильич!

— Салом, салом, Михаил Иванович!

Қўлида папка билан Калинин дераза ёнига бориб, Ленин билан ёнма-ён турди. Папкани дераза токчасига қўйди. Кўйлагидаги белбоғини тўғрилади.

— Чинакам қиш, Михаил Иванович,— деди Ленин.

— Ҳа, қор бирдан ёғди. Дуруст бўлди.

— Ўтиринг, марҳамат.

Калинин миннатдорлик билан бош ирғади.

У ҳеч қачон тикка турган Лениннинг ҳузурида ўтиришни ўзига эп кўрмас, ҳеч қачон унга бундай ҳурматсизлик қила олмас эди. Шунинг учун ўтган куни Кавлетов ўтирган қора креслога назар ташлади-да, қоғоғини солди.

Ленин ҳам қора қреслога қараб қўйди.

— Яна «совет ходими» деган номи бор-а! — деди у.

Гапининг оҳангидан Михаил Иванович Кавлетов воқеаси Ленинга жуда оғир ботганини тушунди. Орадан шанба, якшанба ўтди-ю, ўша гап ҳамон қулоғи тагидан кетмабди. Бундай учрашувлар Лениннинг қанча куч-қувватини олиб кетишини Михаил Иванович энди аниқ тушунди. Ким билсин, бундайлардан нечтаси Каплан отган ўқларнинг биттасига тенг келаркин. Лекин шубҳа йўқки, бу қабоҳатлар Ленинга қаттиқ таъсир қилади. Ҳали келажакда яна қанчасига дуч келади — маълум эмас...

— Буни қаранг, — Ленин давом этди. — Меҳнат, виждон нималиги ҳақида тасаввурга эга бўлмаса-я! Ёнига партбилет солиб олган... капитализм меросхўри!

Михаил Иванович хаёл суриб, кафти билан дераза токчасини астагина уриб қўйди.

— Мен сизни тушунаман, Владимир Ильич, — Калинин сўзларни танлаб, шошмай сўзларди. У Лениннинг гапига аниқлик киритмоқчи, балки тузатмоқчи эди... — Сизга бир воқеани айтиб бермоқчиман... Чоризм даврида меҳнат, албатта, номаълум гуноҳлар учун бериладиган жазо эди. Бироқ подшо замониди ишчилар характерида виждонийлик бор эди... Тўққиз юзинчи йилдами ёки ўтган асрнинг охиридами, аниқ эсимда йўқ — бир йиғилишимизда «революционер ишчи ясайдиган нарсасини яхши қилиши керакми-йўқми?» деган баҳс бўлиб қолди. Ўшанда, денг, Владимир Ильич, кўпчилик одам «биз ўз қўлимиздан ёмон буюм чиқаролмаймиз — бу инсоний қадр-қимматимизни пастга уради!» деди. Капитализм даврида-я... Инсоний қадр-қиммат!

Бу партия арбобининг ҳаёт ва меҳнат тажрибаси хайрон қоладиган даражада бой эди. Ленин Михаил Ивановичга диққат билан қараб:

— Ана кўрдингизми? — деди ва ўтирди.

— Афсуски, виждонийлик эркинлик ва тенгҳуқуқликка қўшиб берилмайди.

— Ҳа, Михаил Иванович... Сиз ҳақсиз...

Калинин Совет ҳукуматининг олий органи ВЦИКнинг раиси лавозимига сайланганига бир йилдан мўлроқ бўлган эди. Ана шу собиқ деҳқон ва ишчининг тинч ҳаётни йўлга қўйишга қўшган ҳиссаси бениҳоя катта бўлди. Ленинга Калининнинг, кўп сифатлари ичида айниқса, биттаси жуда ёқар эди. Бу сифатни Калининнинг ўзи шундай ифодалаган эди: «Ҳукумат ўзини шундай тутиши керакки, уни имкони борича камроқ сезишсин». Яъни совет ҳукумати давлатни бошқаришга халқ оммасини шундай жалб қилсинки, ҳукмдорлар билан оддий граждандар ўртасидаги фарқ йўқолиб кетсин.

«Ахир, бу ВЦИК раиси учун ажойиб дастуруламал эмасми? Буржуа давлатининг биронта ҳам президенти ўз олдига бундай вазифа қўёлмайди...» — деб ўйлади Ленин дўсти учун фахрланиб.

Михаил Иванович ўтирди. У кечиктириб бўлмайди-ган ишлар бўйича маслаҳатлашгани келган эди. Шанба куни гаплашишнинг иложи бўлмади.

Михаил Иванович папкани стол устига қўйиб, ишларини шошилмай бирин-кетин баён қила бошлади. Уларнинг ичида нохушлари ҳам бор эди: маҳаллий ҳукуматларнинг ўзбошимчалиги, амалдорларнинг такаббурлиги ва расмиятпарастлиги, айниқса, қишлоқ жойларда қулоқларнинг яширин ва ошкора чиқишлари...

Тахминан бир йилча аввал ВЦИК ўлим жазосини бекор қилган эди. Ҳали ҳамма душманларини итқитиб ташлашга улгурмаган ёш давлат адмирал Колчакни қамоққа олиши ва Деникин армиясини тор-мор этиши биланоқ, ўзининг буюк инсонпарварлигини намоиш этиб, жиноятчиларни ҳаётдан маҳрум этиш йўли билан жазолаш ҳуқуқидан воз кечди. Бу улуг воқеа эди. Би-

роқ бу одилона ва мурувватли иш Совет ҳокимиятининг ожизлигини ёки авфи умумий йўлига ўтиб олганини билдирмас эди. Йўқ! Қонунчиликни бузадиганларни шафқатсиз жазолаш керак!

Владимир Ильич яна дераза ёнига келди.

— Ҳа, Михаил Иванович, — деди у. — Совет ҳукуматига зарар етказишнинг йўллари жуда хилма-хил... — Шундай деб фортчкани очди.

Соат бирдан ошган эди. Троицк минораси томондан Кремль курсантлари қўшиқ айтиб келяпти.

Белая армия, черный барон
Снова готовят нам царский трон...
Но от тайги до британских морей
Красная армия всех сильнее!

Ленин қулоқ солди. Қўшиқ ҳам, курсантларнинг жарангдор овози ҳам унга маъқул тушди.

Так пусть же Красная
Сжимает властно...

Қўшиқ тинди.

Орага чўккан сукунат ичида Совнарком биноси олдидаги майдонда самокатчилардан бири машинасининг моторини юргизмоқчи бўларди. Аммо ёнилғисининг мазаси йўқ шекилли, мотор жиндай ишлаб, ўчиб қоларди.

Михаил Иванович Ленин моторнинг ишлаб кетишини кутаётганини пайқади. Ниҳоят, мотор ишлаб кетди ва Ленин енгил тортиб, дераза олдидан кетди-да, стол ортига бориб ўтирди.

У Калининга ишлардан бир қисмини Совнарком мажлисига қўйишни, бемазагарчиликларнинг айбдорларини кўпроқ қамоққа олиш, судга беришни маслаҳат берди.

Эҳтимол, бугун ҳаётнинг гўзаллиги ҳар қачонгидан кўра рўйи-рост намоён бўлаётгани учунми, Ленин бу гўзалликни «ички» душманлар ва ландавурларнинг хуружидан мангу халос этишни истарди. Владимир Ильич Калининга қонунчиликни принцип даражасига кўтариш ва унга энг қатъий тарзда амал қилиш зарурлигини гапирди.

Ҳеч кимга Совет ҳокимиятини обрўсизлантиришга йўл қўйилмайди, ҳеч кимга унинг йўлини бузиш имкони берилмайди. Ана шунда унинг «турфа хиллиги» ҳақида гапириш учун асос қолмайди.

Ленин қўлини столга қўйди, сўнгра гаплашган нарсаларнинг ҳаммасини бир чеккага суриб қўяётгандай, кафтини кафтига урди-да, сўради:

— Сиз нима деб ўйлайсиз, Михаил Иванович, съезд хўжалик масалаларига эътибор билан қарармикин? Биринчи марта бу масалани шунақа кенг қўйишимиз...

Ленин ҳаммадан аввал ГОЭЛРО планини назарда тутмоқда эди.

Калинин ўйланиб, бармоқлари билан столни чертди.

— Уруш ҳақида эмас, хўжалик ҳақида гапира бошлаганимиз одамларни хурсанд қилади. Улар меҳнатни соғиниб қолган. Ҳақиқий инсон, Владимир Ильич, табиатига кўра — ижодкор...

Ленин иягини қўлига тираганча Калининнинг гапини қизиқиш билан эшитиб ўтирар, Калинин эса эски одатига кўра «восьмой съезд» ўрнига «осьмой» деб, салмоқ билан бамайлихотир жавоб беради.

— Қувватлашлари керак!

— Бошқача ўйлайдиганлар-чи?

— Билмадим, Владимир Ильич...

Бу «бошқача ўйлайдиганлар» идрокли, билимдон, бир қисми эса ҳатто истеъдодли одамлар эди. «Съездда жанг бўлармикан? Кўра-миз-да...»

Калининни жўнатгач, Владимир Ильич кўтаринки кайфият билан кабинетда у ёқдан-бу ёққа юра бошла-

ди. У хонани бир-икки марта айлангач, бирдан стол олдида тўхтади. Бу нима? Китоблар устида гарам бўлиб уюлиб ётган газеталардан биридаги кичкина эълон унинг диққатини жалб қилди. Газетани қўлига олиб, кўз югуртирди: «Доклад: Коинот ва инсон». Ленин трубкани олди.

— Менга, марҳамат қилиб,— Владимир Ильич эълонга кўз ташлади,— Политехника музейини улаб беринг.— Мен кутиб тураман...

Орадан кўп ўтмай телефон уланди. Бир аёл, техник ходим шекилли, икки марта «гражданин, мендан нима истайсиз?» деб сўради-ю, лекин доклад нима тўғрисида бўлишини Ленинга аниқ айтолмади. Бу пайтда яқин-атрофда бошқа ҳеч ким йўқ экан. Владимир Ильич ўзининг кимлигини айтиб, тегишли одамга телефон қилиш ҳақидаги илтимосини етказишни сўради.

«Эҳтимол, эҳтимол, ўша одамдир!— Ленин ўзини ўзи ишонтирарди.— Ҳадемай, Марсга! Бўлиши мумкин!»

24. ҚУВНОҚ ОДАМЛАР

Лампочка ёнди, телефон орқали гаплашиш керак эди. Ленин эса «Индинга қандай ишларим бор? Соат бирда нима қилишим керак? Вақт тополмасам-а?» деб ўйларди. У календарни варақлади ва таассуф билан бош чайқади.

Уйдан қўнғироқ қилишиб Горький келган эди, кетмоқчи бўляпти, шунинг учун Володя овқатлангани соат тўртдан олдинроқ келса, яхши бўларди, дейишибди.

Владимир Ильич эртароқ боришга ваъда берди ва секретарини чақирди.

— Индинга,— деди у буйруқ оҳангида, лекин гапининг оҳангидан ҳазиллашаётгани ҳам сезилиб турарди:— индинга, мен соат бирдан учгача бўш бўлишим керак. Сиз мени бўшатиб қўйишингиз керак. Ҳа, ҳа!

Менга айти шу вақт зарур бўлиб қолиши мумкин. Соат бирдан учгача!

Ленин ҳам жиддий, ҳам ҳазил қилиб гапирмоқда эди. Бўлмаса, у Халқ Комиссарлари Советининг Раиси, худога шукур, ўз вақтига ўзи хўжайин!

— Ундай бўлса, Владимир Ильич... Унда мухбир билан учрашувни сизга маъқул вақтга кўчирамиз.

— Бу мухбирга маъқул бўлади деб ўйлайсизми?

— Аниқлайман, Владимир Ильич.

— Яхши... Мен бўш бўлишим керак. Бундан шахсан манфаатдорман,— деб эътироф этди Владимир Ильич ва қўшимча қилди:— Яна ким бор?

— Соат бирда мухбир... учда эса Можайск уездидан совға-салом билан келган деҳқонлар вакилларини қабул қилишингиз керак.

— Ана, ана!— Ленин илиб кетди.— Совға-салом билан денг! Исириғлари ҳам бордир? Хўш, хўш... Мадҳиябозлик бўлар экан-да?— Шундай деди-ю, кўнглидан бошқа гап ўтди: барибир, қабул қилиш керак, қишлоқдаги аҳвол ҳақида, амалий ишлар тўғрисида гаплашиши керак.— Соат учга қайтаман. Демак, мухбир қолади... Марҳамат, аниқланг...

— Хўп бўлади, Владимир Ильич.

Ленин чиқиб кетди, секретарь эса эшик олдида анчагача туриб қолди.

Торгина ошхонада овқатланиб ўтиришар экан, Ленин ҳар галгидек қувноқ ва бардам эди.

— Кейин иштаҳамни бўғиб юрмаслик учун, олдиндан айтиб қўяй,— деди Горький «ў»ни ўзига хос тарзда талаффуз этиб,— салкам зўрлик билан овқатга олиб қолинган одамман.

Горький «ў»ни кўп ишлатар, уни чўзиб, худди атайин урғу бераётгандай талаффуз этарди.

— Қолганимдан кейин, албатта, овқатдан тановул қилишим керак. Кейин буларнинг ҳаққини еб қўйдим

деб виждонан қийналиб юраман. Еганда ҳам боплаб ейман. Ахир, Волга бўйдан чиққанман, кап-катта одамман, ўтмишда ҳаммоллик қилганман, дайди бўлганман.

— Қийналинг, қийналаверинг,— деб ҳазиллашди Владимир Ильич.— Айтишларича, рус халқи, айниқса, рус ёзувчилари қийналишни севишар эмиш. Улар учун бундан лаззатлироқ нарса йўқ эмиш.

— Шунақа дейишади,— деб жавоб берди Горький.— Лекин ўта даражадаги қабиҳ бемазагарчиликларни ва бемаза тартибларни оқлаш учун гапиришади. «Севишар» эмиш-а! Беҳуда гап! Мен қийналишни севмайман.

— Демак, сиз рус эмассиз. Ёзувчи ҳам бўлолмайсиз, албатта,— деди Владимир Ильич.— Бу мутлақо аниқ гап!

— Жуда ҳам бўлиши мумкин,— деб рози бўлди Горький ва жиддий оҳангда давом этди.— Бироқ аввалроқ ёзган нарсаларимни қайта ўқиб чиқсанг, ҳали ҳаётни шу қадар ёмон билганингдан, асаринг шунчалик бўшлигидан, бошингни чангаллаб қоласан, киши!

Владимир Ильич кўзларини қисиб, жилмайди:

— Халқ ҳаётини билмайдиган бўш асар ёзадиган сизмисиз, Алексей Максимович?

— Мен, Владимир Ильич, мен,— деб Горький унинг гапини маъқуллади.

— Ошириб юбордингиз, биродар,— деб қаршилиқ қилди Ленин.

— Тўғри айтяпман, Владимир Ильич, ҳақ гап!

— Мен қўшилмайман, буни ҳеч ким ҳам тасдиқламайди... Лекин баъзида ҳозирги ҳаётдаги айрим нарсаларга ғалатиноқ қарайсиз. Қарайсизу, бошқа нарсани кўрасиз,— деди Ленин.

Алексей Максимович сергакланди:

— Билмадим, билмадим... Тўғрилигига кафил бўлолмайман. Бироқ шуниси шубҳасизки, бу гап мунозарали ва чўзиладиган гап.

— Ҳа, ҳа,— деб маъқуллади Ленин: бу гапни икковлари ёлғиз қолиб давом эттирганлари яхши.— Демак, ёмон ёзаман денг.

— Ҳа, Владимир Ильич. Ўқиб, уялиб кетасан, киши. Кайфнинг бузилади. Жуда ёмон аҳволга тушасан.

— Қийналасизми, Алексей Максимович?— айёрлик билан сўради Ленин.

— Қийналаман, Владимир Ильич. Жуда қийналаман.

— Ана, кўрдингизми?— Ленин, Мария Ильинична ва Надежда Константиновна бараварига кулиб юборишди.— Яна севмайман дейсиз?

Горький ҳам кулиб юборди, у қоқ суяк бўлиб қолган бармоғи билан кўз ёшларини артаркан хаёли қошиб, узун оёқларини чўзиб юборди. Лекин кимнингдир оёғига тегиб кетди-ю, енгил сесканди ва қошиғини қўйиб, теварак-атрофига бош ирғаб, кечирим сўради:

— Авф этасиз... Авф этасиз., Утиниб сўрайман, кечирасиз... Худо ҳаққи, ўтиниб сўрайман!— У тин олди. Кейин қўшимча қилди:— Лекин гапнинг ростини айтганда, Халқ Комиссарлари Советининг Раиси катта меҳмонларни — мен бўй масаласида айтяпман — хижолат қилмаслик учун, каттароқ ошхонага эга бўлса, чакки бўлмас эди.

— Агар шу мақсадда бўлса, гапингиз тўғри,— деди Ленин.— Мен сизга бир гапни айтай, Алексей Максимович. Билмадим, кулгини руслардан кўра ортиқ кўрадиган ва қадрлайдиганлар топилармикан? Ёки бу гапим — чучмал ватанпарварликми?

— Йўқ, Владимир Ильич. Бу гапингиз ҳақ. Буни бошқалар ҳам айтишган.

— Ана кўрдингизми!..— деди Ленин ва аллақандай хира суюқликдан ҳўплар экан. — Шўрва ажойиб бўлипти-да!— дея мақтаб ҳамма қатори столда ўтириб овқатланаётган уй хизматчиси Александра Михайловнага мурожаат қилди.— Ажойиб шўрва! Яшанг Саня!

Аёллар аввал бир-бирларига сўнгра Ленинга хавотирланиб қарашди.

— Нима гап? — сўради Владимир Ильич.

— Бир гуноҳ иш бўлди, Володя, — деди Надежда Константиновна. — Мен бугун овқат пиширишга бир аралашай, Саняга ёрдамлашиб юборай деган эдим... Атиги, беш минутча қарашдим, халос. Лекин ёрдамлашини ҳам роса боладим... Нима бўлди, дегин. Саня сезиб қолди-ю, лекин кеч сизди. У шўрвага туз солган экан. Устига мен ҳам солибман... Айбдор Саня эмас, мен...

— Икки марта туз солдингларми? — Ленин ҳаммага кўз югуртириб чиқди. — Бўлса бордир... Бўлса бордир... Лекин шўрва менга жуда маъқул бўлди...

— Яхши шўрва бўлипти, — деб унинг гапини маъқуллади Горький.

Шундай бўлса ҳам, Александра Михайловна ўзини айбдор ҳис қилар ва Владимир Ильич билан Горькийга қарамай ўтирарди.

— Лекин шўр балиқни, — деб ноқулай вазиятни тўғриламоқчи бўлди Ленин, — ҳақиқатан ҳам, Саня жуда бошлаб тайёрлапти. Жуда мазали!

Шундай деди-ю, Александра Михайловнага қаради.

— Шўр балиқни, Владимир Ильич, — деди оҳиста Александра Михайловна, — мен тайёрлаганим йўқ. Совнарком ошхонасидан олган эдик...

Горький гапни бошқа ёққа буриб юбориш мақсадида диққатни жалб қилиш учун йўтала бошлади, бироқ бир лаҳза дами ичига тушиб кетгандай кўринган Владимир Ильич стулнинг суянчиғига ташланди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Александра Михайловна бўшаган тарелкаларни йиғиб, олиб чиқиб кетди.

— Сира ҳам омадим келмади-келмади-да, — деди Владимир Ильич. — Мақташни ҳам роса ўрнига қўйдим. Қош қўяман деб, кўз чиқардим!

У ҳамон жилмайиб туриб, хушомадгўйлик ва ла-

ганбардорлик кўпинча тескари натижа бериши ҳақида гапирди. Сўнг бир нарса эсига тушиб, Надежда Константиновна ва Мария Ильиничнага қараб, хавотирланиб сўради:

— Ҳа-я! Индинга соат бирдан учгача сиз билан бирга қиладиган нима ишимиз бор? Бирор одам билан учрашувни белгиллаган эмасмисиз?

— Йўқ шекилли, — деб жавоб берди Надежда Константиновна. — Нима эди?

— Шу куни мен Совнарком Раиси сифатидаги зимамда турган вазифаларга эътибор бермай, хизмат вақтидан икки соатини ўзим учун фойдаланмоқчиман.

— Бошланиши қизиқ, — деди Горький.

— Ўзим учун? — деб сўради шубҳа билан Надежда Константиновна.

— Ўзим учун, — деб тасдиқлади Владимир Ильич.

— Наҳотки, шу вақтда бирор жойда концерт бўлса?

— Концерт эмас...

— Театрми? Ёки бирор асар ўқилармикин? — сўради Мария Ильинична.

— Йўқ, йўқ.

— Виставками?

— Йўқ, виставка ҳам эмас.

— Ўз фикримни баён этишга журъат қиламан, — деди Горький: — Владимир Ильич карта ўйнагани бормоқчи.

Ленин кулди:

— Мен инсониятнинг техник ва илмий имкониятлари ҳақидаги докладни эшитгани бормоқчиман. — Сўнг ўз-ўзидан ойдин нарса ҳақида гапираётгандай илова қилди: — Ой ва Марсга учиб ҳақида. Ҳа, ҳа... — деди-да, овқатланишда давом этди.

— Сўрашга ижозат бергайсиз, Владимир Ильич, қудди шу тарзда — Ойга ва Марсга деб эълон қилинганми?

Горькийнинг сўзларида, қарашида шубҳа ва киноя бор эди.

— Йўқ, йўқ... Аниқ шундай дейилмаган. Хўш, нима эди, бўлиши мумкин эмасми?

— Мутлақо мумкин эмас...

Мария Ильинична бир нарса эсига тушиб, шоша-пиша бошқа хонага чиқиб кетди. Александра Михайловна қуюқ овқатни олиб киргунча, Мария Ильинична қўлида кичкина блокнот билан қайтиб келди.

— Володя, пидинга соат иккида сен «Правда»нинг илгчи мухбири Свистковни қабул қилмоқчи эдинг, шекилли... Эсингдами, мен сенга айтган эдим,— деди Мария Ильинична эҳтиёткорлик за илтимос билан: — Сал бўлмаса, Свистковни унутай дебман-а.

— Маняша, умидимни чиппакка чиқаряпсан!

— Шоям... — деди Мария Ильинична блокнотдаги ёзувга синчиклаб тикилиб. — Иккида эмас, саккизда шекилли... Ҳа, ҳа... Кечирасан, саккизда экан... Шошиб ёзган эдим...

— Қўриқтиб юбординг-ку мени! — деди Владимир Ильич ва Горькийни Политехника музейига бирга боришга ундий бошлади. Кейин Анатолий Васильевич унга электрлаштириш ишига бағишлаган роман тўғрисида гапирган-гакирмаганини суриштира кетди.

Овқатдан сўнг Наренда Константиновга билан Мария Ильинична Женя билан Горькийни ҳола қолдиринди. Одатда кўнрачча улар бемалол гаплашиб оладилари учун уларни ҳола қолдиринар эди. Бироқ сўнгги вақтларда Наренда Горький кўп вақтларини шундай қўриқарди. Бироқ у шундан билан ушиб бериётган ҳаёт ҳолатлари ва фактларини унга кўп вақтларини сўрасалар чиқарти эди. Аниқларини ҳам ҳола қолдирди кулфатлар ва фактларини, шунингдек, шунингдек, тез жараёндашганини билдириш билан унинг қўлидаги блокнотдаги ушбу ишга шунингдек ҳам қўриқарди. Бироқ у шундан билан ушиб бериётган ҳаёт ҳолатлари ва фактларини унга кўп вақтларини сўрасалар чиқарти эди. Аниқларини ҳам ҳола қолдирди кулфатлар ва фактларини, шунингдек, шунингдек, тез жараёндашганини билдириш билан унинг қўлидаги блокнотдаги ушбу ишга шунингдек ҳам қўриқарди.

локатлар, бу оғир синовлар нима учун эканини охиригача кўрмай туриб, кўзини юмиб олган пайтлар ҳам бўлган. Кейин ўзи эътироф этишича, Горький революцияни ишонмай қарши олган... Миллионлаб деҳқонлар болта кўтариб, миллионлаб солдатлар милтиқ кўтариб чиқиб, ватанини анархия қуюпида, асрлар давомида тупланиб қолган нафрат ва интиқом қуюпида чирпирак қилиб ташлашлари мумкин бўлган бир мамлакатда революция бўлса, Россиядан ному нишон ҳам қолмаслиги мумкин! Кейинчалик ҳам, Брест сулҳи кунларида, Горький ўз оёқлари билан ҳар қаричини юриб чиққан она-тупроқ яна хавф остида қолганида, Алексей Максимович «Бевақт фикрлар» деган мақоласида Совет ҳукумати кескин танқид қилди. Революция руҳидан узоқдаї кўринган Александр Блок эътирос билан революцияни қўллаб-қувватлаб чиқди, Горький эса мунозара қилиб, ўзиникини исботламоқчи бўлди...

Ун туққизинчи йилнинг иккинчи ярмида Алексей Максимовичнинг «асаблари чидаш бермаганини» Ленин кўрди. «Сизнинг гап-сўзларингиздаги каби, мактубингизда ҳам мажруҳ таассуротларингиз жам бўлиб, нотўғри кулосалар чиқаришингизга сабаб бўлипти», — деб ёзган эди Владимир Ильич Горькийга.

Ленин дўстини воқеаларга бошқа кўз билан қарашга ундар эди.

Горький эртаю-кеч тиним билмай ишлаб, янги ҳаётнинг изга тушиб кетиши учун кўп фойда келтирди — у олишлар ва ёзувчиларга хомийлик қилди, адабиёт нашриётига раҳбарлик қилди. Лениннинг назарида у ғайри расмий халқ комиссарлигига айланди. Бу комиссарлик бошқа кўп ишлардан ташқари Ғарб маданияти арбоблари билан алоқани ҳам амалга оширарди. Лекин шундай бўлса ҳам... Жиддий, аёвсиз ва айни чоқда дўстона суҳбат бўлиши муқаррар.

Анча вақтгача опхонадан Горькийнинг бўғиқ ва юмшоқ, Лениннинг эса, қатъий, баъзан кескин оҳангда-

ри овозлари эшитилиб турди. Кейин самимий кулги эшитилди, сўнг яна кескин овоз...

Ленин иш кабинетига қайтиб келиб, яна юмушлар ичига кўмилар экан, ўқтин-ўқтин Политехника музейига бориши ҳақида ўйларди.

Ниҳоят, Ленинга музейдан қўнғироқ қилишди... Адашипти!

Ҳеч қандай Марс ёки Ойга учиб ҳақида гап бўлмайди... Қаёқдан ўйлаб чиқарди буни? Вунинг устига Горькийни, уйдагиларни ишонтирмоқчи бўлди. Майли, ҳеч қиси йўқ... Унинг хаёлларига, ажаб-товур режаларига уйдагилар кўникиб қолишган. Ахир, ўн еттинчи йилнинг апрелида муҳожирликдан Россияга соқов швед қиёфасида қайтмоқчи бўлган эди-ку... Адашишлар бўлади-да!..

Лекин, афсусланарли иш бўлди... Наҳотки ўшанда қулоғига чалинган, холос?

25. СЪЕЗДДА

Йигирма иккинчи декабрда съезд Халқ Комиссарлари Советининг фаолияти ҳақидаги докладни тинглади. Доклад эллик-олтмиш минутга мўлжалланган эди. Бироқ Владимир Ильич гапираётганига бир соатдан ошиб кетди.

Ленин чап қўлида саҳифаларни ушлаб олганича, саҳнанинг олдигинасида у ёқдан-бу ёққа юриб гапирарди. Сўнгги чорак аср давомида ҳар хил мажлисларда, съездларда, конгрессларда кўпчилик олдида у жуда кўп марта нутқ сўзлаган. Нутқлар ва докладлар одат тусига кириб, заруриятга айланиб қолган, аммо, шундоқ бўлса ҳам, Владимир Ильич ҳар гал сўзлашдан аввал ҳаяжонга тушарди. Ҳар гал бошқача...

Большой театрининг улкан зали ғира-шира эди. Лампочкалар хира ёнмоқда. Саҳнадан қараганда зал қизил духоба билан безатилган зарҳалли горга ўхшаб кўринадди.

Ленин қоғозларга деярли қарамай гапиряпти. Унинг съезд делегатларига айтмоқчи бўлган ҳамма гапи қалбдан чиққан, унутиш ва бошқача айтиш мумкин бўлмаган фикрлар ва хулосалар эди.

Электрлаштириш масаласи биринчи масала эмас эди. Унга етиб боргунча Польша билан уруш ҳақида гапириб бериш, ўтмишдаги вақтинча муваффақиятсизликларни изоҳлаш, Шарқдаги сиёсатнинг ютуқларини, Бухоро, Озарбайжон ва Арман Совет Республикалари тузилганини айтиб бериш, бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари ҳақида, концессиялар ҳақида ва яна аллақанча нарсалар тўғрисида сўзлаб бериш лозим эди. Шундан кейингина хўжалик fronti ҳақидаги гапга ўтса бўлади.

Бу янги фронт ҳақидаги тезисга яқинлашар экан, Ленин унга бутун ҳаёти давомида курашнинг ҳамма босқичлари: партияни тузиш, революцияни тайёрлаш, граждандар уруши орқали ўтиб келганини ҳис қилди. Бу босқичларни ҳамма — мамлакат ҳам, партия ҳам, унинг ўзи ҳам босиб ўтиши керак эди. Босиб ўтишди ҳам...

— Мен сўнгги пункт устида — электрлаштириш масаласида тўхтаيمان. Бу масала съезд кун тартибига алоҳида масала сифатида қўйилган ва сиз ҳали бу масала юзасидан доклад тинглайсиз. — Ленин анчадан бери гапиряётган эди, у гарчи аввалгидай ғайрат билан қўлларини силкитиб, ўз фикрларини тингловчиларга тўлиқ етказиш учун ҳар бир сўзнинг маъносини имкони борича очиқ аңглатиб гапиряётган бўлса ҳам, чарчаганлиги сезила бошлади. Овози ҳам бир оз бўғилиб келгандай эди. Бироқ сўз электрлаштириш масаласига кўчиши билан Лениннинг овози яна зўрайиб кетди.

— Мен ўйлайманки, ҳаммамиз Совет ҳукумати-нинг йирик муваффақиятларидан дарак берувчи жуда катта бурилишнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бутунрос-

сия съездларининг минбарларига бундан буён фақат сиёсатчилар ва маъмуриятчиларгина эмас, инженерлар ҳам, агрономлар ҳам чиқади. Бу энг бахтиёр даврнинг бошланишидир. Бу шундай даврки, унда сиёсатчилар борган сари камаяди, сиёсат ҳақида борган сари камроқ гапирилади, инженерлар ва агрономлар кўпроқ гапирадиган бўлишади.

Сукут сақлаб ўтирган ним қоронғи зал жонланиб кетди. У томондан ноаниқ гулдирак овозини олиб келган шабада тургандай бўлди... Мамлакатнинг баҳайбат кемаси янги томонга йўл олиб бурилмоқда, эски, кўникилган алоқалар синиб узилмоқда, янгилари ўрнатилмоқда эди. Миллионлаб одамларнинг куч-қуввати мамлакатни қайта қуришга йўналтирилмоқда ва одамлар ҳозир буни маъқуллаб жавоб бермоқда эди.

Ленин бундай ғовурларни юзлаб марта эшитган. Юзлаб марта, ҳа, ортиқ бўлса ортиқки, ҳеч кам эмас, у норозилик ғовурини, ашаддий қаршиликни, сўкиш ва қичқиришларни эшитган. Албатта, маъқуллаш билан норозилик бир нарса эмас, лекин норозилик ҳам унинг ғайратини жўширар, зарбага кучлироқ зарба билан жавоб бериш истагини алангалатарди.

Владимир Ильич бир зум гапни тўхтатиб, саҳнада юра бошлади ва залдан маъқуллаш ғовурини олиб келаётган шабадани ҳамон ҳис қилиб, дедим этди:

— Ҳеч шубҳа йўқки, биз сиёсатни ўрганиб олдик. Бу масалада ҳеч ким бизни йўлдан узмайди. Бу масалада биз пухта заминга эгамиз. Бундан буён эса энг яхши сиёсат шу бўладикки, камроқ сиёсатбозлик қилиш керак. Инженерлар ва агрономларни камроқ кўтаринг, улардан ўрганинг, уларнинг қилишига эътиборинг боринг, съездлар ва кенгашларни қилишига эътиборинг айлантирманг, балки хўжалик қуришга фақат сиёсатни текшириш истагини, хўжалик қуришда сиёсатнинг қандай нақам ҳоқ олишинигиз мумкин бўлган ҳар бир оғирликни эътиборинг.

Бу жараён ҳам катта қийинчиликлар билан содир бўлади. Ленин буни яхши билади. Лекин бу соҳадаги душманлар деникинлар ва врангеллар эмас, балки ўзимизники деб ҳисобланган одамлар — ҳар хил тусдаги ялқовлар, текинхўрлар бўлади... Йиллар давомида тарбиявий иш олиб бориш керак.

Владимир Ильич қоғозга кўз қирини ташлаб, «Деҳқонлар ғайрати: «нотабий нур» деган сўзларни ўқиди ва қайта-қайта ҳузур қилиб эслагани Кашинога сафари ҳақида ҳозир шу ерда, бу гал ҳам ҳузур билан, гапириб беришини ҳис қилди.

Бироқ Кашинодан аввал бошқа нарса ҳақида — Сухаревка ҳақида ҳам гапириш лозим. Сухаревка деган бозорни ёпиб қўйиш осон, аммо ҳар бир майда хўжайиннинг юрагида яшаётган «сухаревка» борки, у капитализмнинг асосини ташкил қилади. Лекин аввал энг муҳими ҳақида гапириш керак:

— Мана шу китоб («Босиб чиқаришга улгуришди, азаматлар!») Россияни электрлаштириш бўйича давлат комиссияси қилган ишларнинг якунидир. — Ленин китобни боши устида баланд кўтарди. — Бу китоб бугун ё эрта ҳаммангизга тарқатилади. Китобнинг ҳажмидан чўчимассиз, деб ўйлайман. Бу китобнинг алоҳида аҳамияти борлигига сизни ишонтириш унча қийин бўлмаса керак, деб ҳисоблайман. Назаримда, бу партияimizнинг иккинчи программаси.

Ленин бу тезисга изох бера бошлади: бу программа ўзгармай қоладиган нарса эмас. У ҳамиша ҳар бир устахонада, ҳар бир волостда мукаммалланиб, яхшилааниб туради... Кейин Владимир Ильич камоли ишонч ва хотиржамлик билан тезисларига ёзиб қўйган сўзларни айтди:

— Коммунизм — Совет ҳокимияти плус бутун мамлакатни электрлаштириш демакдир. Акс ҳолда мамлакат майда деҳқон мамлакатлигича қолиб кетади. Буни ҳаммамиз пухта англаб олмоғимиз лозим...

Съезд ГОЭЛРО планини маъқуллади. Мамлакат ҳаётида ҳам, Лениннинг шахсий ҳаётида ҳам янги марра эгалланди, йўл кўрсатувчи янги устун қўйилди.

Мажлислар орасидаги танаффусда Владимир Ильич оёқ устида бир стакан чой ичиб, фойега чиқди.

Бакиллар гуруҳ-гуруҳ бўлиб олиб, қизгин суҳбат лашмоқда эди. Мамлакат янги даврга кирмоқда ва бу туйғу озми-кўпми ҳаммага таъсир этган эди. Контрреволюция билан кураш муваффақиятли тамом бўлди. Биринчи ўринга деҳқон кулбасидаги лампочка, унинг далаларига келадиган техника, заводлар, конлар, шахталар қурилиши чиқмоқда...

Владимир Ильич бир гуруҳ ўртоқларга яқинлашди. Уларнинг орасида Кржижановский ҳам бор эди.

Глеб Максимилианович ҳамisha бирон қизиқ нарса ҳақида гапирар, гап фан ва техника масалаларига тақалса, сўнгги кашфиётлар ҳақида маълумот берар ёки нималар бўлиши мумкинлиги ҳақида ўз фикрларини баён этарди. Январда Владимир Ильич, унинг электрлаштириш ҳақидаги мақолаларидан бирида «Моддаларнинг радиоактивлиги томон порлоқ истиқбол очилаётгани...» ҳақидаги фикрни ўқиди.

Ҳозир Глеб Максимилианович Альберт Эйнштейннинг нисбийлик назариясидан ўзича аниқлаб олган асосий қонунларни гапириб бермоқда. XX асрнинг энг буюк кашфиётларидан бири бўлмиш бу назарияни чинакам тушунадиган одам дунёда беш-олтита топилади, деган маълум ҳазилнинг тагида ҳақиқат бор эди. Бу назарияга тушуниш учун ҳозирги замон физикаси ва математикасини маълум даражада билиш, абстракт категориялар билан фикрлай олиш қобилияти керак эди.

Владимир Ильич қулоқ солди.

Бир вақтлар «Материализм ва эмпириокритицизм» китоби устида ишлаётганида, у дафъатан оламнинг чексизлигини етарли даражада аниқ тасаввур қила ол-

маган эди. «Хўш, ундан нарида-чи? Ундан нарида нима бор?— деб талаб қиларди ўз-ўзидан.— Хўш, бу галактикадан кейин-чи? Ундан нари-чи? Яна битта галактика бор, дейлик, кўпгина юлдузлар системаси бўлсин, улардан кейин-чи? Самовий жисмлар тугаб, бўшлиқ бошланадиган чегара қаерда? Бундай чегара йўқ, бундай бўшлиқ ҳам йўқ...»

Ҳозир Ленин замонавий илмнинг ютуқлари ҳақидаги суҳбатни мамнуният билан тингламоқда. Ҳеч қачон ўзини буюк эмас, ҳатто оддий олим деб ҳам ҳисобламаган Ленин ҳозирги дақиқада инсоният ақлининг чексиз имкониятларини исбот қилиб, эртдан-кечгача илм билан шуғуллана оладиган одамларга ҳавас қилди.

— Жисмларнинг хоссасини ва уларнинг фазовий даврий муносабатларини,— деб давом этарди Кржижановский,— назария бир-бирига боғлиқ деб қарайди ва уларни механик ҳаракатга боғлаган тарзда ўрганади.

Кейин у Эйнштейн назариясининг таянч нуқталари бўлмиш вакуумдаги ёруғлик тезлигининг нисбийлиги принципини ва доимийлиги принципини гапира бошлади.

Ленин бир оз олдинга эгилиб, люстриндан тикилган костюмининг барини икки ёнига суриб, қўлларини белига қўйганча тингларди.

Ғалати замон!

Инсониятнинг энг буюк мутафаккирлари асрлар оша орзу қилиб келган нарсаларнинг ҳаммасини ҳозир рўёбга чиқариш мумкиндек туюларди. Революциянинг ўзи чексиз эди, шу пайтгача рўёбга чиқарилгани — бошқа улкан нарсаларнинг бошланиши эди, холос. Ғалаба одамларга қанот бағишлаган, уларни маст қилиб қўйганди. Ғалаба нашидасидан маст бўлганлар эса, ҳамма нарсани бирдан қилишга, қилганда ҳам, албатта, «жаҳон миқёсида» қилишга интилишади.

Улар ҳамма жойда ва ҳамма соҳада бира тўла ға-

лабага эришиб қўя қолиш учун ҳамма нарсани ўзгартиришни, инсоният тўплаган бойликларни шу вақтнинг ўзидаёқ дарҳол оммага беришни исташарди. 1918 йилда Петроград Совдепининг китоб нашриёти революция доҳийлари Маркс ва Энгельс асарларидан ташқари К. Каутский, П. Лафарг, Ф. Меринг, К. Либкнехт, Т. Кампанелла, Т. Мор китобларини босиб чиқарди. «Умумжаҳон адабиёти» нашриёти эса кўпгина мамлакатлар ва халқлар ёзувчиларнинг асарларидан 2500 томлик кутубхонани нашр қилишга киришди. Костер ва Петроний, Л. Аннунцио ва Ахилл Татий Александрийский, Байрон ва Эрнст Теодор, Амадей Гофман асарларини босиб чиқармасликнинг сира иложи йўқдай эди. Ишчи-деҳқон оммаси, гарчи ҳали бу омманинг кўпчилиги қўлига ҳатто алифбе ушламаган бўлса ҳам, бу асарларнинг ҳаммасини бир зумда ўзлаштириб оладигандай туюларди...

— Биз илм ва техника тараққиётида янги ва мислсиз сакраш арафасида турибмиз,— дерди Кржижановский.— Янги цивилизация тонги отиб келмоқда. Инсонийлик назарияси, самолётсозликнинг тараққиёти... электротехника бизни атомлардаги ички қувват бойлигига яқинлаштирди... Фазо-чи? Фантастик ёзувчиларнинг севимли жойидан олимлар ва инженерлар амалий фаолият кўрсатадиган жойга айланади.

Ленин қулоқ солди.

Бутун ҳаётини қамраб олган орзу одамлари, кунда содир бўладиган ва кўпинча кўзга кўринмайдиган жасорат одамлари, ҳатто олис-олисларда хизмат қилсалар-да,— ҳамиша — авваллари ҳам, ҳозир ҳам у билан ёнма-ён турардилар. Улар ҳар қандай қийинчиликнинг уддасидан чиқа олардилар. Шу жумладан, Покровский ва рассом Озеровни ташвишга солган қийинчиликларни ҳам бартараф этадилар... Шундоқ бўлса ҳам, наҳотки хаёлга берилиб кетган бўлса? Наҳотки, юлдузларга учишни орзу қилган одамни хаёлида ўйлаб чиқарган

бўлса? Суҳбат Владимир Ильичга ҳам қаттиқ таъсир қилди ва у ҳам космос ҳақида ўз фикрларини айтди.

Лениннинг яқинида большевик рассом А. Е. Магарам турар эди. У Владимир Ильич айтган жумлалардан бирини ёзиб олди:

— Бемалол ўйлаш мумкинки, қуёш системасидаги сайёраларда ва коинотнинг бошқа жойларида ҳаёт мавжуд ҳамда ақлли махлуқлар яшаши мумкин.

Орадан кўп ўтмай Михаил Иванович ҳаммани залга чақирди.

Президиум столи ёнида ўтириб, Ленин музокара-ларга диққат билан қулоқ солди. Чироқларнинг хира-лигидан ҳосил бўлган ним қоронғилик ва юзлаб одам-ларнинг нафас олишидан совуқ ҳавода пайдо бўлган ҳовур залнинг улканлиги туфайли сезилар-сезилмас даражада эди.

Ленин автомат ручкасини олди, уни очди, хаёлга толганича, кўникилган ҳаракат билан ёзишга кириш-моқчи бўлди ва шундагина қоғоз йўқлигини сезиб қол-ди. Алланимани ўйлаганича, у костюмининг бир чўн-тагига қўл тикди, иккинчи чўнтагига тикди — қоғоз йўқ! Кейин атрофига қаради ва ўзига яқин жойда ўтирган Риковни кўрди — у афтидан президиум аъзо-ларидан бирининг олдига бир иш билан келиб, ўтириб қолган эди. Алексей Ивановичнинг қўлида блокнот бор эди — Ленин имоини билан бир варақ қоғоз сў-ради. Алексей Иванович блокнотдан бир варақ йиртиб узатди. У тепасига «Российская Советская Федеративная Социалистическая Республикаси. Халқаролик Олий Кўнсулнинг Раиси. Москва. Кат. Златоуст кўли, уй 5» деган сўз билан эди.

Ленин варақни олиб, миясида ўз фикрларини жумлаларни тез-тез ёзиб босилади. У президент Со-ветларнинг VIII йиллик сессиясининг резолюциясини ёзиб ёзмоқда эди. Ёзиб бўлиб ҳаммасини босиб, ёзиб

чиқди. Риков ҳали кетмаган, лекин бошқа томонга қараб ўтирар эди. Ленин қозони унга суриб қўйди ва оҳиста чақирди:

— Алексей Иванович...

Риков ўғирилди, ёзилган саҳифани кўриб, бош ирғади-да, ўқий бошлади. Ленин унинг чўзинчоқ боши эгилганини, бир тутам сочи пешанасига тушганини кўрди. Риков ручкани олиб, резолюция қўяётган бошлиқлардек камроқ жой олишга ҳаракат қилиб, майда ҳарфларда ёзди: «Иккинчи абзацдаги қавс ичига олинган жойни олиб ташлашни таклиф қиламан—буни қўлланмада айтса ҳам бўлади». Кейин имзо чекди: «А. И. Риков».

Блокнотдан олинган саҳифа яна Ленинга қайтди.

Риков жуда бадхат эди. Ленин унинг хатини биларди, шунинг учун қозоннинг бурчагидаги ёзувни қийналмай ўқиб чиқди-да, «кейин гаплашармиз» деган маънода бош ирғади.

Риков ўз «резолюцияси» билан лойиҳадан Лениннинг ГОЭЛРО планини ҳамма ўқув юртларида бемустасно ўрганиш зарурлиги ҳақидаги ва ҳар бир электростанция, завод ва совхоз электр билан таништирувчи марказга айланиши кераклиги тўғрисидаги тавсиясини чиқариб ташлашни таклиф қилганди...

Съезд ГОЭЛРО планини маъқуллади. Аммо бу планни ҳаётда жорий қилиш учун кураш ҳали-бери тўхтамайдиганга ўхшайди. Бу кураш унча кескин бўлмаса керак, лекин шиддатли ва давомли бўлиши муқаррар. Ахир, ўзингнинг партиядош ўртоқларинг билан курашишга тўғри келади, четга тортувчиларни чиппакка чиқариш, планининг улуғ аҳамиятига тинмасдан ишонтириш ва яна ишонтириш керак бўлади.

26. КЎП КУННИНГ ВОҚЕАЛАРИ

Съезд ўтди. Совнарком билан Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг ҳам анча-мунча мажлислари бўлиб ўт-

ди. Уларнинг бир қисми ГОЭЛРО планини амалга оширишнинг амалий масалаларига бағишланган эди.

...Бирмунча вақтдан сўнг Владимир Ильич бетоб бўлиб қолди. У врачлар ва партия Марказий Комитетининг талаби билан Горкига жўнаб кетди, лекин у ерда ҳам ишлашда давом этди. Кунлар кўникилмаган тарзда ўтарди: врачлар, режим, пойтахтнинг олислиги. Ленин фақат баъзи-баъзида, жуда муҳим иш чиқиб қолгандагина Москвага келар эди.

Бахтига телефон, газета, самокатчилар бор. Унинг Москвадан келадиган алоқачини нақадар сабрсизлик билан кутишини, эҳтимол, Надя билан синглисидан бошқа ҳеч ким билмас.

Муайян бир соатда қорли сукунат қўйинини ёриб мотоциклнинг заиф тириллаши эшитилади. Лаҳза саяин бу овоз кучайиб боради ва, ниҳоят, жуда яқиндан эшитилади — қушлар чириллаб, дарахтлардан осмонга кўтарилади — самокатчи дарвозага етиб келган бўлади. Деярли ҳар куни Владимир Ильич турли ёзувларни, протоколларни кўздан кечиради... Блокнот саҳифаларига бир нарсаларни ёзади. Самокатчи келтирган қоғозлари билан бирга уларни қайтариб Москвага олиб кетади. Ишлаш қанчалик лаззат-а!

Ҳар бир одамнинг ҳаётида шундай вақт бўладики, кейинчалик уни у энг ёрқин дақиқалар сифатида эслаб юради. Болалик таассуротлари бир умр хотирада қолади. Ёшликда берган кўнгил унутилмайди.

Ленин ўз кабинетида ишлаб ўтказган йилларни, Совнарком ва СТО мажлисларини тез-тез эслаб турарди. Кўпинча оғир, таҳликали шароитларда ҳам қувноқлик ва ҳамжиҳатлик билан ишлашарди. Нега у мажлисларда қувноқлик, кулги кўп бўларди? Ахир, уларда рақиблар ҳам, адашаётганлар ҳам, иш бузармонлар ҳам иштирок этарди-ку... Бошқача фикрлайдиганлар ҳам бўларди-ку...

Шундай мажлислардан бирида бўлган воқеа ҳеч кимдан чиқмайди. Ушанда торф ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун тузилган смета муҳокама қилинаётган эди. Бу соҳада жиндай тажриба бор бўлса-да, бараклар масаласида анча тортишув бўлди... Улар қанча туради? Хаёлга келгани эмас, ҳақиқий баҳоси қанча?

Ленин Главторфнинг сметасига қаради — битта баракнинг қурилишига тўрт минг сўм белгиланган эди. Бироқ бу кўпми-камми? Владимир Ильич ўзи ҳам сезмаган ҳолда бармоғини лабига қўйиб столнинг нариги томонига хаёлчан тикилиб қолди: кўпми-камми?

Наркомфин вакили ишонч билан исбот қилмоқда.

— Биз давлат, халқ пулини тежашни ўрганишимиз керак, ўртоқлар. Тўрт минг сўм керагидан икки барабар ортиқ. Икки минг сўм ажратилишини талаб қиламан...

Ҳа, гапи тўғри, ҳаққоний ва ишончли гаплар... Давлат пулини, шак-шубҳасиз тежаш керак... Лекин ишнинг зарарига эмас!

Наркомфин вакили гапириб бўлгунча, Ленин Главторф вакилига тезгина хат ёзиб, «ҳеч барак қурганмисиз?» деб сўради (масалани овозга қўйишдан аввал жавоб олиш керак эди). «Айни тўрт минг сўм кераклигини яхши биласизми?»

Жавоб тез қайтди: «қурганман, яхши биламан — тўрт минг сўм». Ленин хатни бир чеккага қўйиб, Наркомфин вакилидан сўради:

— Кечирасиз, сиз ҳеч барак қурганмисиз?

— Менми? — ажабланди Наркомфин ходими. — Йўқ, ҳеч қурган эмасман. — У кимдир шунақа нарсани сўраб қолади деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. «Барак-а? Тавба? Барак!» — Йўқ, қурмаганман... Йўқ... Йўқ...

— Барак масаласини овозга қўяман, — деди Ленин. — Иккита таклиф бор. Бири — барак қурган ўртоқнинг таклифи, — Ленин «барак қурган» деган сўзга урғу берди. — Тўрт минг сўм берилсин дейди. Иккин-

чиси барак қурмаган ўртоқники — икки минг сўм таклиф қияпти...

Бу гал Ленин «қурмаган» деган сўзга ургу берди.

Залдагилар кулиб юборишди: овоз беришнинг натижаси ҳал бўлган эди. Наркомфин вакили хижолатдан қизариб кетди. Майли, қизарсин. Янаги гал «ўзи қурмаган бўлса», тежашни пеш қилиб юрмайдиган бўлади... Биринчи таклиф учун овоз беришди.

— Навбатдаги масалага ўтамиз.

Олға, олға, олға! Минглаб ишлар орқали мақсадга... Бир-бир ярим соатдан кейин самокатчи келиб қолади. Нима янгилик олиб келаркин? Кўп янгилик келтирармикин?..

Қиш либосидаги Горки сокин эди. Қалин ёққан қор ҳамма ёқни ўзгартириб юборган. Сукунат ва тинчлик ўйлашга ундайди...

Ленин тез-тез сайр қилиб турар, баъзан куракни олиб, йўлларнинг қорини курарди. Бу ишни жуда ёқтирар, белкурак билан ишлаш хонаси келиб қолганда у Симбирскда ҳам, Кокушкинода ҳам, Шушенскоеда ҳам бундай имкониятни қўлдан чиқарган эмас...

Бир куни сайр қилиб юриб, Владимир Ильич Вася деган таниш болани учратиб қолди. У пальтосининг барини қилпиратганча чена судраб, чопиб келаётган эди, бирдан тўхтади ва ўгирилиб қичқирди:

— Салом, Владимир Ильич!

— Салом, Вася! Тепаликками?

— Ҳа... Тепаликда чена учамиз...

Владимир Ильич Васянинг бўйи ўсиб, йигитча бўлиб қолганини, пальтоси калта келиб, елкаси ҳам тикилиб қолганини кўрди. Вақт ўтиб бормоқда!.. Ер шарри бир меъёрда айланмоқда, ойлар, ҳафталар, кунлар, улар билан бирга эса ҳаётнинг бўлаклари мангуликка шўнғияпти... Эллик иккига кирипти...

— Югур бўлмаса, ошна...

Бола югуриб кетди. Унинг пиймалари остидан те-
варак-атрофга қор учди.

Ленин тўхтади.

Бу ердан тепалик, болаларнинг қорамтир қадди-
қоматлари яққол кўриниб турарди. Уларнинг шовқин-
сурони, кулгиси эшитиларди... Қувноқликни қаранг-а!
Тепаликка бориб, ченанинг ипини ушлаб олганича бо-
лаликдагидай оёғини олдинга узатиб, тийғангиси ке-
либ кетди.

...Ким билади дейсиз, унга яна ченада учини насиб
қилармикин... Бош оғриғи, уйқусизлик... Бундан қочиб
қутулиб бўлмайди. Ҳозир касаллик уни нечоғли искан-
жага олаётганини, бошига нима хаёллар келаётганини
ҳатто яқинлари ҳам билмайди. Улар фақат тахмин қи-
лишлари мумкин.

— Вася...

Бола қадамини секинлатди.

— Мени бирга олиб кетмайсанми?

— Олиб кетаман, — деди бола таажжуб билан хур-
санд бўлиб.

— Раҳмат, ошна... — Владимир Ильич жумласи-
нинг охирини бир оздан кейин айтди: — Бошқа сафар
борарман...

Аммо яхши биладикки, бошқа сафар боролмайди.
Ҳеч қачон!

Владимир Ильич уйга қайтди. Бардам ва енгил
кайфият билан почтани кўра бошлади.

Газеталар, бандероллар, мактублар...

Кўриб чиқиш учун юборилган қоғозлар ичида та-
ниш фамилия кўзга чалинди: «Кавлетов!.. Нима му-
носабат билан эслашинти? Бўшатишинтими? Жазола-
шинтими?» Гап бевосита унинг тўғрисида бўлмай,
умумий тарзда эди, лекин мазмунидан Кавлетовни
раҳбарлик ишига кўтаришганини билиб олиш қийин
эмас эди...

«Эҳтимол, бу бошқа Кавлетовдир?.. Ажаб? Наҳотки, шундай бўлса... Суриштириб билиш керак...»

Бошқа қоғозлар билан шуғулланмоқчи бўлди-ю, бироқ бу гап мясидан чиқмади. «Агар ўшанинг ўзи бўлса, қандай қилиб, уни раҳбарлик лавозимига кўтариш мумкин? Нега унинг кўтарилишини аввалроқ бошқалар тўхтатиб қўймади? Борди-ю, у эътибор бермай ўтказиб юборса-чи? (Кавлетов ҳақидаги бу гапга эътибор бермаслиги ҳам мумкин эди-ку!) Шундай система яратиш керакки, бу система соғлом организм ўзини заҳарлаши мумкин бўлган аъзони чиқариб ташлагандай, бюрократизмни, лаганбардорликни, порахўрликни ўзидан чиқариб ташласин. Сақлаб турмасин, балки ситиб чиқарсин. Акс ҳолда — ўлим!..»

Владимир Ильич унутиб қўймаслик учун дарҳол ёза бошлади—бундайларни унутиб бўлармиди. Қолган хатларни кўздан кечираар экан, кўнглининг хижиллиги тарқамади.

Хатларнинг бирида ихтирочиларнинг губерна конференциясига таклифнома. РКП(б) МК ва Москва Совети нашр этадиган «Коммунистик меҳнат учун» газетасида эълон босилипти:

«Ихтирочиларнинг губерна конференцияси 29 декабрда соат 4 да РК ва КД Москва Советининг Оқ залида очилади. Делегатлар ўша ерда эрталаб 9,5 дан рўйхатга олинади».

Ленин сергакланди. Телефон олдиға борди. Трубки олиб, телефонист қиздан ихтирочиларнинг губерна конференцияси ташкилотчилари билан улашни илтимос қилди ва:

— Мен кутиб тураман,— деб қўшиб қўйди.

Ярим минут, бир минут ўтди. Трубкада телефонист қизларнинг гаплари, бир нарсаларнинг шиқиллагани эшитилди... Яна бир минутча ўтди. Ниҳоят, кимдир:

— Эшитаман, ўртоқ Ленин!— деди.

— Салом, ўртоқ! Марҳамат қилиб, конференция-

нинг кун тартибини айтиб берсангиз... Хўш... Хўш... Ким? Нима тўғрисида? Марҳамат, такрорланг! Бошқа сайёраларга учиб ҳақида дейсизми? Мен тўғри тушундимми, ўртоқ? Тўғрими? Албатта, бораман. Раҳмат. Хайр, ўртоқ!

Ленин трубкани қўйиб, анчагача ундан қўлини олмай ўтирди.

«Балки,— деб ўйларди Владимир Ильич,— буларнинг ҳаммаси эзгу хаёллардан бошқа нарса эмасдир?» Ва шу заҳотиёқ у шубҳаларини қувди: «Йўқ, йўқ...»

Совнаркомо раисининг номига жуда кўп лойиҳалар ва ихтиролар келиб турарди. Баъзан ўта хаёлий ғояларга ҳам Лениннинг сабр-тоқат билан қараши, унинг ишончи ва кўнгилчанлиги кўпчиликни ва айниқса, ўз вазифасига кўра, ихтирочилар билан шуғулланувчи одамларни ҳайрон қолдирарди.

Бироқ баъзан ишончи пуч бўлиб чиқарди... Шу йил баҳорда бир ёш коммунист техник йигит Ленинга олисдан туриб портлатиш мумкинлигини гапириб берди. У ғоясининг сирини ҳеч кимга айтишни истамади. Ленин деярли бутун йил давомида шу ихтирочи билан шуғулланди. Владимир Ильичнинг илтимоси билан Почта ва телеграф халқ комиссариати коллегиясининг аъзоси ва Радиосоветнинг раиси Николаев техник йигитга ёрдам берди.

— Ихтирочилар — галати одам бўлади, Аким Максимович, уларнинг биз тушунмайдиган галатчи томонлари бўлади. Уларга сабр-қаноат билан муомала қилиш керак,— деб Николаевнинг қулоғига қўйди Ленин.

Техникка ҳар қанча ёрдам беришса ҳам анчагача ишни юришмади. Бир неча марта Аким Максимович бу ишни йиғиштиришни таклиф қилди, аммо Ленин ишни давом эттиришни талаб қилиб туриб олди ва ишнинг юришиб кетолмаслигини ихтирочининг ўзи тан олмагунча, у билан шуғулланишда давом этди.

Лекин баъзида муваффақиятлар ҳам бўлиб турар-

ди! Нижнийда радиолaborатория дуруст ишламоқда, инженер Классонинг торф чиқариш соҳасидаги ихтироси самарали бўладиганга ўхшайди... Иш қилиб, яхши гоёни, яхши фикрни қўлдан чиқармаслик, йўқолиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Ленин иш столи ёнига қайтиб бориб, таклифномани яна бир ўқиб чиқди. Буни қарангки, тез орада Марсга учмоқчи бўлган одам, ҳақиқатан ҳам, бор экан. У шу атрофда, ён-верингда юрган экан. Ўшанда Ленин адашмапти, бу гап шунчаки қулоғига чалинган гап эмас экан.

Шу куни эрталабдан кечгача Лениннинг кайфи чоғ бўлиб юрди. Орадан бир неча соат ўтгач, ўша кутган фурсати етиб келади. Ленин ҳар доимдагидек ёзди, телефонда гаплашди, ўқиди-ю, лекин бугун, худди шу бугуноқ ўша одам билан учрашиши ҳақидаги фикр хаёлидан кетмади. Учрашув онларини сабрсизлик билан кута бошлади.

Эшикдан врачнинг таниш қиёфаси кўринди. Бу Ленин ёқтирмайдиган ва иложи борица амал қилмайдиган шарт-шароитни эсига туширди. Ленин унга конференцияга бормоқчилигини айтмай қўя қолди. Борса нима бўлибди — бунинг бирон ёмон жойи йўқ-ку!..

Аммо Ленин Москвага жўнашга муваффақ бўлмади. Самокатчи навбатдаги почтани олиб келди. Улар орасидан кечиктириб бўлмайдиган бир иш чиқиб қолди. Телефон қилиш, ўртоқлар билан маслаҳатлашиш, ёзиш керак эди... Унинг ижросини ҳам кузатиб туриш лозим... Албатта, кузатиб туриш керак... Владимир Ильич бирпасда ўзини ёмон ҳис қила бошлади: ҳорғинлик, бош оғриғи яна қўзиди...

У ерда — Москвада эса ҳаётда мавжуд бўлган одам аллақачон гапини бошлаган, нималардир деяётган бўлса керак!

Ихтирочилар губерна конференциясининг биринчи мажлиси Оқ валда ўтмоқда. Эртаси куни делегатлар секцияларга бўлиниб, ҳар хил хоналар ва хоначаларга тарқалиб кетишди. Бу хоналардан бирида сайёралараро кемаларнинг лойиҳалари ҳақидаги докладларни тингловчи секция мажлис қилмоқда.

Унча катта бўлмаган хона совуқ эди. Хонада йигирма-ўттиз чоғли одам ўтирибди. Раислик қилаётган одам қисқагина кириш сўзидан кейин, инженер Фридрих Артурович Цандерга ўз ихтироси — ер атмосфера-сидан чиқиб, бошқа сайёраларга учадиган аэроплан ҳақида доклад учун сўз берди.

Цандер президиум столининг ортидан чиқиб, унинг ёнига турди. Ўрта бўй, озғин, костюми ўхшатиб дазмолланган, кўйлагининг ёқаси крахмаллаб қотирилган. У ҳали ёш бўлса ҳам, кўринишидан анча ёшга бориб қолган деб ўйлаш мумкин: бу узлуксиз меҳнат ва оғир турмушнинг таъсири. Рангпар чеҳра, кенг пешана, крахмалланган ёқа унинг қиёфасига аллақандай таниш, тез илғаб олинадиган белгилар бахш этган. Бир кўргандаёқ унинг олимлигини билиб олиш қийин эмас эди... Лекин бир неча лаҳзадан кейин бу таассуротлар ёнига янгилари қўшилади... У ажойиб одам эди. Қалби соф, унда ғоянинг шуъласи акс этади. Афтидан, кўп асрлар муқаддам рассомлар, шу жумладан, улуғ рассомлар ҳам ифода воситаларини қидириб, роса хуноб бўлганларидан сўнг, инсондаги бу сифатни кўрсатиш учун унинг боши атрофига нурли ҳалқа чизганлари бежиз бўлмаса керак. Ҳақиқатан ҳам, шундай одамларни нуроний деса бўлади.

— Менинг сайёралараро кемам,— деб гап бошлади Цандер,— аэропландан иборат. Аэропланга юқори босимга эга бўлган авиация двигатели ўрнатилган. Двигатель суюқ кислород ёки бензин, этилен, ёхуд водород

ёрдамида ишлайди. Тажрибада уларнинг қайси бири самаралироқ чиқса, шуниси танлаб олинади. Двигатель винтларни ҳаракатга келтиради ва аэроплан Ердан учиб чиқиб кетади...

Цандер ўзининг ақл бовар қилмайдигандай туюлган ниятлари ҳақида заррача дабдабасиз, эътиқод билан оддийгина гапирарди. Гапининг замирида аниқ ҳисоб, билим, кашфиёт азоблари ва шодлиги, уйқусиз тунлар сезилиб турарди.

— Ердан тахминан йигирма саккиз чақирим кўтарилганда, — деб давом этди Цандер, — авиация двигатели ўчирилади ва бир минг беш юз килограмм тортиш кучига эга бўлган ракета мотори ишга солинади. Кейин махсус механизм ёрдамида биз аэроплан қисмларини қозонга тортиб оламиз. Улар қозонда ва кислород билан бирга жуда яхши ёнилғи материали бўлиб хизмат қилади... Ердан тахминан саксон километр баландликда аэропландан кичкина қанотли, рулли ракета, шунингдек, одамлар учун кабина қолади, холос. Ҳисобларга мувофиқ, биз Ердан учиб чиқиб, бошқа сайёраларга етиб бориш учун кифоя қиладиган етарли тезликка эга бўламиз...

«Ҳисобларга мувофиқ... бошқа сайёраларга етиб бориш учун...» Бу сўзлар соддалиги ва чинлиги билан мафтун қиларди: «Дарҳақиқат, нега учиб бориш мумкин бўлмасин?..»

Ёшлигида кечалари скамейка четига ўтириб олиб, осмонга тикилганча: «...Юлдузларга учиб борсанг қандай яхши-я!» деб ўйламаган биронта одам бўлмаса керак. Ахир, ўрмон ортидан ёки уйлар ортидан дум-думалоқ қизғиш ой сузиб чиқиб, қоп-қора осмон чарақлаган юлдузлар билан тўлганда, бу сайёраларнинг катталиги, ердан қанчалик узоқдалиги ва яна қачонлардир инсон уларга, албатта етиб бориши мумкинлиги ҳақида кимлар гаплашмаган дейсиз!

Ҳозир ихтирочилар қаршисида ана шу юлдузларга
учиб боришни хоҳловчи одам турарди.

— Бундай мураккаб ракета, — деди Цандер хотир-
жам ва аниқ, — Ер шари атрофида Ойдек айлана олиши
учун, бошланғич тезлик секундига саккиз километрга
етиши лозим, ер шаридан абадий узоқлашиб кетиши
учун тезлик секундига ўн бир бутун ўндан уч километр
бўлиши керак. Бошқа сайёрага, масалан, Марсга етиб
бориш учун эса, — деб давом этди Фридрих Артуро-
вич, — секундига ўн тўрт километр бошланғич тезлик
зарур.

Цандер ингичка қўлларини стаканга чўзиб, сувдан
бир ҳўплам ичди-да, залга қаради.

Эғнида эски пальто, шарфларга ўраниб олган, оёқ-
ларида пийма ёки обмотка, сийқаси чиққан калиш ки-
йиб олган, кўпчилиги рангпар, касалманд қиёфали бу
одамлар кимлар? Уларнинг ярми, шак-шубҳасиз, ярим
оч ҳаёт кечирипти, муздек уйларда совуққа қотяпти.
Уларни бу ерга нима тўплади?

Улар ишонишарди. Ҳозир эмас, лекин қачонлар-
дир мана шу озгин инженер айтган гаплар рўёбга чи-
қади.

Фридрих Артурович сайёралараро кемаларнинг
ернинг тортиш кучини енгиб ўтгандан кейин, бошқа
сайёраларга етиб бориши учун зарур бўлган қўшимча
тезликлар ҳисобини гапира бошлади. Қандай сайёра-
лар? Марс ва Венера. У Марсни қандай сайёра-
ларга қараганда кўпроқ тилга олди.

Цандер математик ҳисоблар билан шуғулланган
назарий қисмни тугатиб, сайёраларнинг ҳаёт шартла-
рини амалий ҳал қилиш масалаларини қўйди.

Залдагилар жонланиб кетди. Икки нафар на-
зария нима-ю, амалиёт нима эмаслигини бил-
шарди. Улар ҳаётда қобилиятли бўлишнинг
бирон ишни амалга ошира олмай қолганини
кўп кўришган.

Йўқ, Цандер қийинчиликларни заррача ҳам ҳас-
пўшламади. Сайёралараро учиб мураккаб илмий-тех-
ника масалаларини ҳал қилишни талаб этади. Улардан
бири ер атмосферасида катта тезликлар билан ҳаракат
қилишганда кема корпусини иссиқлик таъсиридан ҳи-
моя қилиш. Иккинчиси — аэронавтларнинг овқатлани-
ши. Учинчиси кабинада одамнинг яшаши учун зарур
шароитлар яратиш. Тўртинчиси... Бешинчиси...

Цандер докладни шундай тугатди:

— Ҳамма бошқа ишлардан кўра кўпроқ астроно-
мия инсониятни узоқ ва бахтли ҳаёт учун бирлашиш-
га чақиради.

Охирги жумласида у бутун ҳаётини бахш этган
эътиқодини айтди:

— Инсоният ўзининг болалик тўшасидан катта
оламга учиб чиқади. Марс сари олға!

Владимир Ильич бу ерга кела олганида, албатта,
Уэллсни эслаган бўлар ва унинг бу ерда йўқлигига аф-
сусланган бўларди. Лекин Уэллс Ленинга ишонмага-
нидек, Цандерга ҳам ишонмас эди. Ахир, Цандер би-
лан Ленин ҳамфикр-ку! Уэллс ҳозир ташвишда. Таянч
қаерда? Дунёни нима сақлаб қолади? Агар мана шу
истеъдодли одам Ленин, Цандер ва янги Россиянинг
ҳамма онгли граждандари ишонган нарсага ишона
олганида, унинг ўзига қанчалик енгил бўларди! У ин-
соният истиқболини жуда аниқ ва тўғри кўрган бў-
ларди.

Граждандар уруши тугади, деса бўлади... Ташқи
душманлар деярли тор-мор қилинди. Бунинг учун оз-
мунча куч-қувват сарфландими? Энди енгини шимариб,
қуришга, яратишга киришиш керак. Битталаб гишт
териб, фабрика ва заводлар, электростанциялар ва
шахталар, мактаблар ва касалхоналар, клублар ва
санаториялар барпо этиш лозим. Муддат беринг — ин-
соният ҳақиқатан ҳам «Марс сари олға» йўл
олади!

Кейинчалик Фридрих Артурович Цандер шу куни кечаси билан мижджа қоқмай чиққанини тан олди. У туни билан кичкина хонасида у ёқдан-бу ёққа юриб чиқди. Қуйилиб келган куч ва илҳомдан ҳам улугроқ нарса деворларни кўтариб ташлагандек туюларди. У хона бўйлаб ҳаяжон ичида юрар экан, эски ямоқли ботинка кийган оёқлари билан катта-кичик сайёраларни, юлдузларни, қуёшдан миллион-миллион марталаб катта оламларни, системаларни, номаълум галактикаларни қадамлаб чиқаётгандай эди. Уларнинг ҳозирча номи йўқ, чунки ҳали уларнинг мавжудлигини ҳеч ким билмайди.

Эски ботинкалар уладаси чиққан чувакка ўхшайди — уларни сезмайсан... Фридрих Артурович енгил қадам ташлайди. Соат икки бўлди, уч, тўрт...

У болалигиданоқ қоронғи ва узун қиш кечалари дераза олдида туриб, юлдузларга тикилишни яхши кўрарди... Касби врач бўлган, табиатшуносликни яхши кўрадиган отаси болаларига юлдузлар ва сайёралар ҳақида, уларда ҳар хил ажойиб-ғаройиб қиёфадаги махлуқлар яшаши мумкинлиги тўғрисида гапириб берарди... Ўша жойларга бир учиб борилса, саз бўларди-да! Бироқ кунлардан бирида кичкина Фридрихга ҳозирча сайёраларга учиб бориб бўлмаслигини айтишди, бола аламидан йиғлаб юборди...

1908 йилда Фридрих Артурович олтмиш мартадан уч юз мартагача катта қилиб кўрсатадиган астрономик дурбин сотиб олганда, уни чорлаган сирли сайёралар дунёси ва тасаввурга бўй бермайдиган чексиз фазовий олам бирдан яқин бўлиб қолди. Бироқ у ҳамон жудажуда олис эди. Циолковскийнинг аввал ўқиб чиққани «Олам фазоларини реактив асбоблар билан тадқиқ қилиш» деган мақоласи шу сайёраларга олиб борадиган йўлни аниқ кўрсатарди...

Соат беш ҳам бўлди...

Фридрих Артурович хона бўйлаб одимлар экан, хаёлида пайдо бўлган қадрдон одам сиймосини чўчи-тиб юборишдан қўрққандек, эҳтиёткорлик билан Ленин ҳақида ўйларди. Цандерга Владимир Ильич конференцияга келиши мумкин деб айтишган эди.

Ана, докладдан сўнг танаффус вақтида унинг ёни-га Ленин келди... Албатта, бундай бўлиши мумкин эмас... Бироқ у келиб қолса-чи?

Ленин унинг ёнига келиб танишди ва жиддий сў-ради:

«Хўш, нега энди, албатта, Марс? Марсга учиш... Ҳисоб-китоблар нега Марсга қилинган?..»

У жавоб беради:

«Эҳтимол, бу жиддий эмасдир, Владимир Ильич, ле-кин болаликдан бери орзум шу. Умуман айтганда эса, Марс бизнинг энг яқин қўшнимиз...»

Лекин у бундан қаноат ҳосил қилмайди. Шунда Цандер яна бир муҳим далил келтиради:

«Бунинг устига, Владимир Ильич, Марс — қизил юлдуз. Қизил юлдуз эса мамлакатимиз ва армиямиз-нинг рамзи демакдир».

Ленин «бу гапинг маъқул» дегандай жилмаяди. Бундан ташқари у, албатта, сўрайди:

«Фридрих Артурович, биринчи учишлар одамлар-нинг ҳаёти учун хавфли бўлиши мумкиндир-а?»

«Ҳа, Владимир Ильич, хавф бор...»

Ленин унинг гапини баҳолагандай, синчиклаб қа-райди-да, энг муҳим саволини беради:

«Сиз биринчи бўлиб учармидингиз?»

«Бошқача бўлишини хаёлимга келтиролмайман ҳам, Владимир Ильич!»

...Дераза ортида тонг отмоқда. Одамлар ишга ошиқ-моқда... Хона ичи совуқ. Фридрих Артурович юришдан тўхтади: дарҳол ўтин ташвишини қилиш керак, ҳеч

бўлмаса уч-тўрт палён ўтин топиш керак. Қуруқ қайин бўлса, кўп соз бўларди...

Терак ўтинининг қўри йўқ...

29. ҲАМИША НУР САРИ

Кечқурун ишларини бажариб бўлиб, Владимир Ильич бир маҳал ёз тунида қилганидай, чой қайнатиб, стол ёнига ўтирди. Лекин бу сафар ташқарида ёмғир йўқ эди, ҳеч нарса томни тарақлатмас, дарахтларнинг шох-шаббалари ҳам вазмин чайқалаётгани йўқ. Қиш! Деразаларни қалин қиров босган. Деразадан совуқ уфиради...

Владимир Ильич Советларнинг VIII съездига қандай борганини, Троицк дарвозасидан Большой театр-гача сон-саноқсиз қор уюмлари орасидан машина не-чоғлиқ қийналиб ўтганини, кейин съезд президиумида қандай ўтирганини эслади...

Кржижановский Россияни электрлаштириш ҳақида доклад қилмоқда.

Оғирликни Москва кўтарди — шаҳар деярли чироқ-сиз қолган эди. Бутун электр қуввати Большой театр саҳнасига ўрнатилган — Россияни электрлаштириш харитасини ёритишга сарф бўлди.

Ленин кафтини иягига тираганича нотиқни тинг-лаб ўтириб, залга қарарди. Зал ним қоронғи, лампочка-лар хира ёнар, унинг шуъласида зарҳал нақшлар, ложаларнинг қизил духобаси туссиз товланарди. Юз-лаб кўзлар саҳнага тикилган. Ленин биринчи қаторда ўтирганлар ишчилар, деҳқонлар, собиқ солдатлар эка-нини пайқади. Аммо унинг нигоҳини қалпоқ кийиб олган ёшгина солдат кўпроқ жалб қилди. Негадир Ленинга бу йигит жуда олисдан, йигирмата хўжали-гида атиги бешта оти бор, йўлсизлик, синиқ кўприклар ҳафта эмас, ойлар давомида оламдан ажратиб қўяди-

ган, газета бетини кам кўрадиган, қишда керосин йўқлигидан соат тўртдаёқ ўзини кўрпага урадиган қишлоқдан келгандай туюлди.

Бу ёш деҳқон («Деҳқонлиги кўриниб турибди!») қопини зарҳал нақшлари ялтираб турган креслонинг суянчигига илиб қўйиб, жон қулоғи билан Кржижановскийнинг гапини тинглаяпти. Ленин бошқаларга назар ташлади: «Тушунарлими? Етиб боряптими?». Докладда ҳамма нарса етарли даражада аниқ ва тушунарли эди. Ленинга Россияни электрлаштириш плани устида ишлаётганда, мутахассислар билан, Глеб Максимилианович билан учрашувларида, мунозаралар, мажлислар, планнинг душманлари билан шиддатли курашлар вақтида қўлида қурол билан янги ҳаёт қуриш ҳуқуқини қозонган ана шу ёш деҳқонни назарда тутгандай кўринди. «Ҳа, ҳа, худди мана шу ёш деҳқонни!» Шундай деб ўйлаб, Владимир Ильич резолюцияни ёза бошлади:

«Съезд ЦИКка, Совнаркомга, Меҳнат ва Мудофаа кенгашига ва ВСНХ Президиумига, шунингдек, бошқа наркоматларга планни ишлаб чиқишни ниҳоясига етказишни ва тасдиқлашни, бунини жуда қисқа муддатда қилишни топширади».

Ленин ёзганига кўз югуртириб, баъзи жойларини тузатди-да, яна бошини кўтарди. Ёш деҳқон йигит ҳамон диққат билан Кржижановскийнинг гапини тингламоқда эди.

Глеб Максимилианович аввалги Россия электр қуввати жиҳатидан илғор капиталистик мамлакатлардан нечоғлиқ орқада қолганини гапириб бўлиб, Совет Россиясини электрлаштириш истиқболларига ишонча билан жонланиб кетди.

— Дастлаб, — деб давом этди Глеб Максимилианович, — Россияни электрлаштириш комиссияси йиғилишда етти та станция қуришни белгилади. Бу станциялар шундай жойларда қуриладики, улар деярли бутун Рос-

сияни битта яхлит электр тармоғига бирлаштиришга имкон боради...

Залдаги жонланиш дақиқа сайин авж олди, ғовур кучайди. Ёш деҳқон йигит («Албатта, олис волостдан!») бир нима деб қичқирди. Ленинга «Визга ҳам нур боради!» дегандай эшитилди.

«Шу йигит қичқирдимикин? — деб ўйлади Ленин. — Өхтимол, бошқа одамдир! Балки бошқа нарсани айтиб қичқиргандир?»

Лениннинг бутун ҳаёти халқ билан бирга олға интилишдан иборат эди. У бошқаларга қараганда анча илгарилаб кетиб қолиши мумкин эди. Кўпинча шундай бўларди ҳам. Лекин эртами-кечми, барибир, қолганлар унга етиб оларди. Бўлмаса, олға боришнинг нима маъноси қолади?

У неча марталаб, олисда зулмат қўйнида зўр-базўр липиллаб турган нурни кўриб, шунга интилган. Йўл эса хатарли. Унинг ҳар қадамида ҳалокатли хавфлар, бир ёнида унгуллар, бир ёнида жаҳаннам... Баъзан нур шу қадар заиф бўлардики, аслида у борми-йўқми, деб шубҳаланарди, киши. Бироқ бирон одамдан текшириб билиб олиб бўлмасди. Аксинча, текшириш у ёқда турсин, кўпинча нур олдинда эканини исбот қилишга тўғри келарди. Бошқа жойда эмас, олдинда! У олға интиларди-ю, мақсадига етиб борарди.

«Визга ҳам нур боради!» Яхши! Ленин шунчалар ўйлаган гоя рўёбга чиқяпти.

Владимир Ильич яна резолюцияни қоралаётган саҳифалар устига эгилди:

«Съезд ишонч билдирадиги, ҳамма совет ташкилотлари, ҳамма Совдеплар, ҳамма ишчилар ва ҳамма меҳнаткаш деҳқонлар («Олис волостдан келган мана шу деҳқон йигит ҳам, албатта!») ҳеч нарсага қарамай, ҳеч қандай тўсиқларни назар-писанд қилмай, Россияни электрлаштириш планини рўёбга чиқариш учун барча

кучларини сафарбар қиладилар ва ҳеч қандай қийинчиликлар қаршисида тўхтамайдилар».

Кржижановский доклад қилишда давом этарди. Унинг таниш овози илҳом билан жаранглаб, гира-шира баҳайбат залга ёриб кириб бормоқда эди. Бир вақтлар улар Глеб билан бирга сургунда қўшиқ айтишганди... ўшанда уларнинг астойдил ишонч ва илҳом тўла овози Енисей устида жаранглаган эди...

Владимир Ильич боя «Бизга ҳам нур боради» деб қичқирган деҳқон йигитга яна қаради. Балки, ҳақиқатан ҳам, унинг қулоғига шундай чалингандир? Йўқ, янглишиши мумкин эмас: шундай дегани аниқ, худди шундай деди!

...Ўрмонларда қаҳратон совуқ ҳукмрон. Далаларни қор қоплаган. Шаҳарлар, қишлоқлар уйқуда... Вақт қайтмас бўлиб ўтиб кетмоқда, лекин зоҳиран жуда кам нарса ўзгарган бўлса-да, вақт бекорга ўтгани йўқ. Синчиклаб қараса — ҳаёт бошқачароқ бўлиб қолди: қатъий қадам қўйилди ва мамлакат янги йўлга бурилди. Олис волостдан келган ёш деҳқон йигит аллақачон уйига етиб олган. Албатта, у ҳозир ҳам қора чироқ ёқиб, фақат картошка еб яшаяпти. У ҳали ҳам чориқ кийиб юрипти. Лекин унинг фикри-зикри бошқа, ҳаёти бошқача...

МУНДАРИЖА

Россия, йигирманчи йил	3
Далалар, ўрмонлар, қўйнида	10
Вазифа	17
Меҳнат ва ташвишлар ичида	20
Мажлисдан сўнг	35
Харита	40
Шатура	53
Таъриғининг давоми	60
Учрашув	64
Бутхона ёнида	69
Учрашувнинг давоми	71
Қора кресло	78
Дарё бўйидаги кўчада	80
Хавфли рақиб	86
Тайницк хиёбони	96
Номаълум куч	100
Москва кўчалари бўйлаб	111
Кржижановский ҳузурида	117
Кашино қишлоғи	121
Успенск черкови	138
Инсон ташвишлари	145
«Миннатдорлик билан»	163

Қиш куни	165
Қувноқ одамлар	172
Съездда	180
Қўп куннинг воқеалари	188
Моссоветда	198
Фридрих Пандер	200
Ҳамиша нур сари	202

На узбекском языке

АНТОНОВ СЕРГЕЙ ФЕДОРОВИЧ

ОГОНЕК ВДАЛЕКЕ

ПОВЕСТЬ

Перевод с издания издательства «Московский рабочий», 1970

Редактор А. Толипов
Рассом В. Слабунов
Расмлар редактори И. Кириакиди
Техн. редактор Б. Шамс
Корректор Ш. Собирова

Босмакхонага берилди 21/IX-74 й. Босишга рухсат этилди 6/II-74 й. Формати 70×108¹/₃₂. Босма л. 6,5. Шартли босма л. 9,1. Намр л. 9,15. Тиражи 60 000. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 76-72.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва кўтоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № 3 қўғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1974 йил, заказ № 1917, Ваҳоси 39 т.